№2 (13)
Апрель-Июнь
2021

ISSN 2181-0567
ISSN 2181-1830

# IQTISODIYOT: TAHLILLAR VA PROGNOZLAR

## ЭКОНОМИКА: АНАЛИЗЫ И ПРОГНОЗЫ

## ECONOMY: ANALYSIS AND FORECASTS

«Бугунги мураккаб шароитда юртимизда бошланган кенг қамровли ислоҳотлар, янги Ўзбекистонни барпо этиш сари ташлаётган дадил қадамларимизнинг бардавом бўлишини таъминлаш энг асосий вазифамиз бўлиши шарт».

**Ш.МИРЗИЁЕВ**




ISSN 2181-0567
9 772181 056008

Журнал Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги билан ҳамкорликда нашр этилмоқда



«ЖАМИЯТ ҲАЁТИНИНГ ТАНАСИ ИҚТИСОДИЁТ БЎЛСА, УНИНГ ЖОНИ ВА РУҲИ МАЪНАВИЯТДИР»

«ВАЗИРЛАР, РАҲБАРЛАР ФАҚАТ КАБИНЕТДА ЭМАС, ҲУДУДЛАРДА, УЗОҚ ҚИШЛОҚЛАРДА ҲАМ ИШЛАШИ ЗАРУР»

«ФЕРМЕРНИНГ ДАРОМАДИ КЎПАЙСА, ИЛМГА ЭЪТИБОР ҚИЛАДИ»

# IQTISODIYOT:
## TAHLILLAR VA PROGNOZLAR

**ЭКОНОМИКА:**
**АНАЛИЗЫ И ПРОГНОЗЫ**

**ECONOMY:**
**ANALYSIS AND FORECASTS**

№ 2 (13)
Апрель-июнь, 2021 йил

**ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:**

**Ж.Кўчқоров** – Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазири, таҳрир ҳайъати раиси

**И.Норқулов** – Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирининг биринчи ўринбосари, таҳрир ҳайъати раиси ўринбосари

**У. Абидхаджаев,** и.ф.д., – Прогнозлаштириш ва макроиқтисодий тадқиқотлар институти директори

**З. Халдаров,** PhD – Прогнозлаштириш ва макроиқтисодий тадқиқотлар институти директори ўринбосари

**Т.Ахмедов,** и.ф.д., проф. – Прогнозлаштириш ва макроиқтисодий тадқиқотлар институти директори ўринбосари – Илмий марказ директори

**О.Олимжонов,** и.ф.д., проф. – Прогнозлаштириш ва макроиқтисодий тадқиқотлар институти бўлим бошлиғи

**Д.Курбанова,** и.ф.н., доц. – Прогнозлаштириш ва макроиқтисодий тадқиқотлар институти илмий котиби

**С.Чепель,** и.ф.д. – Прогнозлаштириш ва макроиқтисодий тадқиқотлар институти бош илмий ходими

**Р.Хасанов,** и.ф.д., проф. – Прогнозлаштириш ва макроиқтисодий тадқиқотлар институти лойиҳа раҳбари

**Д.Каримова,** и.ф.д., проф. – Прогнозлаштириш ва макроиқтисодий тадқиқотлар институти лойиҳа раҳбари

**Н.Расулов,** и.ф.н., доц. – Прогнозлаштириш ва макроиқтисодий тадқиқотлар институти бош илмий ходими

**Н.Ибрагимова,** PhD., доц. – Прогнозлаштириш ва макроиқтисодий тадқиқотлар институти лойиҳа раҳбари

**Ё.Файзуллаев,** и.ф.н. – Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги бўлим бошлиғи

**ТАҲРИРИЯТ:**

Бош муҳаррир – **О. Олимжонов**

Масъул муҳаррир – **А. Юлдашев**

Техник муҳаррир – **И. Одашев**

Компьютер графикаси дизайнери – **И. Саидов**

Нашр учун масъул – **Н. Примов**

**Журнал Олий аттестация комиссияси докторлик диссертацияларининг асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрлар ва Россия Федерациясининг Илмий иқтибос индекси (РИНЦ) рўйхатига киритилган.**

Журнал Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 2021 йил 22 апрельда 1043-сонли гувоҳнома бўйича рўйхатга олинган.

Босма ISSN 2181-0567; Электрон ISSN 2181-1830.
Формат 84/60, 1/8, 17 б.т.
Чоп этишга 30.06.2021 йилда рухсат этилди.

Журналнинг «Matbuot tarqatuvchi» АК обуна каталогидаги индекси – 1360.
Журнал уч ойда бир марта чоп этилади. Баҳоси келишилган нархда.

«Iqtisodiyot: tahlillar va prognozlar» журналидан кўчириб босиш фақат таҳририятнинг ёзма розилиги билан амалга оширилади.
Таҳририят фикри муаллифлар фикрига мос келмаслиги мумкин.
Мақоладаги далилларнинг ҳаққонийлигига муаллифлар шахсан масъул ҳисобланади.
Тақдим қилинган мақолалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

**Таҳририят манзили:**

100000, Тошкент ш., Навоий кўчаси, 30. Тел.: (+998 71) 244-01-77. **E-mail:** info@ifmr.uz

Тарқатиш бўлими телефони: (+998 71) 244-01-77

# Мундарижа / Содержание / Contents

**Муҳаррир минбари /**
**Трибуна редактора /**
**Tribune of the editor**

**Мақолалар савиясини ошириш ҳақида айрим мулоҳазалар....................................................4**

**Макроиқтисодиёт ва прогнозлаштириш /**
**Макроэкономика и прогнозирование /**
**Macroeconomics and forecasting**

*Abdujabbor ABDULLAYEV, Lola KADIROVA.* **Oliy ta'lim muassasalari bitiruvchilari ishga joylashtirishini prognozlashda va boshqarishda innovatsion yondashuv............................................6**
*Мэлс РАШИДОВ.* **Минтақаларда эркин иқтисодий зоналар фаолиятини такомиллаштиришнинг долзарблиги...........................................................................................13**
*Bekhzod MADJIDOV, Nurbek OMONOV.* **Twin Deficit Hypothesis: An Empirical Study in Uzbekistan.....22**

**Саноат, аграр ва ҳудудий иқтисодиёт /**
**Промышленность, сельское хозяйство и региональная экономика /**
**Industry, agriculturel and regional economy**

*Рустам ХАСАНОВ.* **Ўзбекистонда томорқа хўжалиги имкониятларидан кенг фойдаланишнинг ўрни ва аҳамияти..............................................................................................28**
*Алишер СИДДИКОВ.* **Миллий ҳисоблар тизимининг "ялпи жамғарма – ялпи жамғариш" макронисбатлари таҳлили..................................................................................................33**
*Камолиддин СИРОЖИДДИНОВ.* **Мева-сабзавот экспортини ривожлантириш масалалари....41**
*Элнора-хан ЯКУБОВА.* **Концептуальные основы диверсификации промышленности региона (на примере Ташкентской области)....................................................................................47**
*Шерзодбек ОТАБОЕВ.* **Ҳудудий ривожланиш: фойдаланилган дастаклар, натижалар, таҳлиллар ва устувор йўналишлар...........................................................................55**

**Хизмат кўрсатиш, логистика ва инфратузилма /**
**Сервис, логистика и инфраструктура /**
**Service, logistics and infrastructure**

*Binoy Joy KATTADIYIL, Bakhtiyor ISLAMOV.* **Insolvency and Bankruptcy Code, a Need of the Hour.........................................................................................................60**
*Нилуфар ШАРИПОВА.* **Ўзбекистонда молиявий хизматларнинг оммабоплиги ва сифатини ошириш.................................................................................................................69**
*Ботир АБДУЛЛАЕВ.* **Выявление и оценка спроса на отрасли сферы услуг (на примере махаллей города Ташкента)..................................................................................74**
*Акмал КАМАЛОВ.* **Транспорт тизимларининг иқтисодиётини индикатив бошқаришнинг комбинациялашган услублари...............................................................................81**

*Найля ИБРАГИМОВА, Нурбек ЯКУБОВ.* **Повышение роли туризма как точку роста национальнойэкономики..........88**
*Музаффар КАРИМОВ.* **Озиқ-овқат саноати корхоналарида инновацион фаолиятни ривожлантиришнинг ташкилий-иқтисодий механизмлари..........94**
*Зафаржон РАХМАНОВ, Фахритдин ДАМИНОВ.* **Тижорат банклари фаолиятининг стратегик самарадорлигини таъминлаш масалалари..........100**
*Шахноза ЛАТИПОВА.* **Молиявий таҳлил асосида лизингга олувчи фаолиятини баҳолашнинг ўзига хос хусусиятлари..........109**

**Инвестиция, рақамли ва инновацион технологиялар /**
**Инвестиции, цифровые и инновационные технологии /**
**Investment, Digital and Innovative Technologies**

*Музафар КАРИМОВ.* **Укрепление гарантий защиты прав и интересов инвесторов..........122**
*Иножон КАРИМОВ.* **Қурилиш соҳасига инвестицион лойиҳаларни жалб этиш ва уларнинг самарадорлигини ошириш..........127**
*Севара БАБАНАЗАРОВА.* **Рақамли таълимни шакллантиришнинг объектив зарурлиги ва уни жорий қилишнинг ташкилий-иқтисодий механизмлари..........135**
*Баходир ХУСАНОВ.* **Таълим ва соғлиқни сақлаш соҳаларида давлат ижтимоий хизматларининг молиявий таъминотини янада кучайтириш муаммолари..........142**
*Дилфуза ИСРАИЛОВА.* **Меҳнат мигрантлари пул ўтказмаларининг мамлакат иқтисодиётига таъсири..........152**

**Ижтимоий масалалар, фан, таълим ва камбағалликни қисқартириш /**
**Социальные вопросы, наука, образование и сокращение бедности /**
**Science, education poverty reduction, and Social issues**

*Дилдора КАРИМОВА.* **Портрет бедных семей: региональные аспекты..........158**
*Bunyod KARIMOV.* **Kichik biznesni rivojlantirishga qaratilgan institutsional islohotlar ko'lami....164**
*Шермирза САИДБОЕВ, Дилфуза ЗУЛФИҚАРОВА.* **Хотин-қизларнинг меҳнат ва тадбиркорлик фаоллигини тўлиқ амалга оширишнинг концептуал асослари..........171**
*Гузал АЛИМОВА.* **Ўзбекистонда камбағалликнинг миллий мезонини шакллантириш: ўзига хос хусусиятлар, мавжуд тажриба..........177**
*Акбар МАХМУДОВ.* **Олий таълим муассасаларида молиявий ресурсларни бошқаришга оид айрим назарий ёндашувлар..........181**
*Шоирахон НУРДИНОВА.* **Миграциянинг феминизациялашуви: Туркиядаги ўзбек мигрантлар..........187**

**Аждодларимиз иқтисодий тафаккури /**
**Экономическое мышление наших предков /**
**The economic thinking of our ancestors**

*Одил ОЛИМЖОНОВ.* **Бобурийлар солиқ сиёсатининг мазмуни ва аҳамияти..........195**

МУҲАРРИР МИНБАРИ

# Мақолалар савиясини ошириш ҳақида айрим мулоҳазалар

**“Iqtisodiyot: tahlillar va prognozlar” журнали 2019 йилдан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси докторлик диссертацияларининг асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрлар рўйхатига киритилган бўлиб, 2021 йил эса журнални Россия Федерациясининг Илмий иқтибос индекси (РИНЦ)га киритишга муваффақ бўлдик.**

Айни пайтда журнални жаҳоннинг рейтинги юқори илмий журналлари рўйхатларига киритиш устида тегишли тайёргарлик ишларини олиб боряпмиз. Бунинг учун журналимизда чоп этиладиган мақолаларни рейтинги юқори бўлган хорижий журналлар талабларига мувофиқ мазмун ва шаклда тайёрланиши талаб этилади. Шу боисдан журналнинг 2021 йил 1-сонида шундай мақолаларга қўйиладиган талабларни сизларнинг ихтиёрингизга ҳавола этдик. Журналга келаётган мақолаларда айрим муаллифлар мазкур талабларга риоя этмаётганлиги учун мазкур талабларни яна бир бор қисқача шаклда эътиборингизга ҳавола этамиз.

**Мақоланинг мазмунига қўйиладиган талаблар.** У илмий ва амалий нуктаи назардан долзарб бўлиши, мавзунинг ёки унинг очиб берилишининг янгилиги, матн аниқ ва равон баён этилиши лозим. Мақолада мавзу ёки муаммо бўйича чуқур таҳлил қилиш, бу борада йўл қўйилган хато ва камчиликларни аниқ кўрсатиб бериш, муаммони бартараф этиш бўйича асосланган хулоса ва таклифлар тайёрлаш тавсия этилади. Унда илмий янгилик албатта бўлиши ёки мавжуд муаммони ҳал этиш бўйича муаллиф янгича ёндашувлардан фойдаланиши мақсадга мувофиқ.

Мақолани баён этиш шакли ҳам айнан жаҳоннинг нуфузли илмий журналлари талабларига мос келиши керак. Аннотация ва калит сўзларни ўзбек, рус ва инглиз тилларида тайёрлашдан мақсад ҳам хорижий олимларнинг журналимиз мундарижасига кириб, мақолаларнинг аннотациялари билан танишиш орқали ўзларига қизиқарли мақолаларни ажратиб олишлари учун жорий этилмоқда. Демак, хорижлик олим журналимиз сайтига кириб, танлаб олган мақоласи билан танишиш имкониятини яратиш устида ишлаяпмиз.

**Шу боис мақолалар шакли қуйидаги шартларга жавоб бериши лозим:**

*1. Мақоланинг матни Word 2013 версиясида тайёрланиши.*

*2. Шрифт – Times New Roman, 14 шрифт кегели (ўлчами) бўлиши.*

*3. Сатрлар орасидаги масофа 1,5 интервал бўлиши.*

*4. Мақоланинг тузилиши қуйидагича бўлиши керак: аннотация (50 тагача сўз), калит сўзлар (20 тагача) ўзбек, рус, инглиз тилларида), кириш, асосий қисм, хулоса ва таклифлар, фойдаланилган манба ва адабиётлар.*

*5. Манба ва адабиётлар мақоланинг охирида берилади, улар алифбо бўйича эмас, матн ичида келтирилган тартиби бўйича кўрсатилиши керак.*

*6. Мақоланинг ҳажми 15 бетгача, А4 форматида берилади.*

*7. Мақола номи, муаллиф(лар)нинг исм-шарифи, иш жойи ва лавозими, илмий даражаси ва унвони уч тилда (ўзбек, рус, инглиз тилларида) берилиши, мобиль телефон, электрон почта манзили кўрсатилиши керак.*

*8. Универсал ўнталик классификация (УЎК) рақами таҳририят томонидан қўйилади.*

*9. Мақолаларни* ***E-mail: info@ifmr.uz*** *электрон почта орқали ҳам юбориш мумкин.*

*10. Мақолалар махсус дастур орқали кўчирмакашликка қарши текширилади. Матннинг оригиналлиги 80 % дан кам бўлган мақолалар қабул қилинмайди.*

**Журнал таҳририятига келаётган мақолаларнинг баъзиларида қуйидаги хато ва камчиликлар учраяпти:**

*1. Хориждаги олимлар мақоланинг аннотациясига қараб, унинг ўзларига керак ёки керак эмаслигини баҳолашади. Демак, аннотацияни ёзишга жуда катта эътибор беришимиз лозим. Айрим мақолаларда эса мавзу бўйича Ўзбекистондаги ҳолатни баён этишяпти. Бу нотўғри. Бунинг хорижлик олимга қизиғи йўқ. Аслида аннотацияда мақоланинг қисқача мазмуни ифодаланиши керак.*

*2. Баъзи мақолаларда хулоса ва таклифлар аниқ ва лўнда ифодаланмаяпти. Умумий гаплардан иборат хулоса, етарли асосланмаган таклифлар учраяпти. Бу эса мақоланинг савиясини тушириб юборяпти.*

*3. Мақолани баён этиш даражаси жуда жўн, бир-бирига зид фикрлардан иборат бўлиш ҳолатлари ҳам бор. Мақола илмий экан, уни илмий услуб ва даражада ёзишга ҳаракат қилмоқ мақсадга мувофиқ.*

*4. Бошқа тиллардаги маълумотлар ўзбек тилига таржима қилинганда Ўзбекистонда қабул қилинган иқти-*

*содий терминлардан фойдаланиш тўғри бўлади. Бошқа тиллардаги маълумотлар ўзбек тилига таржима қилинганда, ўзбек тилида гап тузишнинг морфология ва синтаксис қоидаларига амал қилиниши зарур.*

*5. Баъзи мақолаларда "Кириш", "Асосий қисм", "Хулоса ва таклифлар" иборалари қора рангда ажратиб кўрсатилмаган.*

*6. Айрим мақолаларда гап тузишда тиниш белгиларидан фойдаланиш талабга жавоб бермайди. Масалан (дефис) - ёки (тире) – ишлатишда хатоларга йўл қўйилади: дефис (-) жуфт ва такрорий сўзларда, сўз ва унга қўшиладиган унсурлар ўртасида (узоқ-яқин, аста-секин, кула-кула, айтдим-ку) ҳамда бўғин кўчиришда ишлатилади. (–) Тире содда ва қўшма гаплар таркибида қўлланиб, қуйидаги вазифаларни бажаради: а) гапларни, гап бўлакларини ажратади; б) гаплар, гап бўлаклари ва айрим синтактик тузилмаларни чегаралайди; в) турли хил мақсадлар – эмоционал – экспрессив ҳолатларни ифодалайди; г) тушириб қолдирилган айрим бўлаклар ўрнини қоплайди (Яхшидан от қолар, ёмондан – дод). Грамматик ва интонацион жиҳатдан мустақил гап бўлаклари ҳар икки томондан тире билан ажратилади. Бунда ажратилган бўлакнинг ҳар икки томонидан қисқа пауза бўлади (Тоғаларим – Эгамберди ва Раҳимберди – мени бир-бир қучоқлаб, ишга бериладилар. – Ойбек). Т. икки ёки ундан ортиқ атоқли отнинг бирикувидан тузилиб, бирон ташкилот, муассаса, таълимот, нарса, ҳодисалар номини англатувчи сўзлар орасида (Карпов – Каспаров матчи, Бойль – Мариотт қонуни), шунингдек, макон, замон ва миқдор чегарасини билдирувчи икки ёки ундан ортиқ сўзлар (рақамлар) орасида ҳам (30 – 40 йиллар, XIX – XX асрлар) қўлланади.*

*7. Айрим ҳолларда муаллифлар жадвал, диаграмма, расмларни мазмунига мослаб ном қўйишмаяпти.*

*8. "–Ни" ва "–нинг" қўшимчаларидан муаллифларнинг катта қисми нотўғри фойдаланишмоқда. Мисол. "Ўзбекистонни иқтисодий сиёсати" деб ёзиш нотўғри, у "Ўзбекистоннинг иқтисодий сиёсати" шаклида ёзилиши керак.*

*9. Ишлатилган рақам ва маълумотлар манбаларини юзаки ва нотўғри кўрсатиш аломатлари учрайди. Мақолада фойдаланилган рақам ва маълумотларнинг олинган манбалари аниқ кўрсатилиши керак. Масалан, "Манба: Жадвал Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси "Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий-иқтисодий ҳолати" статистик тўплами. 2016 йил январь-декабрь". Тошкент, 2017 йил. 96-121 бб." ва айнан шу тўпламларнинг 2017-2020 йилги маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилди".*

*Маълумот китоб, журнал ёки диссертациядан олинган бўлса, унинг варақлари ҳам кўрсатилиши керак (Рашидов М.К. "Эркин иқтисодий зона ташкил қилишнинг ҳуқуқий таъминоти таҳлили. //Сервис" илмий – амалий журнал. – Тошкент, 2019. № 2. 143 –146-б.).*

Ана шундай хато ва камчиликларга йўқ қўйилмасдан тайёрланган мақолаларнинг савияси юқори бўлади ва у муаллифлар рейтингининг ошишига хизмат қилади.

**Сизларга чуқур ҳурмат билан,**
**журнал бош муҳаррири** **Одил ОЛИМЖОНОВ**

**Макроиқтисодиёт ва прогнозлаштириш / Макроэкономика и прогнозирование / Macroeconomics and forecasting**

**УЎК: 65.330.004.4**

**Abdujabbor ABDULLAYEV,**
*iqtisodiyot fanlari doktori,*
*TATU Farg'ona filiali professori,*
**Lola KADIROVA,**
*Andijon davlat universiteti katta o'qituvchisi,*
**E-mail:** lola_temur@mail.ru

# Oliy ta'lim muassasalari bitiruvchilarini ishga joylashtirishni prognozlashda va boshqarishda innovatsion yondashuv

**KIRISH**

Oliy ta'lim muassasasining eng muhim mezonlaridan biri uning bitiruvchilarini ishga joylashtirishga bo'lgan qiziqishi bo'lib, ular mustaqil davlatlar hamkorligining aksariyat universitetlarida kuzatilishi mumkin bo'lgan va yechimini kutayotgan muammo bo'lib qolmoqda. Ta'lim bozori va mehnat bozori faoliyatlari o'rtasidagi munosabatlarni muvofiqlashtirishga tizimli tahlil usullarini qo'llash deyarli hech qanday raqobatchi bo'lmagan bir qator noyob kasblarni aniqlash imkonini beradi. Bu STEAM (science, technology, engineering, art, mathematics) ya'ni qiziqarli loyihalar, grantlar, mukofotlar taqdim etiladigan mutaxassisliklardir. Ishsizlik darajasi yuqori bo'lsa-da, STEAM-sektorida vakant ish o'rinlarining ortiqchaligi hali ham mavjud. Ko'rsatilgan quyidagi diagrammada (1.1-rasm) AQShda bitiruvchilarga bo'lgan talab bo'yicha ta'lim bozorining yetakchilari ko'rsatilgan [1], [3].

Halqaro ekspertlarning tadqiqotlari natijalariga ko'ra, gumanitar ta'lim - aql iqtisodiyoti («brain economy») – zamonaviy iqtisodiyotni rivojlantirishning asosiy manbaidir. Tanqidiy fikrlash, muloqot, hissiy aql, yetakchilik qobiliyatlari – bularning barchasi gumanitar soha vakillariga xos bo'lgan jixatlardir. Eng istiqbolli biznes kasb-hunarlariga kelsak, AQSh mehnat statistikasi ma'lumotlariga ko'ra bular biznes tahlilchilari, marketing menejerlari, buxgalterlar, moliyaviy maslahatchilar, logistiklar, sug'urta agentlari va kredit mutaxassislari hisoblanadi. AQShning STEM-ta'limni qo'llab quvvatlaydigan «Chapde The Equation» [3] tadqiqotiga ko'ra, har bir ishsiz qolgan texnika sohasidagi mutaxassis uchun ikkita vacant bo'sh ish o'rni mavjud.




**1-rasm. AQShda bitiruvchilarga bo'lgan talab bo'yicha ta'lim bozori liderlari (ma'lumotlar asosida tayorlangan)**

AQShda bakalavriat ta'lim darajasi olingandan keyin sizga mutaxassisligingis bo'yicha amaliyotni Practical Training (PT) ning granti asosida olish imkoniyati beriladi va aslida - ta'lim viza asosida

ishlash imkoniyatiga ega bo’lasiz. AQShning boshqa mamlakatlardan farqi eng yaxshi mutaxassislarni ish bilan ta’minlash, raqobatbardoshlikga bardosh berish va "aql" oqimini o’ziga jalb qilishga imkon beradi. Aholi jon boshiga tug'ilish darajasi 1.9 dan ortiq bo'lmaganligi sababli Kanada, Germaniya, Niderlandiya va Shvetsiya ish beruvchilari migrantlar va ularning farzandlariga muhtojdir. 2013 yilga kelib, Kanadadagi oliy o'quv yurtlarida chet ellik talabalar soni 222530 taga yetdi. Kanada hukumati 2022 yilgacha chet ellik talabalar sonini 450000 ga yetkazishni maqsad qilgan. Kanadada tahsil olayotgan chet ellik talabalarni tayyorlov treninglardan foydalangan holda muayyan universitet bitiruvchilari tarmog'i tomonidan tashkil etilgan tadbirlarda ishtirok etish va butun o'qish davri mobaynida ishga joylashish bo'yicha qo'llab-quvvatlanadi.

**O’zbekiston Respublikasi vazirlar mahkamasi huzuridagi ta’lim sifatini nazorat qilish Davlat inspektsiyasining ma’lumotlariga ko’ra Quacquarelli Symonds (QS) yaqinda World University Rankings-2021-ni e'lon qildi. Reytingga dunyoning 80 mamlakatidan 1002 etakchi universitetlari kiritilgan. QS World University Rankings yillik reytingida universitetlar oltita ko'rsatkich bo'yicha baholanadi:**

1. Akademik obro'si - 40%.
2. Ish beruvchilar orasida obro' - 10%.
3. Universitet talabalari va ilmiy-o'qituvchilar soni nisbati - 20%.
4. Ilmiy va o'qituvchilar tarkibida chet elliklarning ulushi - 5%.
5. Talabalarning umumiy sonidagi chet elliklarning ulushi - 5%.
6. Bir xodimga to'g'ri keladigan universitetning ilmiy nashrlaridan iqtiboslar soni - 20%.

Universitetlar soni bo'yicha AQSh - 151 universitet, Buyuk Britaniya - 84 universitet, Germaniya - 45 va Yaponiya - 41 universitet yetakchilar. Shuningdek, Rossiyaning 28 ta va Qozog'istonning 10 ta universiteti dunyodagi eng kuchli TOP-1000 qatoriga kirdi.

Massachusets Texnologiya Instituti ketma-ket to'qqizinchi yil ushbu ro'yxatda birinchi o'rinda turadi. Undan keyin Stenford va Garvard universitetlari. Ta'kidlash joizki, milliy reyting tizimi mamlakatimizdagi ta'lim sifatini ob'ektiv va oshkora baholash, reytinglarda oliy o'quv yurtlarining xalqaro miqyosda tan olinishiga ko'maklashish maqsadida joriy qilingan.

Shuningdek, 2030 yilgacha bo'lgan O'zbekiston Respublikasining oliy ta'lim tizimini rivojlantirish konsepsiyasida respublikaning kamida 10 ta oliy o'quv yurtlarini xalqaro miqyosda tan olingan tashkilotlar reytingiga oliy o'quv yurtlari ro'yxatining birinchi 1000 pozitsiyasiga kiritilishi nazarda tutilgan (Quacquarelli Symonds World University Rankings, Times Nigher Education yoki Jahon universitetlarining akademik reytingi). Shu maqsadda NUUz, TIIIMSH, TSTU, TATU, SamDU, ToshGAU, USU, TMA, Turin politexnika universiteti, KDU kabi tanlangan oliy o'quv yurtlarini ularni xalqaro reytingga qo'shish rejalashtirilgan.




**2-rasm. Jahon reytingida oliy o'quv yurtlarini baholash.**
**QS World University Rankings metodologiyasi talablari**

Rossiyada hozirda bitiruvchilarni ishga joylashtirish bo'yicha 300 atrofida xizmat ko'rsatish tashkilotlari mavjud, ammo umuman olganda, Universitetlar va ish beruvchilar o'rtasida hamkorlik mexanizmi ishlab chiqilmagan [4].

**O'zbekiston Respublikasi oliy ta'lim tizimini 2030 yilgacha rivojlantirish konsepsiyasini amalga oshirish doirasida oliy o'quv yurtlarining mehnat bozoriga yo'naltirilganligini oshirish va bitiruvchilarni ishga joylashtirish maqsadida quyidagilar rejalashtirilgan [1, 3-bob, 5-bandi]:**

- fan va texnikaning zamonaviy yutuqlarini hisobga olgan holda, ta'lim yo'nalishlari va mutaxassisliklarining o'ziga xos xususiyatlaridan kelib chiqqan holda, mehnat bozorida mijozlar bilan birgalikda fanlarning o'quv rejalari, dasturlarini tuzish;
- bitiruv malakaviy ishlari, magistrlik va doktorlik dissertatsiyalari mavzularini tuzish, mintaqaviy iqtisodiyotning Real sektoridagi muammolar va vazifalarning dolzarbligiga alohida urg'u berish;
- oliy ta'lim muassasalari va ish beruvchilar o'rtasidagi munosabatlarni yo'lga qo'yish, shuningdek,

ularning birgalikdagi faoliyatini yagona klaster shaklida tashkil etish;

- ishlab chiqarish rivojlangan hududlarda oliy o'quv yurtlarining ishchi aloqalarini yo'lga qo'yish;

- ta'lim yo'nalishiga muvofiq ishlab chiqarish korxonalari va o'quv mashg'ulotlari bilan o'rindoshlik asosida tashkil etilgan tashkilotlarda talabalarning mehnat faoliyati va boshqalar.

Shuningdek, mazkur Konsepsiyaning 3-bob, 5-bandining oxirida ish beruvchilar o'rtasida har yili milliy so'rovnomani respublika miqyosida o'tkazish zarurligi, bitiruvchilarning real ishlab chiqarish talablariga muvofiqligini aniqlashtirish, kadrlar tayyorlashda yo'l qo'yilgan kamchiliklarni aniqlash va bartaraf etish, natijalari Forsayt-texnologiyalar, hisoblash matematikasining statistik yoki empirik usullaridan foydalangan holda o'rganish va tahlil qilish taklif etiladi. Global jarayonlarga har tomonlama integratsiya qilish maqsadida axborot texnologiyalari va raqamli tijoratni rivojlantirish, tovarlar va xizmatlar ishlab chiqarishning jahon kooperatsiyasi, moliyaviy bitimlarni jadallashtirish va arzonlashtirish, logistika xarajatlarini kamaytirish zarur. Bularning barchasi O'zbekiston Respublikasini jahon bozorining to'laqonli ishtirokchisi bo'lishiga imkon beradi.

O’zbekiston Respublikasining raqobatbardoshligining pastligini sabablaridan biri kasbiy mahoratning past darajasidir. 2019 yil 8 oktyabr kungi «O‘zbekiston respublikasi oliy ta’lim tizimini 2030-yilgacha rivojlantirish konsepsiyasini tasdiqlash to‘g‘risida»gi PF-5847-sonli Prezident farmoniga asosan mamlakatimizda 2020 yilga qadar oliy ta’lim bilan qamrab olish darajasini 25%gacha yetkazilishi rejalashtirilgan bo’lsa ham, biz shu darajaga bugungi kunga qadar yetkazganimiz yoq. B. Sianesia va J. Reynen, R. Lukas va boshqa olimlar asarlarida esa inson kapitali va iqtisodiy o'sish o'rtasida bevosita bog'liqlik borligi ko'rsatiladi. O'rta maktabda o’quvchilar sonining ko'payishi rivojlanayotgan mamlakatlar iqtisodiyotining 2,5–3% ga [2] oshishiga olib keladi. Oliy ta'lim sohasidagi ijobiy dinamika 1% iqtisodiy o'sishni ta'minlaydi, biznes va investitsiya faoliyati darajasini oshirishga olib boradi.

Tadbirkorlik faoliyati uchun kam rag'bat va to'plangan bilimlarni qo'llash imkoniyatlarining yo'qligi sharoitida ushbu faoliyatni amalga oshirishning iqtisodiy samarasi minimal yoki hatto salbiy bo'ladi.

Oliy ta'limning sifati va jozibadorligini oshirishning asosiy jihati bu kompetentsiyalarga asoslangan yondashuvni amalga oshirishdir. Kompenetsiyalarga asoslangan yondashuvda "kompetentsiya" va "kompetentlik" kabi toifalar mavjud. Shuningdek, "kompetentsiya" bu muayyan fan va jarayonlarga nisbatan foydalanadigan shaxsning bilimi, ko'nikma va ko'nikmalari to'plami bo'lsa, muayyan faoliyatda o'zini namoyon qiladigan "kompetenlik", shaxsning faoliyat jarayoniga bo'lgan munosabatni o'z ichiga olgan tegishli "kompetentsiya"ga ega bo'lishini nazarda tutadi. Kompetentsiyalarga asoslangan yondashuv natijaga yo'naltirilgan, ya'ni bitiruvchining turli vaziyatlarda mustaqil fikrlash va harakat qilish qobiliyatiga yo’naltirilgan bo’ladi.

Respublikada axborot-kommunikatsiya texnologiyalarini joriy etish va oliy ta'lim tizimini raqamlashtirishni yanada tezlashtirish Covid-19 pandemiyasi davrida va xavfli viruslarning tarqalishini minimallashtirish bo'yicha ko'rilayotgan chora-tadbirlar davrida o'ta muhim vazifaga aylandi. Bu yerda MOODLE platformasida talabalar va o'qituvchilar bilan muloqot qilish imkoniyatlari amalga oshirildi. Shu kabi «OTM – Ish beruvchi» platformasini yaratish davrning dolzarb masalasiga aylandi.

Mamlakat iqtisodiyotini raqamli mehnat bozori talablariga muvofiq dolzarb kompetentsiyalarga ega malakali kadrlar bilan ta'minlash maqsadida ta'lim tizimining barcha darajalarini, shu jumladan oliy ta'limni modernizatsiya qilish. Shuningdek, davlat boshqaruvi organlari uchun raqamli iqtisodiyot bo'yicha ekspert mutaxassislarni tayyorlash zarurdir.

Oliy ta'lim muassasalari ish beruvchilar bilan birgalikda ta'lim dasturlarini yangilash yo'li bilan bitiruvchilarini tayyorlashda kompetentlik yondashuvni amalga oshirish vazifasi birinchi o'ringa qo'yiladi, zamonaviy iqtisodiyotda dolzarb bo'lgan raqamli ko'nikmalarga ega bo'lish uchun mavjud kadrlarning malakasini oshirish, bularning barchasi yuqorida qayd etilgan Kontseptsiyada aks ettirilgan. Faqat ta'lim, biznes, ilm-fan va davlatning simbiozi oliy ta'lim tizimini o'zgartirishga, hayot davomida moslashuvchan ta'lim olish haqiqatlariga mos kelishiga imkon beradi.

Iqtisodiy faollik yirik shaharlarda aniq ko’zga tashlanadi. Hozirgi olib borilayotgan iqtisodiy siyosat mamlakatning barcha hududlarini iqtisodiy faollashtirishga yo’naltirilgan. Qishloq va kichik shaharlar aholisining iqtisodiy faolligini uyg'otish masalasida iqtisodiyotni raqamlashtirish bunga yordam beradi. Oliy ta'lim muassasalari va potentsial ish beruvchilar o'rtasidagi o'zaro hamkorlik platformalarini

tashkil etish va takomillashtirish, texnologik kompaniyalar va "start-up" larni rivojlantirish uchun qulay shart-sharoitlar yaratish orqali yuqori malakali o'zbek mutaxassislarini o'z vatanida o'z-o'zini anglash, umuman mamlakatda hayot sifatini oshirish bo'yicha chora-tadbirlar ko'rish imkoniyati yaratiladi.

Oliy ta'lim muassasalarini, ularning bitiruvchilarini va potentsial ish beruvchilarni bog'laydigan platformada mehnat bozorida dolzarb kompetentsiyalarni aniqlash maqsadida ish beruvchilar o'rtasida so'rovnomalar o'tkazilishi mumkin. Birinchi bosqichida olingan so'rovga nisbatan olib borilgan Forsayt tadqiqotlari – so'rov natijalarini tahlil qilish imkonini beradi. Keyingi bosqichda, geoaxborot texnologiyalarini qo'llash orqali biz yuqori malakali kadrlarga ega bo'lmagan korxonalar va tashkilotlarning mintaqaviy yoki respublika xaritasida geografik joylashuvni namoyish eta olamiz va shu bilan tegishli kompetensiyalarga ega bo'lgan bitiruvchining ish bilan ta'minlanish kelajagini bashorat qilamiz.

Ayni paytda malakali kadrlar yetishmovchiligini tezda bartaraf etish uchun xorijlik mutaxassislar jalb etilmoqda. Xuddi shu narsa oliy ma'lumotga bo'lgan talabni qondirish bilan ham sodir bo'ladi – respublika hududida oliy ta'lim bozorida talablar yetishmasligini bartaraf etish maqsadida dunyoning yetakchi universitetlarining filiallari ochilmoqda. Misol uchun, Vestminster, Singapur universitetlari, Sharda universiteti, Moskva davlat universitetining filiallari va boshqa ko'plab ta'lim muassasalari O'zbekiston ish beruvchilar bozorida yuqori malakali mutaxassislarga talablarni inobatga olgan holda kompetentlik yondashuviga asoslanadi.

**«OTM – ISH BERUVCHI» INTERNET PLATFORMANI YARATISN DOLZARBLIGINI O’RGANISH**

Ish qidirish bo’yicha bir nechta milliy saytlarimiz mavjud. Bular quyidagilar: https://rabota.uz/https://tashkent.hh.uz/(HeadHunter) https://www.olx.uz/rabota/andizhan/https://ishkop.uz va boshqalar.

Yuqoridagi saytlarni ya’ni, ish qidirish platformalarini o'rganib chiqqach, biz ish beruvchi bilan keng ma’noda aloqada bo'lgan platformamiz yo'q degan xulosaga keldik. O’zbekiston Respublikasi Bandlik va Mehnat munosabatlari vazirligining sayti bundan mustasno emas.

Biroq, OTM bitiruvchilarini ish bilan ta’minlash uchun ish beruvchi bilan bevosita aloqa o'rnatish kerak. Bundan tashqari, ish beruvchilar o'rtasida so'rov o'tkazib Forsayt texnologiyalari va boshqa usullar yordamida mehnat bozorida marketing tadqiqotlarini o'tkazish imkoniyatiga ega bo'linadi. Rezyume o'rniga, xodimlarni baholashning zamonaviy texnologiyalarni qo'llagan holda ish beruvchining aniqlangan mezonlari bo'yicha test tizimini joriy etish imkoniyatiga ega bo'linadi.

Darhaqiqat, ish beruvchi bilan birgalikda loyihalarni amalga oshirish, innovatsiyalarni joriy etish, ish beruvchi asosida stajirovka o'tash, bitiruv malakaviy ishlarni amaliyotga joriy qilish va natijada yoshlarimizni ilm-fan va innovatsiyalarga jalb etish imkoniyatlari paydo bo'ladi.

**YARATILAYOTGAN PLATFORMADA OTM VA ISH BERUVCHILAR O’RTASIDAGI MULOQOTINI O’RNATISHNING MATEMATIK MODELI VA ALGORITMI**

Davlatning asosiy vazifasi milliy iqtisodiyotning raqobatbardoshligini, aholi turmush sifatini oshirishdan iborat, bu esa mintaqaviy ish beruvchini tegishli kompetentsiyalarga ega bo'lgan yuqori malakali kadrlar bilan ta'minlash masalasi bilan uzviy bog'liqdir.

**Ushbu g'oya quyidagi vazifalarni ko'rib chiqish natijasida bosqichma-bosqich amalga oshirilishi mumkin:**

- oliy o'quv yurtlari bitiruvchilarida mintaqaviy ish beruvchining talablarini baholash va prognozlash mavjud bo'lgan usullari bilan tanishish;
- amalga oshiriladigan usullarni solishtirib, ularning afzalliklari va kamchiliklarini tahlil qilish;
- aniqlangan kamchiliklarni hisobga olgan holda, oliy o'quv yurtlarining muayyan bitiruvchilariga va kompetentsiyalariga bo'lgan talablarni aniqlash metodikasini ishlab chiqish.

Bu vazifalarning barchasini yuqorida qayd etilgan platformada amalga oshirish tavsiya etiladi. Belgilangan masalalarni har yili yechish bilan mehnat bozorida malakali kadrlarga bo'lgan ehtiyoj va mavjud taklif o'rtasidagi muvozanatga erishishga imkon beradi. Malakali mutaxassislar mehnat bozori talablarini baholash va prognozlashning mavjud usullarini o'rganib va tahlil qilib, bitiruvchilarning ish beruvchilar talablariga muvofiq kompetentsiyalarni shakllantirish va mehnat bozorida ularning talab darajasini oshirish maqsadida quyidagi matematik model taklif etiladi.

Universitet bitiruvchisining ma'lum bir kompetentsiyasini rivojlantirish darajasi ko'plab omillarga bog'liq bo'lishi mumkin va, agar ulardan birining rivojlanishi yetarli bo'lmasa, yakuniy natijaga ta'sir qiladi. Unda qaror alohida parametrlar

majmuaisi asosida qabul qilinadi va buning natijasida ko'p mezonli masala paydo bo'ladi. Ammo, bir qator mezonlar to'plamini bitta umumiy K deb nomlangan mezonda birlashtirish usullari mavjud, buning misoli bu additiv qisqartmasidir:

$$K= \sum_{i=1}^{p} k_i \quad (1)$$

bu yerda $k_i$ – i-dagi mezonining sonli qiymati, p – mezonlar (ko'rsatkichlar) soni.

Har bir parametr muhim bo'lsa, unda K-ga nisbatan multiplikativ qisqartma qo'llaniladi. Bu yerda hech qanday mezon nol qiymatga teng emas, aks holda ko'paytma nolga aylanadi:

$$K= \prod_{i=1}^{p} k_i\, m_i \quad (2)$$

bu yerda $k_i$ – i-dagi mezonning sonli qiymati, p – mezonlar (ko'rsatkichlar) ning soni, $m_i$ – i-dagi mezonning vazni yoki muhimlik koeffitsiyenti.

**O'zbekiston Respublikasidagi oliy o'quv yurtlariga besh balllik bilimlarni baholash tizimiga o'tish bilan [5] savol paydo bo'lishi mumkin-masalan, test natijasini qanday baholash mumkin? Testda to'plangan xi ballarni bi imtihon ballari bilan moslashtirish uchun (5-balli itizimi) test baholarini normallashtirish taklif etiladi:**

$$x_i=x_i\,(x_{max}/5)=(5\,x_i)\,/\,x_{max} \quad (3)$$

bu yerda $x_i$ – i-dagi mezon, $x_{max}$ – test uchun maksimal bali.

Bunday holda, bitiruvchi kompetentsiyasini baholash uchun ko'plab o'zgaruvchilarga bog'liq bo'lgan funktsiya qo'llaniladi:

$q=f(x_1 x_2,..,x_n)$ (4)

bu yerda $x_1, x2, …, x_n$ – $K$ mezonining bazisi.

Bu holda tanlangan kompetentsiyalar modeliga muvofiq, biz quyidagilarni qabul qilamiz: $x_1$ – talabalarni fanlardan olingan nazariy bilimlar natijasida shakllantirilgan kompetensiyalarining baholari; $x_2$ – olingan nazariy bilimlardan amaliyotda foydalanish ko'nikmalari uchun talabalarning baholari (kurs ishlari, bitiruv malakaviy ishlari, kasbiy sohasidagi fanlararo masalalarni yechish, muammoni hal qilishda matematik apparatni va tabiiy fan bilimlarini qo'llash va hokazo); $x_3$ – tegishli fanlar bo'yicha samarali individual va jamoaviy ishlash uchun zarur bo'lgan bitiruvchining ijtimoiy va shaxsiy kompetentsiyalarini baholash va boshqalar.

Funktsional bog'liqlikni tanlash (polinomial, logarifmik va boshqalar) kompetensiyani baholashning aniqligiga bog'liq.

q-funktsiyaning to'liq differentsialini hisoblash orqali:

$$dq = \sum_{i=1}^{n} \frac{\eth q}{\eth x_i} dx_i \quad (5)$$

/bu yerda $dx_i$ – kompetentlikning $i$-dagi komponentasini baholashning aniqligi/ kompetentlikni baholashning aniqligi belgilanadi. Uning ishonchliligini oshirish uchun xatolikni kamaytirish tavsiya etiladi:

$$\sum_{i=1}^{n} \frac{\eth q}{\eth x_i} dx_i \rightarrow min \quad (6)$$

Polinomial shaklidagi keyingi matematik model kompetensiyalarni baholash uchun namuna bo'lib xizmat qiladi:

$$Q=b_1x_i+b_2x_2+…+b_nx_n = \sum_{i=1}^{n} b_i x_i \quad (7)$$

bu xususiy kompetensiyani baholashga imkon beradi.

Har bir $x_i$ mezoni $b_i$ koeffitsienti bilan tartibga solinadi, bu uning ahamiyatini yoki vaznini aks ettiradi. Shu bilan birga, barcha mezonlar uchun bir-biri bilan miqdoriy mosligiga ruxsat beriladi (buning uchun ular normallashtiriladi). Har bir kompetensiyani shakllantirish uchun o'quv dasturining turli xil fanlarini nazarda tutganligi sababli, har bir kompetenlik uchun olingan raqamli qiymatlarni solishtirish imkoniyatini ta'minlash uchun o'rtacha bahodan foydalanish tavsiya etiladi.

$$q = \frac{\sum_{i=1}^{n} \alpha_i\, d_i + \sum_{i=1}^{n} \beta_i\, k_i + \sum_{i=1}^{n} \gamma_i\, b_i}{\sum_{i=1}^{n} \alpha_i + \sum_{i=1}^{n} \beta_i + \sum_{i=1}^{n} \gamma_i} \quad (8)$$

bu yerda $q$ – xususiy kompetensiyani baholash; $d_i$, $k_i$, $b_i$ – uch turdagi nazorat bo'yicha talaba yutuqlari; $\alpha_i, \beta_i \gamma_i$ – muhimlik koeffitsiyentlari.

Xususiy kompetensiyalar kasbiy faoliyat sohalarini shakllantiradi, bu quyidagicha ifodalanishi mumkin:

$Q_j = f(q_1, q_2, …, q_n)$, (9)

bu yerda $q_1, q_2, \ldots, q_n$ – $j$-dagi professional faoliyatni tashkil etuvchi xususiy kompetensiyalar.

**Bu holda *j*-dagi professional faoliyat sohasini tashkil etuvchi kompetensiyalar bo'yicha baholar to'plami ushbu sohadagi talabaning kompetentligi sifatida baholanishi mumkin. Bunday holda, har bir parametrning ta'siri juda muhimdir, shuning uchun multiplikativ qisqartmani qo'llash tavsiya etiladi:**

$$Qj = \prod_{k=1}^{n} \left\lfloor \frac{\sum_{i=1}^{n} \alpha_i d_i + \sum_{i=1}^{n} \beta_i k_i + \sum_{i=1}^{n} \gamma_i b_i}{\sum_{i=1}^{n} \alpha_i \beta_i \gamma_i} \right\rfloor_{k}^{M_i} \quad (10)$$

bu yerda $M_i$ – muhimlik koeffitsiyenti; $k$ – birlik ko'rsatkichlari soni.

Bozor iqtisodiyoti sharoitida ta'limni boshqarish oliy o'quv yurtlari bitiruvchilariga mehnat bozorida ehtiyojni prognoz qilishni talab qiladi. Talabalarning o'quv faoliyati natijalari bo'yicha har bir bitiruvchiga o'z kompetensiyalarini amalga oshirishni davom ettirish bo'yicha tavsiyalar berishga imkon beruvchi kompetensiyalarni baholashning vektorli modellashtirilishi mumkin. Bu ularning ijtimoiy moslashuvini sezilarli darajada tezlashtiradi va ish beruvchilarning ehtiyojlarini qondirishga imkon beradi.

Ushbu modellar kompetentlikning alohida ko'rsatkichlarini $k$-ning kompleks kompetentligiga jamlashga qaratilgan va talabaning individualligini hisobga oladi.

Bu algoritm Andijon davlat universiteti tarix yo'nalishida qo'llanilgan va bitiruvchilarni ishga joylashtirishda o'z samarasini bergan.

**XULOSA VA TAKLIFLAR**

Xulosa qilib aytganda, oliy ta'lim muassasalari bitiruvchilarini ishga joylashtirishni prognozlashda va boshqarishda quyidagicha yondashish tavsiya etiladi.

Birinchidan, OTMlarning e'tiborini STEAM – sektoriga qaratish kerakdir.

Ikkinchidan, OTM va ish beruvchilar o'rtasida uzviy bog'liqlikni kuchaytirish. Bunda mehnat bozorini o'rganishda ya'ni, bitiruvchilarda dolzarb bo'lgan kompetentsiyalarni shakllantirishda va ularni kelajakda baholashda va olingan natijalariga ko'ra bitiruvchilarni ishga joylashtirish maqsadida yagona platformani yaratish tavsiya etiladi.

Mazkur platfomani yaratgach oliy ta'lim muassasalarda Forsayt texnologiyasidan foydalangan holda mintaqaviy mehnat bozorini o'rganishga va yuqorida taqdim etilgan usuldan foydalanib bitiruvchilarning kompetentsiyalarini baholash hamda bo'sh ish joylariga joylashtirish imkoniyati paydo bo'ladi. Bundan tashqari, kelajakda mehnat shartnomalarni on-line tarzda tuzish va OTM bitiruvchilari tomonidan elektron raqamli imzolari



orqali va ish beruvchilari tomonidan QR-kod bilan tasdiqlanib, ishga qabul qilish jarayoni ham osonlashtirilishiga olib boradi.

Uchinchidan, mintaqadagi tegishli iqtisodiy sektordagi ish beruvchilarni yuridik manzillar bo'yicha xaritada geo-lokatsiyalarni aks ettirish va ular tomonidan talab etilayotgan kompetentsiyalarni diagrammalar yordamida ko'rsatish tavsiya etiladi. Bu GIS-texnologiyasini qo'llanishi ham bitiruvchilarni ishga joylashtirishni bashorat etishga yordam beradi deb hisoblaymiz.

Shuningdek, yuqoridagilarni inobatga olgan holda, biz oliy ta'lim muassasalari bitiruvchilarini mehnat bozorining talablariga muvofiq tayyorlash hamda kelajakda ularni ishga joylashtirishni prognozlash bo'yicha yirik mexanizmni yaratishga erishdik.

***Manba va adabiyotlar***

*1. O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Shavkat Mirziyoyevning 08.10.2019 dagi "O'zbekiston Respublikasi oliy ta'lim tizimini 2030 yilgacha rivojlantirish konsepsiyasini tasdiqlash to'g'risida" gi PF-5847-sonli Farmoni.*

*2. Lucas R.E. Jr. On the Mechanics of Economic Development. Journal of Monetary Economics, 1988, vol. 22, iss. 1, pp. 3–42. [Электронный ресурс] URL: https://doi.org/10.1016/0304-3932(88)90168-7.*

*3. Что изучат в вузах США: точные, гуманитарные или бизнес- науки. [Электронный ресурс], 2017 URL: https://www.studylab.ru/digest*

*4. Дворянинова О.П., Назина Л.И., Никульчева О.С. Разработка методики оценки компетенций студентов. //Фундаментальные исследования. – 2015. – № 8 (часть 2) – С. 257-260. [e-resource], URL: http://fundamental-reseach.ru/ru/article/view?id=38882*

*5. O'zbekiston Pespublikasi OO'MT vazirining «Oliy ta'lim muassasalarida talabalar bilimini nazorat qilish va baholash tizimi to'g'risisdagi nizomni tasdiqlash haqida»gi 2018 yilgi 26 sentyabr kungi 3069-sonli buyrug'i.*

**Oliy ta'lim muassasalari bitiruvchilarini ishga joylashtirishni prognozlashda va boshqarishda innovatsion yondashuv**

**Abdujabbor Abdullayev,**
*iqtisodiyot fanlari doktori,*
*TATU Farg'ona filiali professori,*
**Lola Kadirova,**
*Andijon davlat universiteti katta o'qituvchisi*

**Annotatsiya:** *maqolaning maqsadi – demografiya, rivojlanayotgan iqtisodiyotning ehtiyojlarini hisobga olgan holda, kompetentsiyaga asoslangan yondashuv asosida mintaqadagi ish beruvchilarning oliy o'quv yurtlari bitiruvchilariga bo'lgan ehtiyojlarini baholash va prognoz qilish uslubi va algoritmini ishlab chiqish.*

**Kalit so'zlar:** *bitiruvchi, ish beruvchi, prognozlash, usul, algoritm, ish bilan ta'minlash, matematik model, mehnat bozori, kompetensiya.*

**Инновационный подход к прогнозированию и управлению занятостью выпускников высших учебных заведений**

**Абдужаббор Абдуллаев,**
*доктор экономических наук, профессор,*
*Ферганский филиал ТУИТ,*
**Лола Кадирова,**
*старший преподаватель,*
*Андижанский государственный университет*

**Аннотация:** *цель статьи – разработать метод и алгоритм оценки и прогнозирования потребностей работодателей региона в выпускниках высших учебных заведений на основе компетентностного подхода с учётом демографии, потребностей развивающейся экономики, спросом на рынке труда с целью дальнейшего их благополучного трудоустройства.*

**Ключевые слова:** *выпускник, работодатель, прогнозирование, метод, алгоритм, трудоустройство, математическая модель, рынок труда, компетенция.*

**Innovative approach to forecasting and managing the employment of graduates of higher education institutions**

**Abdujabbor Abdullayev,**
*DSc (in Economic), professor,*
*Fergana branch of TUIT,*
**Lola Kadirova,**
*Andijan state university Senior lecturer*

**Abstract:** *the purpose of the article is to develop a method and algorithm for assessing and predicting the needs of employers in the region for graduates of higher educational institutions based on a competency-based approach, taking into account demography, the needs of a developing economy, and demand in the labor market with the aim of their further successful employment.*

**Keywords:** *graduate, employer, forecasting, method, alhorithm, employment, mathematical model, labor market, competencies.*

УЎК: 330.336

**Мэлс РАШИДОВ,**
*PhD (иқтисодиёт фанлари бўйича),*
*Навоий давлат кончилик институти катта ўқитувчиси*
**E-mail:** mels_rashid_k@mail.ru

# Минтақаларда эркин иқтисодий зоналар фаолиятини такомиллаштиришнинг долзарблиги

**Кириш.** Янги Ўзбекистонни барпо этиш жараёнида минтақаларнинг ижтимоий-иқтисодий тараққиётини таъминлаш, жумладан, саноат тармоқларини ривожлантириш ва маҳаллий минерал-хомашё ресурслар негизида юқори қўшимча қийматли маҳсулотлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйишга алоҳида эътибор берилмоқда. “Биз иқтисодиётимизга сармоя киритишга интиладиган инвесторлар учун ҳудудлар ва тармоқлар бўйича инвестиция лойиҳаларини пухта шакллантира олсак, бу масалада ижобий натижага эришиш мумкин. Бу борада эркин иқтисодий зоналар ва кичик саноат зоналарида бизнес субъектларини жойлаштириш, уларга имтиёз ва преференциялар беришни ташкилий ва ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш лозим” [1]. Бундан келиб чиққан ҳолда, эркин иқтисодий зоналар фаолияти самарадорлигини ошириш, рақобатдош маҳсулотлар ишлаб чиқаришни рағбатлантириш, янги иш ўринлари яратишга йўналтирилган илмий изланишларни кенг йўлга қўйиш мақсадга мувофиқ.

Ҳозирги кунда мамлакатда яратилган эркин иқтисодий зоналар фаоллигини ошириш, уларнинг минтақа иқтисодиётини ривожлантиришга таъсирини баҳолаш механизмларини такомиллаштиришга қаратилган илмий тадқиқотларни амалга ошириш долзарб бўлиб қолмоқда.

Тадқиқотни амалга оширишда фойдаланилган усуллар. Мақолада тизимли ва қиёсий таҳлил, иқтисодий-статистик таҳлил ва умумлаштириш, корреляцион ва регрессион таҳлил, статистик таққослаш ва прогнозлаш усулларидан фойдаланилди.

**Олинган натижалар.** Бугунги кунда саноат кооперацияси, машинасозлик, электротехника ва кимё тармоқларини устувор ривожлантириш муҳимдир. Бунинг учун эса, минтақаларда жойлашган эркин иқтисодий зоналарнинг бевосита таъсирини инновацион технологияларга асосланган ҳолда амалга ошириш лозим. Эркин иқтисодий зоналарда ушбу тармоқларни ривожланишига устуворлик қаратиш лозимдир. Келажакда ушбу тармоқларнинг ривожланиши натижасида юқори қўшимча қийматга эришиш мумкин. Бундан ташқари, замонавий инновацион технологияларнинг мамлакатимизга кириб келиши учун ҳам ушбу тармоқлар фаол бўлиши талаб этилади. Бунинг учун эса, эркин иқтисодий зоналарнинг фаолиятини такомиллаштириш мақсадга мувофиқдир.






**1-расм. Эркин иқтисодий зоналарни ташкил этишга асосланган ҳудудий инновацион ёндашув**
***Манба:*** *муаллиф томонидан тайёрланган.*

Мулоҳазалардан келиб чиқиб, бугунги кунда эркин иқтисодий зоналар категориясининг моҳиятида минтақаларни барқарор ривожлантиришни таъминлашни инновацион ҳудудни шакллантиришнинг муҳим омили сифатида ўрганиш кераклиги таклиф этилган. Ушбу ёндашув доирасида эркин иқтисодий зоналарни бевосита минтақа иқтисодиёти билан боғлиқ ҳолда предмети, бошқарув даражаси ва баҳолаш усулини батафсил тавсифлаш ва асослаш натижасида аниқ ифодалаш мумкин.

Эркин иқтисодий зоналар фаолиятини ташкил этишда маълум босқичлар муҳим ўрин эгаллайди. Улар зонанинг мақсад ва вазифаларини аниқлаш, ҳудудларда ташкил қилиш шарт-шароитларини ўрганиш, лойиҳалаштириш, техник иқтисодий асослаш ва экспертизадан ўтказиш. Ушбу босқичларни самарали ташкил этиш минтақада эркин иқтисодий зоналар турини тўғри танлаш ва жойлаштиришни тақозо этади.

Ўзбекистонда дастлабки ташкил этилган 3 та эркин иқтисодий зонанинг ўз минтақаларидаги иқтисодий жараёнларда иштироки баҳоланган ва уларнинг иқтисодий кўрсаткичлари асосида кўп омилли индекс таҳлил қилиш усули орқали эркин иқтисодий зоналарнинг самарадорлик кўрсаткичлари аниқланди ва такомиллаштирилди.

**1-жадвал**

**“Навоий”, “Ангрен” ва “Жиззах” эркин иқтисодий зоналарининг ҳудудлар иқтисодиётида тутган ўрни**

| № | Кўрсаткичлар | Эркин зона номи | Йиллар | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | 2013й. | 2014й. | 2015й. | 2016й. | 2017й. | 2018й. | 2019й. |
| 1. | Вилоят ялпи ҳудудий маҳсулотидаги улуши, % да | Навоий | 6,1 | 7,7 | 7,4 | 7,0 | 6,2 | 5,2 | 3,6 |
| | | Ангрен | 0,6 | 0,9 | 0,9 | 1,7 | 1,8 | 1,6 | 1, 3 |
| | | Жиззах | 1,7 | 1,4 | 1,4 | 1,4 | 1,3 | 1,2 | 1,3 |
| 2. | Вилоятда саноат махсулотларидаги улуши, % да | Навоий | 12,9 | 16,3 | 16,2 | 15 | 13 | 9,3 | 5,5 |
| | | Ангрен | 2,2 | 3,1 | 3,1 | 5,5 | 5,1 | 3,1 | 2,7 |
| | | Жиззах | 22,6 | 19 | 17,2 | 14,4 | 13,7 | 11,7 | 11,6 |
| 3. | Вилоят инвестицияларидаги улуши, % да | Навоий | 1,6 | 7 | 2,4 | 0,5 | 1,4 | 1,8 | 2,1 |
| | | Ангрен | 18 | 10 | 1 | 0,3 | 0,3 | 0,5 | 1,4 |
| | | Жиззах | 54 | 58 | 59 | 65 | 45 | 45 | 23 |
| 4. | Вилоятда банд бўлганлар сонидаги улуши, % да | Навоий | 0,1 | 0,1 | 0,2 | 0,2 | 0,4 | 0,4 | 0,4 |
| | | Ангрен | 0,1 | 0,1 | 0,2 | 0,4 | 0,4 | 0,4 | 0,5 |
| | | Жиззах | 0,1 | 0,1 | 0,2 | 0,2 | 0,3 | 0,3 | 0,3 |
| 5. | Вилоят экспортидаги улуши, % да | Навоий | 1,3 | 0,8 | 0,6 | 0,9 | 1,2 | 1,7 | 1,5 |
| | | Ангрен | 29 | 33 | 35 | 35 | 35 | 42 | 24 |
| | | Жиззах | 2 | 2 | 2 | 2 | 2 | 2,1 | 4,2 |
| 6. | Вилоятда хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар сонидаги улуши, % да | Навоий | 26,3 | 27,6 | 28,1 | 31 | 28,6 | 29,1 | 30,4 |
| | | Ангрен | 32 | 42 | 38 | 41 | 46 | 45 | 48 |
| | | Жиззах | 22 | 21 | 25 | 23 | 23 | 24 | 26 |

***Манба:*** *Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан ҳисобланган.*

Таҳлилдаги “Навоий”, “Ангрен” ва “Жиззах” эркин иқтисодий зоналарининг ҳудудлар иқтисодиётида тутган ўрнига эътибор қаратсак, улар дастлабки ташкил этилган вақтдан 2 йил оралиғида мувозанатли ўсиш кузатилади, сўнгра тебранма ҳаракат асосида ўсиш суръати пасайиб борганлигини кузатиш мумкин. Аммо ҳудудлардаги хорижий инвестициялар асосида шаклланган корхоналарнинг кўпайиши, ҳудуд экспорти, банд бўлганлар сонининг ўзгариши сингари кўрсаткичлар ижобий шаклланган.

Маҳаллий ресурслардан фойдаланиш даражаси, инвестицияларни ўзлаштираётган соҳа тизимининг ўзгариши, меҳнат ресурсларининг оқилона тақсимланиши сингари омилларни ҳудуд иқтисодиётини ривожлантириш учун асосий дастак сифатида ўрганиб бориш лозим. Масалан, “Навоий” эркин иқтисодий зонасида маҳаллий ресурслардан фойдаланиш даражаси “Ангрен” ва “Жиззах” эркин иқтисодий зоналарига нисбатан паст кўрсаткичга эга. Шунингдек, бу зоналарнинг вилоятларни саноат, экспорт ва инвестиция кўрсаткичларидаги ўрни талаб даражасида эмас.

Таҳлилларда асосан ҳудуд иқтисодиётини ривожлантиришнинг муҳим дастаклари сифатида маҳаллий ресурслардан фойдаланиш даражаси, инвестицияларни ўзлаштираётган соҳа тизимининг ўзгариши, меҳнат ресурсларининг оқилона тақсимланиши сингари омилларга алоҳида эътибор қаратилди. “Навоий” эркин иқтисодий зонасида маҳаллий ресурслардан фойдаланиш даражаси паст, бу эса ички ресурс салоҳиятидан фойдаланиш чораларини кўриш лозимлигини кўрсатмоқда. “Ангрен” эркин иқтисодий зонасида ишчи кучи етишмовчилиги мавжудлиги аҳоли зичлиги омилини ҳам инобатга олиш зарурлигини билдиради. “Жиззах” эркин иқтисодий зонасига ҳудуд иқтисодиётига тез таъсир кўрсата олган инвестициялар киритилган, бу эса оқилона инвестиция сиёсатини юритиш кераклиги тўғрисида хулосалар қилишга асос бўлади.

Эркин иқтисодий зоналарнинг 2013-2018 йилларда яратилган саноат маҳсулоти ҳажми, инвестиция ҳажми, инвестиция қайтими ва сиғими, зонада банд бўлганлар сони ва бир банд бўлган кишига тўғри келувчи саноат маҳсулотлари ҳажми сингари кўрсаткичлари асосида кўп омилли индекслар аниқланган ва таҳлил қилинган. Мазкур жараён орқали Навоий, Тошкент ва Жиззах минтақаларидаги эркин иқтисодий зоналар фаолияти самарадорлигини ишлаб чиқариш ва инфратузилма объектларини ўзаро мутаносиб ривожлантириш ҳамда инвестицион фаолликни таъминлаш асосида ошириш назарда тутилади.

Кўпинча макроиқтисодий моделда омил белги сифатида капитал ва меҳнат харажатлари, натижавий белги сифатида маҳсулот қийматидан фойдаланилади. Таҳлилларимизда эркин иқтисодий зоналарда яратилган саноат маҳсулотлари ва киритилган инвестиция ҳажмини асос қилиб олдик (2-жадвал).

**2-жадвал**

**Эркин иқтисодий зоналарда яратилган саноат маҳсулоти ҳажми, инвестиция ва инвестиция қайтими ҳажми (млрд.сўм)**

| ЭИЗ | Яратилган саноат маҳсулоти | | Инвестиция ҳажми | | ЭИЗларда инвестиция қайтими $К=\frac{к}{кв}$ | |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | $В_0$ | $В_1$ | $КВ_0$ | $КВ_1$ | $К_0$ | $К_1$ |
| “Навоий” ЭИЗ | 92,8 | 125,6 | 3,5 | 16,1 | 26,5 | 7,8 |
| “Ангрен” ЭИЗ | 12,1 | 49,3 | 4,3 | 15,6 | 2,8 | 3,2 |
| “Жиззах” ЭИЗ | 2,1 | 267,4 | 3,5 | 188,8 | 0,6 | 1,4 |
| Жами | **107,0** | **442,3** | **11,3** | **220,5** | **9,5** | **2,0** |

***Манба:*** *муаллиф томонидан 2013 йилдаги таққослама нархлар асосида ҳисобланган.*

Иқтисодиёт тармоқлари бўйича олинган маълумотлар асосида эркин иқтисодий зоналар индекслари ҳисобланган (3-жадвал).

**3-жадвал**

**Эркин иқтисодий зоналардаги асосий кўрсаткичлар индекслари шаклланиши**

| ЭИЗ | Индекслар | | |
|---|---|---|---|
| | Саноат маҳсулот ҳажми | Инвестиция хажми | Инвестиция қайтими |
| “Навоий” ЭИЗ | 1,35 | 4,60 | 0,29 |
| “Ангрен” ЭИЗ | 4,07 | 3,63 | 1,14 |
| “Жиззах” ЭИЗ | 127,33 | 53,94 | 2,33 |
| жами | **4,13** | **19,51** | **0,21** |

***Манба:*** *Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан ҳисобланган.*

Ушбу индекслар таҳлилидан кўринадики, мамлакатимиздаги эркин иқтисодий зоналар бўйича яратилган саноат маҳсулоти, инвестиция ва инвестиция қайтимида ўсиш юз берган.

Фаолияти ўрганилаётган эркин иқтисодий зоналар саноат маҳсулоти ҳажмининг умумий индекси қуйидаги формула орқали аниқланган:

$$I_B = \frac{\sum(KB_1 x K_1)}{\sum(KB_0 x K_0)}; \qquad (1)$$

Ҳисоб-китобларга кўра, жорий даврда базис даврга нисбатан эркин иқтисодий зоналардаги саноат маҳсулот кўрсаткичи 4,13 мартага кўпайган. Инвестиция қайтимининг умумий индекси (интенсив омил) ўртача 24,4 фоизга камайган. Инвестиция ҳажмининг умумий индекси (экстенсив омил) ўртача 5,5 мартага кўпайганлиги кузатилган.

Яъни эркин иқтисодий зоналар саноат маҳсулот ҳажмининг умумий индекси биринчи омил ҳисобига ўртача 24,4 фоизга камайган, иккинчи омил ҳисобига 5,5 мартага ошган. Бу эса вилоятлар эркин иқтисодий зоналарида самарали инвестицион сиёсат юритиш борасида камчиликлар мавжудлигидан далолат беради. Инвестиция ҳажмининг умумлашган ҳолда бундай сезиларли кўпайиши “Ангрен” ва “Жиззах” эркин иқтисодий зоналари капитал қўйилмаларининг юқори даражаси ҳисобига эришилган.

Интенсив кўрсаткичлар, яъни инвестиция қайтимининг ўртача салмоқли умумий индекси ўртача гармоник индекслар формуласи бўйича ҳисобланади:

$$I_{KB} = \frac{\sum(KB_1 x K_1)}{\sum(\frac{KB_1 x K_1}{i_{KB}})} \frac{442,3}{45,85} = 9,64 \text{ марта}$$

Ҳисобларга кўра, эркин иқтисодий зоналар бўйича ўртача инвестиция қайтими ҳисобот даврида базис даврига нисбатан 9,6 мартага ортган. Бу ошишга биринчи навбатда “Ангрен” ва “Жиззах” эркин иқтисодий зоналарида инвестиция қайтимининг сезиларли ошиши сабаб бўлди. Ўртача салмоқли индексларнинг якуний натижасида “Навоий” эркин иқтисодий зонаси кўрсаткичларининг сезиларли силжишларини алоҳида кўрсатиш мумкин. Бунинг натижасида саноат маҳсулоти улуши “Жиззах” эркин иқтисодий зонасида юқори бўлди.

Шунингдек, мақолада инвестиция сиғими саноат маҳсулотлари ҳажми ва инвестиция ҳажми асосида ҳисобланган (4-жадвал).

**Ҳисоб-китобларга кўра, жорий даврда базис даврга нисбатан эркин иқтисодий зоналардаги саноат маҳсулот кўрсаткичи 4,13 мартага кўпайган. Инвестиция қайтимининг умумий индекси (интенсив омил) ўртача 24,4 фоизга камайган. Инвестиция ҳажмининг умумий индекси (экстенсив омил) ўртача 5,5 мартага кўпайганлиги кузатилган.**

**4-жадвал**

**Эркин иқтисодий зоналарда саноат маҳсулоти ва инвестиция ҳажми, капитал сиғими индексларининг шаклланиши**

| ЭИЗ | 2013 й. | | | 2018 й. | | |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | Инвестиция ҳажми | Саноат маҳсулоти млрд.сўм | Инвестиция сиғими | Инвестиция ҳажми | Саноат маҳсулоти млрд.сўм | Инвестиция сиғими |
| | $КВ_0$ | $В_0$ | $КЕ_0$ | $КВ_1$ | $В_1$ | $КЕ_1$ |
| “Навоий” ЭИЗ | 3,5 | 92,8 | 0,04 | 16,1 | 125,6 | 0,13 |
| “Ангрен” ЭИЗ | 4,3 | 12,1 | 0,35 | 15,6 | 49,3 | 0,32 |
| “Жиззах” ЭИЗ | 3,5 | 2,1 | 1,66 | 188,8 | 267,4 | 0,71 |
| Жами: | **11,3** | **107** | **X** | **220,5** | **442,3** | **x** |

***Манба:*** *муаллиф томонидан ҳисобланган.*

Таҳлиллар натижасида инвестиция сиғимининг 2013-2018 йиллардаги кўрсаткичлари аниқланди ва уларнинг ўзгаришини кузатиш мумкин. “Навоий” ЭИЗда инвестиция сиғими ўсиб борган, “Ангрен” ва “Жиззах” ЭИЗларида эса камайиш кузатилмоқда. Бу эса ушбу зоналарда маълум чора-тадбирларни амалга оширишни талаб этади.

**5-жадвал**

**Минтақалардаги эркин иқтисодий зоналарда инвестиция ҳажмининг кўп омилли индекслари**

| **ЭИЗ** | **Инвестиция сиғими** | | **Бир банд кишига тўғри келган саноат маҳсулоти ҳажми (млн.сўмда)** | | **Банд бўлганлар сони (киши)** | |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | $a_0$ | $a_1$ | $b_0$ | $b_1$ | $c_0$ | $c_1$ |
| “Навоий” ЭИЗ | 0,04 | 0,13 | 167,217 | 67,892 | 55 | 1850 |
| “Ангрен” ЭИЗ | 0,35 | 0,32 | 44,266 | 68,472 | 274 | 720 |
| “Жиззах” ЭИЗ | 1,66 | 0,71 | 64,024 | 221,358 | 33 | 1208 |
| Жами: | **X** | **x** | **X** | **x** | **862** | **3778** |

***Манба:*** *Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф ишланмаси.*

**Инвестиция ҳажми бир кишига тўғри келган ялпи маҳсулот ҳажми билан инвестиция сиғими каби ҳисобланган кўрсаткичларга тенг, яъни:**

КВ=а.в.с. (2).

Бундай боғланиш бу кўрсаткичларнинг индекслари орасидаги муносабатда ҳам кўринади:

$I_{кв} = I_a x I_в x I_c$ (3).

Ҳисобларга кўра барча омиллар ҳисобига эркин иқтисодий зоналардаги инвестиция ҳажми 19,5 марта ошганлиги кузатилди.

Юқоридагилардан шундай хулоса қилиш мумкинки, эркин иқтисодий зоналар инвестиция ҳажми инвестиция сиғими ўзгариши ҳисобига 152 фоизга, саноат маҳсулотининг бир кишига тўғри келган меҳнат унумдорлиги 92 фоизга, эркин иқтисодий зоналарда банд бўлган ҳодимлар сони ҳисобига 13,8 марта ва учта омил ҳисобига эса 19,5 марта кўпайган.

Таҳлил маълумотларидан кўринадики, республикадаги эркин иқтисодий зоналарга киритилган ин-

вестицияларнинг мутлақ ҳажми 209,2 млрд.сўмга ошган. Шу жумладан, эркин иқтисодий зоналар инвестиция ҳажмида инвестиция сиғими ўзгариши ҳисобига 5,9 млрд. сўмга кўпайган. Бир кишига тўғри келган саноат маҳсулотнинг ўзгариши ҳисобига инвестиция ҳажми 1,3 млрд.сўмга камайган. Эркин иқтисодий зоналар фаолиятида банд бўлганлар сони ўзгариши ҳисобига инвестициялар ҳажми 204,6 млрд.сўмга ошган.

Хулоса қилиб айтганда, ҳудудлар ижтимоий-иқтисодий ривожланишида эркин иқтисодий зоналар самарадорлигини ошириш кўп жиҳатдан инвестицияларни тўғри жойлаштиришга боғлиқ бўлиб, зоналарнинг бошқариш фаолиятини янада такомиллаштиришни талаб этади.

Эркин иқтисодий зоналар ҳудудида инвестиция лойиҳасини амалга ошириш бўйича қарорлар Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги қошидаги "Лойиҳалар ва импорт контрактларини комплекс экспертиза қилиш маркази" ДУКнинг ижобий хулосаси мавжуд бўлганда қабул қилинади. Марказ томонидан эркин иқтисодий зоналар ҳудудида лойиҳаларни жойлаштириш бўйича инвестиция буюртманомаларини кўриб чиқиш хулоса бериш жараёни билан бирга 30 календар кундан ошмаслиги лозим. Бу ҳолат, бир ой давомида инвесторни кўплаб шубҳа-гумонлар ичида қолдирмоқда.

Минтақа ижтимоий-иқтисодий ривожланишида эркин иқтисодий зоналар фаолиятини релетив(юқори аниқликдаги) баҳолаш усули ижобий самара беради. Бунда иккита бир-бирини тўлдирувчи тушунчалардан фойдаланилди. Улар натижага йўналтирилган бюджет *(Изоҳ: бу кўрсаткич эркин иқтисодий зоналарнинг фаолият мақсадини амалга оширишга йўналтирилган маблағлар жамланмасидан иборатдир)*. (Result Oriented Budget, НЙБ) ва мувозанатли кўрсаткичлар тизими *(Изоҳ: бу кўрсаткич эркин иқтисодий зоналарнинг мақсадларига эришиш йўлида ҳаракатга келувчи кўрсаткичлардан иборат тизим)* (Balansed Scorecard, BSC, МКТ). Тавсия этилган асосий кўрсаткичлар тизими икки даражага: ЭИЗнинг фаолият ва ЭИЗ ташкил этилган ҳудуд даражасига ажратилади. НЙБнинг иқтисодий самарадорлик натижалари ЭИЗ фаолиятининг бевосита натижалари сифатида кўриб чиқилади. МКТ эса мазкур кўрсаткичларни ҳудуд макроиқтисодий кўрсаткичлари ҳамда ЭИЗ дирекцияси бошқарув жараёнлари билан боғлаш имконини беради.

Таҳлиллар. Шундай қилиб, баён этилган усулни қўллаш натижасида ЭИЗлар фаолиятини баҳолаш модели уч даражали тузилма кўринишини олади, белгиланган мақсадлар ва ЭИЗ натижаларининг сифат фарқларини яққол кўрсатиш имконини беради. Қуйи даражада ЭИЗ дирекциясининг белгиланган ваколатларга мос равишда амалга оширувчи жараёнлари тақдим этилади. Бу жараёнлар "Навоий" эркин иқтисодий зонаси дирекцияси давлат унитар корхонасининг Уставида белгиланган бўлиб, Дирекция фаолиятининг асосий йўналишларига тўғри келади. Ушбу босқичда ЭИЗ жараёнлари бевосита натижаларининг (моделда жами 12 та натижа аниқланади) юқори даражаларга таъсири ҳисобланди.

Навоий, Тошкент ва Жиззах вилоятлари асосий ижтимоий-иқтисодий кўрсаткичларига нисбатан корреляция коэффициенти юқори бўлган индикаторлар, уларнинг ЭИЗ фаолияти самарадорлиги кўрсаткичларига ҳам ижобий таъсирини инобатга олиб, моделга киритилди ҳамда уларнинг тегишли равишда ҳар бир макроиқтисодий кўрсаткичга таъсири ҳисобланди.

**Вилоятлар ва ЭИЗларни ривожлантиришнинг бир нечта вариантлари, сценарийлар ва параметрларни ўзгартириб амалга оширилган ҳисоб - китоблар оптимал натижалар берди ва қуйидаги хулосаларга олиб келди:**

ЭИЗ қатнашчилари ва хўжалик юритувчилари томонидан маҳаллийлаштириш даражасини оширишга эътиборнинг кучайтирилиши вилоятда сотилган маҳсулот ва хизматлар ҳажми ошишига ижобий таъсир кўрсатди. ЭИЗ дирекцияси томонидан маҳаллий хомашё ва табиий ресурслардан кенг фойдаланган ҳолда импорт қилинувчи маҳсулотларни маҳаллийлаштиришни рағбатлантириш ишларини жадаллаштириш талаб этилади;

ЭИЗ дирекцияси томонидан зонада инвестиция киритиш қулайликларини амалга ошириш ишларини самарадорлигини таъминлаш ва бир иш ўрнига тўғри келувчи инвестициялар ҳажмини вилоятлардаги ўртачага нисбатан фарқини 8 %га пасайтириш мақсадга мувофиқ;

ЭИЗ ҳудудида қурилган ва топширилган ижтимоий кўчмас мулк ва ижтимоий инфратузилма объектлари ҳажми бевосита вилоят ижтимоий ўсиш кўрсаткичига таъсир кўрсатади. Шунинг учун ЭИЗ дирекцияси зонада янги иш ўринларини яратиш жараёни бўйича ўз фаолиятини жадаллаштириши

лозим. ЭИЗда яратилган иш ўринлари улушини 1%га ошириш вилоят ижтимоий ривожланиш кўрсаткичини 0,66 %га кўтариш имконини беради;

ЭИЗда юқори технологик иқтисодиёт соҳасига тўғри келувчи ишлаб чиқариш ҳажмини 2%га ошириш маҳаллий бюджетга тушадиган қўшимча даромадларнинг 2,6 %га ошишига олиб келди;

ЭИЗ фаолиятини назорат қилиш натижадорлиги ва ЭИЗ қатнашчиларига берилган имтиёзлар самарадорлиги жараёнларини ЭИЗ дирекцияси томонидан янада яхшилаш ва кўрсаткичларини 1 %га ошириш вилоятнинг инвестицион ва инновацион жозибадорлигини 0,6 %га оширади;

ЭИЗ дирекцияси бюджет маблағларини кўчмас мулк ва логистика хизматларини ривожлантиришга қаратиши мақсадга мувофиқ. Ушбу жараёнларни 1 %га ошириш ҳудудлар хизматлар соҳаси ҳажмларининг 1,6 % ошишига олиб келади.

Бирин-кетин модель параметрларини сценарийли ўзгартириш асосида 120 дан ортиқ вариантлар ҳисобланди ва пировард натижа вилоят ЯҲМ ҳажмининг юқори ўсишини таъминловчи қуйидаги оптимал вариант таклиф этилди. Модель ЭИЗ дирекцияси фаолияти жараёнлари, айниқса, маҳаллийлаштиришни рағбатлантириш, инвестиция киритиш қулайликларини ошириш, янги иш ўринларини яратиш, юқори технологик иқтисодиёт соҳасига тўғри келувчи ишлаб чиқариш ҳажмини кўпайтиришга хизмат қилади. Шунингдек, инвесторларни жалб этиш ва рўйхатдан ўтказиш самарадорлигини, фаолиятини назорат қилиш натижадорлиги, давлат хизматларини кўрсатиш сифати, зона қатнашчиларига берилган имтиёзлар самарадорлигини оширишга олиб келади. Натижада, вилоят ялпи ҳудудий маҳсулоти 6,9 %га ўсишини таъминлайди.

Мамлакатимизда олиб борилаётган ижтимоий-иқтисодий жараёнларга муносиб тарзда, яъни "Ҳаракатлар стратегияси" билан мос равишда минтақаларда эркин иқтисодий зоналарни такомиллаштириш ва фаолиятини мустаҳкамлаш борасида махсус стратегиялар ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқ. Мазкур стратегиялар босқичма-босқич амалга оширилган тақдирда келажакда ҳудудлар ва ЭИЗларнинг мақсадли параметрларини асослаш учун имкон яратилади.

Келажакда ЭИЗларни ривожлантириш стратегиясини амалга ошириш жараёнида қуйидаги турдаги эркин иқтисодий зоналарни ташкил этиш ва фаолиятини амалга ошириш мақсадга мувофиқдир.

**Биринчидан,** хизмат кўрсатиш соҳаси бошқа соҳаларга нисбатан тезроқ ўз самарасини кўрсатади. Муаллифнинг фикрича, бу соҳада ҳам алоҳида зона ташкил қилиш лозим. Масалан, тиббиёт хизматига ихтисослашган зона. Бунинг учун, хориж тажрибасини чуқур ўрганиш ва керакли мутахассисларни мамлакатимизга жалб этиш лозим.

**Иккинчидан,** эркин иқтисодий зоналарни ривожлантириш ва минтақадаги ўрнини прогноз кўрсаткичларига ўзаро боғланган ҳолда амалга ошириш лозим.

**Учинчидан,** вилоятлар ривожланиш кўрсаткичларидан паст бўлган туманларни маҳаллий ресурсларидан фойдаланган ҳолда эркин иқтисодий зона филиаллари мақомини бериб ривожлантириш.

**Тўртинчидан,** республикамиздаги фармацевтика соҳасига ихтисослаштирилган эркин иқтисодий зоналар дирекциялари ҳузурида тупроқ-иқлим шароитларидан ва реал талаб(пандемия)дан келиб чиққан ҳолда, маҳсулот плантациялари ташкил қилиш керак. Бунда доривор ўсимликлар турлари, маҳаллий доривор ўсимликлар хомашёсидан фойдаланган ҳолда доривор моддалар(субстанциялар) ва дори воситалари ишлаб чиқариш соҳасидаги илмий тадқиқотлар натижаларини тизимли равишда кенгайтириб бориш лозим.

Ҳар бир эркин иқтисодий зонанинг минтақа иқтисодиётида тутган ўрни ва ижтимоий-иқтисодий ривожланишдаги ҳиссасини баҳолаб бориш бўйича тизимли мониторингни шакллантириш мавжуд хавф-хатарларнинг олдини олишга ёрдам беради.

**Мақола бўйича хулоса ва таклифлар. Ўзбекистондаги эркин иқтисодий зоналарнинг минтақалар иқтисодиётига таъсирини аниқлаш, тизимли жойлаштириш ва фаолиятини такомиллаштиришда қуйидаги хулоса ва таклифлар ишлаб чиқилди:**

1. Эркин иқтисодий зоналарни жойлаштириш ва ташкил этишда "Минтақа (ҳудуд)ни стратегик ривожлантириш" тамойилини қўшиш ва инновация йўналишига урғу бериш мақсадида "Илмий-инновацион фаолият" деб юритиш мақсадга мувофиқдир.

2. Эркин иқтисодий зоналар фаолияти самарадорлик даражасини кўп омилли индекс усулини такомиллаштириш асосида баҳолаш услубиётини амалиётда қўллаш натижасида мамлакатимиздаги эркин иқтисодий зоналарнинг фаолиятига баҳо бериб бориш лозим.

**6-жадвал**

**Эркин иқтисодий зоналарнинг минтақалар иқтисодиётида тутган ўрни**

| Йиллар / Кўрсат-кичлар | “Навоий” эркин иқтисодий зонасининг Навоий вилояти иқтисодиётида тутган ўрни | | “Ангрен” эркин иқтисодий зонасининг Тошкент вилояти иқтисодиётида тутган ўрни | | “Жиззах” эркин иқтисодий зонасининг Жиззах вилояти иқтисодиётида тутган ўрни | |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | Вилоят ЯҲМда ЭИЗнинг улуши (улуши,% ) | Вилоятда и/ ч-ган саноат сулотларидаги Навоий ЭИЗ улуши (улуши,% ) | Вилоят ЯҲМда ЭИЗнинг улуши (улуши,% ) | Вилоятда и/чган саноат маҳсулот-ларидаги Ангрен ЭИЗ улуши (улуши, % ) | Вилоят ЯҲМда ЭИЗнинг улуши (улуши,% ) | Вилоятда и/ч саноат маҳсулотларидаги Жиззах ЭИЗ улуши (улуши, % ) |
| 2019 йил факт | 3,6 | 5,5 | 1,3 | 2,8 | 1,3 | 11,6 |
| 2020 й. | 3,9 | 5,5 | 1,6 | 2,9 | 1,2 | 12 |
| 2021 й. | 4,3 | 6,3 | 2,0 | 3,3 | 1,6 | 13,3 |
| 2022 й. | 4,8 | 6,4 | 2,5 | 4,4 | 1,8 | 14,4 |
| 2023 й. | 5,4 | 6,9 | 3,1 | 4,9 | 2,2 | 15,9 |
| 2024 й. | 6,1 | 7,9 | 3,8 | 5,1 | 2,5 | 16,9 |
| 2025 й. | 6,9 | 8,5 | 4,6 | 5,5 | 2,8 | 17,5 |
| 2026 й. | 7,8 | 8,7 | 5,5 | 5,7 | 3,1 | 18,7 |
| 2027 й. | 8,8 | 9,9 | 6,0 | 5,9 | 3,5 | 19,9 |
| 2028 й. | 10 | 10 | 7,1 | 6 | 3,9 | 20 |
| 2029 й. | 11,1 | 10,9 | 8,3 | 7,9 | 4,3 | 21,9 |
| 2030 й. | 12,3 | 11,5 | 9,6 | 8,5 | 4,8 | 22,5 |

***Манба:*** *муаллиф томонидан Прогнозлаштириш ва макроиқтисодий тадқиқотлар институти прогноз таҳлилларидан фойдаланган ҳолда олинган натижалар.*

3. Эркин иқтисодий зоналарда ҳар бир омилни таҳлил қилиш юзага келиши мумкин бўлган хавф-хатарларнинг олдини олиш ва барқарор ривожланишга эришишда муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

4. Макро, микро ва минтақа даражасида бошқарув тизимини мувофиқлаштириш асосида эркин иқтисодий зоналарнинг ривожланишини таъминловчи модель уларда менежмент жараёнини тубдан ўзгартириши билан бир қаторда, дирекциялар ваколатларини кенгайтиради.

5. Минтақалардаги туманлар маҳаллий ресурсларидан фойдаланган ҳолда эркин иқтисодий зона филиалларини янги ихтисослашган зоналар мақомини бериш орқали ривожлантириш, ўсиш суръатларини ошириш мумкин. Жумладан: Учқудуқ туманида йилқичилик тармоғидаги маҳаллий ресурслар орқали терини қайта ишлаш бўйича эркин иқтисодий зона филиалларини очиш лозим, хизмат кўрсатиш соҳаси учун алоҳида зона ташкил қилиш мақсадга мувофиқ.

6. Минтақа иқтисодиёти билан эркин иқтисодий зонани ўзаро боғлаган ҳолда ривожлантириш концепцияси ишлаб чиқилиши ва уларнинг 2030 йилгача мўлжалланган ижтимоий-иқтисодий прогноз кўрсаткичлари натижасида узоқ йиллик стратегияларни ишлаб чиқиш, олдиндан қилиниши лозим бўлган ишларнинг режалари ёки кутилиши мумкин

бўлган хавф-хатарларнинг олдини олиш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш мумкинлигига алоҳида эътибор қаратиш лозимдир.

7. Эркин иқтисодий зоналар ҳудудида инновацион муҳитни шакллантириш ва уни мониторинг қилиб бориш лозим. Мониторингда асосан эркин иқтисодий зоналарнинг самарадорлик кўрсаткичларини акс эттириб бориш, хорижий экспертлар ва инвесторлар эътиборини тортишнинг энг мақбул йўлларидан бири ҳисобланади. Бундан ташқари, Ўзбекистон эркин иқтисодий зоналари сайтини яратиш ва унинг фаол иш олиб боришини, статистик маълумотлар ва халқаро рекламаларни ташкил этиш лозим.

8. Ҳар беш йилда эркин иқтисодий зоналарнинг минтақаларни ривожлантиришга бевосита таъсирини ҳисобга олган ҳолда, ҳудудларда инновацион технологияларга асосланган саноат кооперацияси, машинасозлик, электротехника ва кимё тармоқларини устувор ривожлантириш бўйича мақсадли дастурлар ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқ.

***Манба ва адабиётлар***

*1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлисга мурожаатномаси. – Тошкент, 2018 йил 28 декабрь.*

*2. Рашидов М.К. “Эркин иқтисодий зона ташкил қилишнинг ҳуқуқий таъминоти таҳлили. //Сервис” илмий – амалий журнал. – Тошкент, 2019. № 2. 143 –146-б.*

*3. Рашидов М.К. Эркин иқтисодий зоналарни ривожлантиришнинг жаҳон тажрибаси. //“Иқтисод ва молия” илмий – амалий журнал. – Тошкент, 2018. №9. 23–32-б.*

*4. www.stat.uz*

*5. www.fez.uz*

*6. www.lex.uz*

## Минтақаларда эркин иқтисодий зоналар фаолиятини такомиллаштиришнинг долзарблиги

**Мэлс Рашидов,**
*PhD (иқтисодиёт фанлари бўйича),*
*Навоий давлат кончилик институти*
*катта ўқитувчиси*

**Аннотация:** *жаҳонда эркин иқтисодий зоналар минтақа иқтисодиётининг барқарор ривожланиш омилига айлангани сабабли, уларни оптимал жойлаштириш ва самарали бошқаришга йўналтирилган илмий изланишларга муҳим эътибор қаратилмоқда. Мақолада эркин иқтисодий зоналарда самарали менежментни ташкил қилиш, ҳудудий салоҳиятдан унумли фойдаланишда инвестицияларни мақсадли жалб этиш, экспорт салоҳиятини ошириш, келажакда минтақа иқтисодиётига таъсирини баҳолаш услубиётини такомиллаштириш бўйича хулоса ва таклифлар келтирилган.*

**Калит сўзлар:** *минтақа, эркин иқтисодий зона, инвестиция ҳажми, инвестиция сиғими, инвестиция қайтими, хорижий инвестор, индекс, прогноз.*

## Актуальность совершенствования деятельностьи свободных экономических зон в регионах

**Мэлс Рашидов,**
*PhD (по экономическим наукам),*
*Навоийский государственный горный институт*
*старший преподаватель*

**Аннотация:** *поскольку свободные экономические зоны стали фактором устойчивого развития экономики региона в мире, большое внимание уделяется научным исследованиям, направленным на их оптимальное размещение и эффективное управление. В статье представлены выводы и рекомендации по организации эффективного управления в свободных экономических зонах, целевого инвестирования в эффективное использование регионального потенциала, повышения экспортного потенциала, совершенствования методологии оценки будущего воздействия на экономику региона.*

**Ключевые слова:** *регион, свободная экономическая зона, объем инвестиций, инвестиционный потенциал, отдача инвестиций, иностранный инвестор, индекс, прогноз.*

## The urgency of improving the functioning of free economic zones in the regions

**Mels Rashidov,**
*PhD (in Economics),*
*Navoi State Mining Institute big teacher Senior lecturer*

**Abstract:** *as free economic zones have become a factor in the sustainable development of the region's economy in the world, great attention is paid to scientific research aimed at their optimal placement and effective management. The article presents conclusions and recommendations on the organization of effective management in free economic zones, targeted investment in the effective use of regional potential, increasing export potential, improving the methodology for assessing the future impact on the region's economy.*

**Keywords:** *region, free economic zone, investment volume, investment capacity, investment return, foreign investor, index, forecast.*

**УЎК: 330.336**

**Bekhzod MADJIDOV,**
*Leading Researcher Institute for Forecasting and Macroeconomic Research under the Ministry of Economic Development and Poverty Reduction of the Republic of Uzbekistan,*
**E-mail:** B.Madjidov@ifmr.uz,
**Nurbek OMONOV,**
*Senior Researcher Institute for Forecasting and Macroeconomic Research under the Ministry of Economic Development and Poverty Reduction of the Republic of Uzbekistan,*
**E-mail:** N.Omonov@ifmr.uz

# Twin Deficit Hypothesis: An Empirical Study in Uzbekistan

Maintaining sustainable budget deficits (or fiscal deficits) plays an important role in ensuring macroeconomic stability. The macroeconomic theory which assumes a positive relationship between government budget deficits and current account deficits is known as twin deficit hypothesis. Many researchers have theoretically and empirically tested the phenomenon and most of them have concluded that budget deficits lead to current account deficits [1].

In Uzbekistan, there has been a steady increase in fiscal deficit and public debt over the past 4 years. Fiscal deficit on average rose from -1.9% of GDP in 2017, to -4.5% of GDP in 2020. From 2017 to 2020 public debt grew from 19.5 percent of GDP to 40.4 percent, on average by 7.2% per year (Table 1).

It can be explained that loans have been attracted from international organizations to fund government development programs in key sectors of the economy. In addition, the crisis caused by COVID-19 pandemic in 2020 dramatically worsened the current state budget.

**Table 1**

**Selected Economic Indicators in Uzbekistan, 2016-2020**

| Indicator | 2017 | 2018 | 2019 | 2020 |
|---|---|---|---|---|
| Fiscal Deficit, % of GDP | -1.9 | -2.1 | -3.9 | -4.5 |
| Current Account, % of GDP | 2.5 | -7.1 | -5.6 | -5.1 |
| Public Debt, % of GDP | 19.5 | 29.2 | 30.8 | 40.4 |
| Real GDP growth, % | 5.3 | 5.1 | 5.6 | 1.6 |
| Inflation rate, % | 13.9 | 17.5 | 14.5 | 11.0 |

***Source:*** *IMF, Central Bank of Uzbekistan, Statistics Committee of Uzbekistan*

In this article, we have analyzed the causal relationship between budget deficits and current account deficits in Uzbekistan by using time series data over the period of 2000–2020. We have empirically tested the hypothesis with autoregressive distributed lag (ARDL) and OLS (Ordinary least squares) models.

**What is twin deficit?**

The twin deficit is a phenomenon when budget deficits and current account deficits occur simultaneously. Today many developed and developing countries have been experiencing it. There are two propositions that explain twin deficit hypothesis. One of them is Keynesian proposition, according to which, there is a

positive relationship between budget deficit and current account deficit, since fiscal expansion that usually leads to fiscal deficit stimulates aggregate demand in the country. An increase in aggregate demand means the pressure export goods and rising imports. The other is Ricardian Equivalence Hypothesis, which asserts that there is no link between the budget and the current account deficits, and the two are independent of each other. According to the Ricardian theory, even if the government aims to increase aggregate demand, people may postpone their spending by saving for the future.

Salvatore (2006) [2] argues that the increase in the budget deficit puts a lot of pressure on interest rates, leading to inflows of capital and depreciation of the exchange rate. As a result, imported foreign goods will become cheaper and exports – more expensive. The sharp increase in imports will create a huge deficit in current account operations, which in turn threatens external balance, and macroeconomic stability in general. Thus, the budget deficit and the current account deficit are considered to be the main macroeconomic issue in any economy.

Today, some countries, including Uzbekistan, face fiscal and current account deficits. The Diagram 1 shows the dynamics of changes in fiscal balance and current account balance of Uzbekistan in relation to GDP over the period of 2000 and 2020.




**Diagram 1. Fiscal balance and Current Account balance (% of GDP)**

***Source:*** *Authors' calculations based on the IMF data.*

As it can be seen from the diagram, Uzbekistan's current account had been in deficit for the last 3 years - 2018, 2019, and 2020, with the highest figure being -7.1% of GDP to 2018. This was mainly due to the liberalization of trade and exchange rate regimes and, as a consequence, the growth of investment. The overall fiscal balance for 2015-2020 remained in deficit and was -4.5% of GDP in 2020. One of the main reasons for this was the allocation of huge loans for the implementation of large-scale reforms to create conditions for strong private sector-led growth, job creation, and poverty alleviation.

To see the relationship between Uzbekistan's current account balance and the budget balance the scatter plot was provided (Diagram 2).




**Diagram 2. The relationship between current account and fiscal balance.**

***Source:*** *Authors' calculations based on the IMF data*

The twin deficit hypothesis had been studied empirically by many economists. For instance, a study by Tang and Lau (2011) found that a 1% increase in budget deficit causes 0.43% increase in current account deficit in the US from 1973 to 2008 [3].

S. M. Ali Abbas et al. (2011) began their empirical analysis with panel regressions on 88 non-oil exporting economies spanning the period 1970-2007. The findings suggest that, on average, a strengthening in the cyclically-adjusted primary balance-to-potential GDP ratio (CAPB) of 1 percentage point is associated with an improvement in the current account-to-GDP ratio of about 0.3 [4].

IMF paper (2018) provides evidence on the existence and magnitude of the "twin deficits" in developing economies. According to the working paper, using unanticipated government spending shocks for an unbalanced panel of 114 developing economies from 1990 to 2015, the experts found that a 1% of GDP unanticipated improvement in the government budget balance improves, on average, the current account balance by 0.8 percentage point of GDP [5].

The traditional Keynesian approach postulates that current account deficit has a positive relationship with budget deficit. This means that an increase in budget deficit will lead to a current account deficit and a budget surplus will have a positive impact on the current account deficit. The increase in budget deficit will lead to domestic absorption and, thus, increase domestic income, which will lead to an increase in imports and widen the current account deficit [6]. This can be described by the following equations:

$$CA=S-I$$
$$S=I+CA=Y-C-G$$
$$S=Y-C-G=(Y-T-C)+(T-G)=S^p+S^g$$
$$S^p=I+CA-S^g=I+CA-(T-G)=I+CA+(G-T)$$
$$CA=S^p-I-(G-T)$$

*CA* = *current account balance*
*S* = *saving*
*I* = *investment*
*S^p* = *private saving*
*S^g* = *government saving*
*Y* = *GDP*
*T* = *tax revenue*
*G* = *government expenditure*
*C* = *consumption*

**Data and methodology**

In the empirical analyses, we used time series data of Uzbekistan for the period of 2000-2020 in order to check the relationship between fiscal deficit and current account, and vice versa. The dependent variable is current account balance over GDP and the main explanatory variable is fiscal balance over GDP. Moreover, interest rate, inflation, nominal exchange rate and broad money were used as control variables (table 2-3).

**The increase in budget deficit will lead to domestic absorption and, thus, increase domestic income, which will lead to an increase in imports and widen the current account deficit**

**Table 2**

**Descriptive statistics**

| Variables | Obs | Mean | Std.Dev. | Min | Max |
|---|---|---|---|---|---|
| **Current Account balance / GDP** | 21 | 2.56% | 4.31% | -7.09% | 7.70% |
| **Fiscal Balance / GDP** | 21 | 1.17% | 4.87% | -10.56% | 12.38% |
| **Interest rate** | 21 | 15.95% | 6.06% | 9.00% | 30.00% |
| **Inflation** | 21 | 10.55% | 7.08% | 3.70% | 28.20% |
| **Exchange rate** | 21 | 2,718.75 | 2,839.34 | 237.76 | 10,064.73 |
| **M2 / GDP** | 21 | 17.07% | 3.85% | 10.25% | 24.20% |

**Table 3**

**Correlation matrix of variables**

| Variables | Current Account balance / GDP | Fiscal Balance / GDP | Interest rate | Inflation | Exchange rate | M2 / GDP |
|---|---|---|---|---|---|---|
| **Current Account balance / GDP** | 1 | | | | | |
| **Fiscal Balance / GDP** | 0,3322 | 1 | | | | |
| **Interest rate** | -0,1739 | 0,3656 | 1 | | | |
| **Inflation** | -0,1526 | -0,0585 | 0,3972 | 1 | | |
| **Exchange rate** | -0,1678 | 0,0069 | 0,4091 | 0,8247 | 1 | |
| **M2 / GDP** | 0,2477 | -0,2043 | -0,4106 | -0,3738 | -0,2633 | 1 |

We used an autoregressive distributed lag (ARDL) model in the econometric analyses, we also used Ordinary Least Square (OLS) model itself to check the robustness of the results. When we use the time-series data for econometric analysis, we need to make sure that the indicators are not stationary. But, indicators of the analysis are stationary (average, variance and autocorrelation structure do not change over time) (except for the inflation index), therefore, we calculated the first difference of the variables before applying the Augmented Dickey-Fuller test.

$$Y_i=Z_i-Z_(i-1)$$

The results of The Augmented Dickey-Fuller test was provided in the table below (Table 4).

**Table 4**

**Augmented Dickey-Fuller (ADF) test results**

| Variable name | t-test | MacKinnon approximate p-value for Z(t) | Lags |
|---|---|---|---|
| Dif_CA | -4,091*** | 0,001 | 1 |
| Dif_FiscalDeficit | -3,292** | 0,0153 | 1 |
| Dif_Interest_Rate | -3,174** | 0,0215 | 1 |
| CPI | -4,134*** | 0,0009 | 1 |
| Dif_LogFExchange | -4,236*** | 0,0006 | 1 |
| Dif_M2 | -4,036*** | 0,0012 | 1 |

*Standard errors in parentheses*
**** p<0.01, ** p<0.05, * p<0.1*

### Results and discussion

The results from the analysis of econometric models indicate a positive correlation between the fiscal deficit and the current account balance (Table-5). Namely, an improvement of the fiscal balance by 1% has a positive effect on the current account balance of 0.34-0.35% with 5% statistically significant level according to p-value and t-test, or vice versa. Our econometric results support Keynesian theory and in the same line with the results of Tang and Lau (2011) and S. M. Ali Abbas et al. (2011).



**Table 5**

**Results of econometric analysis**

| | (1) | (2) |
|---|---|---|
| | ARDL | OLS |
| VARIABLES | Dif_CA | Dif_CA |
| Dif_FD | 0.349** | 0.337* |
| | (0.141) | (0.171) |
| Dif_Interestrate | -1.013** | -0.288 |
| | (0.417) | (0.318) |
| CPI | 0.120 | 0.127 |
| | (0.280) | (0.223) |
| Dif_LogFX | 0.0560 | -0.0314 |
| | (0.0587) | (0.0673) |
| Dif_M2 | 0.652 | 0.535 |
| | (0.388) | (0.494) |
| Constant | -0.0350 | -0.0140 |
| | (0.0238) | (0.0167) |
| Observations | 19 | 20 |
| R-squared | 0.620 | 0.277 |

*Standard errors in parentheses*
**** p<0.01, ** p<0.05, * p<0.1*

**Table 6**

**Results of econometric analysis**

| | (1) | (2) |
|---|---|---|
| | ARDL | OLS |
| VARIABLES | Dif_FD | Dif_FD |
| Dif_CA | 0.389 | 0.644* |
| | (0.342) | (0.327) |
| Dif_Interestrate | -0.168 | 0.715 |
| | (0.719) | (0.409) |
| CPI | -0.0198 | -0.292 |
| | (0.478) | (0.302) |
| Dif_LogFX | 0.0639 | 0.0370 |
| | (0.0905) | (0.0932) |
| Dif_M2 | -0.466 | -0.657 |
| | (0.674) | (0.688) |
| Constant | -0.00398 | 0.0297 |
| | (0.0415) | (0.0222) |
| Observations | 19 | 20 |
| R-squared | 0.405 | 0.373 |

*Standard errors in parentheses*
**** p<0.01, ** p<0.05, * p<0.1*

In addition, we examined the effect of changes in the current account balance on the fiscal balance and found a positive link between two variables. However, the t-test results revealed that they are not statistically significant **(Table 6)**.

**Conclusions**

This results on twin deficit hypothesis, using ARDL and OLS models, propose that there is a positive connection between fiscal deficit and current account deficit in Uzbekistan within the period of 2000 and 2020. To deal with the twin deficits problems the government the government should introduce fiscal measures such as reducing non-development expenditure and encourage domestic production. It should also enhance the tax and non-tax revenue collection system through fighting corruption and shadow economy, which causes significant fall in tax revenues.

The government should also encourage export-oriented firms by creating favorable investment climate. The increase of import substitution in the home country will increase domestic output, employment and earnings which in turn reduce imports volume. If effectively implemented these measures will finally reduce budget deficits and improve the country's current account balance over time.

**Moreover, based on international experience, we present the following recommendations:**

1) In order to achieve fiscal consolidation, i.e., strengthening the budget, the government needs to increase the efficiency of tax administration by strengthening tax compliance, reducing and eliminating tax evasion.

2) It is highly necessary to increase tax revenues by expanding the tax base and optimizing tax incentives.

3) It is crucial to improve the mechanisms for the effective distribution of state subsidies.

4) To prevent a debt crisis, strict regulation of the movement of each leading indicator should be performed, in particular, control over M2 and inflation growth.

5) In addition, domestic lending must be organized efficiently so that commercial banks do not face liquidity problems.

6) It is also important to overcome the crisis by ensuring that the amount of loans provided by the IMF does not exceed the established quota.

7) Due to the strong correlation between short-term loans and current account deficits, they should be directed to highly efficient sectors.

***References***

*1. Salvatore (2006), Kim & Roubini (2008), Tang & Lau (2011), Banday & Aneja (2016).*

*2. Salvatore, D., 2006. Twin deficits in the G-7 countries and global structural imbalances. Journal of Policy Modeling, 28(6), 701-712.*

*3. Tang TC, Lau E., 2011. General equilibrium perspective on the twin deficits hypothesis for the USA. EEL-10(3):245–251.*

*4. S. M. Ali Abbas, Jacques Bouhga-Hagbe et al., 2011. Fiscal Policy and the Current Account*

*5. IMF Working Paper, 2018. "Twin Deficits in Developing Economies". IMF Research and Fiscal Affairs Departments.*

*6. Umer Jeelanie Banday & Ranjan Aneja, 2019. "Twin deficit hypothesis and reverse causality: a case study of China". Palgrave Communications vol.5, Article number: 93.*

## Twin Deficit Hypothesis: An Empirical Study in Uzbekistan

**Bekhzod Madjidov,**
*Leading Researcher Institute for Forecasting and Macroeconomic Research,*
**Nurbek Omonov,**
*Senior Researcher Institute for Forecasting and Macroeconomic Research*

**Abstract:** *this paper examines the relationship between fiscal deficit and current account deficit of Uzbekistan using time series data over the period of 2000–2020. We have empirically tested the twin deficit hypothesis using autoregressive distributed lag (ARDL) and OLS (Ordinary least squares) models. In the empirical part Augmented Dickey-Fuller (ADF) test is implemented. Our results show that, strengthening the fiscal balance by 1%, improves current account by 0.35% over GDP. The results validated the Keynesian hypothesis for the economy of Uzbekistan.*

**Keywords:** *twin deficit hypothesis, Current account deficits, Keynesian Proposition, Ricardian Equivalence Hypothesis, ARDL, OLS.*

## Икки томонлама тақчиллик гипотезаси: Ўзбекистондаги эмприк тадқиқот

**Беҳзод Маджидов,**
*Прогнозлаштириш ва макроиқтисодий тадқиқотлар институти етакчи илмий ходими,*
**Нурбек Омонов,**
*Прогнозлаштириш ва макроиқтисодий тадқиқотлар институти катта илмий ходими*

**Аннотация:** *ушбу мақолада 2000–2020 йиллар оралиғидаги вақт қаторлари маълумотлари ёрдамида Ўзбекистондаги бюджет танқислиги ва жорий ҳисоб операциялари тақчиллиги ўртасидаги боғлиқлик ўрганиб чиқилди. Биз икки томонлама тақчиллик гипотезасини Autoregressive distributed lag (ARDL) ва OLS (Ordinary least squares) моделлари ёрдамида синаб кўрдик. Мақоланинг эмпирик қисмида кенгайтирилган Augmented Dickey-Fuller (ADF) тести амалга оширилди. Натижалар шуни кўрсатдики, фискал балансининг 1% га мустаҳкамланиши жорий операциялар ҳисобини ЯИМга нисбатан 0,35% га яхшилайди. Бу натижаларга кўра, Ўзбекистон иқтисодиёти учун Кейнс гипотезаси тасдиқланди.*

**Калит сўзлар:** *икки томонлама дефицит гипотезаси, жорий операциялар ҳисоби дефицити, Кейнс ғояси, Рикардо эквивалентлик гипотезаси, ARDL, OLS.*

## Гипотеза двойного дефицита: эмпирическое исследование в Узбекистане

**Бехзод Маджидов,**
*ведущий научный сотрудник Института прогнозирования и макроэкономических исследований,*
**Нурбек Омонов,**
*старший научный сотрудник Института прогнозирования и макроэкономических исследований*

**Аннотация:** *в данной статье исследуется взаимосвязь между бюджетным дефицитом и дефицитом текущего счета в Узбекистане с использованием данных временных рядов за период 2000–2020 годов. Мы эмпирически проверили гипотезу двойного дефицита с помощью моделей авторегрессионного распределенного запаздывания (ARDL) и OLS (обычных наименьших квадратов). В эмпирической части реализован расширенный тест Дики-Фуллера (ADF). Наши результаты показывают, что укрепление фискального баланса на 1% улучшает текущий счет на 0,35% по сравнению с ВВП. Результаты подтвердили Кейнсианскую гипотезу для экономики Узбекистана.*

**Ключевые слова:** *гипотеза двойного дефицита, дефицит текущего счета, Кейнсианское утверждение, гипотеза Рикардианской эквивалентности, ARDL, OLS.*

**Саноат, аграр ва ҳудудий иқтисодиёт / Промышленность, сельское хозяйство и региональная экономика / Industry, agriculturel and regional economy**

**УЎК: 338.435.32**

**Рустам ХАСАНОВ,**
*Иқтисодиёт фанлари доктори, профессор,*
*Прогнозлаштириш ва макроиқтисодий тадқиқотлар институти лойиҳа раҳбари,*
**E-mail:** r.r.khasanov@mail.ru

# Ўзбекистонда томорқа хўжалиги имкониятларидан кенг фойдаланишнинг ўрни ва аҳамияти

Коронавирус пандемияси ва ундан кейинги даврда аҳолини зарурий қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари билан таъминлаш, ҳар бир оила ўз томорқасида меҳнат қилиб, ўз оиласи эҳтиёжларини қондириши, озиқ овқат хавфсизлигини таъминлашга ҳисса қўшиши долзарб аҳамият касб этади.

Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев барча фермерлар, кластер ишчилари ва деҳқонлар карантин қоидаларига амал қилган ҳолда ўз даласида, аҳоли эса томорқасида баҳорги экиш ишларини давом эттириши кераклигини таъкидлаб, Ўзбекистонда озиқ-овқатга бўлган ички талабни тўла қондириш, аҳоли фаровонлигини ошириш учун катта заҳира ва имкониятлар мавжуд эканлигини айтиб ўтди.

Томорқа имкониятларидан қаерда ва қандай фойдаланилаяпти? 1 сотих ердан қанча даромад олиш мумкин? Томорқани ҳақиқий хазинага айлантириш учун нималар қилиш лозим?

Президентимиз таъкидлаганидек, "... бугун томорқадан юқори ҳосил ва даромад олаётган миришкор деҳқонларимизнинг тажрибасини кенг жорий қилишимиз керак. Айтайлик, Асака, Олтинкўл, Наманган, Уйчи, Ангор, Жарқўрғон, Китоб, Тойлоқ, Самарқанд, Янгийўл, Зангиота, Олтиариқ, Қува каби туманларда аксарият оилалар бир йилда икки-уч марта ҳосил олади. Ушбу ҳудудларда 8-10 сотихлик томорқасидан йилига 50-100 миллион сўмгача даромад қилаётганлар бор. Лекин Қўнғирот, Тахтакўпир, Зарбдор, Зафаробод, Муборак, Конимех, Бойсун, Паст Дарғом, Мирзообод, Бўка, Гурлан каби туманларда эса 60-65 фоиз аҳоли томорқасидан самарасиз фойдаланяпти. Бу йилги мураккаб шароитни ҳисобга олиб, барча томорқаларда икки-уч марта экин экиш, қўшимча даромад қилиш биринчи даражали вазифа бўлиши лозим" [1]

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 28 апрелдаги "Моддий ёрдам ва кўмакка муҳтож оилаларни, хотин-қизлар ва ёшларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида" 250-сонли Қарорининг 1-иловасига [2] мувофиқ «Темир дафтар»га киритилган оилаларга томорқадан даромад манбаи сифатида фойдаланиш учун кўмаклашиш мақсадида, туман (шаҳар) ҳокимликлари, маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлими, фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари туман кенгаши, тижорат банклари билан ҳамкорликда «Темир дафтар»га киритилган оилаларда томорқадан самарали фойдаланишни ташкил этиш орқали бандликни таъминлашда енгил конструкцияли иссиқхоналар ўрнатиш, парранда, асалари, қуён, балиқ ва бедана боқишни йўлга қўйиш, «Томорқа хизмати» ташкилотлари ва «Дала дўконлари»ни ташкил этиш, «Темир дафтар»га киритилган оилаларга Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва маҳаллий ҳокимликлар томонидан деҳқончилик билан шуғулланиш учун янги ўзлаштирилган, лалми, фойдаланилмаётган ер майдонларида 0,1 гектардан 1 гектаргача ер ажратиш, ажратилган ер майдонларини суғориш

тизими (артезиан қудуқлар, томчилатиб суғориш тизими ва бошқалар) ва электр энергияси билан таъминлаш, берилган ерларни ўзлаштириш учун (ер ҳайдаш, уруғ, кўчат харид қилиш ва бошқалар) субсидия ажратиш ишларини амалга ошириш белгиланган бўлиб, томорқа хўжалигидан даромад манба сифатида фойдаланишга кенг йўл очиб берилди.

Кейинги тўрт йил давомида аҳолига томорқа ерлари ажратишни янада кенгайтиришдан мақсад – одамларнинг ўзини ўзи, қолаверса, ички бозорни озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашдаги ролини ошириш орқали даромадлари шаклланишига имконият яратиш, янги уй-жойлар қурилишини рағбатлантириш ҳисобига қишлоқ оилаларининг яшаш шароитини яхшилашдан иборат.

Алоҳида таъкидлаш ўринлики, томорқа хўжаликларида 1 гектардан олинадиган иқтисодий самара фермер ва деҳқон хўжалигига қараганда 2-3 баробар юқори.

**Аҳолининг ўзларига тегишли томорқа ерларидан самарали фойдаланиши қуйидагиларни таъминлаб беради:**

- қишлоқ ва шаҳар оилаларини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш муаммосини ҳал этишга салмоқли ҳисса қўшади;
- ишсизлик муаммоси ҳал этилади;
- қишлоқ шароитида шахсий хўжаликда иш билан банд бўлиш учун мақбул шарт-шароит яратилади;
- ижтимоий-сиёсий барқарорлик таъминланади.

Шу боис қишлоқ аҳолиси учун муносиб турмуш шароитини яратиш мақсадида давлат дастурлари қабул қилиниб, уларнинг изчил ижроси таъминлаб келинаётир. Бу каби чора-тадбирлар натижасида, бу борадаги ишлар изчил давом эттирилмоқда. 2020 йил якуни бўйича республика аҳолисининг ичимлик суви билан таъминланганлик даражаси 70,8 фоиздан 73,0 фоизга етказилган, қишлоқ туманларида аҳолининг газ баллонлари билан таъминланганлик даражаси 125 фоизга ўсган.

Томорқалар ва ер участкалари кичик майдонлардан иборат бўлиши сабабли, барча агротехник тадбирлар асосан қўл кучи билан бажарилади. Албатта, бундай ҳолатда экинларга сифатли ишлов бериш имкони юзага келади ва шунга яраша олинадиган ҳосил ҳам юқори бўлади. Шунингдек, ердан йилига икки-уч марта фойдаланиш мумкин. Бу нима дегани? Битта томорқа бир рўзғорни обод қилади дегани. Бу исботланган ҳақиқат. Чунки бугун ён-атрофимизда томорқанинг орқасидан рўзғор тебратаётганлар жуда кўп. Астойдил ишлаганлар бой ҳам бўлаяпти. Томорқада меҳнат қилиш ва натижаларини ўзлаштириш бозор тамойилларига тўлиқ мос келади.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, бугун юртимизда томорқачиликнинг ривожланиши нафақат одамларнинг яхши турмуш кечириши, қўшимча даромад олишида, балки озиқ-овқат мўл-кўллигига эришиш борасида ҳам аҳамияти катта бўлаяпти. Зеро дунёда озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари танқислиги тобора кучайиб бораётган бир пайтда мамлакатимиз бозорлари қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари билан тўйинган. Бунинг бош сабаби юртимизда ҳар бир оиланинг томорқа билан таъминланганлигидир. Оддий мисол: 10-15 сотих ерини гуллатиб қўйган киши рўзғорида ҳеч бир камчилик сезмайди. Оила эҳтиёжи учун зарур бўладиган барча қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари томорқадан чиқади. Бу бир жиҳати. Яхши ишлаган томорқачилар эҳтиёжидан ортганини бозорга чиқаришаяпти. Бу эса ўз-ўзидан мўл-кўлчиликни, арзончиликни таъминлаяпти.

Бироқ тан олиш керак, бундан ҳамма ҳам бирдек фойдаланаётгани йўқ. Айрим қишлоқларда каттагина майдонни ташкил этувчи томорқа майдонлари йил бўйи бўш турса, баъзи бир томорқачилар ердан имконият даражасида ҳосил олишнинг уддасидан чиқишолмаяпти. Аслида эса бизда аҳоли ихтиёридаги томорқалар ва ер участкаларидан янада самаралироқ фойдаланиб, олинаётган ҳосил ва даромадларни 2-3 ҳиссагача оширишнинг ички имкониятлари мавжуд. Чунки еримиз унумдор. Табиий иқлим шароити ҳам йил давомида деҳқончилик қилиш имконини беради. Шунинг учун ҳозирда бу масалага ҳукумат даражасида эътибор қаратилаяпти.

Бугун тўла ишонч билан айтиш мумкинки, бу мураккаб масалага ана шундай оқилона ёндашув туфайли Ўзбекистон бўйича минг-минглаб одамлар уй-жойли, ишли бўлди, бозорларда маҳсулот кўпайиб, нарх-наво арзонлашди, энг муҳими, ижтимоий кескинликнинг олдини олишга эришилди.

Томорқа хўжалиги майда ишлаб чиқаришнинг муҳим шакли бўлиб, аҳолининг қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига бўлган бозор талабини қондириш муҳим манбаи ҳисобланади. Қуйидаги жадвалда аҳолининг қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига бўлган йиллик меъёри бўйича талаблар келтирилган бўлиб, унда аҳоли истеъмоли учун ўртача истеъмол миқдори келтирилган.

**1-жадвал**

**Аҳолининг қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига бўлган йиллик меъёр бўйича эҳтиёжи**

| Махсулот тури | Бир кишига йиллик эҳтиёж (кг) | Йиллик эҳтиёж (минг тонна) | Йиллик ишлаб чиқариш (2020 йил, минг тонна) |
|---|---|---|---|
| Картошка | 54,8 | 4033,3 | 3143,5 |
| Сабзи | 28,2 | 20266,3 | 27686,0 |
| Мевалар ва резаворлар | 91,2 | 4513,1 | 3964,0 |
| Узум | 15,9 | 11423,5 | 16392,0 |
| Полиз | 25,4 | 16825,1 | 21344,0 |
| Гўшт | 42,0 | 3301,0 | 2526,2 |
| Сут | 140,0 | 11203,0 | 11010,0 |
| Тухум (минг дона) | 121,0 дона | 9683, 2 | 7825,0* |

***Манба:*** *Ўзбекистон Республикаси Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизматининг 24.12.2020, 0007-20-сонли қарори ва Ўзбекистон Республикаси Давлат статистикаси қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан ҳисобланган. https://stat.uz/uz/*

***Уй хўжаликларида етиштирилган миқдор ҳисобга олинмаган.**

Жадвал маълумотларига кўра, аҳолининг йиллик минимал эҳтиёжи картошкага 4 млн. тоннадан ортиқни, гуштга 3 млн. тоннадан ортиқни, мева ва резаворларга 4,5 млн. тоннадан ортиқни ташкил этади ва бир кишига тўғри келадиган йиллик эҳтиёжни келтириб чиқаради. Маълумотларга кўра, аҳолининг картошка, мева ва резаворлар, гушт, сут ва тухумга бўлган эҳтиёжи юртимизда йиллик ишлаб чиқаришга нисбатан паст миқдорни ташкил этади ва ушбу қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари қисман импорт қилинади. Сабзи, узум, полиз маҳсулотлари аҳоли эҳтиёжидан ортиқ миқдорда етиштирилади ва хорижга экспорт қилинади. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига бўлган йиллик эҳтиёжни ҳисоблашда истеъмолдаги бошқа қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари нисбати ҳам ҳисобга олинади ва ўртача меъёр даражаси белгиланади. Масаланинг муҳим томони шунда-ки, томорқа хўжалиги аҳоли истеъмолидаги асосий маҳсулот турларини етиштиришга ихтисослашган бўлиб, бозор талабини қондиришга хизмат қилади.

Томорқа хўжалигининг ривожи унга билвосита алоқадор бўлган бошқа соҳалар истиқболига ҳам ижобий таъсир кўрсатиб, чекка ҳудудларда саноат корхоналарини барпо этиш, аҳоли бандлигини таъминлашда қўшимча шарт-шароит яратаяпти.

Томорқа хўжалиги бозор ислоҳотларини ўзига сингдира олди. Томорқа хўжалигини давлат ҳар тарафлама қўллаб-қувватлади, бу хўжалик солиқ юкидан фориғ этилди, унинг соҳиблари хўжалик учун нимаики зарур бўлса, буни эркин бозордан сотиб олиш имконига эга бўладилар. Мазкур хўжаликка тўла-тўкис эркинлик берилиши унинг ривожини таъминлади ва ундан топилган даромадни кўпайтириш имконини бермоқда. Агар 1991 йил аҳолининг ўз хўжалигидан олинган маҳсулотини сотишдан тушган пул унинг ялпи даромадида 9,7%ни ташкил этса, 2020 йил якунига кўра 28,7%ни ташкил этмоқда. Демак, томорқанинг даромаддаги ҳиссаси 2,9 марта ошди.

Бозорни тўлдириб туриш томорқа соҳибларига даромад ҳам келтиради, лекин бу даромаднинг турли оилаларда ҳар хил бўлиши турган гап, чунки улар томорқа билан ҳар хил даражада шуғулланишади. Ўтган йили томорқадан келган пул даромади, ишчи ва хизматчилар оиласи даромадининг 4,5 %ни ташкил этса, бу кўрсаткич тадбиркорлик қилувчилар (фермерларда) 37,3 %ни пенсионерларда 21,9 %ни ташкил этди. Умуман олганда аҳолининг ҳамма қатламлари учун томорқанинг аҳамияти сезиларли бўлиб қолди.

Томорқа ҳақида гап кетганда, у келтирган пул даромади билан чекланиш хато бўлади, чунки у аҳолининг каттагина қисмини бозордан маҳсулот олишдан халос этади, яъни томорқада яратилган маҳсулот бозорга чиқарилмай шу ернинг ўзида истеъмол этилади, буни натурал истемол деб атайдилар. Натурал истеъмол табиатан бозор иқтисоди та-

мойилига зид, чунки у олди- сотдини инкор қилади. Аммо бунинг аҳоли учун қулайлиги ҳам бор.

Натурал истеъмол туфайли аҳоли бозордан маҳсулот харид этиш ташвишидан қутулади, бу ишнинг харажатларидан ҳам озод бўлади, сифатини ўзи кафолатлаган маҳсулотини ўзи истеъмол этади. Инфляция шароитида аҳоли ўзини ўзи маҳсулот билан таъминлашга мойил бўлади, чунки жамғарилган пул ўз қадрини йўқотса, жамғарилган маҳсулот ўз қадрини сақлаб қолади ва ҳатто бозорда қимматлашув юз берганда, у ортиб ҳам боради. Натурал истеъмолнинг кенгайиб боришини табиий ҳол деб қараш керак ва унинг аҳоли даромадига қўшган ҳиссасини адолатли баҳолаш зарур. Аҳоли орасида натурал даромадни инобатга олмай пул даромадига қараб хулоса қилувчилар ҳам оз эмас. Ваҳоланки, дунёда аҳоли даромади аниқланганда пул тушуми, натурал истеъмол ва турли имтиёзлар ҳам ҳисобга олинади. Бизнинг миллий статистикада ҳам натурал истеъмол ҳисоби бор, аммо у тўла бўлмаса керак, чунки ҳисоб-китоб тахминий бўлади.

Амалда томорқадан олинган маҳсулотнинг аниқ ҳисоб-китоби йўқ, томорқанинг аҳоли даромади шаклланишидаги роли тўла баҳоланмайди. Аммо ҳақиқий аҳволни билиш қийин бўлганлигидан расмий маълумотлар асосидагина натурал даромадни кузатиш мумкин. Ўтган йили оилада бир ой (сентябрь) мобайнида томорқа хўжалиги келтирган 1 сўмлик пул даромадига ундан келган 1 сўму 22 тийинлик натурал даромад тўғри келди. Демак, натурал истеъмол ортиб бормоқда. Айниқса бу Хоразм, Сурхондарё, Жиззах, Андижон ва Тошкент вилоятларида жадал кечмоқда. Масалан, Хоразмда оилага томорқадан келган бир сўмлик пул даромадига 3 сўм 24 тийинлик натурал даромад тўғри келади.

Натурал даромаднинг кўпайиши айниқса фермер хўжалигида яққол сезилмоқда. Бу кўрсаткич бўйича ҳам юқорида номи зикр этилган вилоятлар пешқадамлик қилмоқдалар. Илгарилари натурал тушумлар оила даромадининг 10-12 %ини ташкил этган бўлса, эндиликда у 16-18 %га тенг бўлмоқда.

Ислоҳотлар даврида томорқа даромадининг муаммоларига ҳам дуч келдик. Томорқанинг ўсиши унга бозор топиш масаласини кун тартибига қўйди, томорқа табиатан тиртибсиз хўжалик эканлиги унутиб қўйилди, унинг стихияли бўлиши ва уни фақат бозор бошқариб туриши инобатга олинмади. Натижада томорқада маҳсулот кўп етиштирилиб, унга бозор топилмай, арзон-гаров ҳатто харажатларни ҳам қопламайдиган нархда сотилиши кузатилди. Сотиш иложи бўлмаганидан баъзи бир маҳсулотларнинг нес-нобуд бўлиши ҳам юз берди.

Томорқа соҳибини ўз ҳолига ташлаб қўймай, унга бозор топишда ёрдам қўлини чўзиш керак. Маҳаллий хокимиятларга қарашли статистика идоралари томорқанинг ишлаб чиқариш имкониятларини аниқроқ ҳисобга олиб, бозорнинг ҳолатига қараб нимани, қанча етиштириш, маҳсулотни қаерда ва қанчадан сотиш мумкинлиги ҳақида тавсиялар ва маслаҳатлар беришса, бу фойдадан холи бўлмайди.

Хулоса қилиб айтганда, янги Ўзбекистон шароитида аҳолини қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари билан давомли таъминлаш манбаи сифатида томорқа хўжалиги долзарб аҳамият касб этади. Чунки томорқа – кенг тарқалган оилавий хўжаликдир. Шу сабабли илғор томорқа хўжаликлари кўрик танловини ўтказиш ҳам мақсадга мувофиқ бўлар эди. Томорқа даромад манбаи сифатида яқин орада ўз аҳамиятини йўқотмайди, чунки у моҳиятан бозор қонун-қоидаларига ва тартиб-таомилларига мос тушади.

***Манба ва адабиётлар***

*1. Ш.Мирзиёев. “Озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, томорқачиликни ривожлантириш масалалари муҳокамаси”га бағишланган йиғилиши. https://uza.uz/uz/posts/ozi-ov-at-khavfsizligini-taminlash-tomor-achilikni-rivozhlan-08-04-2020.*

*2. https://lex.uz/docs/5398681*

*3. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси, 2020 йил, 24-январ.*

*4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 28 январдаги “Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020 - 2030 йилларга мўлжалланган стратегиясида белгиланган вазифаларни 2020 йилда амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги ПҚ-4575-сон Қарори.*

*5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 23 октябрдаги «Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020 - 2030 йилларга мўлжалланган стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида»-ги ПФ-5853-сон Фармони.*

*6. Ўлмасов А., Ваҳобов А.В. Иқтисодиёт назарияси. Дарслик. - Т.: «Шарқ», 2013. - 480 бет.*

*7. Жўраев Т.Т., Тожибоева Д. “Иқтисодиёт назарияси” . Дарслик. - Т.: “Фан ва технологиялар”, 2014. - 420 бет.*

8. Ғафуров У.В., Шарипов Қ.Б., Мамарахимов Б.Э., Отабоев Ф.О. Замонавий иқтисодий назариялар. / Ўқув қўлланма - Т.: «Иқтисодиёт», 2019. 315 бет.

9. Шарипов Қ.Б. ва бошқ. Мамлакат иқтисодий хавфсизлиги ва рақобатбардошлигини таъминлашнинг устувор йўналишлари. / Монография - Т.: «Инновацион ривожланиш нашриёт-матбаа уйи», 2019. 395 бет.

10. Ғафуров У.В., Шарипов Қ.Б. Тадбиркорлик асослари. Умумий ўрта таълим муассасаларининг 11-синфи учун дарслик. - Т.: "Ўзбекистон" НМИУ, 2018, - 144 б.

11. Sen A. Welfare Economics and the Real World. Acceptance paper for the Frank Seidman Distinguished Award in Political Economy / published by F. K. Seidman Foundation. Memphis, 1986, 18 p.

12. White Paper We'll Live to 100 - How Can We Afford It? World Economic Forum 91-93 route de la Capite CH-1223 Cologny/Geneva Switzerland, 24 p.

13. Martin Weale, Andrew Blake, Nicos Christodoulakis, James E Made, David Vines. Macroeconomic Policy. - UK: Taylor and Francis, 2015.

14. Frederick Mishkin. The economics of money, banking and financial markets. -USA: Prentice Hall, 2015.

15. www.gov.uz – Ўзбекистон Республикаси Давлат ҳокимияти портали.

16. www.press-service.uz – Ўзбекистон Республикаси Президентининг Матбуот хизмати расмий сайти.

17. www.uza.uz – Ўзбекистон миллий ахборот агентлиги расмий сайти.

18. https://stat.uz/uz/

## Ўзбекистонда томорқа хўжалиги имкониятларидан кенг фойдаланишнинг ўрни ва аҳамияти

**Рустам Хасанов,**
*Иқтисодиёт фанлари доктори, профессор,*
*Прогнозлаштириш ва макроиқтисодий тадқиқотлар институти лойиҳа раҳбари*

**Аннотация:** *мақолада томорқа хўжалиги ўзини ўзи банд қилишнинг алоҳида шакли эканлиги, томорқа орқали даромад топиш имкониятлари юқорилиги, томорқада турли қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш орқали ички ва ташқи бозорга маҳсулот чиқариш аҳамияти ортиб бораётганлиги, томорқада меҳнат қилиш ва натижаларини ўзлаштириш бозор тамойилларига тўлиқ мос келиши изоҳлаб берилган. Энг муҳими, томорқа хўжалиги минг-минглаб одамларни уй-жойли қилгани, иш билан бандлигини таъминлагани, бозорларда маҳсулот кўпайиб, инфляцияни жиловлашга хизмат қилгани изоҳланган.*

**Калит сўзлар:** *томорқа хўжалиги, ўзини ўзи банд қилиш, маҳсулот, самарали фойдаланиш, эҳтиёжни қондириш, маҳсулдорлик, натижадорлик, даромад, озиқ-овқат хавфсизлиги, натурал истеъмол, инфляция, фаровонлик.*

## Роль и значение широкого использования возможностей приусадебных хозяйств в Узбекистане

**Рустам Хасанов,**
*доктор экономических наук, профессор,*
*руководитель проекта Института прогнозирования и макроэкономических исследований.*

**Аннотация:** *в статье рассматривается, что занятость в приусадебном хозяйстве – это одна из форм самозанятости, возможность получения доходов, удовлетворение личных потребностей (социальные, духовные и т.д.), обеспечение занятости населения. Также, автор описывает, что эффективное использование подсобных хозяйств насыщает рынок сельхозпродуктами, а это, в свою очередь, способствует сдерживанию инфляции и сокращение бедности.*

**Ключевые слова:** *приусадебное хозяйство, самозанятость, продукт, производительность, удовлетворение потребностей, эффективность, доход, продовольственная безопасность, естественные потребности, инфляция, благосостояние.*

## The role and significance of the expanded use of subsidiary farms' opportunities in Uzbekistan

**Rustam Khasanov,**
*DSc (in Economics), Professor,*
*Project Manager of the Institute for Forecasting and Macroeconomic Research*

**Abstract:** *the article explains subsidiary farming as a separate form of self-employment, the possibility of obtaining high incomes, providing domestic and foreign markets by growing various agricultural products, activities in subsidiary farming and assimilation of the results are fully consistent with market principles. Most importantly, subsidiary farming provided housing for thousands of people, created jobs, provided domestic and foreign markets with food, and helped contain inflation.*

**Keywords:** *subsidiary farming, self-employment, product, efficient use, satisfaction, productivity, efficiency, income, food security, natural consumption, inflation, welfare.*

**УЎК: 658.153**

**Алишер СИДДИКОВ,**
*иқтисодиёт фанлари номзоди, доцент,*
*Ўзбекистон Республикаси давлат статистика қўмитаси ҳузуридаги*
*Кадрлар малакасини ошириш ва статистик тадқиқотлар*
*институти кафедра мудири*

# Миллий ҳисоблар тизимининг “ялпи жамғарма – ялпи жамғариш” макронисбатлари таҳлили

**Тадқиқот ишининг долзарблиги.** Ўзбекистонда олиб борилаётган ислоҳотларнинг асосий йўналишлари макроиқтисодий мувозанат ва аҳолининг ижтимоий муҳофазасини таъминлаш, оқилона инвестицион сиёсатни юритиш ҳамда барқарор иқтисодий ўсишга эришиш ҳисобланади. Юқорида таъкидлаб ўтилган ислоҳотларнинг асосий йўналишлари доирасидаги муҳим масалалар бир-бири билан узвий боғлиқ бўлиб, уларнинг аксарияти мамлакат миқёсида шаклланган ялпи миллий жамғарма ва ялпи жамғаришлар ўртасидаги мувозанатнинг таъминланиши орқали ўз ечимини топади.

Шундай экан, мамлакат миқёсида макроиқтисодий мувозанатнинг умумий ҳолати бўйича хулоса қилишга имкон берувчи миллий ҳисоблар тизимининг макронисбатларидан бири ҳисобланган “ялпи жамғарма-ялпи жамғаришлар” ўртасида балансланганлик даражасини баҳолаш негизида юзага келган муаммоларни ечишга доир илмий-амалий таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш, Covid-19 вирусининг дунё миқёсида тарқалиши муносабати билан эълон қилинган пандемия шароитида аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш, озиқ-овқат ва дори воситаларини етказиб бериш, касалларни даволаш, эпидемиологик шароитни яхшилаш ва бошқа кўзда тутилмаган харажатларни қоплаш негизида давлат бюджети маблағларининг танқислиги, ташқи қарзнинг ортиши ва молия ресурслари ички заҳираларининг кескин камайиши шароитида муҳим аҳамият касб этади ва тадқиқот ишининг долзарблигини белгилаб беради.

**Илмий назарий қарашлар.** Қайд этиш керакки, миллий иқтисодиётда “ялпи жамғарма - ялпи жамғариш” макронисбатларининг янада юқорироқ балансланганлик даражасига эришиш мамлакат миқёсида ички мувозанатни таъминлаш негизида амалга оширилади.

Ушбу мақола қамрови доирасида биз миллий иқтисодиётнинг ички мувозанатини таъминлашга доир масалалар хусусида мулоҳаза юритамиз. Муайян бир даврнинг мамлакат миқёсидаги “ялпи миллий жамғарма” қиймати билан миллий иқтисодиётга киритилган инвестициялар негизида шакллантирилган “ялпи жамғариш”лар ҳажмининг балансланганлик даражаси мамлакат ички мувозанатининг асл ҳолатини ифодалайди. Қайд этиш жоизки, амалиётда “ялпи жамғарма - ялпи жамғариш” макронисбатларининг бир-бирига мос келиш ҳолатлари деярли учрамайди. Бу ҳолат мамлакат миқёсида шаклланган “ялпи миллий жамғарма” тўлиқ миллий иқтисодиётга инвестициялаштирилиши негизида “ялпи жамғарилиш” амалга ошади – деган маънони билдиради.

Очиқ иқтисодиёт шароитида ёхуд миллий иқтисодиётнинг жаҳон ҳамжамиятига чуқур интеграциялашган ҳолатида мамлакатлар пул маблағларини жалб этиш ёки қарз олиш орқали инвестиция лойиҳаларини молиялаштирадилар. Капитал ресурслари етарлича бўлган ривожланган мамлакатлар (инвесторлари) миллий иқтисодиётдаги инвестициявий дастурлар билан бир қаторда, албатта, ўзлари учун қулай ва юқорироқ даромад олиш мавжуд

бўлган шароитда ривожланаётган давлатлар бизнес лойиҳаларини ҳам молиялаштирадилар.

Ривожланаётган давлатларда эса аксинча жараён, яъни, ички иқтисодиётда шаклланган капитал ресурсларнинг танқислиги сабабли мамлакатдаги барча инвестиция лойиҳаларга сармоя киритиш имкониятининг пастлиги ёки умуман йўқлиги туфайли уларни молиялаштиришга ташқи инвестицияни жалб қилиш ёхуд пул маблағларини қарзга олиш билан боғлиқ мажбурийлик ҳолати кузатилади. Молиявий маблағларни қарзга олишнинг негатив жиҳатлари - мамлакат тўлов балансининг салбий натижаси ва ташқи қарзнинг ортиши ҳамда ташқи дунё давлатларига қарам бўлишига олиб келишидадир.

Ўзбекистон аҳолисининг муносиб ижтимоий-иқтисодий ривожланишини таъминлай оладиган инвестициялар ҳажми, миллий иқтисодиётда яратилаётган ички жамғарма ресурсларидан кўра анча катта миқдорни ташкил этади. Шу сабабли, ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг ҳозирги босқичида Ўзбекистон миллий иқтисодиётига чет эл молия ресурсларини кўпроқ жалб қилишга урғу бермоқда. Бу эса мамлакат миқёсидаги ялпи жамғарма ва инвестициялар (ялпи жамғаришлар) идеал мувозанатининг таъминланишини бироз кейинги даврга қолдирилишини тақозо этади.

**Жамғарма-инвестиция-жамғариш атамаларининг моҳияти ва ўзаро боғлиқлиги.** Миллий иқтисодиётимизга йўналтирилган инвестициялар ва ялпи жамғармалар ўртасида мувозанатни баҳолашга доир статистик таҳлилни амалга оширишдан аввал жамғарма-инвестиция-жамғариш кўрсаткичларининг ҳам иқтисодий назарияда, ҳам миллий ҳисоблар тизими (МҲТ) доирасидаги мазмун-моҳиятини очиб беришдан бошлаш мақсадга мувофиқ.

МҲТ доирасида жамғарма (saving) – ялпи миллий ихтиёрдаги даромаднинг (gross national disposable income, GNDI) якуний истеъмолга (final consumption) сарфланмаган қисми ҳисобланади. Ялпи жамғарма – ялпи миллий ихтиёрдаги даромаддан (GNDI) якуний истеъмолни (C) чиқариб ташлаш орқали аниқланади [4]. Ялпи жамғарма бошқа дунё мамлакатларидан ўтказилган соф капитал трансферлар билан бирга номолиявий активларга инвестициялаштириш (ялпи жамғариш деб аталади) учун ресурсларни тақдим этади [5].

Демак ялпи жамғарма инвестициянинг (investment) асоси, яъни молиялаштириш манбаси сифатида унинг ўзагини ташкил этар экан. Ўз ўрнида, ялпи жамғариш (capital formation) эса инвестицион жараённинг якуни, миллий иқтисодиётга инвестициялар молиялаштирилишининг номоддий активлар қийматининг ўзгаришини таъминлаган омил сифатида намоён бўлади. Аниқроқ айтадиган бўлсак, инвестициялаштириш негизида миллий бойликнинг ортиши кузатилади, бу эса у ёки бу кўринишдаги (асосий фондлар, активлар ва б.) жамғарилишнинг ифодасидир [1].

Иқтисодий назарияда “инвестиция” – даромад олиш мақсадида йўналтирилган пул маблағлари асносида қаралса, жамғариш эса миллий иқтисодиётга сарфланган молиявий ресурсларнинг амалдаги қиймати (иқтисодий субъектлар томонидан йўналтирилган инвестицион сарф-харажатларнинг ҳақиқий миқдори) сифатида эътироф этилади. Шу сабабли иқтисодиёт фанида “инвестиция” ва "ялпи жамғариш" (gross capital formation) индикаторлари қиймат жиҳатидан бир-бирига яқин ҳамда бири иккинчисининг ўрнини босувчи кўрсаткичлар сифатида қайд этилади [6]. Масалан, иқтисодий назарияда истеъмол усулида ҳисобланган ялпи ички маҳсулот (gross domestic product, GDP) – истеъмол харажатлари, давлат харажатлари, инвестициялар ва соф экспорт ҳажми ($Y=C+G+I\pm Nex$) кўринипшида қайд этилса, МҲТ доирасида у ($GDP^D$) – уй хўжаликлари, давлат ва уй хўжаликларига хизмат кўрсатувчи нотижорат корхоналари томонидан товар ва хизматларнинг якуний истеъмолига (final consumption) сарфланган харажатлар, ялпи жамғариш ва соф экспорт сальдоси ҳажмлари ($GDP^D=FC+GCF\pm Nex$) йиғиндиси сифатида эътироф қилинади.

Миллий ҳисоблар тизимида "ялпи жамғариш” иқтисодиётдаги молиявий бўлмаган активлар қийматининг ўзгариши омили сифатида қайд этилади ва қуйидаги таркибий қисмларга ажратилади. Булар, биринчидан, асосий капиталнинг ялпи жамғарилиши, иккинчидан, моддий айланма маблағлар захирасининг ўзгариши, учинчидан, қимматбаҳо буюмларнинг (заргарлик буюмлари, санъат асарлари ва бошқалар) соф орттирилган (йўқотилган) қийматидир [3].

**Таҳлил методологияси.** Миллий ҳисоблар тизимининг “жамғарма-инвестиция” макронисбатлари таҳлилида “ялпи жамғарма” (gross savings) билан (“инвестиция” индикатори сифатида) “ялпи жамғариш” (gross capital formation) кўрсаткичлари ўзаро қиёсланади.

Ялпи жамғарманинг ялпи жамғаришдан фарқини аниқлаш орқали миллий иқтисодиётда кечаётган бир қанча ҳолатларга баҳо бериш имкони туғилади.

Ялпи жамғарманинг ялпи жамғаришдан мусбат кўрсаткичли ижобий фарқи миллий иқтисодиётда қуйидаги муаммоларнинг мавжудлигини кўрсатиб беради: аҳолининг бўш пул маблағларини миллий иқтисодиётда фаолият юритувчи банк-молия институтларига тўлиқ жалб қилиш ва инвестицияга айлантириш муаммоси; миллий иқтисодиётда шаклланган молия ресурсларининг четга чиқиб кетиш оқимининг мавжудлиги; миллий иқтисодиётда шаклланган муайян молия ресурсларининг нoформал секторга (яширин иқтисодиётга) инвестициялаштирилаётганлиги ва бошқалар.

Ялпи жамғарманинг ялпи жамғаришдан кичик (манфий фарқли) кўрсаткичга эга бўлиши миллий иқтисодиётдаги инвестициялаштириш жараёнига анъанавий тарзда йўналтирилаётган молия ресурсларидан ташқари, ноанъанавий шакл кўринишидаги капитал маблағлар киритилаётганидан даракдир.

Булар биринчидан, аввалги йиллар давомида йиғилган ортиқча ялпи жамғармаларнинг миллий иқтисодиётга инвестициялаштирилиши, иккинчидан, четдан ҳисобга олинмаган пул маблағларининг кириб келиши ва учинчидан, нoформал тизимдан легал секторга капитал қўйилмаларнинг йўналтирилиши негизида амалга оширилиши мумкин бўлади.

Айтиш керакки, методологик ёндашувнинг охирги босқичи таҳлил негизида аниқланган номутаносиблик(диспропорциялар)ларни бартараф этиш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқишга қаратилади.

**Эмпирик таҳлил.** Таъкидлаш жоизки, мамлакатимизда ҳам миллий статистика тизими доирасида халқаро стандартлар ва МҲТ негизидаги методологияга асосланган ҳолда ялпи жамғариш кўрсаткичи ҳисобланади ҳамда динамик қатор индикаторлари шакллантирилади. Ўзбекистоннинг миллий ҳисоблар тизими доирасида олиб борилган таҳлил 2010-2020 йилларда "ялпи жамғариш” ўзгаришида доимий ўсиш тенденцияси кузатилаётганлигини кўрсатди (1-жадвал).

Таҳлил қилинаётган даврда хорижий валютада (АҚШ долларида) ифодаланган жорий нархлардаги ялпи жамғаришнинг йиллик ҳажми 12359,6 млн. доллардан (2010 йилда) 21596,4 млн. долларгача (2020 йилда) ўсди.

Бу кейинги йилларда мамлакатимиз ҳукумати томонидан тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришга доир олиб борилган самарали сиёсат натижаси ўлароқ миллий иқтисодиётнинг турли соҳа ва тармоқларига уй хўжаликлари, корхоналар сармоялари ҳамда давлат бюджети маблағлари билан бир қаторда жалб қилинган инвестициялар (банк кредитлари ва бошқа қарз маблағлари) ҳажмининг ортиши негизида кечди.

**1-жадвал**

**Ўзбекистон Республикаси бўйича ялпи жамғариш динамикаси**

| | 2010 | 2011 | 2012 | 2013 | 2014 | 2015 | 2016 | 2017 | 2018 | 2019 | 2020 |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| Ялпи жамғариш (ЯИМга нисбатан фоизда) | 26,5 | 26,6 | 25,6 | 25,5 | 26,5 | 26,1 | 26,4 | 29,5 | 37,6 | 45,2 | 37,5 |
| Ялпи жамғариш (жорий нархларда, миллий валютада, млрд. сўм) | 19 608,3 | 25 822,9 | 30 840,7 | 36 804,3 | 46 884,3 | 54 784,2 | 63 946,4 | 89 167,0 | 153072,7 | 230469,5 | 217 362,2 |
| Ялпи жамғариш (жорий нархларда, млн. АҚШ долларида) | 12 359,6 | 15 056,4 | 16 318,2 | 17 563,7 | 20 283,0 | 21 327,5 | 21 562,3 | 17 411,6 | 18 970,8 | 20 702,2 | 21 596,4 |
| Асосий капиталнинг ялпи жамғарилиши (ЯИМга нисбатан фоизда) | 24,1 | 22,1 | 22,2 | 23,1 | 23,4 | 23,3 | 22,8 | 25,6 | 32,9 | 40,9 | 37,1 |
| Асосий капиталнинг ялпи жамғарилиши (йиллик ўсиш%) | 4,2 | 2,6 | 10,6 | 11,3 | 9,8 | 9,4 | 4,1 | 19,4 | 29,9 | 38,1 | -8,2 |
| Асосий капиталнинг ялпи жамғарилиши (2010 йилги доимий нархлар, млн. АҚШ доллари) | 11 240,1 | 11 532,4 | 12 754,8 | 14 196,1 | 15 585,1 | 17 055,7 | 17 759,1 | 21 199,3 | 27 537,9 | 38 029,9 | 34 911,4 |
| Асосий капиталнинг ялпи жамғарилиши (2010 йилги доимий нархларда, миллий валютада, млрд. сўм. | 17 832,3 | 18 296,0 | 20 235,4 | 22 521,9 | 24 725,6 | 27 058,7 | 28 174,6 | 33 632,5 | 43 688,6 | 60 334,0 | 55 408,2 |
| Асосий капиталнинг ялпи жамғарилиши (амалдаги нархларда, миллий валютада, млрд. сўм) | 17 832,3 | 21 456,2 | 26 659,8 | 33 363,2 | 41 448,8 | 48 897,7 | 55 371,8 | 77 308,8 | 133906,0 | 208 636,9 | 215 103,6 |
| Асосий капиталнинг ялпи жамғарилиши (жорий нархларда, млн. АҚШ долларида) | 11 240,1 | 12 510,3 | 14 106,0 | 15 921,6 | 17 931,5 | 19 035,9 | 18 671,0 | 15 096,0 | 16 595,4 | 23 604,0 | 21 372,0 |

***Манба:*** *Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланди.*

Шу ўринда, кейинги беш йилда миллий иқтисодиётга киритилган жами инвестициялар ҳажмида маҳаллий корхоналар ва аҳоли сармоялари салмоғи ҳам кўпайди. Қайд этиш жоизки, 2020 йилда киритилган жами инвестициялар ҳажмида хорижий инвестициялар ва кредит маблағларидан ташқари инвестициялар салмоғи 57,1%ни ташкил этди.

Ялпи жамғариш таркибида асосий капиталнинг ялпи жамғарилиши (gross fixed capital formation) муҳим тузилмавий унсур ҳисобланади. Агар ялпи жамғариш таркибида асосий капиталнинг ялпи жамғарилиши 2010 йилда 90,9 фоизга тенг бўлган бўлса, 2020 йилда у 99,0 фоизни ташкил этди. Бу ялпи жамғариш ҳажмида унинг аҳамияти юқорилигини ифода этмоқда.

Шу билан бирга, таъкидлаш жоизки, миллий иқтисодиётимизда асосий капиталнинг ялпи жамғарилиши бир текис кечмаяпти. Агар 2011 йилда ялпи жамғаришнинг ўсиш суръати 2,6% га тенг бўлса, 2019 йилда у 38,1% ни ташкил этди. 2020 йилда мамлакатимизда коронавирус инфекцияси пандемияси жорий этилган шароитда эса асосий капиталнинг ялпи жамғарилишининг ўсиш суръати ўтган йилга нисбатан 8,2%га пасайди. Бу мамлакатимизда ҳали-ҳануз асосий капиталга инвестицияларнинг барқарор оқими шаклланмаганлигидан даракдир.

Миллий иқтисодиётга йўналтирилаётган инвестицияларнинг барқарорлиги кўп жиҳатдан ялпи миллий жамғармалар (gross national savings) ҳажми ва унинг ЯИМга нисбатан салмоғининг юқорилигига боғлиқдир. Ўзбекистонда ялпи жамғарманинг ЯИМдаги салмоғи 2010-2020 йиллардаги динамикада тўлқинсимон кўриниш касб этди. 2011-2015 йилларда ЯИМда ялпи жамғарма салмоғининг пасайиши кузатилди. Иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш даврида эса (2016-2020 йй.) Ўзбекистон бўйича ялпи жамғарманинг ЯИМдаги улуши нисбатан анча яхшиланди. Айтиш керакки, 2018-2020 йилларда ялпи жамғармаларнинг ЯИМдаги улуши 40% лик кўрсаткич чегарасидан ўтган.

Ваҳоланки, таҳлил этилаётган даврнинг дастлабки йилида (2010 йилда) ялпи жамғарманинг ЯИМдаги улуши 32,0%ни ташкил этиб, даромади ўртачадан паст бўлган мамлакатлар бўйича ҳисобланган ўртача кўрсаткичга (Lower middle income (32,0%)) тенг эди. Мазкур кўрсаткич даромади ўртачадан юқори бўлган давлатларнинг ўртача кўрсаткичидан (Upper middle income (35,0%)) 3,0 ф.п.га ортда қолган.

Мамлакат ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг бугунги босқичида Ўзбекистон бўйича ялпи жамғарма ҳажми ва унинг ЯИМдаги салмоғи анча юқорилаган бўлсада, мазкур даража истиқболда барқарор иқтисодий ўсишни таъмин эта оладими - деган саволнинг туғилиши табиий. Ушбу ҳолат ялпи жамғарма нормаси қанча бўлиши керак деган саволга жавоб топишни тақозо этади.

Иқтисодиёт амалиётида ялпи жамғарманинг олтин меъёри (нормаси) ва уни ҳисоблашга оид методологик ёндашувлар мавжуд эмас. Аммо, мамлакатларнинг ривожланишида ялпи жамғармаларнинг тутган ўрнига бағишланган тадқиқотлар шуни кўрсатдики, айнан ЯИМга нисбатан улар салмоғининг катта бўлиши ижтимоий-иқтисодий тараққиёт асоси - барқарор иқтисодий ўсишни таъминлаб берар экан. Жаҳон банкининг маълумотларига кўра, 2019 йилда ялпи жамғармаларнинг ЯИМдаги улуши дунё мамлакатлари бўйича ўртача 25%ни ташкил этган ҳолда, Жазоирда у - 38%, Кувайт ва Сингапурда - 43%, Замбияда - 44%, Хитойда - 45%, Қатарда - 47%, Непалда - 49%, Жибутида - 50%, Макаода (Хитой) - 53%, Брунейда - 54%га тенг бўлган [15]. Мазкур кўрсаткичлар Ўзбекистон Республикасида ялпи жамғармаларнинг ЯИМдаги салмоғини ошириш бўйича эришилган натижалар чегаравий нуқтасига етган деб ҳисоблаш учун асос бўла олмаслигини кўрсатмоқда.

**Жаҳон банкининг маълумотларига кўра, 2019 йилда ялпи жамғармаларнинг ЯИМдаги улуши дунё мамлакатлари бўйича ўртача 25%ни ташкил этган ҳолда, Жазоирда у - 38%, Қувайт ва Сингапурда - 43%, Замбияда - 44%, Хитойда - 45%, Қатарда - 47%, Непалда - 49%, Жибутида - 50%, Макаода (Хитой) - 53%, Брунейда - 54%га тенг бўлган**

Миллий иқтисодиётдаги яна бир муаммо ялпи жамғарма ва ялпи жамғариш ўртасида доимий мусбат тафовутнинг сақланишидир. 2010-2020 йиллар давомида ялпи жамғарманинг (gross savings) ялпи жамғариш ҳажмидан (gross capital formation) доимий ортиқча миқдори кузатилган динамик ўзгаришларни 1-диаграммада келтирдик. Таҳлил этилаётган даврда ялпи жамғарма ва ялпи жамғаришларнинг ЯИМдаги улушлари ўртасида 0.3%дан (2015 й.) 8,8% гача (2012 й.) бўлган мусбат ишорали тафовут кўриниш касб этди.




**Диаграмма 1. Ўзбекистонда ялпи жамғарма ва ялпи жамғариш динамикаси (ишлаб чиқариш усулида ҳисобланган ЯИМга нисбатан %да)**

***Манба:** Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари.*
*Ялпи жамғарманинг 2019-2020 йиллардаги маълумотлари – эксперт томонидан баҳоланган.*

2010-2020 йиллар давомида ялпи жамғарма билан ялпи жамғариш ўртасида тафовутнинг фақат мусбат кўриниш касб этиши миллий иқтисодиётда икки ҳолатнинг кузатилишини кўрсатиб беради. Бу, биринчидан, “ортиқча жамғарма”нинг норасмий секторга йўналтирилганлигини намоён этса, иккинчидан, республикамиздан “ташқи дунё мамлакатларига” чиқиб кетаётган пул оқимининг мавжудлигидан даракдир.

БМТнинг тараққиёт дастури доирасида олиб борилган тадқиқотлар натижасига асосан, Ўзбекистонда яширин иқтисодиёт ҳажми ЯИМга нисбатан 40% дан 50 %гача бўлган оралиқдаги салмоқни ташкил этиши қайд қилинган [17]. Аниқроқ маълумот келтирадиган бўлсак, Давлат солиқ инспекцияси кўрсаткичига асосан, 2019 йилда Ўзбекистонда яширин иқтисодиёт ҳажми ЯИМга нисбатан 48%ни ёки 245 трлн. сўмни ташкил этган [18]. Айтиш керакки, яширин иқтисодиётнинг бу улкан ҳажмини яратиш учун керак бўлган асосий фондлар ва айланма маблағлари айнан мазкур сектор даромадлари ҳамда ялпи жамғарманинг молиялаштирилмаган инвестициялар қисми ҳисобидан шаклланганлигини кўрсатади.

Иккинчи масала хусусида тўхталмоқчи бўлсак, мамлакатимизнинг на расмий сайтларида, на хорижий маълумотлар базасида Ўзбекистондан “ташқи дунё мамлакатларига” чиқиб кетаётган пул оқими бўйича статистик маълумотлар келтирилган. “Амалий иқтисодиёт” курсидан пул маблағларини мамлакатдан олиб чиқиб кетишнинг тадбиркорлик субъектлари томонидан ўйлаб топилган турли схемалари, оффшор зоналардан фойдаланиш имкониятлари сир эмас ва бундан Ўзбекистон ҳам мустасно бўла олмайди. Мамлакатимиздан олиб чиқиб кетилаётган пул маблағларининг умумий қийматига қўйилган чеклов ҳам тижорат мақсадида молиявий ресурслар оқимини камайтириш ва тартибга солишга қаратилганлигидан даракдир.

Юқоридаги таҳлилларни сарҳисоб қилиб шуни

таъкидлаш керакки, "ялпи жамғарма - ялпи жамғариш" нинг баланслашган макро нисбатларини таъмин этиш негизида Ўзбекистоннинг ички мувозанатлашганлик даражасини янада ошириш учун яқин келажакда бир қанча муҳим ишлар бажарилиши тақозо этилади.

Айтиш керакки, ялпи жамғарманинг инвестицияларни молиялаштиришга қатнашмаган қисми билан "соф капитал трансферлар" ("ташқи дунёдан" олинган ва унга чиқарилган капитал трансферлар ўртасидаги фарқ) миллий иқтисодиётнинг турли бозорларида (товар ва хизматлар бозори, монетар бозори (пул (валюта ва олтин) бозори, кредит ресурслари бозори, фонд (акция ва облигация) бозори ва капитал бозори) ва бошқа бозорлар) босимни келтириб чиқаради ҳамда инфляцияни кучайтиради. Истиқболда миллий иқтисодиётда шаклланган "ялпи жамғарма" ва "ялпи жамғариш" ўртасида тафовутни қисқартириш учун аввaламбор, тижорат банклари ва бошқа молия институтлари томонидан аҳолининг бўш пул маблағларини ўз ҳисобларига жалб қилиш, кейинчалик уларнинг миллий иқтисодиётга капитал қуйилмалар кўринишини олиши учун тадбиркорлик-бизнес тузилмаларига етказиб беришга асосланган "жамғармаларни" "инвестицияларга" айлантиришнинг самарали механизмини ишлаб чиқиш зарур бўлади.

Ўзбекистон аҳолисининг бўш пул маблағларини "ёстиқ остидан" чиқариб, капитал бозорларга йўналтириш орқали потенциал маҳаллий инвесторлар базасини шакллантириш, инвестицион жозибадорликни белгилаб берувчи асосий мезон ҳисобланган миллий капитал бозорини тараққий эттириш, истиқболда унинг ЯИМдаги улушини (0.5%) кескин ошириш лозим бўлади. Қайд этиш лозимки, 2019 йил маълумотлари бўйича Қозоғистонда капитал бозорининг ЯИМдаги салмоғи - 5%, Россияда эса - 32%ни ташкил этган [11].

Таъкидлаш жоизки, 2010-2020 йилларда Ўзбекистон бўйича шаклланган ялпи жамғармалар ҳажми ва уларнинг ЯИМга нисбатан салмоғи, гарчи, иқтисодий тараққиётнинг янги босқичида бироз яхшиланган бўлса-да, бугунги кун талаби доирасида эмас. Статистик таҳлил жараёнида Ўзбекистон бўйича ялпи жамғарманинг ЯИМга нисбатан улуши жаҳон иқтисодиётидаги кўпгина мамлакатлар салмоғидан паст эканлиги аниқланди. Жаҳон тараққиёти индикатори тизими негизида 2018 йил учун "аҳоли жон бошига ялпи жамғарма" кўрсаткичи ҳисобланиб, унда Ўзбекистон 622,8 АҚШ долларлик натижа билан МДҲ мамлакатларининг Тожикистон (181,1), Қирғистон (355,9), Украина (330,8), Молдова (474,6), Арманистон (571,1) давлатларидан ўзиб кетган бўлса-да, Россия Федерацияси (3408,8), Қо-



зоғистон (2304,8), Белорусь (1830.8) ва Озарбайжон (1550.2) кўрсаткичларидан бир неча баробар ортда қолмоқда [15].

Хулоса ва таклифлар. Ўзбекистонда ялпи жамғарма ҳажмини кўпайтириш, унинг ЯИМга нисбатан улушини ошириш ҳамда у билан боғлиқ бошқа кўрсаткичлар қийматининг ортишига эришиш учун авваламбор мамлакатнинг макроиқтисодий индикаторларининг яхшиланишини таъмин этиш лозим бўлади.

2030 йилгача Ўзбекистонни иқтисодий жиҳатдан ривожлантириш мақсадларида миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини ошириш асосида ялпи ички маҳсулотни камида 2 бараварга кўпайтириш кўзда тутилган бўлиб, бу авваламбор, бандликдаги самарадорликни ошириш негизида эришилиши кўрсатиб ўтилган [16]. Бу эса, 2017-2030 йиллар давомида ялпи ички маҳсулот йиллик ўсиш суръатининг ўртача 105,5% лик натижасига эришилишини тақозо этади. Ҳисоб-китобларимиз шуни кўрсатдики, Ўзбекистонни иқтисодий ривожлантириш мақсадлари бўйича истиқболли кўрсаткичларга эришиш учун 2021-2030 йилларда ялпи жамғарма нормасининг (ЯИМга нисбатан) ўртача 40 фоизлик даражасини қайд этиш керак бўлади. Ўз ўрнида, ялпи жамғарма нормасини ошириш ва ЯИМ ҳажмини икки баробар кўпайтириш 2030 йилга қадар Ўзбекистоннинг даромади ўртачадан юқори бўлган мамлакатлар таркибига кириши учун замин яратади.

Жамиятдаги истеъмол нормасини нисбатан қисқартириш негизида жамғарманинг ЯИМдаги салмоғини ошириш, кейинги босқичда уларни инвестицияга молиялаштириш асосида биздан кейинги авлодга етказиб бериш учун асосий фондлар (бинолар, инфратузилмалар, коммуникациялар ва бошқалар), технологиялар (илмий, ишлаб чиқариш, муҳандислик ва рақамли ахборот) патентлар (саноат намуналари, технологик, интеллектуал, товар белгилари, маркалар, брендлар ва бошқаларни ишлаб чиқиш) ва бошқа активлар кўринишидаги бойликлар яратиш зарур бўлади.

Миллий иқтисодиётдаги ялпи жамғариш билан боғлиқ жараённи янада жадаллаштириш, унинг таркибини такомиллаштириш ҳамда самарадорлигини ошириш учун қуйидаги ишларнинг бажарилиши тақозо этилади.

**Биринчидан,** истиқболда миллий иқтисодиётга жалб қилиниши режалаштирилаётган ташқи молия ресурсларининг умумий ҳажмини кўпайтириш, унинг таркибида тўғридан–тўғри инвестициялар ҳамда венчур капитал салмоғини ошириш, давлат кафолати асосида жалб қилинаётган қарз маблағлари улушини камайтириш, шунингдек, қарз маблағлари асосида яратилган даромадлар ҳажмини улар учун тўланадиган фоизлар қийматидан ортиқчалигини таъминлаш керак бўлади.

**Иккинчидан,** асосий капиталга йўналтирилган маблағлар самарадорлигини ошириш, реал секторга киритилган 1 бирлик инвестиция негизида ишлаб чиқарилган маҳсулот ва кўрсатилган хизматлар ҳажмини ошириш, соҳа ва тармоқларда яратилган қўшилган қиймат салмоғини кўтариш лозим бўлади.

**Учинчидан,** юқори қўшимча қиймат ва имкон қадар кўпроқ иш ўринлари яратиш, кейинги босқичларда иш самарадорлигини оширишга йўналтирилган, меҳнат ресурслари сифати ва республика аҳолисининг интеллектуал даражасини кўтариш ҳамда иқтисодиёт тармоқ ва соҳаларига ички инвестициялар молиялаштирилишини рағбатлантиришга қаратилган давлат даражасидаги фаол инвестиция сиёсатини олиб бориш зарур бўлади.

Юқорида келтирилган вазифаларнинг бажарилиши ялпи жамғарма ва ялпи ички инвестициялар ўртасида мувозанатнинг таъминланиши, умуман миллий иқтисодиёт даражасида МҲТ "жамғарма-жамғариш (инвестиция)" макронисбатларининг баланслашувига олиб келади, бу эса ўз навбатида яқин келажакда Ўзбекистон Республикаси миллий иқтисодиётига ташқи ҳуружлар (шоклар) таъсирини камайтириш ҳамда рискларни пасайтириш имконини беради.

***Манба ва адабиётлар***

*1. Аньшин В. М. Инвестиционный анализ: Учеб.-практ. пособие. – 3-е изд., испр. – М.: Дело, – 280 с. – (Сер. "Библиотека современного менеджера"). 2004*

*2. Гулямов С.С., Чепель С.В. Сиддиқов А.. Макроэкономическое равновесие национальной экономики. Монография. Ташкент.: 2019. стр. 120 (7,5 п.л.).*

*3. Гулямов С.С., Чепель С.В., Сиддиқов А.Ж. “Проблемы обеспечения макроэкономического равновесия и внешней сбалансированности Узбекистана”., Монография. Ташкент.: «Госкомстат», 2020 стр. 120.*

*4. Национальные счета: практический вводный курс, ST/ESA/STAT/SER.F/85, ISBN 92-1-461003-7, Издание Организации Объединенных Наций, Нью-Йорк, 2006 год. Стр.32-33*

5. Попов Александр Иванович. Экономическая теория. 2006 https://all-sci.net/teoriya-ekonomicheskaya/ekonomicheskaya-teoriya.html

6. Потребление, инвестиции (накопление) и сбережения в макроэкономике. https://studwood.ru/733288/ekonomika/potreblenie_investitsii_nakoplenie_i_sberezheniya_v_makroekonomike

7. Сиддиков А.Ж., Валиев Б.Б., Абдуллаев Р.Р. Ўзбекистон иқтисодиётида макроиқтисодий мувозанат: методологик ёндашув ва статистик таҳлил. Монография. Тошкент "Brok Class Servis" 2019, 105 б.

8. Сиддиков А.Ж. Проблемы долгосрочного устойчивого развития Узбекистана. Профессор-ўқитувчилар ва тадқиқотчиларнинг илмий мақолалар тўплами. Ташкент.: 2019. стр. 15-17.

9. Сиддиков А.Ж. Ўзбекистон иқтисодиётида ялпи талаб ва ялпи таклиф мувозанати. Таълим тизимида ижтимоий-гуманитар фанлар № 3. 2019. 97-104 бетлар.

10. Сиддиков А.Ж. Влияние спросовых факторов на экономическое развитие страны E-journal.uz № 7, 2019 https://e-journal.uz

11. Тилаволдиев Н. "Ёстиқ остидаги" бўш пул маблағларини капитал бозорларга йўналтириш вақти келди https://mt.uz/uz/%D1%91%D1%81%D1%82%D0%B8%D2%9B-%D0%BE%D1%81%D1%82%D0%B8%D0%B4%D0%B0%D0%B3%D0%B8-%D0%B1%D1%9E%D1%88-%D0%BF%D1%83%D0%BB-%D0%BC%D0%B0%D0%B1%D0%BB%D0%B0%D2%93%D0%BB%D0%B0%D1%80%D0%B8/

12. Balance of payments and international investment position manual. 6th ed. —Washington, D.C.: International Monetary Fund, 2009.

13. Global Economic Prospects, June 2018: The Turning of the Tide? Washington, DC: World Bank. doi: 10.1596/978-1-4648-1257-6.

14. Uzbekistan: Staff Concluding Statement of an IMF Staff Visit, July 31, 2018 https://www.imf.org/ru/News/Articles/2018/07/31/ms073118-uzbekistan-staff-concluding-statement-of-an-imf-staff-visit

15. World Development Indicators 2019, World Bank https://databank.worldbank.org/source/world-development-indicators

16. http://nsdg.stat.uz/goal/11

17. https://review.uz/post/vzov-tenevoy-ekonomiki

18. https://www.spot.uz/ru/2020/09/09/shadow/

**Миллий ҳисоблар тизимининг "ялпи жамғарма – ялпи жамғариш" макронисбатлари таҳлили**

**Алишер Сиддиков,**
*иқтисодиёт фанлари номзоди, доцент,*
*Ўзбекистон Республикаси давлат статистика қўмитаси ҳузуридаги Кадрлар малакасини ошириш ва статистик тадқиқотлар институти кафедра мудири*

**Аннотация:** *мазкур мақолада миллий ҳисоблар тизимининг макро даражадаги нисбатлари "ялпи жамғарма – ялпи жамғариш" ҳажмларининг баланси таҳлили негизида Ўзбекистон Республикасининг ички мувозанатига баҳо берилган.*

**Калит сўзлар:** *баҳолаш, макронисбатлар, ички мувозанат, баланслашганлик, жамғарма, асосий капиталга инвестициялар, ялпи жамғариш, моддий айланма маблағлар, молиявий активлар, МҲТ.*

**Анализ макропропорций системы национальных счетов «валовое сбережение – валовое накопление»**

**Алишер Сиддиков,**
*кандидат экономических наук, доцент,*
*заведующий кафедрой Института повышения квалификации кадров и статистических исследований при Государственном комитете Республики Узбекистан по статистике*

**Аннотация:** *в данной статье дана оценка внутренней сбалансированности Узбекистана на основе анализа равновесности макропропорций системы национальных счетов «валовое сбережение – валовое накопление».*

**Ключевые слова:** *оценка, макропропорции, внутренняя равновесность, сбалансированность, сбережение, инвестиции в основной капитал, валовое накопление, материальные оборотные средства, финансовые активы, СНС.*

**Analysis of macro proportions of the system of national accounts "gross savings - gross capital formation"**

**Alisher Siddikov,**
*PhD (in Economic),*
*Head of the Department of the Institute for Advanced Training and Statistical Research under the State Committee of the Republic of Uzbekistan on Statistics*

**Abstract:** *in this article provides an assessment of the internal balance of Uzbekistan based on the analysis of the equilibrium of the macroportions of the system of national accounts "savings (gross domestic savings) - investment (gross investment)".*

**Keywords:** *assessment, macro proportions, internal equilibrium, balance, saving, investments in fixed assets, gross capital formation, material working capital, financial assets, SNA.*

**УЎК: 658.8338.43**

**Камолиддин СИРОЖИДДИНОВ,**
*иқтисодиёт фанлари номзоди,*
*Наманган давлат университети доценти,*
**E-mail:** ksi_1978@mail.ru

# Мева-сабзавот экспортини ривожлантириш масалалари

Иқтисодий ўсишни таъминловчи омиллар ва тармоқлар ҳақида сўз борганда, энг аввало иқтисодий тафаккур шаклланишидаги илк мактаблардан саналувчи физиократларнинг фикрларини ёдга олиш ўта муҳимдир. Физиократларнинг фикрича, мамлакат иқтисодиётидаги барча бойлик энг аввало қишлоқ хўжалигида яратилади.

*Албатта, бу фикрлар ҳали ҳам ўз аҳамиятини йўқотган эмас.*

Саноат ишлаб чиқаришнинг бирламчи моддий асоси ҳисобланувчи аграр тармоқ, кўп жиҳатдан иқтисодий ўсишни таъминлаш билан бирга, техник-технологик юксалиш заруриятини юзага келтиришда муҳим ўрин тутади.

Мамлакатимизнинг ўзига хос табиати, табиий иқлим шароитлари, етарли даражадаги ишчи кучи ресурсларидан ва географик жойлашувидан келиб чиққан ҳолда, аграр тармоқнинг юқори сифатли мева ва сабзавотлар етиштиришдаги улкан имкониятлари ўта юқори баҳоланмоқда. Лекин, мавжуд имкониятлар, салоҳиятдан тўлақонли фойдаланиш масаласи ҳали ҳамон иқтисодчи олимларнинг қизғин мунозараларига сабаб бўлаётган масалалардан бирилигича қолмоқда.

Айни пайтда, мева ва сабзавот маҳсулотлари етиштириш ҳажмини ошириш, соҳа самарадорлигини таъминлаш ва экспорт кўламини янада кенгайтириш миллий иқтисодиёт тараққиётини таъминлашнинг энг муҳим йўналишларидан бири ҳисобланади. Иқтисодиётда замонавий бозор механизмларини жорий этиш ва маҳсулотларни экспорт қилиш тартибини соддалаштириш бўйича кенг кўламли ишлар амалга оширилаётганлигига қарамасдан, мева-сабзавот маҳсулотларининг экспорти ҳажмини кўпайтириш ва унинг турларини кенгайтиришга тўсқинлик қилувчи омиллар мавжуд.

Хусусан, бугунги кунда экспортга йўналтирилаётган мева-сабзавот маҳсулотларининг 90 фоизидан ортиғи кичик кўламдаги ишлаб чиқарувчилар томонидан ёрдамчи хўжаликларда, шу жумладан томорқа участкаларида етиштирилмоқда. Ишлаб чиқарувчиларнинг салмоқли қисми хорижий бозорларни ўрганиш, шартномалар тузиш ва маркетинг тадқиқотларини ўтказиш тажрибасига эга эмасликлари сабабли ўз маҳсулотларини мустақил равишда экспорт қилиш имкониятига эга эмас.

Сўнгги ўтган уч йил ичида мамлакатда аграр тармоқни фаол тарзда ислоҳ қилиш жараёнига алоҳида эътибор қаратилди. Қишлоқ хўжалигида бошқарув тизими ва механизмини такомиллаштириш, давлат томонидан молиявий қўллаб-қувватлашнинг самарали механизмларини жорий этиш, кооперацион муносабатларни қайта йўлга қўйиш, замонавий ресурс тежамкор технологияларини изчил тарзда жорий қилиш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари экспорти ҳажмини ошириш мақсадида бир қатор фармон ва қарорлар қабул қилинди.

Айни пайтда, мамлакатимизда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажмини бир неча бор ошириш учун бир қатор тадбирлар олиб борилмоқда, лекин ишлаб чиқариш ҳажмининг ортиши тўғридан-тўғри равишда экспорт ҳажмининг кўпайишига олиб келмайди. Бунинг асосий сабаби, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари, айниқса мева-сабзавот экспортида энг аввало, потенциал истеъмолчига қандай турдаги маҳсулот зарурлиги ва унинг эҳтиёжи хусусиятларини тушуниб олишдадир.

Шунингдек, ҳақиқий истеъмолчилар гуруҳи кимлар ва улар қайси мамлакатларда яшайди каби саволлар тадқиқ этилиши лозим. Бу жараёнда агромаркетинг имкониятларидан тўлақонли фойдаланиш заруриятини юзага келтиради. Агромаркетинг ёрдамида мева-сабзавотлар экспортини ташкил этиш асосида, мева-сабзавот етиштиришнинг илк босқичидан токи истеъмолчига етиб бориши давомидаги истеъмолчиларнинг эҳтиёжи ва талаби қай тарзда ўзгаришини олдиндан кўра билиш мумкин бўлади.




**1-расм. Мева-сабзавотлар экспортининг динамикаси (минг тонна)**

Мева-сабзавотлар экпортидаги муаммолардан яна бири, етиштирилаётган маҳсулотнинг ривожланган мамлакатлардаги мавжуд стандартларга номувофиқлиги ҳисобланади. Мева-сабзавотлар бозорининг жадал ривожланиши натижасида АҚШ, Европа Иттифоқида ва бошқа кўплаб ривожланган мамлакатларда, айни пайтда “премиум” тоифасига кирмайдиган маҳсулотларга талаб деярли мавжуд эмас. Бундан ташқари, ҳар бир мамлакатда меваларнинг турли хусусиятларига нисбатан ўзига хос уларнинг ранги, калибри, органолептик хусусиятлари ва кимёвий ўғитларнинг минимал миқдори, таркиби ва бошқалар бўйича алоҳида талаблар мавжуд.

Энг аввало мева-сабзавотлар экспортини амалга оширишда ҳар бир хўжалик юритувчи субъект, тадбиркор ишни маркетинг стратегиясидан, стратегик бошқарув қарорларидан, бозорни тўғри тушунишдан бошлаши керак. Акс ҳолда, унинг маҳсулотларига талаб етарли даражада ёки умуман бўлмаслиги мумкин. Афсуски бундай вазиятлар Ўзбекистонда жуда кўп учрайди. Етарли даражадаги сифатли мева-сабзавот маҳсулотини етиштириш – бозорни эгаллаш учун амалга ошириладиган тадбирларнинг энг дастлабки босқичидир.

Мева-сабзавот маҳсулотларини етиштиришда уларни истеъмолчиларга сифатли (унинг табиий хусусиятларини йўқотмаган ёки максимал даражада сақлаган) ҳолда етказиб бериш, маълум вақт сақланиши ва қадоқлаш каби омилларни ҳисобга олиш жуда муҳим ҳисобланади. Аксарият ҳолларда ҳосил йиғим-теримидан кейинги жараёндаги харажатлар маҳсулотни етиштиришга кетган маблағдан кўп бўлиб, кўпинча бундай харажатлар етарлича эътиборга олинмайди.

**Лекин олиб борилаётган чора-тадбирларга қарамай, мавжуд салоҳиятдан фойдаланиш талаб даражасида эмас. Чунончи, жаҳон аграр бозорида мева-сабзавот маҳсулотлари савдоси тахминан 205 миллиард АҚШ долларини ташкил этади. Мамлакатимиз қишлоқ хўжалигининг мазкур бозордаги улуши эса атиги бир фоизга ҳам етмайди. Етиштирилган маҳсулотларнинг мамлакат экспорти таркибидаги улуши эса ҳам атиги 7 фоизни ташкил қилмоқда (1-расм).**

*Аграр тармоқда энг асосий муаммолардан бири етиштириладиган ҳосил миқдорини олдиндан аниқ башоратлашнинг мураккаблигида ифодаланади.* Об-ҳавонинг ноқулай келиши маҳсулотга нисбатан ички талабнинг ортиши ва унинг экспортга йўналтириладиган қисмининг камайишига ва шакллантирилаётган ташқи сотиш каналлари билан ўрнатилаётган муносабатларга салбий таъсир этиши мумкин. Таҳлил этилаётган 2016-2019 йиллар давомида мамлакатимизда ишлаб чиқарилган мева-сабзавот маҳсулотларнинг миқдорларида барқарор ўсиш суръатлари кузатилмайди (2-расм).




**2-расм. Мева-сабзавотлар етиштириш ҳажми (минг тонна)**

Бу ҳолат айниқса сабзавот маҳсулотлари ишлаб чиқаришда яққол намоён бўлади. Албатта ишлаб чиқариш ҳажмини оширишда мева-сабзавотларнинг янги навларини етиштиришни йўлга қўйиш мақсадга мувофиқ. Бу жараёнга мавжуд иқлим шароитидан келиб чиққан ҳолда ёндашиш лозим. Мамлакатимизда ноёб хусусиятларга эга маҳсулотлар етиштириш имкониятлари мавжуд [1].

Мутахассислар фикрига кўра, бизда мавжуд бўлган олма навларининг бир қатор турларининг экспортида юқори даражадаги рақобат мавжудлиги сабаб, маълум қийинчиликлар мавжуд. Шундай бўлсада, олма навларининг эртапишар турлари жаҳон бозорида ўз ўрнини топиш учун етарли имкониятларга эга.

Яна бир жиҳат, Ўзбекистон географик жиҳатдан барча ташқи бозорлардан (мева ва сабзавотлар экспорти учун) узоқ масофада жойлашган. Бу эса маҳсулотни истеъмолчиларга етказиб бериш харажатлари, яъни логистика харажатлари доим юқори бўлишига олиб келади. Шу боис, стратегик нуқтаи назаридан доимий тарзда арзон нархдаги маҳсулотлар экспорти мақсадга мувофиқ эмас.

Бундан ташқари, мамлакатнинг мутлақ устунлик жиҳатлари, масалан, ишчи кучининг етарлилиги ва арзонлигидан ҳам фойдаланиш лозим. Ҳосил йиғим-терим жараёнида қўл меҳнатидан фойдаланиш меҳнатталаб ва харажатли бўлишига қарамай бундай тадбирлар жаҳон бозорида юқори баҳоланади. Бу эса Ўзбекистоннинг ушбу турдаги маҳсулотларни экспорт қилиш имкониятини оширади. Шу билан бирга бу жараёнда маҳсулотнинг сифати, хавфсизлиги ва унинг сақланишини таъминлаш, унинг рекламасини ташкил этишни ҳам унутмаслик лозим. Бу эса зарур инфратузилма ва билимларнинг мавжудлиги билан ҳам боғлиқ.

Аксарият ҳолларда мамлакатимизда мева-сабзавотлар экспортида йўл қўйиладиган анъанавий хатолардан бири, бизнес-режани тузишда асосий эътибор маҳсулотни ишлаб чиқаришга (етиштиришга) кетадиган харажатларга қаратилади. Аммо маҳсулотни сақлаш ва уни истеъмол учун етказиш учун сарфланган харажатлар ҳам салмоқли улушга эга. Шунингдек, бизнес-режада маркетинг харажатлари эътиборга олинмайди. Маҳсулотларнинг ўз-ўзидан сотилишига умид боғланади. Албатта маркетинг тадқиқотлари муайян харажатлар талаб этади. Масалан, реклама, кўргазмаларда қатнашиш, бизнес-шериклар излаш, музокаралар ва ҳ.к. Лекин

1 https://east-fruit.com/novosti/mnenie-uzbekistan-mog-by-pozitsionirovat-sebya-kak-glavnyy-postavshchik-orekhov-i-sukhofruktov-v-azii/

пировард натижада сарфланган харажатлар ўзини оқлайди. Бу борада давлат органларининг кўмаги эса соҳа ривожининг энг муҳим омили ҳисобланади.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сақлаш масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратиш лозим. Жаҳон тажрибасига кўра қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сақлаш махсус омборхоналари ишлаб чиқарувчилар ёки уларнинг кооперативларига тегишли. Бу турдаги бизнес ишлаб чиқарувчиларнинг тўлиқ назорати остида қолади. Агарда бу турдаги махсус омборлар сони етарли бўлса, маҳсулотни сақлаш орқали кўзда тутилмаган қўшимча даромад олиш имконияти деярли мавжуд эмас. Бундай шароитда маҳсулот нархлари бутун мавсум давомида барқарор бўлиб қолади ва шубҳасиз озиқ-овқат хавфсизлигига хизмат қилади.

**1-жадвал.**

**Мева-сабзавотлар бозори асосий ташқи бозорлари (экспорт географияси)**

| Мамлакатлар | **2017 йил** | | **2018 йил** | | **2019 йил (январ-октябрь)** | |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | Экспорт ҳажми, минг тонна | Экспорт ҳажмидаги улуши, фоизда | Экспорт ҳажми, минг тонна | Экспорт ҳажмидаги улуши, фоизда | Экспорт ҳажми, минг тонна | Экспорт ҳажмидаги улуши, фоизда |
| Қозоғистон | 472 | 52,2 | 584,7 | 47,5 | 473,1 | 40,8 |
| Россия | 165,2 | 18,3 | 283,2 | 19,4 | 214,9 | 18,5 |
| Қирғизистон | 52,9 | 5,9 | 88,2 | 7,2 | 109,4 | 9,4 |
| Афғонистон | 52,7 | 5,8 | 73,4 | 6,0 | 32,8 | 2,8 |
| Туркия | 27,7 | 3,1 | 23,0 | 1,9 | 58,5 | 5,0 |
| Хитой | 21,9 | 2,4 | 66,9 | 5,4 | 36,4 | 3,1 |
| Покистон | 6,2 | 0,7 | 29,8 | 2,4 | 34,2 | 3,0 |
| Украина | 7,3 | 0,8 | 14,8 | 1,2 | 52,7 | 4,5 |

***Манба:*** *www.stat.uz/ru/press-tsentr/novosti-komiteta/5277-vneshnetorgovyj-oborot-respubliki-uzbekistan-2.*

Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, мева сабзавот экспортининг асосий қисми Қозоғистон ва Россия мамлакатларига тўғри келмоқда. Сўнгги уч йил давомида ушбу икки мамлакат ҳиссасига мамлакатимиз мева-сабзавот экспортининг ярмидан кўп қисми тўғри келмоқда. Анъанавий тарзда мамлакатимизда мева-сабзавот экспортининг асосий истеъмолчилари ҳисобланувчи ушбу мамлакатларда маҳаллий ишлаб чиқарувчиларимиз бошқа рақобатчиларга нисбатан муайян устунликларга эга.

Айни пайтда, республикамизда етиштирилган мева-сабзавот маҳсулотларига асосан Қозоғистон, Россия ва бошқа МДҲ мамлакатларида талаб юқори. Лекин шуни унутмаслик лозимки, бу мамлакатлар мева-сабзавот бозорларида рақобат жиддийлашиб бормоқда. Мутахассисларнинг фикрича уларнинг асосий истеъмолчилари катта ёшдаги аҳоли ҳисобланади. Бунинг асосий сабаби сотилаётган маҳсулотларнинг қадоқланишидаги эътиборсизликдир.

Мамлакатимиз қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарувчилари миллий ва жаҳон миқёсидаги кучли рақобат шароитида фаолият юритмоқдалар. Сўнгги йилларда аҳоли турмуш даражасининг изчил тарзда ортиб бораётганлиги эса, аграр бозорларда, хусусан мева-сабзавотлар бозорида маҳаллий ва миллий ишлаб чиқарувчилар ўртасидаги рақобатни янада жиддийлаштирмоқда.

Эркин бозор муносабатларига асосланган очиқ иқтисодиёт талаб ва таклиф мутаносиблигини таъминлаш бозор қонунлари асосида рўй беришини кўзда тутади. Бундай вазиятда давлатнинг бевосита аралашуви, ҳар хил маъмурий дастаклар орқали таъсир этиши инкор этилади. Шу билан бирга, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари бозори ривожланиш даражасидан қатъий назар назар ҳар қандай мамлакатда давлат механизмлари орқали тартибга солинади.Таъкидлаш жоизки, аграр тармоқда маъмурий дастаклардан нотўғри фойдаланиш, соҳада самарадорлик кўрсаткичларининг пасайиши, хуфи-



ёна иқтисодиёт кўламларининг янада кенгайишига олиб келади. Шунингдек, аграр соҳа тармоқлари доирасида рақобатли иқтисодий муҳит шаклланишининг ўзига хос жиҳатлари ва унинг мураккаблиги боис қишлоқ хўжалиги ва саноат маҳсулотлари ўртасидаги диспаритет муаммоси янада ортади.

**Қишлоқ хўжалигини қўллаб-қувватлаш, соҳанинг экспорт потенциалини оширишда давлат дастурларининг мувофиқлаштирувчи ролини алоҳида таъкидлаш лозим. Бундай дастурлар устувор равишда қуйидагиларни кўзда тутиши мақсадга мувофиқ:**

- қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг ички ва ташқи талабни етарли даражада қондира олувчи барқарор ҳажмларини таъминлаш;

- мева-сабзавотлар экспортини рағбатлантиришда молия-кредит ва солиқ механизмларидан самарали фойдаланиш;

- қишлоқ хўжалиги техника ва технологиялари импортини амалга оширишда субсидиялар, дотациялар ва божхона имтиёзларини жорий этиш;

- қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари экспортини таъминлашнинг ташкилий ва ҳуқуқий асосларини такомиллаштириб бориш.

Бу эса ўз навбатида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари экспорти ҳажмининг ошишига, мамлакатимиз олтин-валюта захирасининг кўпайишига ва аҳоли турмуш даражасининг ўсишига хизмат қилади.

Фикримизча, мева-сабзавот маҳсулотлари экспортини янада ривожлантириш учун қуйидаги тадбирларни амалга ошириш лозим:

- мева-сабзавот ишлаб чиқарувчиларга бевосита хизмат кўрсатувчи ишлаб чиқариш ва бозор инфратузилмаси фаолиятини такомиллаштириш;

- мева-сабзавот маҳсулотлари халқаро бозорини доимий ўрганиш ва сотиш жараёнларини такомиллаштириш бўйича маркетинг хизматларини ташкил этиш ва бу хизматлар самарадорлигини ошириш;

- минтақавий мева-сабзавотлар бозорларининг ривожланиш тенденциялари бўйича таҳлиллар ўтказиш, талаб ҳажми ва таклиф ҳажми (алоҳида маҳсулотлар бўйича) ҳамда бозор конъюнктураси коэффициенти каби бозорни ўрганишда фойдаланиладиган бир қатор кўрсаткичлардан фойдаланиш;

- ташқи бозорларни ўрганиш натижалари асосида сегментациялаш, аниқ бозордаги рақобат даражасини баҳолашга асосланган ҳолда товар ассортименти бўйича халқаро маркетинг стратегияларини шакллантириш ва ривожланишни таъминлаш;

- қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари экспортчиларига жаҳон стандартлари талабларига тўлиқ жавоб

берадиган халқаро сертификат ва лицензиялар, шу жумладан, Global GAP, ISO ва бошқа ҳужжатларни олишига кўмаклашиш;

- республиканинг барча ҳудудларида мунтазам равишда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари экспортидаги муаммоли масалалар муҳокамасига бағишланган учрашувларни ташкиллаштириш;

- агросаноат мажмуасининг мева-сабзавот етиштириш тармоғида маркетингдан фойдаланишнинг ўзига хос жиҳатларини кўзда тутиш;

- қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари савдоси тартибларини янада либераллаштириш;

- мева-сабзавот агрокластерлари фаолиятини рағбатлантириш;

- экспортдаги монополистик тузилмаларга йўл қўймаслик;

- чегарани кесиб ўтишда коррупцион элементларни бартараф этиш;

- қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари экспорти суғурта механизмларини такомиллаштириш;

- қишлоқ хўжалиги маҳсулоти учун олдиндан тўлов талабларини бекор қилиш.

***Манба ва адабиётлар***

*1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги "Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида"ги ПФ-4947-сонли Фармони. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 6-сон, 70-модда*

*2. Указ Президента Республики Узбекистан от 16 января 2018 г. «О мерах по дальнейшему обеспечению продовольственной безопасности страны» № УП-5303. - https://lex.uz/docs/3506753.*

*3. Сирожиддинов И. К., Ботирова Р. А. Возможности развития экспорта фруктов и овощей в регионе. – Актуальные вызовы современной науки. Сборник научных трудов. Выпуск 11 (31). Часть I// Переяслав-Хмельницкий, 2018. С. 82 – 85.*

*4. Сирожиддинов И. К., Ботирова Р. А. Возможности развития экспорта фруктов и овощей в Наманганской области. - Молодой ученый, № 50, 2018. С. 174 – 176.*

*5. Ўзбекистон мева-сабзавот экспортини ривожлантиришда менталитет халақит бермоқда. www.uzanalytics.com*

*6. Sirojiddinov K. Developing the food orientation of agricultural production and the need to develop agromarketing //Theoretical & Applied Science. 2019. No 11 (79). P. 268-272.*

*7. Сирожиддинов К.И. Возможности повышения экспортной направленности садоводства и виноградарства в Наманганской области Узбекистана//Молодой ученый. 2018. № 16 (202). С. 87-89*

**Мева-сабзавот экспортини ривожлантириш масалалари**

**Камолиддин Сирожиддинов,**
*иқтисодиёт фанлари номзоди,*
*Наманган давлат университети доценти*

**Аннотация:** *қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчиларининг экспорт потенциалини ошириш давлат аграр сиёсатининг устувор йўналишларидан бири ҳисобланади. Мақола аграр ишлаб чиқарувчиларнинг рақобатбардошлигини оширишдаги муаммоларга қаратилган.*

**Калит сўзлар:** *маркетинг, мева-сабзавотлар бозори, мева-сабзавот маҳсулотлари, экспорт, экспорт потенциали, рақобат, қишлоқ хўжалиги*

**Вопросы развития экспорта плодоовощной продукции**

**Камолиддин Сирожиддинов,**
*кандидат экономических наук,*
*доцент Наманганского государственного университета*

**Аннотация:** *необходимость наращивания экспортного потенциала сельхозпроизводителей является приоритетным направлением аграрной политики государства. Статья посвящена проблемам повышения конкурентоспобности аграрных производителей.*

**Ключевые слова:** *маркетинг, рынок плодоовощей, плодоовощная продукция, экспорт, экспортный потенциал, конкуренция, сельское хозяйство.*

**Issues of fruit and vegetable export development**

**Kamoliddin Sirojiddinov,**
*PhD (in Economic),*
*Associate Professor of Namangan State University*

**Abstract:** *increasing the export potential of agricultural producers is one of the priorities of state agricultural policy. The article focuses on the challenges of increasing the competitiveness of agricultural producers.*

**Keywords:** *marketing, fruit and vegetable market, fruit and vegetable products, export, export potential, competition, agriculture.*

**УЎК: 332.1(575.1)**

**Элнора-хан ЯКУБОВА,**
*главный научный сотрудник*
*Института прогнозирования и макроэкономических исследований,*
**e-mail:** yakubovaelnora@mail.ru

# Концептуальные основы диверсификации промышленности региона (на примере Ташкентской области)

В современных условиях развития экономики Узбекистана существенно возрастает роль территориальных факторов и условий обеспечения сбалансированного и устойчивого экономического развития регионов. Основным направлением развития регионов является проведение активной территориальной политики, направленной на индустриализацию экономики, стимулирование развития перспективных отраслей, расширение нетрадиционных производств, создание современных форм размещения. На практике основным инструментом территориального развития служат реструктуризация и диверсификация промышленности [1].

В исследовании автором рассмотрены концептуальные основы диверсификации Ташкентской области. Обладая высоким потенциалом, промышленность Ташкентской области по-прежнему зависит от сырьевого фактора, что, в свою очередь, отразилось на ее уязвимости в условиях пандемического кризиса. В связи с этим возникает необходимость разработки обоснованных подходов диверсификации промышленности территории, направленных на реализацию конкурентных преимуществ, трансформацию производства с учетом инновационных факторов, чем и просматривается актуальность исследуемой проблемы.

Перспектива диверсификации промышленности Ташкентской области должна основываться на следующих закономерностях развития и размещения производств, представляющих собой взаимосвязанные отношения между территорией, производством и пространством [2]:

- сочетание сформировавшейся специализации производства с диверсификацией производства, способствующего обеспечению сбалансированности структуры промышленности региона;
- эффективное использование природно-сырьевого потенциала и особенностей территории, способствующих обеспечению сбалансированности местных ресурсов и производства;
- размещение производств с учетом густонаселенности территории и наличия трудовых ресурсов (отнесение территории к трудодефицитной или трудоизбыточной категории), способствующего обеспечению сбалансированности труда и решение проблем занятости населения;
- рациональное использование производственного потенциала (бездействующие объекты и земельные участки несельскохозяйственного назначения, производственная инфраструктура местности), способствующего обеспечению факторной сбалансированности;
- максимальное удовлетворение потребностей экономики региона, в том числе населения, способствующего обеспечению равновесия между спросом и предложением;
- интенсивное развитие объектов рыночной, производственной и социальной инфраструктуры и информационных систем с целью создания сбалансированных региональных рынков производства и сбыта конкурентоспособной продукции [3], на которых специализируются территории;
- поддержка менее развитых территорий за счет стимулирования предпринимательской и инвести-

ционной активности в промышленном секторе экономики, способствующей сокращению межрайонной дифференциации и преодолению отсталости территорий.

С учетом вышеизложенного, целью диверсификации промышленности Ташкентской области является достижение сбалансированного конкурентоспособного производства за счет реализации конкурентных преимуществ, оптимального и эффективного вовлечения местного потенциала и ресурсов. Формирование сбалансированной структуры промышленного производства региона включает реализацию следующих задач:

- обеспечение экономической стабильности (рациональное размещение производственных объектов и обеспечение их инфраструктурой, повышение предпринимательского потенциала, создание благоприятной конкурентной среды и частной собственности);

- обеспечение социальной стабильности (рост производительности труда, обеспечение занятости населения, подготовка квалифицированных кадров, повышение качества и уровня жизни населения);

- обеспечение экологической стабильности (улучшение экологического состояния, смягчение воздействия на окружающую среду, организация вторичной переработки, развитие альтернативных источников энергии);

- переход на инновационный путь промышленного развития (IT-технологии и автоматизация производственного процесса, умное производство, развитие государственно-частного партнерства, привлечение частных инвестиций).

С учетом пространственных факторов организации производства и конкурентных преимуществ территории, повышение диверсификации промышленности Ташкентской области представляется целесообразным рассматривать по двум направлениям [4] (рисунок 1).




**Рисунок 1. Конкурентные преимущества Ташкентской области.**

***Источник:*** *разработано автором.*

1. Повышение диверсификации производства за счет эффективного использования конкурентных преимуществ «первой природы» [5], т.е. активизации внутренних источников и резервов (природно-сырьевого потенциала) региона. В этом плане промышленное производство концентрируется преимущественно вблизи к местным ресурсам (географическое положение, специализация сельского хозяйства, земельные, минерально-сырьевые ресурсы). Размещение перерабатывающего производства и их дальнейшая концентрация на определенной территории послужит источником создания новых точек роста.

2. Повышение диверсификации производства за счет использования конкурентных преимуществ «второй природы»[1], способных обеспечить конкурентоспособность промышленности региона как на внутреннем, так и внешнем рынках. К ним можно отнести: человеческий капитал (профессионализм и квалификация кадров), научно-технологический потенциал (способность к внедрению инновационных технологий и производства высокотехнологичных видов экономической деятельности), институциональную среду (расширение межрегионального сотрудничества, государственно-частного партнерства, внедрение информационных технологий, переход к зеленой экономике). В этом плане научно-технический и инновационный потенциал, формирующий наиболее глубокий технологический передел (совокупность первичного, вторичного, третичного переделов, объединенных созданием цепочки добавления стоимости готовой продукции) продукции с высокой добавленной стоимостью, выступает драйвером индустриального развития региона. В свою очередь, знания и технологии, преобразовываясь в полезную инновационную продукцию, создадут синергетический эффект производства на прилегающие территории [6].

**Осуществление данного варианта актуализирует реализацию следующих мероприятий:**

1. Повышение эффективности производства на основе формирования единой цепочки добавленной стоимости продукции, освоения высокотехнологичных видов деятельности с высокой добавленной стоимостью.

2. Развитие инновационного потенциала в промышленности за счет освоения инновационных технологий, продукции интеллектуальной собственности, внедрения в производственный процесс ресурсосберегающих, энергоэффективных, экологически безвредных технологий.

3. Развитие научно-технического потенциала промышленности за счет реализации научно-исследовательских, проектно-конструкторских и технологических работ, направленных на изготовление опытных образцов, новых изделий и технологий, наукоёмких производств.

4. Расширение интеграционных связей и международного сотрудничества Ташкентской области с зарубежными регионами (страны СНГ и дальнего зарубежья) в области развития машиностроения, топливно-энергетического комплекса, химической, фармацевтической, текстильной промышленности за счет реализации совместных проектов [7].

5. Поддержка развития видов деятельности на территориях с ограниченными ресурсами (сырьевыми, трудовыми, инвестиционными и пр.), за счет реализации межрегиональных проектов с территориями, обладающими необходимыми средствами производства.

6. Использование таких конкурентных преимуществ, как агломерационный эффект, человеческий капитал и институты [8] путем эффективной деятельности современных форм пространственного развития (индустриальные зоны, кластеры, технопарки, бизнес-инкубаторы), где концентрация, специализация производства и капитала будут реализовываться в перспективные проекты, преимущественно экспортного направления.

**Так, с учетом особенностей территории приоритетными направлениями диверсификации промышленности Ташкентской области являются (рисунок 2):**

1. Наращивание производственного потенциала региона на основе точек производственного роста.

2. Развитие региональной промышленности за счет эффективного использования современных форм пространственного развития: свободных экономических зон, технопарков, малых промышленных зон.

3. Повышение агломерационного эффекта в промышленном развитии Ташкентского региона.

4. Обеспечение сбалансированного развития территорий за счет стимулирования развития сельских районов.

1 Конкурентные преимущества «второй природы» являются преимуществами более высокого уровня, чем конкурентные преимущества «первой природы» и включают такие факторы, как агломерационный эффект, человеческий капитал и институты.




**Рисунок 2. Цель, задачи и приоритетные направления диверсификации промышленности Ташкентской области на перспективу**

***Источник:*** *составлено автором.*

Наращивание производственного потенциала Ташкентской области на основе точек производственного роста, предполагающее развитие и размещение производств в сочетании со сформировавшейся специализацией, будет способствовать формированию опорных территорий промышленного развития.

Для Ташкентской области создание «точек производственного роста» будет связано, в первую очередь, с организацией территориальных кластеров, в основе которых лежат перспективная специализация, высокий потенциал региона в области внедрения техники и технологии с последующим выходом продукции на мировой рынок. Область обладает потенциалом и возможностями организации и эффективной деятельности территориально-промышленных кластеров [9], включающих все этапы производственного цикла (приобретение сырья, производство комплектующих материалов, промежуточной продукции, готовой продукции вплоть до ее реализации на рынке). Так, наряду с кластерным образованием в агропромышленном секторе (хлопково-текстильные и плодоовощные кластеры), получившим развитие в 2017 г., область имеет возможности организации топливно-энергетического, металлургического, фармацевтического кластеров, продукция и услуги которых будут отличаться высокой производительностью труда, технологичностью и экспортоориентированностью на внешние рынки.

Таким образом, для Ташкентской области перспектива создания территориальных кластеров будет связана, в первую очередь, с формированием «точек производственного роста», в основе которых лежат перспективная специализация, высокий потенциал региона в области внедрения техники и технологии с последующим выходом продукции на мировой рынок. Создание территориальных кла-

стеров не только повысит конкурентоспособность продукции, но также даст синергетический эффект для расширения пространственного масштаба индустриализации при решении первостепенной задачи углубления перерабатывающего производства с высокой степенью готовности.

С учетом потенциала и преимуществ области следующим направлением диверсификации промышленности региона является эффективное развитие современных форм пространственного развития, таких как свободные экономические и малые промышленные зоны, технопарки и бизнес-инкубаторы.

Преимуществом свободных экономических зон (г.Ангрен, Бостанлыкский и Паркентский районы) являются широкое использование потенциала региона на основе свободного перемещения ресурсов и оптимальное использование экономических факторов. По своему характеру размещение таких зон определяется особенными конкурентными преимуществами территорий, на базе которых формируются благоприятная инфраструктура, центры трансфера технологий и бизнес-инкубаторы для освоения навыков предпринимательства.

В основе обеспечения эффективного развития свободных экономических зон Ташкентской области должно лежать формирование специализации свободных экономических зон. Тогда как СЭЗ «Бостанлык-фарм» и «Паркент-фарм» специализированы на производстве фармацевтических и медицинских препаратов, СЭЗ «Ангрен» необходимо специализировать на производство продукции металлургии, электронных товаров, оборудования и приборов учета, кожевенной, строительной, фарфорофаянсовой продукции, отличающихся высокой готовностью и технологичностью продукции.

Использование потенциала экономических зон в качестве механизма создания инновационных кластеров и стимулирования концентрации наукоемких производств научно-технического профиля в регионе в дальнейшем позволит решать задачи инновационного развития.

Перспектива роста промышленности региона связана с обеспечением эффективной деятельности созданных 46-ти, а также созданием 5-ти малых промышленных зон [10] (города Нурафшон и Алмалык, Букинский, Куйичирчикский, Аккурганский районы), целью которых будут активизация малого предпринимательства и местного товаропроизводителя, поддержка и оказание помощи предпринимателям, особенно на начальном этапе их деятельности, создание экономических и организационных условий для стабильного функционирования малого бизнеса на базе эффективного использования бездействующих производственных помещений и площадок.

Перспектива роста промышленности региона тесно связана с развитием интеллектуального потенциала в сфере высоких технологий, стимулированием производства высокотехнологичной продукции и услуг, а также продвиженем их на региональных и межрегиональных рынках. В этом плане организация бизнес-территории в форме технопарков [11] (города Нурафшон и Чирчик, Кибрайский и Ташкентский районы) является наиболее эффективным механизмом развития высокотехнологичных отраслей. Создание технопарков в сфере высоких технологий обеспечит территориальную концентрацию финансовых и интеллектуальных ресурсов для стабильного развития высокотехнологичных отраслей экономики.

Создание и развитие технопарков с использованием научно-технического потенциала г.Ташкента будет способствовать формированию целостного «технологического коридора» – от получения новых знаний до производства на их основе новой конкурентоспособной продукции, востребованной рынком.

Таким образом, в рамках деятельности свободных экономических, малых промышленных зон, технопарков будет осуществляться компактное размещение предприятий, вспомогательных и обслуживающих объектов, которые имеют преимущество в создании экономических и организационных условий для стабильного функционирования малого бизнеса, снижении производственных издержек и обеспечении трудовой занятости населения, быстром распространении и перенимании современных технологий и идей, решении инфраструктурных вопросов и установлении кооперационных связей.

Следующим направлением индустриального развития территории является повышение агломерационного эффекта в промышленном развитии Ташкентского региона. Ключевую роль в системе размещения производства Ташкентской области играет столичная агломерация, где сконцентрированы практически все отрасли производства, фи-

нансовые ресурсы и научно-технический потенциал. Территории Ташкентской области, являясь пригородной зоной, интегрированы со столицей. Повышение интенсивности межрегиональных связей (транспортных, трудовых) заметно расширит территорию функциональных связей со столицей, а размещение производства, ориентированного на рынок сбыта столичного региона, ещё больше усилит агломерационный эффект.

Агломерационный эффект, отмечаемый в Ташкентском регионе, протекает на основе модели «центр-периферия». Близкая периферия Ташкентской области вследствие высокого уровня урбанизации и максимального приближения к ядру – городу Ташкенту – имеет высокий уровень индустриализации, чем отдаленная. Этому способствуют низкая стоимость ресурсов, инженерного и инфраструктурного обслуживания, сокращение затрат на конкуренцию при значительном количестве относительно дешевой рабочей силы высокой квалификации.

Ярким проявлением агломерационного эффекта является концентрация экономической активности в городах Ташкентской области (Чирчик, Алмалык, Ангрен), а также прилегающих к г.Ташкенту районах (Зангиатинский, Кибрайский). Данные агломерации характеризуются высокой степенью индустриализации, концентрацией производственной и социальной инфраструктуры, научных и учебных заведений и плотностью населения.

**Благодаря географической близости Ташкентской области к столице отмечается концентрация экономической деятельности, отражающаяся в виде роста производственной эффективности. Воздействие агломерационного эффекта в Ташкентской области будет проявляться в виде растущей плотности торговых сетей за счет:**

- концентрации трудовых ресурсов, накопленного капитального оборудования и новых знаний (ноу-хау);
- эффекта от масштаба, при котором расширение масштаба производства приводит к уменьшению стоимости единицы продукции;
- уменьшения расходов на транспортировку товаров, услуг и информации внутри агломерированного пространства.

Агломерационный эффект будет поддерживаться в пригородной зоне путем приближения промышленного производства к надежным коммуникациям и качественным системам связи, а также посредством приближения и тесного взаимодействия с центральным ядром. В качестве положительной стороны влияния агломерационного эффекта высту-



пает возможность вовлечения природных ресурсов, высокая инновационность и коммуникативность предприятий, улучшение сферы услуг.

Немаловажное значение диверсификации промышленности Ташкентской области приобретает обеспечение сбалансированного развития территорий за счет стимулирования развития сельских районов. В рамках выравнивания территориальной неравномерности в уровнях развития территорий предполагается стимулирование индустриального развития менее развитых районов (Чиназский, Уртачирчикский, Ахангаранский, Пскентский, Паркентский, Бекабадский, Букинский, промышленное производство на душу населения которых в 2,5-6,0 раза ниже республиканского параметра).

Развитие индустриализации сельских районов должно осуществляться с учетом эффективного использования имеющихся сельскохозяйственных, минерально-сырьевых и трудовых ресурсов, что будет способствовать ус-коренному промышленному росту. При этом тесное сотрудничество и кооперация сельского бизнеса с крупными предприятиями региона кардинально повлияет на развитие местной перерабатывающей промышленности.

С учетом того, что основная часть населения проживает именно в сельской местности, наибольшую актуальность приобретает освоение и выпуск продовольственных товаров, направленных на обеспечение потребностей населения в продукции собственного производства, доступной по качеству и цене. Перспективные возможности для глубокой переработки имеется во всех территориях региона, и особенно актуальны в густонаселенной местности.

Стимулирование развития слаборазвитых территорий предполагается осуществлять путем создания благоприятных условий размещения производств (производственная инфраструктура), реализации межрегиональных и межтерриториальных проектов с целью активизации предпринимательской инициативы местного населения, имеющегося трудового потенциала и природно-экономических ресурсов путем установления хозяйственных связей с другими, более развитыми территориями области и Республики Узбекистан.

В качестве пилотных проектов предлагается организация производства минеральной воды, швейных изделий, строительных материалов и деревообработка, переработки плодоовощной продукции и молока. Также имеются возможности создания интенсивных садов, тутовых плантаций, ореховых и дубовых рощ как формирование сырьевой базы на перспективу.

**Таким образом, реализация вышеизложенных направлений в средне- и долгосрочной перспективе будет способствовать возникновению следующих положительных эффектов от создания данной структуры на национальном и региональном уровнях:**

- концентрация научного потенциала;
- повышение научно-технического, промышленного и экспортного потенциала региона;
- трансформация высоких технологий и научно-технических продуктов из области разработок в производство;
- увеличение внутреннего и внешнего уровня инвестиционной активности;
- создание новых дополнительных мест на рынке труда;
- ускоренное развитие компаний малого, среднего и преимущественно инновационного бизнеса;
- повышение конкурентоспособности региональной продукции на национальном рынке;
- увеличение доходов в бюджет региона;
- создание стимулирующего влияния на имидж региона в целом.

***Источники и литература***

*1. Послание Президента Узбекистана Шавката Мирзиёева Олий Мажлису. Электронный источник: https://review.uz/post/poslanie-prezidenta-uzbekistana-shavkata-mirziyoyeva-oliy-majlisu*

*2. Гранберг А.Г. «Основы региональной экономики». М.: Изд. дом ГУ ВШЭ, 2004. – 495 с.*

*3. Олимжонов О.О. Вопросы повышения конкурентоспособности сельских районов // Агроэкономика. 2017. № 1. С. 7.*

*4. Krugman P. Increasing returns and economic geography // Journal of Political Economy. – 1991. – Vol. 99. – P. 483–499*

*5. Шапиро Н.А. Характеристика конкурентных преимуществ в приграничных территориях в контексте маркетинга мест. Научный журнал НИУ ИТМО «Экономика и экологический менеджмент», №2 (21), 2015. с.-173-183.*

*6. Алексеева М.Б., Ветренко П.П. Анализ инновационной деятельности. М.: Издательство «Юрайт», 2016. — 303 с.*

*7. Обсуждены перспективы торгово-экономиче-*

*ского сотрудничества с ЕС. Электронный источник: https://mift.uz/ru/news/obsuzhdeny-perspektivy-torgovo-ekonomicheskogo-sotrudnichestva-s-es.*

*8. Манаков А. Г. «Новая экономическая география» и оценка ее применимости в России. Ж.: Вестник Псковского государственного университета. Электронный источник: https://cyberleninka.ru/article/n/novaya-ekonomicheskaya-geografiya*

*9. Портер М. Международная конкуренция. М.: Международные отношения, 1993 – 896 с.*

*10. Постановление Президента Республики Узбекистан от 21.06.2019 г. №ПП-4363 «О мерах по дальнейшему совершенствованию координации и управления деятельностью малых промышленных зон».*

*11. Пигунова Н.В. О роли промышленных кластеров и промышленных технопарков в развитии механизмов координации и кооперации в сфере промышленности. Интернет-журнал «Науко ведение». Том8, №2 (март-апрель), 2016. Электронный источник: https://cyberleninka.ru/article/n/o-roli-promyshlennyh-klasterov*

## Концептуальные основы диверсификации промышленности региона (на примере Ташкентской области)

**Элнора-хан Якубова,**
*главный научный сотрудник*
*Института прогнозирования и*
*макроэкономических исследований*

**Аннотация:** *реализация активной региональной политики, направленной на обеспечение устойчивого и сбалансированного развития территорий, требует углубления трансформационных процессов на местах. В этом плане актуальным инструментом территориального развития становится диверсификация промышленности за счет стимулирования развития перспективных отраслей, расширения нетрадиционных производств, создания эффективных форм размещения.*

**Ключевые слова:** *регион, промышленность, диверсификация, специализация, конкурентные преимущества, принципы размещения, концепция, эффективность, зона, кластер.*

## Ҳудуд саноатини диверсификация қилишнинг концептуал асослари (Тошкент вилояти мисолида)

**Элнора-хан Якубова,**
*Прогнозлаштириш ва макроиқтисодий*
*тадқиқотлар институти*
*бош илмий ходими*

**Аннотация:** *ҳудудларни барқарор ва мувозанатли ривожлантиришни таъминлашга қаратилган фаол минтақавий сиёсатни амалга ошириш жойларда трансформация жараёнларини чуқурлаштиришни талаб этади. Бу борада истиқболли тармоқларни ривожлантиришни рағбатлантириш, ноанъанавий фаолият турларини кенгайтириш, жойлаштиришнинг самарали шаклларини яратиш асосида саноатни диверсификация қилиш ҳудудий ривожланишнинг долзарб воситасига айланмоқда.*

**Калит сўзлар:** *минтақа, саноат, диверсификация, ихтисослашув, рақобат устунликлари, жойлаштириш тамойиллари, концепция, самарадорлик, зона, кластер.*

## Conceptual foundations of industrial diversification in the region (on the example of Tashkent region)

**Elnora-khan Yakubova,**
*Institute of Forecasting and Macroeconomic Research,*
*chief researcher*

**Abstract:** *the implementation of an active regional policy aimed at ensuring sustainable and balanced development of territories requires deepening the transformation processes on the ground. In this regard, the diversification of industry by stimulating the development of promising industries, the expansion of non-traditional industries, and the creation of modern forms of accommodation is becoming an urgent tool for territorial development.*

**Keywords:** *region, industry, diversification, specialization, competitive advantages, location principles, concept, efficiency, zone, cluster.*

**УЎК: 336.761**

**Шерзодбек ОТАБОЕВ,**
*PhD (иқтисодиёт фанлари бўйича),*
*Прогнозлаштириш ва мароиқтисодий тадқиқотлар*
*институти лойиҳа раҳбари,*
**E-mail:** otaboyevsh@mail.ru

# Ҳудудий ривожланиш: фойдаланилган дастаклар, натижалар, таҳлиллар ва устувор йўналишлар

Мамлакатимиз Президенти Ш.М.Мирзиёев бошлаб берган ва бевосита ўзи бошчилик қилаётган ислоҳотларнинг янги босқичи ҳудудлар иқтисодиётини комплекс ривожлантиришда замонавий усуллардан фойдаланиш, туманлар ва шаҳарлар табиий-иқтисодий салоҳиятидан самарали фойдаланиш ва аҳоли турмуш даражасини яхшилаш йўналишида янги имкониятларни очиб берди.

Жумладан, ҳудудларни, шунингдек туманлар ва шаҳарларни комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурларини ишлаб чиқиш ва тасдиқлашда янги босқич бошланди. 2016 йилгача бўлган даврда ҳудудий ривожланиш дастурлари асосан вилоятлар бўйича уларнинг алоҳида соҳалари ва тармоқларини ривожлантириш мақсадида ишлаб чиқилган бўлса, 2017 йилдан нафақат вилоятлар, балки туманлар ва шаҳарлар кесимида уларни комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга қаратилган чора-тадбирлар, дастурлар ишлаб чиқила бошланди.

Ислоҳотларнинг янги босқичидан дастурлар ишлаб чиқишда асосий эътибор мамлакатимиз Президентининг ҳудудларга ташрифларида берилган топшириқлар ва лойиҳалар ижросини таъминлаш, туманлар ва шаҳарлар табиий-иқтисодий салоҳиятидан самарали фойдаланиш орқали уларни комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, хусусий инвестицияларни жалб қилиш, маҳаллий бюджетларни мустаҳкамлаш ва якуний натижа сифатида аҳоли турмуш даражасини ошириш, камбағалликни қисқартириш каби масалаларга қаратилди.

2017-2020 йиллар давомида 130 га яқин ҳудудларни комплекс ижтимоий-иқтисодий, шунингдек алоҳида тармоқ ва соҳаларни ривожлантириш дастурлари ва чора-тадбирлари қабул қилинган бўлиб, уларда жами 77,7 минг лойиҳалар амалга оширилиши, 264,5 трлн сўм инвестициялар ўзлаштирилиши ва 642,7 минг иш ўринлари яратилиши белгиланди.

Лойиҳаларни молиялаштириш, кўпгина харажатларни ҳудудларнинг ўзи қоплашини таъминлаш мақсадида амалга оширилган маҳаллий бюджетларни мустаҳкамлашга қаратилган ишлар янги даврни бошлаб берди. 2016 йилгача ҳудудлар харажатларининг асосий қисмини республика бюджетидан қайта тақсимланган маблағлар ҳисобига келиб тушадиган трансфертлар ҳисобига қоплаган, яъни аксарият туманлар давлат бюджетидан ажратиладиган дотация ва субсидия ҳисобига кун кўрган.

2017 йилдан маҳаллий бюджетларни мустаҳкамлаш, уларнинг даромад базасини кўпайтириш бўйича янги босқич бошланди. Бунда асосий эътибор прогноз кўрсаткичларини ҳудуд салоҳиятидан келиб чиқиб белгилаш ва прогноздан орттириб бажарилган қисмни ҳудуднинг ўзида қолдиришга қаратилди.

Бундан ташқари, кўпгина солиқ турлари тушумларини вилоятлар, туманлар ва шаҳарлар бюджетларининг ўзида тўлиқ қолдириш амалиёти жорий қилинди. Масалан, жисмоний ва юридик шахслардан олинадиган мол-мулк солиғи ва ер солиғи, сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ, қурилиш материаллари бўйича ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ, айланмадан олинадиган солиқ ва бошқалар. Кўпгина солиқ турлари ва жарималарнинг бир қисми маҳаллий бюджетларнинг ўзида қолдирилмоқда. Биргина 2021 йилнинг 1-чорагида улар ихтиёрида 1,6 трлн сўм қолдирилган [1].

Маҳаллий бюджетларни мустаҳкамлаш бўйича кўрилаётган чоралар маҳаллий ҳокимликлар томонидан ҳудудни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга қаратилган чора-тадбирларни молиялашти-

риш, аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламини қўллаб-қувватлаш, маданий тадбирларни ўтказиш, ижтимоий соҳа объектларини жорий таъмирлаш, давлат-хусусий шериклик асосида лойиҳаларни амалга ошириш имкониятларини кенгайтиради.

Экологик вазият мураккаб, ривожланишда ортда қолаётган ҳудудларни ривожлантиришга қаратилган чора-тадбирлар ва дастурлар қабул қилинди. Давлатимиз раҳбари Ш.М.Мирзиёев томонидан экологик вазияти мураккаб, ривожланганлик даражаси паст (қолоқ) ҳудудларни қўллаб-қувватлаш, уларга қўшимча молиявий ресурслар ажратиш, ушбу ҳудудларда истиқомат қилаётган аҳолига турли имтиёзлар тақдим этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Масалан, иқлим ва экологик шароити мураккаб бўлган Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятини ривожлантириш, улар аҳолисининг турмуш шароитлари ва сифатини яхшилашга йўналтирилган 2017-2021 йилларда Оролбўйи минтақасини ривожлантириш давлат дастури қабул қилинди [2].

Ушбу давлат дастурида асосий эътибор ҳудуд иқтисодиётига инвестициялар жалб қилиш ва янги иш ўринлари яратиш, сув таъминоти тармоқларини янгидан қуриш ва модернизация қилиш, соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантириш ва такомиллаштириш, арзон уй-жойлар қуриш бўйича чора-тадбирларни жадаллаштириш ва зарур коммуникациялар билан таъминлаш, қурилиш ишларини комплекс олиб бориш, болалар ва спорт майдончалари қуришни назарда тутиш, аҳоли пунктларини зарур инфратузилма билан таъминлаш ва сифатини ошириш ва бошқа йўналишларга қаратилди.

Ушбу ҳудудларни ривожлантириш, давлат дастурида белгиланган вазифаларни сифатли бажариш мақсадида ҳар йили тасдиқланадиган давлат бюджети параметрларида алоҳида эътибор қаратилмоқда. Жумладан, 2021 йил учун тасдиқланган давлат бюджетидан Оролбўйи минтақасини ривожлантириш давлат дастури учун 200 млрд сўм, соғлиқни сақлаш ва аҳоли генофондини асраш учун 14 млрд сўм ажратилиши белгиланган [3].

Экологик вазият мураккаб ҳудудларни аниқлаш ва уларни қўллаб-қувватлашдан ташқари, ривожланишда ортда қолаётган туманларни ривожлантиришга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 1 майдаги “Ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришни рейтинг баҳолаш тизимини жорий этиш тўғрисида” ПҚ-4702-сон қарори билан ҳудудлар рейтинг тизими жорий қилинди. 2020 йилда ҳисобланган рейтинг баҳолаш натижаларига кўра республиканинг 33 та тумани “қониқарсиз” деб топилган. Ушбу туманларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, уларни зарур ишлаб чиқариш инфратузилмаси билан таъминлаш бўйича алоҳида дастурлар қабул қилинди.

Туманлар ва шаҳарларнинг ишлаб чиқариш салоҳиятидан самарали фойдаланиш ва ривожлантириш мақсадида махсус иқтисодий зоналар ва кичик саноат зоналарини ташкил этиш ишлари жадал суръатларда олиб борилди. 2016 йилгача 3 та махсус иқтисодий зона фаолият юритган бўлса, бугунги кунга келиб уларнинг сони 23 тага, кичик саноат зоналарининг сони 348 тага етди.

Ўзбекистон Республикасининг “Махсус иқтисодий зоналар тўғрисида”ги Қонунининг (ЎРҚ-604-сон, 17.02.2020) қабул қилиниши ушбу зоналарнинг ривожланиши ва фаолият юритишининг ҳуқуқий асоси яратилишини таъминлади.

Эркин иқтисодий зоналарда умумий қиймати 2,6 миллиард долларлик 453 та лойиҳа амалга оширилиб, 36 мингга яқин иш ўрни яратилган. Кичик саноат зоналарида эса 5 триллион сўмлик 1497 та лойиҳа ишга туширилиб, 36 мингдан зиёд кишининг бандлиги таъминланган [4].

Ҳудудлар қишлоқ хўжалиги салоҳиятидан самарали фойдаланиш, соҳага иннновацион ғояларни жорий қилиш ва қўшилган қиймат занжирини яратиш мақсадида ҳудудларда кластерлар ташкил қилиш бошланди. Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, 2016 йилгача мамлакатимизда кластерлар умуман бўлмаган бўлса, бугунги кунга келиб уларнинг сони 400 тадан ошди.

Ташкил этилаётган кластерларнинг асосий салмоғи агрокластерларга тўғри келиб, уларнинг пахта толасини ўзимизда тўлиқ қайта ишлаш, тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва уларни экспорт қилишдаги ўрни хусусида Президентимиз Ш.Мирзиёев 2018 йил 12 сентябрда ўтказган йиғилишда “Шунинг учун кластерлар фаолиятига ҳар томонлама ёрдам беришимиз зарур. Пахтачиликда қишлоқ хўжалигининг келажаги, унинг иқтисодий самарадорлиги кластерлар билан боғлиқ. Кластерлар аграр соҳани жадал ривожлантиришнинг “локомотиви” бўлиши керак”, деб алоҳида таъкидладилар.

Мамлакатимизда ташкил этилган 73 та пахта-тўқимачилик кластери ўтган йилги пахта ҳосилининг 73 фоизи уларнинг ҳиссасига тўғри келган. Ўртача ҳосилдорлик кластер бўлмаган ерларга нисбатан 4,1 центнерга юқори бўлиб, қўшимча 428 минг тонна пахта олинган [5].

Мамлакатимиз Президенти томонидан олиб борилаётган иқтисодий ислоҳотларнинг яна бир муҳим жиҳати қўшни мамлакатлар билан ўзаро ҳамкорликни ривожлантириш бўлди. Бу йўналишда қатор келишувларга эришилган бўлиб, уларнинг босқичма-босқич амалга оширилиши чегарадош ҳудудларнинг иқтисодий тараққий этишига, туризмни ривожлантиришга, ўзаро савдо ҳажмининг ошишига, аҳоли учун қўшни мамлакатларга бориб келишларига қулай шароитлар яратилишига олиб келмоқда.

Бугунги кунда қўшни мамлакатлар билан чегарадош ҳисобланган Тошкент ва Сирдарё вилоятлари – Қозоғистоннинг Туркистон вилояти ва Тожикистоннинг Сўғд вилояти билан, Хоразм вилояти – Қозоғистоннинг Манғистов вилояти билан, Бухоро вилояти – Туркманистоннинг Лебап вилояти билан, Наманган, Фарғона ва Андижон вилоятлари – Қирғизистоннинг Жалолобод, Боткен ва Ўш вилоятлари билан ўзаро ҳамкорлик йўналишида ишлар олиб бормоқда ва турли маданий тадбирлар, миллий маҳсулотлар кўргазмалари ва иқтисодий форумлар ўтказиб келинмоқда.

Амалга оширилган амалий чора-тадбирлар ва келишувлар натижасида Ўзбекистоннинг қўшни мамлакатлар билан ташқи савдо айланмасида сезиларли ўзгаришлар кузатилди.

Масалан, ташқи савдо айланмаси Қозоғистон билан 2016 йилда 1,9 млрд АҚШ долларини ташкил қилган бўлса, 2020 йилда 3,0 млрд АҚШ долларига етди (ўсиш – 1,6 марта), Қирғизистон билан – 2016 йилда 167,4 млн АҚШ долларини ташкил қилган бўлса, 2020 йилда 903,2 млн АҚШ долларига етди (ўсиш – 5,4 марта), Тожикистон билан – 2016 йилда 197,0 млн АҚШ долларини ташкил қилган бўлса, 2020 йилда 501,9 млн АҚШ долларига етди (ўсиш – 2,5 марта).

Юқоридагилардан ташқари, ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича қатор ишлар амалга оширилмоқда. Масалан, Президентимиз Ш.М.Мирзиёевнинг ҳудудларга ташрифлари, “Обод маҳалла” ва “Обод қишлоқ” дастурлари, ҳудудларда амалга оширилаётган инвестиция лойиҳаларининг Тошкент шаҳрида мамлакат Президенти иштирокида кўргазмаси ва бошқа шулар каби ўнлаб йўналишларда ишлар олиб борилмоқда.

Амалга оширилган ишлар натижалари ҳудудлар иқтисодиёти ривожланишида, иқтисодиётидаги таркибий ўзгаришларда, аҳоли турмуш шароитларида, шаҳарлар ва қишлоқлар қиёфаларининг ўзгаришида ўз аксини топмоқда.

Масалан, 2020 йилда мамлакат ялпи ички маҳсулоти ҳажми 580,2 трлн сўмга етди. 2017-2020 йилларда унинг ўсиши 118,7 фоизни ташкил қилиб, Андижон (130,9%) ва Тошкент шаҳрида (130,9%) юқори ўсиш кузатилди. 2020 йилда каронавирус пандемияси сабабли киритилган карантин чекловлари айрим ҳудудлар иқтисодиётига салбий таъсир кўрсатди ва 2017-2020 йиллардаги ўсиш суръатлари паст бўлишига олиб келди. Масалан, Сирдарё (103,4%), Самарқанд (108,5%), Қашқадарё (107,8) вилоятларида бошқа ҳудудларга нисбатан паст ўсиш суръатлари кузатилди (1-расм).




**1-расм. Ҳудудлар ялпи ҳудудий маҳсулот (ЯҲМ) ҳажми ва ўсиши**

Ҳудудларда тармоқлар ва соҳаларни ривожлантиришга қаратилган чора-тадбирлар ва лойиҳаларнинг амалга оширилиши уларнинг юқори суръатларда ўсишини таъминлади. Масалан, республика бўйича 2017-2020 йилларда саноат ишлаб чиқаришининг ўсиши 1,3 мартадан ортиқни ташкил қилган бўлса, Андижон (2,4 марта), Наманган (1,6 марта), Хоразм (1,6 марта) вилоятларида бошқа ҳудудларга нисбатан юқори ўсиш таъминланди (2-расм).




**2-расм. 2017-2020 йилларда ҳудудларда саноат, қишлоқ хўжалиги, хизматлар соҳасининг ўсиши, 2016й.=100%**

Қишлоқ хўжалиги соҳасида Қорақалпоғистон Республикаси (116,8%), Сурхондарё (114,1%) ва Фарғона (114,7%) вилоятларида республика кўрсаткичига (108,0%) нисбатан юқори ўсиш кузатилди.

Ҳудудлар иқтисодиётида таркибий ўзгаришларни амалга ошириш ҳамда ҳудудлар табиий-иқтисодий салоҳиятидан самарали фойдаланишга қаратилган ишлар натижасида ЯҲМнинг таркибида саноатнинг улуши ортишига эришилди.

Масалан, республика ялпи ички маҳсулот таркибида саноатнинг улуши (қурилишни қўшган ҳолда) 35,5 %га етган етган бўлса (2016 йил – 26,6%), мазкур кўрсаткич Қорақалпоғистон Республикасида 36,4 % (2016 йил – 27,9%), Андижон – 29,2 % (2016 йил –16,1%), Наманган – 21,9 % (2016 йил – 16,1%), Тошкент вилоятида 53,4%ни (2016 йил – 35,0%) ташкил этди ва юқори суръатларда ошди.

**Хулоса.** Умуман олганда, ислоҳотларнинг янги босқичида амалга оширилаётган ҳудудий иқтисодий сиёсат туманлар ва шаҳарларни уларда аниқланган "ўсиш драйверлари" асосида барқарор ривожлантириш, табиий-иқтисодий ва тадбиркорлик салоҳиятидан самарали фойдаланиш, ҳудудларнинг дунёдаги рақобат устунликларидан фойдаланиш, аҳолининг даромад манбаларини кўпайтириш имкониятларини яратмоқда. Қисқа ва ўрта муддатли истиқболда давлатнинг ҳудудий иқтисодий сиёсати қуйидаги йўналишларни қамраб олиши мақсадга мувофиқ.

**Биринчидан,** ҳудудларнинг ички имкониятлари ва салоҳиятидан, табиий-иқтисодий ресурсларидан фойдаланишга инновацияларни жалб қилиш, ҳудуд иқтисодиётини ривожлантириш йўналишларини ишлаб чиқишда инновацион ривожланиш ва "яшил иқтисодиёт"га ўтишни назарда тутиш лозим. Бу ўз навбатида табиий ресурсларда интенсив йўл билан фойдаланиш ва қўшилган қиймат занжирини яратиш имконини беради, инвестиция лойиҳаларини ишлаб чиқишда иқтисодий самарадорликни оширади ва экологик хавфни камайтиради.

**Иккинчидан,** аҳолини тадбиркорлик салоҳиятини кенгайтириш, ҳар бир туман, шаҳар, маҳалла эхтиёжидан ва анъаналаридан келиб чиқиб, уларни касбга ва тадбиркорлик кўникмаларига ўқитишни ташкил этиш мақсадга мувофиқ. Бугунги кунда етарли даражада фойдаланилмаётган аҳоли бандлигини таъминлаш ва даромадларини оширишнинг осон йўлларидан бири ҳисобланган ўзини ўзи банд қилиш тизимии кенг жорий қилиш ва шу фаолият турларини кўпайтириш лозим.

**Учинчидан,** табиий омиллар ҳисобига ривожланганлик даражаси паст, географик жиҳатдан ноқулай жойлашган, экологик ва иқлим шароити оғир бўлган ҳудудларга алоҳида имтиёзлар (солиқ имтиёзлари, солиқларнинг аксариятини маҳаллий бюджетларда қолдириш ва б.) бериш тизимини ишлаб чиқиш лозим. Бу ҳудудлар ўртасидаги фарқларнинг камайишига, хусусий инвестициялар оқимини кўпайтиришга олиб келади.

**Тўртинчидан,** халқаро йўллар ва темир йўл линиялари ўтган ҳамда қулай чегара ҳудудларида жойлашган туманларда қуруқлик портларини ташкил этиш имкониятларини ўрганиш лозим. Масалан, Олот (Туркманистон билан чегарадош), Бекобод (Тожикистон билан чегарадош), Зангиота (Қозоғистон билан чегарадош), Термиз (Афғонистон билан чегарадош) ва Хўжаобод (Қирғизистон билан чегарадош) туманларининг мавжуд транзит салоҳиятидан етарли даражада фойдаланилмаяпти.

Қуруқлик портларини ташкил этиш орқали транспорт харажатларининг пасайиши ва оқибатда экспорт маҳсулотларининг рақобатбардошлигининг ошиши, корхоналарга таклим этилаётган логистика ва тегишли хизматлар ҳажмининг ўсиши ва улардан кенгроқ фойдаланиш, қуруқлик портларига хизмат кўрсатиш ҳажмини ошириш зарурати туфайли янги иш ўринларини яратиш имкониятлари кенгаяди ва тадбиркорларга комплекс хизмат кўрсатиш тизими яратилади.

**Бешинчидан,** бугунги кунда ҳудудлар иқтисодиётини бошқаришни қуйидаги йўналишларда такомиллаштириш зарурати янада ортиб бормоқда:

ҳудудларни комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш концепциясини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш, бунда ҳудудий иқтисодий сиёсатнинг асосий йўналишларини белгилаш, ривожлантириладиган ва бошқариладиган ҳудудларни аниқлаштириш;

бошқарувнинг барча бўғинида (республика, вилоят, туман/шаҳар ҳокимликлари, ҳудудий ташкилотлар ва б.) вазифалар тақсимотини йўлга қўйиш, аҳоли ва тадбиркорлик субъектлари билан бевосита ишлайдиган туманлар/шаҳарлар ҳокимликлари ваколатларини кенгайтириш;

республика ташкилотлари балансида турган самарасиз фойдаланилаётган ёки фойдаланилмасдан келинаётган бўш бино ва объектларни маҳаллий ҳокимликлар балансига ўтказиш орқали муниципиал мулкни шакллантириш;

туманлар ва шаҳарлардаги ташкилотларни малакали кадрлар билан таъминлаш мақсадида "Ҳудудий иқтисодиёт" йўналишида олий таълим муассасаларида қисқа муддатли (2-3 йил) ўқитиш тизимини йўлга қўйиш, иқтисодиёт соҳасида илмий

фаолият олиб бораётган тадқиқот муассасаларида шу йўналишдаги кадрлар тайёрлашни ташкил этиш ва уларга умумэътироф этиладиган тегишли сертификатлар (дипломлар) бериш;

ҳокимликлар фаолияти натижадорлигини баҳолашнинг янги механизмини яратиш (KPI) ва баҳолаш натижалари бўйича ҳокимлик ҳодимларини рағбатлантириш тизимини йўлга қўйиш;

ҳудудий статистика тизимини такомиллаштириш, яъни статистика органларини вилоят, шаҳар ва туманлар бўйича барча статистик маълумотларни тақдим этишга масъул қилиш ва бу орқали маҳаллий ҳокимликлар ва ҳудудий ташкилотлар ходимларининг жорий ишлардан ажралишига, ҳудуд ижтимоий-иқтисодий ривожланишини чуқур таҳлил қилиш ва камчиликларни аниқлашга ҳамда ҳудудни келажакда ривожлантириш стратегияси устида ишлашига замин яратиш.

***Манба ва адабиётлар***


*1. Президент Ш.М.Мирзиёев раислигида ҳудудларда тадбиркорликни ривожлантириш ва аҳоли бандлигини таъминлаш борасидаги устувор вазифалар юзасидан ўтказилган видеоселектор йиғилиши. 8 апрель 2021 й. https://president.uz/uz/lists/view/4278*

*2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 18 январдаги “2017-2021 йилларда Оролбўйи минтақасини ривожлантириш давлат дастури тўғрисида”ги ПҚ-2731-сон Қарори. https://lex.uz/docs/3099705*

*3. Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 25 декабрдаги “2021 йил учун Ўзбекистон Республикасининг давлат бюджети тўғрисида”ги ЎРҚ-657-сон Қонуни. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 26.12.2020 й., 03/20/657/1669-сон. https://lex.uz/docs/5186044*

*4. Президент Ш.М.Мирзиёев бошчилигида эркин иқтисодий зоналар ва кичик саноат зоналарида амалга оширилаётган инвестиция лойиҳалари муҳокамаси юзасидан ўтказилган йиғилиш материаллари. 27 апрель 2021 й. https://president.uz/uz/lists/view/4308*

*5. Президент Ш.М.Мирзиёев раислигида қишлоқ хўжалигида кластерлар фаолиятини янада ривожлантириш масалалари бўйича ўтказилган йиғилиш материаллари. 4 февраль 2020 й. https://president.uz/uz/3342*

*6. Олимжонов, О. О. Перспективы углубления межрегионального сотрудничества Узбекистана со странами Центральной Азии / О. О. Олимжонов, Э. х. Т. Якубова // Экономика: анализы и прогнозы. – 2020. – № 5-6(8-9). – С. 88-93.*


**Ҳудудий ривожланиш: фойдаланилган дастаклар, натижалар, таҳлиллар ва устувор йўналишлар**


**Шерзодбек Отабоев,**
*PhD (иқтисодиёт фанлари бўйича),*
*Прогнозлаштириш ва мароиқтисодий тадқиқотлар институти лойиҳа раҳбари*



**Аннотация:** *мақолада Ўзбекистонда ҳудудий иқтисодий сиёсатни амалга оширишда қўлланилган дастаклар тизимлаштирилган ва таҳлил қилинган, эришилган натижалар баён қилинган. 2017-2020 йилларда ҳудудлар иқтисодиётида юз берган ўзгаришлар, ўсиш кўрсаткичлари таҳлил қилинган ва тизимлаштирилган, ўрта муддатли истиқболда ҳудудларни ривожлантириш устувор йўналишлари ишлаб чиқилган.*



**Калит сўзлар:** *ҳудуд, дастур, маҳаллий бюджет, иқтисодий зоналар, кластерлар, ялпи ҳудудий маҳсулот, саноат, қишлоқ хўжалиги.*


**Региональное развитие: использованные инструменты, результаты, анализы и приоритетные направления**


**Шерзодбек Отабоев,**
*PhD (по экономическим наукам),*
*руководитель проекта Института прогнозирования и макроэкономических исследований*



**Аннотация:** *в статье систематизируются и анализируются инструменты, использованные при реализации региональной экономической политики в Узбекистане, описываются достигнутые результаты. Анализируются и систематизируются изменения в региональной экономике и показатели роста в 2017-2020 годах, разработаны приоритетные направления развития регионов на среднесрочную перспективу.*



**Ключевые слова:** *регион, программа, местный бюджет, экономические зоны, кластеры, валовой региональный продукт, промышленность, сельское хозяйство.*


**Regional development: used tools, results, analysis and priority directions**


**Sherzodbek Otaboev,**
*PhD (in Economics),*
*Institute for forecasting and macroeconomic research, Project manager*



**Abstract:** *the article systematizes and analyzes the tools used in the implementation of regional economic policy in Uzbekistan, describes the results achieved. Changes in the regional economy and growth indicators in 2017-2020 are analyzed and systematized, priority directions for the development of regions for the medium term are developed.*



**Keywords:** *region, program, local budget, economic zones, clusters, gross regional product, industry, agriculture.*

Хизмат кўрсатиш, логистика ва инфратузилма / Сервис, логистика и инфраструктура /
Service, logistics and infrastructure

УЎК: 65.330.004.4

**Binoy Joy KATTADIYIL,**
*PhD (in Economics),*
*Research Scholar Westminster International University, Tashkent*
**Email:** bnc@binoynisha.in,
**Dr. Bakhtiyor ISLAMOV,**
*Professor, DSc (in Economics), Professor of International Economics*
*Plekhanov Russian University of Economics Tashkent Branch,*
**Email:** bakhtiyor.is@gmail.com

# Insolvency and bankruptcy code, a need of the hour

## 1. INTRODUCTION

Investment is one of the major contributors to the growth of an Economy. Banks play a pivotal role in the development of the economy by providing loans to the business enterprises for their investment in various projects. Non-Performing Assets (NPAs) are a big threat to the investment and they place financial burden on the lenders. Eventually banks are not in a position to provide credit or they provide credit at an escalated rate by increasing interest rates and this contracts money circulation in the economy. The confidence of borrowers lowers down and hence poses impediment in investment. Ultimately this results in slowdown of national economy.

The NPAs of Banks grew swiftly from the year 2008 and their resolution is comparatively at a decelerated pace through various forums. Therefore, it became very significant to prevent and resolve NPAs [1]. Regulatory and Remedial measures were taken to resolve the problem of NPAs. Regulatory measures involve resolution of NPAs through Law like, Insolvency and Bankruptcy Code, 2016(IBC). The Reserve Bank of India prescribes and regulates the remedial measure for the internal restructuring of the stressed assets.

Therefore, the much awaited landmark legislation Insolvency and Bankruptcy Code, 2016 (Act No. 31 of 2016) received the Presidential Assent on 28th May 2016 with the creditor in saddle approach, to provide a unified framework for the resolution of insolvency and bankruptcy matters in a time bound manner, for promoting entrepreneurship and availability of credit, for improving the ease of doing business and facilitating more investments which will lead to higher economic growth. Banking Law Reforms Committee (BLRC) found the UNCITRAL Legislative Guide on Insolvency to be an effective benchmark of principles on which the foundation of a new design of Insolvency and Bankruptcy Resolution in India should be based (UNCITRAL, 2005) [2]. Accordingly, IBC is founded on these principles. It has been enacted when the Indian economy was in the midst of soaring NPAs, falling GDP, bad credit perspective in the country, when the domestic banking industry was struggling to cope with a welter of bad loans and last but not the least the Mallya Saga. The banking crisis of rising NPAs has helped in hastening the processes that led to the IBC. The IBC is expected to recover the value either through resolution or re-engineering/restructuring or through liquidation and distribute it to the creditors within a finite timeline. At the outset the Internal Advisory Committee of RBI recognized 12 business accounts which comprised 25% of NPAs of the Indian banks which needed immediate resolution under IBC. This law has reconceptualised the Insolvency Resolution framework in the country and is considered as the second biggest economic reform next to GST. Since its implementation, the Government has

made various amendments to the law, many provisions of IBC have been challenged and these challenges have made the law stronger.

Though the Indian economy allowed free entry and free competition but it did not allow free exit and so, there existed several zombie entities in the economic system. The IBC envisages a market mechanism to allow free exit of firms, rescue firms and closure of firms in financial distress. If all the creditors and investors are paid their claim on demand then the company will soon bleed to death, therefore the predominant motive of this Code is to look out for the reasonable prospects for the revival, rehabilitation or re-structuring/re-engineering of the business of the Corporate Debtor (the defaulting company) and if it is not viable then to put the business in liquidation.

IBC has made the international economic front of India more powerful and has supplemented Mergers and Acquisitions deals, boosted Foreign Direct Investment (FDI), improved India's ranking in the World Bank's Ease of Doing Business Index, reduced the ratio of NPAs, etc. As per the report of World Bank, 2015 Insolvency Resolution process in India took 4.3 years on an average, while comparatively it took 1 year in the United Kingdom, 1.5 years in the United States of America, 2 years in South Africa, 2.7 years in Pakistan and 4 years in Brazil [3]. India's overall ranking in 2016 was 130th out of 190 economies in the World Bank's Index on the ease of doing business (EoDB) and 136th on the ease of resolving Insolvencies [4]. In 2019, India jumped to 77th position in the World Bank's EoDB from 100th position in 2018 and India saw the biggest jump to 52nd rank in the ease of resolving insolvencies from 108th position in 2018 [5]. As per World Bank's EoDB Report 2020, India stands at 63rd position and 52nd position in Ease of resolving insolvency. This historical leap is credited to the IBC as the time, cost, outcome and recovery rate for the Corporate Insolvency and the legal framework of the Insolvency has strengthened. This legislation is seen as a significant catalyst for improving debtor behaviour.

The researcher has examined and compared the economic situation of India prior to the codification of IBC and post IBC to analyse the impact of IBC on the Economic development of India in the subsequent paragraphs.

**STATE OF NPAS IN INDIAN ECONOMY PRIOR TO THE ENACTMENT OF IBC** – The concept of NPAs was first introduced by the Narsimham Committee (1991) on "Financial Sector Reforms" [6]. The Financial Stability Report of June, 2016 (released by RBI) confirms the fact that not all is well in the health of Indian banks. Following Chart 1, shows that the behaviour of NPAs of banks in India.

**Chart 1 : Trends in GNPAs of the Banking Sector in India**




***Source:*** *Handbook of stati stics on Indian Economy, RBI various ISSIUES.*

The chart shows improvements from the year 2002 to about 2009. The NPA situation started deteriorating thereafter, to the extent that by March 2016 it seemed that all the growth made till then had evaporated. PSBs had accounted for 78 per cent of the NPAs [7]. Creditors had weak rights and hence the recovery rate (hardly 20% of the value of the debt) was very low. The Indian credit market was malfunctioning at that time and IBC was seen as a revolutionary step to transform credit market in India.

Before the codification of IBC, insolvency cases were dealt with by High Courts, District Courts,

Company Law Board, Debt Recovery Tribunals (DRTs) and Board for Industrial and Financial Reconstruction (BIFR) which gave rise to complexity, undue delay in the process and over lapping of decisions. There was a lack of clarity over jurisdictions. The following Table 1 shows the NPAs of the Scheduled Commercial Banks (SCBs) recovered through different forums (Lok Adalats, DRTs, SARFAESI Act) [8].

**Table 1**

**Lok Adalats, DRTs, SARFAESI Act**

| Year | Sl. No | Recovery Channel | (Amount in 'Crore) | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | Lok Adalats | DRTs | SARFAESI Act | Total |
| 2012-13 | 1 | No. of cases referred | 840691 | 13408 | 190537 | 1044636 |
| | 2 | Amount involved | 6600 | 31000 | 68100 | 105700 |
| | 3 | Amount recovered* | 400 | 4400 | 18500 | 23300 |
| | 4 | 3 as per cent of 2 | 6 | 14 | 27 | 22 |
| 2013-14 | 1 | No. of cases referred | 1636957 | 28258 | 194,707# | 1859922 |
| | 2 | Amount involved | 23200 | 55300 | 95300 | 173800 |
| | 3 | Amount recovered* | 1400 | 5300 | 25300 | 32000 |
| | 4 | 3 as per cent of 2 | 6 | 10 | 27 | 18 |
| 2014-15 | 1 | No. of cases referred | 2958313 | 22004 | 175355 | 3155672 |
| | 2 | Amount involved | 31000 | 60400 | 156800 | 248200 |
| | 3 | Amount recovered* | 1000 | 4200 | 25600 | 30800 |
| | 4 | 3 as per cent of 2 | 3 | 7 | 16 | 12 |
| 2015-16 | 1 | No. of cases referred | 4456634 | 24537 | 173582 | 4654753 |
| | 2 | Amount involved | 72000 | 69300 | 80100 | 221400 |
| | 3 | Amount recovered* | 3200 | 6400 | 13200 | 22800 |
| | 4 | 3 as per cent of 2 | 4 | 9 | 17 | 10 |
| 2016-17 | 1 | No. of cases referred | 2152895 | 28902 | 80076 | 2261873 |
| | 2 | Amount involved | 105787 | 67089 | 113100 | 285976 |
| | 3 | Amount recovered* | 3803 | 16393 | 7758 | 27954 |
| | 4 | 3 as per cent of 2 | 4 | 24 | 7 | 10 |

*Notes: 1. *: Refers to amount recovered during the given year, which could be with reference to cases referred during the given year as well as during the earlier years.*
*2. # : Number of Notices issued*
*3. DRTs- Debt Recovery Tribunals.*

Though the amount of NPAs recovery by Lok Adalats was in upward trend but the percentage of recovery trend was fluctuating, the recovery rate of NPAs by the DRTs was increasing and the table clearly shows that the SARFAESI Act recovers the highest amount of NPAs. Therefore, it was unambiguously clear that there was a need of a reform in legislation for the financial progress of India.

**STATE OF NPAS IN INDIAN ECONOMY AFTER THE ENACTMENT OF IBC** – A report of 2017-2018 released by the RBI on the trends and progress of banking in India had helped the researcher to interpret the position of recovery mechanisms in the Indian economy prior to the enactment of IBC and post its enactment (Chart 2).




**Chart 2 : Recovery by banks through various mechanisms**

This report shows that the recovery made through the route of IBC has given better realisation to the lenders in comparison to the erstwhile channels of recovery. The graph shows that the recovery percentage under the earlier regimes in 2017-18 was 12.4% approx. whilst it was 41.3% approx under the IBC which continuously increased to 46.1% in the first half of 2018-2019.

**Table 2**

**NPAs of SCBs recovered through various channels**

Amount in ₹crore

| Recovery Channel | 2017-18 | | | | 2018-19(P) | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | No. of cases referred | Amount involved | Amount recovered* | Col. (4) as per cent of Col. (3) | No. of cases referred | Amount involved | Amount recovered* | Col. (8) as percent of Col. (7) |
| 1 | 2 | 3 | 4 | 5 | 6 | 7 | 8 | 9 |
| Lok Adalats | 33,17,897 | 45,728 | 1,811 | 4.0 | 40,80,947 | 53,506 | 2,816 | 5.3 |
| DRTs | 29,345 | 1,33,095 | 7,235 | 5.4 | 52,175 | 30,66,499 | 10,574 | 3.5 |
| SARFAESI Act | 91,330 | 81,897 | 26,380 | 32.2 | 2,48,312 | 2,89,073 | 41,876 | 14.5 |
| IBC | 704@ | 9,929 | 4,926 | 49.6 | 1,135@ | 1,66,600 | 70,819 | 42.5 |
| **Total** | **34,39,276** | **2,70,631** | **40,352** | **14.9** | **43,82,569** | **8,15,678** | **1,26,085** | **15.5** |

***Source:*** *Report on Trend and Progress of Banking in India 2018-19 (which sourced from Off-site returns, IBBI and RBI).*

***Notes:*** *Figures relating to IBC for 2017-18 and 2018-19 are calculated by adding quarterly numbers from IBBI newsletters.*

Table 2, shows the comparative figures of recovery of NPAs through different channels, after the implementation of IBC. It can be distinctly concluded that IBC alone in 2018-19 accounted for 42.5 per cent of recovery of NPAs and on the other hand merely 1.6 per cent recovery was made through other channels. The continuous improvement of the Indian economy in the domestic credit alongwith the stronger insolvency

legislation has attracted investors from abroad because they now seek India as a legible place for investment owing to the reasons as, smaller timeframe for resolution reduces risk of losing investment and flexible exit policy, even when company becomes insolvent the IBC gears towards maximum realisation of value of assets, etc. India received FDI worth USD 42 Billion in 2018 [9]. In 2019, India was the ninth largest recipient of FDI and attracted USD 49 Billion of FDI in 2019 [10].

According to CRISIL, GNPAs was 11.5% in March 2018 which declined to 9.3% in March 2019 and it was also estimated that GNPAs would go down to 8% by March 2020 [11]. There is still scope for improving the resolution framework of stressed assets in the economy. Eventually, keeping in view the above charts and explanations, it can be concluded that all aspects of IBC have to be examined which would rehabilitate corporate debtor or provide time bound resolution, or recover stressed assets or liquidate the debtor.

The IBC for the first time in India has brought a regulated profession of Insolvency Professionals to act as Resolution Professional (RP) in corporate resolution, liquidator in case of liquidation and bankruptcy trustee in case of individual bankruptcy. In corporate resolution RP performs various tasks under the control of Committee of Creditors (CoC), he takes over the management of the company, he has to ensure that the business goes uninterrupted and his major task is to bring the creditors on table and have a feasible resolution plan which is accepted to by everyone. Therefore, the RP is required to possess the appropriate skills, knowledge and expertise to ensure that the entire proceedings are conducted in an effective and efficient manner. The UNCITRAL Legislative Guide on Insolvency Law recognises the role of insolvency representative [12]. BLRC also emphasized and recommended to enable an industry of licensed and regulated professionals, termed as RPs to handle the entire insolvency process [13]. The role of RP ends on the approval of the resolution plan by the Adjudicating Authority and so work of actual restructuring of the company does not comes under his purview. His role should extend till the end of restructuring process.

In this research work the researcher aims to explore and examine the impact of the IBC framework on the Indian Economy by analysing and comparing the pre IBC and post IBC data through parameters such as, NPAs, FDIs and M&A deals in India, to find out that has the IBC really been instrumental by becoming a powerful legislation in the economic development of India and make recommendations for expanding the role of Insolvency Resolution Professional as Turnaround Professionals for a comprehensive and speedy restructuring process. This research study is the need of the hour.

## 2. LITERATURE REVIEW

**The Report of the Bankruptcy Law Reforms Committee [14]**

This Committee gathered knowledge on the economics and legal framework from many policy papers, conferences, workshops that were conducted during the period of the Committee's working. The discussions captured knowledge of the complexities and intricacies of the Insolvency and Bankruptcy processes in India today and also engaged with Economists, Lawyers and the financial market participants. This knowledge provided a base to think about how the insolvency process should be designed properly.

**Bankruptcy Code (2015, sixteenth Lok Sabha) [15]**

The report stressed on the simplified procedure so that there is quick disposal of cases of the claims of Banks and Financial Institutions before the Debt Recovery Tribunal (DRT). This report lays emphasis on the need for reforming the Insolvency, Bankruptcy and Liquidation laws so that the recovery of Loans is done quickly. It states that as on September 2015, 6.2% of the total loans of the public sector banks have been categorized as bad loans or NPAs, another 7.9% is restructured loans and owing to certain shortcomings in the existing laws, burden of Non Performing Assets (NPAs) continue to increase.

**The Insolvency and Bankruptcy Code, 2016: Problems and Challenges by Shivam Goel [16]** This Article throws light on some of the problems faced by and challenges before the Insolvency and Bankruptcy Code, 2016. This gives a lot of scope to analyse the Act deeply. A careful study and investigation is needed to look into each and every facet of the Act. It talked about the key aspects of the Code, 2016. It also talked about the predicaments of the Code, 2016.

**Ballooning Non-Performing Assets in Indian Banking and Insolvency and Bankruptcy Code: Resolution plans and cases by Deepak Tandon, Neelam Tandon [17]** This research work studies the phenomenal deterioration of asset quality, raising potential losses for not making enough provisions for to combat the NPAs in the Indian Banking sector. The researcher observes that over the period of time, NPAs

and bad loans have been adding in a spiralling manner in Indian Banks. Despite the treatment of stressed assets and prompt corrective actions as per asset quality report by regulators, the results are appearing at a very slow pace. They are of the opinion that strength and sustainability of the credit growth is the need for robust banking in the times to come.

**A study of Insolvency and Bankruptcy Code and its impact on Macro Environment of India by Srijan Anant and Aayushi Mishra [18]** The researcher opines that IBC is one of the major reforms brought about in the legal system in India and IBC is not only giving strength to the Legal system in India but is also providing a new identification and recognition to India at the global level. The author has also tried to analyse the impact of Insolvency and Bankruptcy code on macro environment of India.

**68th Report by Standing Committee on Finance, 2017-18 by Ministry of Finance [19]** This report is on Banking Sector in India-Issues, Challenges and The Way Forward Including Non-Performing Assets/ Stressed Assets in Banks/Financial Institutions.

**Non Performing Assets of Indian Banking System and its impact on Economy by Prof D. S. Rathore, Dr. Sangeeta Malpani, Sunita Sharma [20]** The researchers have studied the status of NPAs of SCBs and the impact of NPAs on the Indian Economy. They have also made the suggestions to avoid NPAs and to manage existing NPAs in Banks.

**Non Performing Assets (NPAs)- How to convert into performing assets and support the economic growth by Dr. Binoy Joy Kattadiyil and Dr. Mrutyunjay Sisugoswami [21]** This is a recent research article and the researchers have studied the phenomenal deterioration of stressed asset quality and the raising potential losses for not making enough provisions to combat NPAs in the Indian Banking Sector. The article raises concern over the raising NPAs and opined that the strength and sustainability of the credit growth is the solution for making robust banking system in India.

**In three years of IBC more hits than misses by CRISIL [22]** This press release by CRISIL, says that recovery through IBC was Rs 70,000 Crores approx in fiscal 2019 which is twice the recovery done through other channels in 2018. The IBC has instilled a significantly better sense of credit discipline amongst creditors and investors.

Besides the above mentioned papers, books, and journals the researcher has extensively studied the annual, half yearly, etc reports and publications of RBI (Reserve Bank of India), IBBI (Insolvency and Bankruptcy Board of India), MCA (Ministry of Corporate Affairs) and PIB (Press Information Bureau). The data is also collected from these organisations.

**3. STATEMENT OF THE PROBLEM**

As mentioned earlier, the ratio of NPAs in the Indian Economy has grown at a fast rate from the year 2008. According to a report of RBI, the GNPAs ratio of the SCBs has declined from 11.2 per cent in March 2018 to 9.1 per cent in March 2019 and RBI report also said that, "The GNPAs of all commercial banks declined in FY19 after rising for seven consecutive years, as recognition of bad loans neared completion" [23]. The reasons attributed to this are reduction in provisioning requirements, recapitalisation helped PSBs to shore up their capital ratios and the IBC gained traction thereby enhancing resolutions. A part of the bad debts were written off due to the aging of loans and the recoveries received a boost from IBC. The report also pointed out that the credit growth remained muted, so, the state of investment has not changed much. To bring cash flows back into the banks, speedier resolution of insolvency cases has to be dealt with for resolution of stressed assets.

Any new law has to be continuously monitored and evaluated to check that the actual outcomes match the expected outcomes. And if the actual outcomes do not match our expectations then the amendments and reforms are continuously made in the legislation. After the introduction of IBC, some teething problems were found on its implementation and hence, the amendments in it have been made to fulfil its objectives. IBC in India had laid a strong foundation upon which the edifice of powerful Economy has to be built. For achieving this goal, constant amendments and reforms have to be made timely, in conformity with the changing economic environment and for keeping itself healthy, robust and updated.

Therefore a thorough research study is required to explore IBC as an important tool in the growth of the Indian Economy and the purpose of this study is to assess the effectiveness and monitor performance of IBC in the development of Indian Economy.

**4. OBJECTIVES OF THE STUDY**

• To collate the state of Indian economy this existed prior to the enactment of IBC with the state existing post its implementation (through the parameters as FDI, EoDB and NPA).

• To examine the role of the IBC in the Economic Development of India (in the reduction of NPAs, increase of FDI, Investment and M&A deals and improvement in EoDB ranking).

• To compare re-engineering /re-structuring strategies in IBC with Liquidation.

• To make recommendations for expanding the role of Insolvency Resolution Professional as Turnaround Professionals.

**5. RESEARCH GAP**

Many researchers have done research in the field of banking industry as it has always been a priority for the country but there are quite a few studies in the field Non Performing Assets in the banking industry in India. The Insolvency and Bankruptcy Code, 2016 is comparatively a new and has never seen India before 2016. Hence, not a lot of research is done in the area of its impact on the Indian Economy. After careful study of literature few gaps are found. The IBC has had a cascading effect on many variables but this study considers only two or more variables. Little effect is seen in the 3 years of the implementation of IBC and after few years full impact of IBC will be seen in the economy. This research work will add new knowledge to the banking literature and IBC which will help the readers to comprehend IBC and NPAs in a better way.

**6. NEED OF THE STUDY**

A study comparing the state of Indian Economy before the implementation of the Insolvency and Bankruptcy Code, 2016 and after its implementation is of immense help to us to understand the changes which the Indian economy has witnessed in the last 2-3 years. This study is needed to analyse the impact of the IBC on the Indian economy and on the banking sector (through the study of NPAs) and check if the IBC has been resourceful in the growth of Indian economy. It is pertinent to study and check that how it provides a specialized resolution mechanism to deal with insolvency and bankruptcy cases, NPAs, GDP, FDI, M&A deals and growth of Credit market in India. IBC is seen as a tool which can help in improving the Economic front of India on a global stage by improving EoDB ranking and thereby leading to increase in FDI. Insolvency codes globally have taken time to stabilize. With the proper implementation it can have a positive impact on the economy.

This research study will help the researchers and the Government of India in making IBC more powerful for the growth of the Indian Economy. This study will also help the Under-Developed and Developing Economies in laying a strong base on which robust edifice of Insolvency Law can be made.

**7. SCOPE OF THE STUDY**

This research study empirically examines the relationship between insolvency framework and economic development in India from 2016-2019. The important aspects of the growth of economic markets are the well-built credit market, proportion of non-performing assets and increase in the number of foreign investors. A study of the various elements of financial markets is to be done for getting the clarity of the subject. It is important to direct the flow of non-performing assets into investment and if possible even in influencing its size. Ultimately, this bears fundamental relationship between the country's re-engineering & re-structuring aspects and economic growth. The study uses secondary data and critically evaluates the empirical data on the impact of IBC on the economic growth of India.

**8. PERIOD OF STUDY**

The period considered for the study is from the financial year 2016-17 since the introduction of IBC to the financial year 2019-20. The respective data and information, as may be required and available, at the beginning or prior of financial year 2016-17 also, is used in the study.

**9. LIMITATIONS OF THE STUDY**

This study is limited to the number of books, articles, reports of various organisations (RBI, IBBI, MCA, etc) referred. Most of the data is available annually. If we get data quarterly then the results of the study can be further finely validated. National and Global Economic Development measures such as FDI Growth rate and EODB rankings are based on several factors but here we have tried to establish correlation only with the outcomes based on the implementation of IBC. For establishing the correlation of IBC and Economic development there is no data available with the Government. There are many external factors that influence the economic market, however only insolvency criteria is examined and studied in detail here. The other factors such as the non-banking segment, unlisted companies, the legal framework and the economic conditions that might have prevailed are not fully considered.

**10. HYPOTHESES**

• The IBC has not been instrumental in the Indian Economic growth by not showing any decline in NPAs

in Indian Economy and not improving EoDB ranking.

• The IBC has been instrumental in the Indian Economic growth by decreasing the level of NPAs in Indian Economy and improving EoDB ranking.

• Restructuring plans under IBC have a positive impact on the development of Indian Economy, rather than Liquidation.

## 11. DATA AND METHODOLOGY

• The present study is Empirical and an Economic Policy Research.

• Research Design – Exploratory Design is chosen for this study. Since, the study has to explore the impact of IBC on Indian Economy, therefore, it is exploratory in nature.

• Collection of Data – Secondary sources of data collection is used. Data is collected from various sources, such as, books, publications and reports of Reserve Bank of India (RBI), , Insolvency and Bankruptcy Board of India (IBBI), Ministry of Corporate Affairs (MCA), Press Information Bureau (PIB), Securities and Exchange Board of India (SEBI), Asian Development Bank (ADB), Planning Commission, Ministry of Finance, World Bank Reports, United Nations Organisation (UNO) Reports and other official publications, Journals, Working Papers, Internet sources and Research papers.

• Period of the Data collected – The period of data used in the study is from FY 2016-17 to the FY 2019-20. The data available prior to or at the beginning of FY 2016-17 is also used to further research.

## 12. CONCLUSION

One of the most sought after hallmark features of the IBC mechanism is the time period for the insolvency resolution process. Albeit the fact that sometimes the process under the Code exceeds the timeline nonetheless it is still more effective than the long court driven problematic process. This implies that the corporate re-engineering/restructuring processes under the IBC are carried out faster than when they are carried out elsewhere. These strategies have revived the ailing/sick businesses by aiding them in effectively expanding their market share, product diversification, reducing risks, deploying surplus cash from one profitable business in another, enhancing shareholders value, becoming globally competitive, making cost-effective, etc. The entities go in liquidation only on the failure of corporate insolvency resolution process (CIRP). Under the Companies Act, 2013 the transferor company had to identify the transferee company or vice versa whereas once the CIRP is initiated under the Code any qualified resolution applicant can submit the plan (of M&A, demerger, buy-back of shares, disinvestment, etc) and this peculiar feature of the IBC gives wider options for the corporate re-engineering/restructuring mechanisms to the outside world.

***References***

*1. Shashidhar M.Lokare, "Re-emerging Stress in the Asset Quality of Indian Banks: Macro-Financial Linkages" RBI Working Paper Series No. 03 (Feb 07, 2014) available at https://www.rbi.org.in/Scripts/PublicationsView. aspx?Id=15720 (last visited on Sep 03,2020).*

*2. UNCITRAL Insolvency Guide on Insolvency Law (2005), tech. rep., available at http://www.uncitral.org/pdf/english/texts/insolven/05-80722_Ebook.pdf ( last visited on Sep 03, 2020)*

*3. Source : "Doing Business 2016 – Measuring Regulatory Quality and Efficiency", 13th Edition of A World Bank group Flagship Report, Page nos. 208, 225, 234 and 243*

*4. Supra Note 3 at Page no. 208*

*5. Source : "Doing Business 2019 – Training for Reform", 16th Edition of A World Bank group Flagship Report, Page nos. 127,131, 140, 141 and 177*

*6. https://rbidocs.rbi.org.in/rdocs/PublicationReport/Pdfs/7930.pdf (accessed on 04th Sep, 2020)*

*7. Bhavani Prasad, G. and Veena, V.D., "NPAs in Indian Banking Sector: trends and issues" (2011) available at file:///C:/Users/welcome/AppData/Local/Temp/5-G.-V.-Bhavani-Prasad-NPAs-in-Indian-Banking-Sector-Trends-and-issues-1.pdf (last visited on Sep 04, 2020)*

*8. Source: Dr. V. Dheenadhayalan, "A study on the performance of recovery channels in managing Non-Performing Assets in Scheduled Commercial Banks in India" Journal of IJREAM Vol-4,Issue 10, Jan 2019 available at http://ijream.org/papers/IJREAMV04I1046095.pdf (accessed on Sep 04, 2020)*

*9. UNCTAD, "World Investment Report 2018 : Investments and New Industrial Policies" (2018) available at https://unctad.org/en/PublicationsLibrary/wir2018_en.pdf (accessed on Sep 04, 2020)*

*10. UNCTAD, "World Investment Report 2019 : Special Economic Zones" available at https://unctad.org/en /Publications Library/wir2019_en.pdf (accessed on Sep 04, 2020)*

*11. Source: CRISIL, "Bank NPAs to shrink 350 bps to ~8% by March 2020" (June 25, 2019) retrieved from https://www.crisil.com/en/home/newsroom/press-releases/2019/06/bank-npas-to-shrink-350-bps-to-~8per-by-march-2020.html (last visited on Sep 04, 2020)*

*12. Supra Note 2*

*13. Burman, Anirudh and Shubho Roy "Building an Institution of Insolvency Practitioners in India", Working Paper FRG IGIDR (2015).*

*14. Bankruptcy Law Reforms Committee submitted its report on November 4, 2015, under the Chairmanship of Dr. T.K. Vishwanathan available at https://ibbi.gov.in/ BLRCReportVol1_04112015.pdf*

*15. Lok Sabha, "Report of the Joint Committee on the Insolvency and Bankruptcy Code, 2015" available at https:// ibbi.gov.in/uploads/resources/16_Joint_Committee_on_ Insolvency_and_Bankruptcy_Code_2015_1.pdf*

*16. Shivan Goel, "The Insolvency and Bankruptcy Code, 2016 : Problems and challenges" 3 Imperial Journal of Interdisciplinary Research, (2017)*

*17. Deepak Tandon, Neelam Tandon, "Ballooning Non Performing Assets in Indian Banking and Insolvency and Bankruptcy Code: Resolution Plans and cases" 6 IJPAE (2019)*

*18. Srijan Anant, Aayushi Mishra, "A study of Insolvency and Bankruptcy Code and its impact on Macro Environment of India" 7 IJEDR 28 (July 2019) retrieved from https:// www.ijedr.org/viewfull.php?&p_id=IJEDR1903007*

*19. Ministry of Finance, "Banking Sector in India-Issues, Challenges and the way forward including Non-Performing Assets/Stressed Assets in Banks/Financial Institutions" (2018) available at http://164.100.47.193/lsscommittee/ Finance/16_Finance_68.pdf*

*20. Prof D. S. Rathore, Dr. Sangeeta Malpani, Sunita Sharma, "Non Performing Assets of Indian Banking System and its impact on Economy" 7 IOSR 21(2016) available at http://www.iosrjournals.org/iosr-jef/papers/Vol7-Issue6/ Version-3/D0706032126.pdf*

*21. Dr.Binoy Joy Kattadiyil and Dr. Mrutyunjay Sisugoswami, "Non Performing Assets (NPAs)- How to convert into performing assets and support the economic growth" 11 IJM 78-90 (2020) available at http://www.iaeme. com/IJM/issues.asp?JType=IJM&VType=11&IType=9*

*22. CRISIL, "In three years of IBC, more hits than misses" (May 14, 2019)*

*23. RBI, "Trends and Progress of banking in India 2018-19" (2019) retrieved from https://www.rbi.org.in/ scripts/AnnualPublications.aspx?head=Trend%20and%20 Progress%20of%20Banking%20in%20India*

**Insolvency and bankruptcy code, a need of the hour**

**Binoy Joy Kattadiyil,**
*PhD (in Economics),*
*Research Scholar Westminster International University, Tashkent*
**Dr. Bakhtiyor ISLAMOV,**
*DSc (in Economics), Professor of International Economics*
*Plekhanov Russian University of Economics*
*Tashkent Branch*

**Abstract:** *the Insolvency and Bankruptcy Code, 2016 (IBC) is considered as the major structural legal reform in India. This research empirically studies IBC as an important tool in the growth of the Indian Economy and analyses the impact of re-engineering/ restructuring under IBC on the Indian Economy. The study analyses the role of Insolvency Professionals in the Insolvency process and makes recommendations thereafter for expanding their role as Turnaround Professionals. This empirical research study is exploratory in nature.*

**Keywords:** *IBC, Indian Economy, NPA, EoDB, Re-engineering/restructuring, Liquidation, IPs.*

**Ishlab chiqarish va bankruptiya kodi, vaqtga bo'lgan ehtiyoj**

**Binoy Joy Kattadiyil,**
*PhD (iqtisodiyot fanlari bo'yicha),*
*Toshkent Xalqaro Westminster Universiteti mustaqil tadqiqodchisi*
**Bakhtiyor Islamov,**
*DSc (iqtisodiyot fanlari bo'yicha),*
*Plexanov nomidagi Iqtisodiyot Universiteti*
*Toshkent filiali Professori*

**Annotatsiya:** *bankrotlik va bankrotlik to'g'risidagi kodeks, 2016 (IBC) Hindistondagi asosiy tarkibiy huquqiy islohot sifatida ko'rib chiqilgan. Ushbu tadqiqot IBCni Hindiston iqtisodiyotining o'sishi uchun muhim vosita sifatida o'rganadi va IBC doirasida qayta qurishning hind iqtisodiyotiga ta'sirini tahlil qiladi. Tadqiqot to'lovga layoqatsizlik bo'yicha mutaxassislarning to'lovga layoqatsizlik jarayonidagi rolini tahlil qiladi va keyinchalik ularning aylanma mutaxassislar rolini kengaytirish bo'yicha tavsiyalar beradi.*

**Kalit so'zlar:** *IBC, hindiston iqtisodiyoti, NPA, EoDB, qayta qurish, tugatish, IP-lar.*

**Кодекс неплатежеспособности и банкротства, необходимость времени**

**Биной Жой Каттадийил,**
*PhD (по экономическим наукам),*
*Докторант Международный Вестминстерский Университет в Ташкент*
**Бахтиёр Исломов,**
*DSc (по экономическим наукам)*
*Профессор Экономический Университета имени Плеханова Ташкентский филиал*

**Аннотация:** *кодекс о несостоятельности и банкротстве 2016 года (IBC) считается основной структурной правовой реформой в Индии. Это исследование эмпирически изучает IBC как важный инструмент роста индийской экономики и анализирует влияние реинжиниринга/реструктуризации в рамках IBC на индийскую экономику. В исследовании анализируется роль специалистов по вопросам несостоятельности в процессе несостоятельности, и впоследствии приводятся рекомендации по расширению их роли в качестве специалистов по вопросам оборота. Это эмпирическое исследование носит исследовательский характер.*

**Ключевые слова:** *IBC, индийская экономика, NPA, EoDB, реинжиниринг / реструктуризация, ликвидация, IP.*

**УЎК: 336.27.717.3**

**Нилуфар ШАРИПОВА,**
*Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси таянч докторанти,*
**e-mail:** shani_80@mail.ru

# Ўзбекистонда молиявий хизматларнинг оммабоплиги ва сифатини ошириш

Молиявий хизматлар оммабоплигини ошириш XX аср охирига келиб қатор ривожланган мамлакатларнинг иқтисодий ривожлантириш йўналишларидан бири сифатида тилга олина бошланди. 1997 йилда Буюк Британияда Молиявий интеграция Комиссияси ташкил қилинган бўлса, 2005 йилдан бошлаб, Ҳиндистон молиявий интеграцияни ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг асосий йўналиши сифатида белгилади. 2010 йилда Сеулда Катта йигирматалик давлатлари иштирок этган саммитда Молиявий интеграция глобал ҳамкорлиги (GPFI) ташкил қилиниб, у давлатларнинг молиявий хизматлар оммабоплиги бўйича қилаётган саъй-ҳаракатларини бирлаштирувчи платформа бўлиб ҳисобланади.

**Республикада молиявий хизматлар оммабоплигини таъминлаш мақсадида, Ўзбекистон 2018 йил 17 август куни “Молиявий оммабоплик альянси” халқаро ташкилотига аъзо бўлди. Альянснинг асосий мақсади аъзо мамлакатларга молиявий оммабоплик миллий стратегиясини ишлаб чиқиш ва жорий этиш, тажриба алмашиш учун платформа яратиш, ўқитиш ва долзарб масалалар юзасидан ишчи гуруҳлар тузиш орқали кўмаклашишдир. Ушбу гуруҳлар қуйидаги йўналишларда ишлайди:**

• истеъмолчиларнинг хуқуқлари ва имкониятларини кенгайтириш;
• молиявий оммабоплик даражасини аниқлаш;
• халқаро стандартларни бир маромда қўллаш;
• молиявий оммабоплик стратегияси;
• рақамли молиявий хизматлар;
• кичик ва ўрта бизнесни молиялаштириш масалалари [1].

Молиявий оммабоплик альянси ва Жахон банки Марказий банкка Молиявий оммабоплик миллий стратегиясини ишлаб чиқишда кўмаклашади. Ушбу борада охирги йилларда олиб борилаётган кўплаб ишларга қарамай, аҳолининг катта қисми ҳозиргача молиявий хизматлардан етарлича фойдалана олмаяпти. Бу эса лозим бўлганислоҳотларни амалга оширишимизни талаб қилади.

Мамлакатимизда ҳозирги пайтда нобанк ташкилотларнинг ўрни сезиларсиз қолмоқда. Ўзбекистон Марказий Осиёдаги энг аҳолиси зич мамлакат бўлса-да, 2017 йил ўтказилган саволномаларда фақат 37 фоиз аҳоли банк ҳисобварақларидан фойдаланишини маълум қилган. Жаҳон банкининг маълумотларига кўра, ушбу кўрсаткич ўртача даромадли мамлакат кўрсаткичларининг ўртача даражасидан паст (58 фоиз). Global Findex томонидан 2014 йилда ўтказилган тадқиқот натижаларида аҳолининг 40,7 фоизи банк ҳисобрақамларига эга эканлигини маълум қилганлигини ҳисобга олсак, ушбу кўрсаткичларда ўсиш бўлмагани аён бўлади. Шуни айтиш лозимки, FINDEX 2011 йилда мамлакатда тадқиқот ўтказганида, 22,7 фоиз аҳоли банк ҳисобрақамларига эга эканлигини маълум қилган ва 2011 йилдаги кўрсаткичларга нисбатан ўсиш борлигини кўришимиз мумкин [2].

Аҳолининг катта қисми қўлларида мавжуд пул маблағларини норасмий равишда сақлайдилар ёки қарз керак бўлганда яқинларидан қарз олиш орқали муаммони ҳал қиладилар. Яъни бўш пул маблағларини расмий равишда банкда депозит ҳисобрақамларини очиш орқали сақлашдан кўра, уйда сақлашни маъқул кўрадилар. Кредит маблағлари олиш учун аҳолининг маълум қисмида банкка тақдим қилиш учун иш ҳақидан маълумотнома йўқлиги сабабли (норасмий равишда ишловчилар ёки уйда буюртма олиб ишловчилар), шунингдек, таъминот-

нинг мавжуд эмаслиги сабабли банкка мурожаат қилгандан кўра, норасмий манбалардан қарз олишни маъқул кўрадилар. Ўтказилган сўровномаларга кўра, аҳолининг маълум қисми банкларнинг кредит учун фоиз ставкаларини юқори деб ҳисоблагани сабабли банкдан кредит олишни маъқул кўрмаслигини, яна маълум бир қисми расмиятчилиги жуда кўплиги сабабли кредитга мурожаат қилмаслигини маълум қилишган. 1-диаграмма маълумотлари Ўзбекистонда ва бошқа давлатларда расмий депозитлар ва кредитлар даражасини акс эттирган. Маълумотлар шуни кўрсатмоқдаки, мамлакатимизда расмий молия институтлари хизматларидан етарли даражада фойдаланилмаяпти. Бундан ташқари, рақамли молиявий хизматлардан фойдаланиш улуши ҳам етарли эмас. Айнан рақамли молиявий технологиялардан фойдаланиш улушини ошириш ҳам ушбу муаммо ечимларидан бири бўла олади.




**1-диаграмма. Расмий молия муассасаларидаги жамғармалар ва кредитлар, 2017 йил.**
***Манба:*** *Global Findex, 2017й.*

Халқаро Молия Корпорацияси (IFC) нинг 2020 йилда мамлакатимизда ўтказган тадқиқоти натижаларига кўра, саволномада иштирок этганларнинг 21,96 фоизи бўш пул маблағларини уйда сақлашларини маълум қилган бўлсалар, фақат 2,79 фоизи банкда сақлашини маълум қилишган (2-диаграмма).




**2-диаграмма. Аҳолининг пул жамғариш усуллари, 2020 йил.**
***Манба:*** *IFC: Исследование уровня финансовой компетентности, 2020 г.*

Маълумотлар аҳолининг банк муассасалари хизматларидан етарлича фойдаланмасликларини кўрсатади.

Шуни таъкидлаб ўтиш лозимки, 2021 йил 1 январ ҳолатига Ўзбекистон Республикасида 32 та тижорат банклари фаолият юритиб келмоқда ҳамда банклардаги жами депозитлар 114 747 млрд сўмни, шундан жисмоний шахсларнинг банклардаги депозитлари эса 27 404 млрд сўмни ташкил қилади [3]. Бу эса, жами банк депозитларининг 23,8 фоизи жисмоний шахслар томонидан қўйилганлигини кўрсатади. Халқаро ташкилот ўтказган сўровномаларда қатнашган жисмоний шахсларнинг фақат 2,79 фоизи бўш маблағини банкда сақлашини маълум қилганини ҳисобга олсак, депозитларнинг катта қисми кам сонли жисмоний шахслар томонидан қўйилган бўлиши мумкин. Бу эса, аҳолининг катта қисми банк хизматларидан тўлақонли фойдаланмаслигини англатади.

Шунга мувофиқ равишда, банкларнинг кредит хизматлари ҳам аҳолининг кенг қатламига кириб борган дея олмаймиз. Юқорида айтиб ўтилган сўровнома маълумотларига асосан, сўровномада иштирок этганларнинг 16,3 фоизи яқинларидан, 8 фоизи атрофидаги иштирокчилар чакана қарз бериш билан шуғулланувчилардан, 5,9 фоизи банкдан кредит олишини маълум қилган(3-диаграмма).




**3-диаграмма. Расмий ва норасмий кредит ресурсларидан фойдаланиш манбалари, 2020 йил.**
***Манба:*** *IFC: Исследование уровня финансовой компетентности, 2020 г.*

Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг расмий маълумотларига асосан, 2021 йил 1 январ ҳолатига барча тижорат банклари томонидан берилган кредитлар ҳажми 276 975 млрд сўмни, шундан, жисмоний шахсларга берилган кредитлар 54 888 млрд сўмни ташкил қилган [4]. Бу эса, 19,8 фоиз кредитлар жисмоний шахсларга ажратилганини кўрсатади.

Халқаро Молия Корпорацияси ўтказган сўровномаларда қатнашганларнинг 36 фоизи банк ҳисобрақамларининг мавжудлиги, 32 фоизи тўлов карталарининг мавжудлиги, 23 фоизи мобил тўловлар учун аккаунтининг мавжудлигини таъкидлаган (4-диаграмма).




**4-диаграмма. Жорий ҳисобрақамнинг (банк картаси, мобил тўлов иловалари хизматлари) мавжудлиги.**
***Манба:*** *IFC: Исследование уровня финансовой компетентности, 2020 г.*
*https://cbu.uz/oz/statistics/paysistem/442694/*

Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг расмий маълумотларига кўра, 2021 йил 1 феврал ҳолатига жами муомаладаги пластик карталар сони 24 830 708 тани, ўрнатилган тўлов терминаллари сони 438 669 тани, ўрнатилган банкомат ва инфокиосклар сони 12 308 тани ташкил қилади [5]. Бу соҳада сўнгги йилларда олиб борилаётган ишлар салмоғи юқори бўлса-да, банк тизимининг ўзи аҳолининг катта қатламини қамраб олиши қийин. Айнан шу сабабдан ҳам, дунёнинг бошқа мамлакатлари ҳам молиявий хизматлар оммабоплигини оширишда нобанк ташкилотлар хизматини кенгайтириш масалаларига катта эътибор қаратмоқдалар. Чунки тижорат банклари тўловлар соҳасида, асосан, ялпи тўловларни ўтказишга мослашган. Бу масалада банк тўлов агентлари, субагентлари, тўлов ташкилотларининг фаолиятини кенгайтириш аҳолининг барча қисмини молиявий хизматлар билан қамраб олишга кенг йўл очади.

2019 йил 1 ноябрда қабул қилинган "Тўловлар ва тўлов тизимлари тўғрисида"ги Қонун тўлов хизматлари бозорида нафақат банкларнинг, балки нобанк ташкилотларнинг ҳам кенг иштирок этишига қонуний асос бўлди. Рақамли технологияларнинг кенг кириб келиши банк бўлмаган тўлов тизимлари операторларининг пайдо бўлишига олиб келди. Бу эса, аҳолининг барча қатламларига тегишли молиявий хизматларнинг яхшироқ етиб боришига сабаб бўлади. Қонунчиликка кўра, юридик шахс Марказий банкдан тегишли лицензия олган ҳолда электрон пуллар тизимининг оператори бўлиши мумкин. Шунингдек, жисмоний шахсларнинг электрон пулларни сотиб олиши ва сотиши билан боғлиқ операцияларни амалга оширувчи электрон пул тизимининг агенти сифатида фаолият юритиши мумкин. Тўлов агентлари ва тўлов субагентларининг мавжуд бўлиши тўлов тизимлари хизматларини узоқ ва чекка ҳудудларга етиб боришига ёрдам беради. Бундай ҳудудларда филиал ёки мини-банкларнинг очилиши тижорат банкига фойда бермаслиги мумкин, аммо тўлов агентлари ва субагентлари хизматлари билан чекка ҳудудлардаги аҳолини молиявий хизматлар билан қамраб олишимиз мумкин. Электрон пул тизими агентларининг фаолияти эса, масофадан фойдаланиш имконияти, камхаржлиги билан ушбу хизматлар бозорида қамровини ошириб боради.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида 2021 йил 1 феврал ҳолатига 21 та тўлов ташкилоти мавжуд бўлиб, 5 та электрон пуллар тизимлари мавжуд [6]. Тўлов тизими операторлари эса 2 тани ташкил қилади.

Шунингдек, 2020 — 2025 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасининг банк тизимини ислоҳ қилиш стратегиясида нобанк кредит ташкилотлари активларининг кредит ташкилотлари активлари умумий ҳажмидаги улуши 2020 йилдаги 0,35 фоиздан 2025 йилда 4 фоизга оширилиши лозимлиги белгиланган. Ушбу вазифани амалга ошириш ҳозирда амалда мавжуд микрокредит ташкилотлари, ломбардларнинг активлари ҳамда хизматлари қамровини оширишни, улар томонидан тақдим қилинаётган хизматларнинг аҳолининг банк тизими қамраб олмаган қисмига чуқур кириб боришини тақозо қилади. Ушбу нобанк ташкилотлар аҳолининг кредит ва депозит муносабатларида молиявий хизматлар оммабоплигига хизмат қилса, тўлов агентлари, субагентлари, электрон пул оператори ва тизим агентларининг ушбу хизматлар бозорига кенг кириб келиши тўлов хизматларида аҳолига молиявий хизматларни очиб беради.

Молиявий хизматлар оммабоплиги тўғрисида фикр юритар эканмиз, банк-агент ҳақида кенгроқ тўхталиш жоиз деб ҳисоблаймиз. Банк-агент бу банк томонидан жисмоний шахсларга хизмат кўрсатиш учун ишонилган шахс бўлиб, қуйидаги йўллар орқали хизматларни амалга оширади:

- узоқ ҳудудларда ўрнатилган киоскалар орқали;
- банк операцияларини амалга ошириш учун кўчма қурилмалар (терминал) билан узоқ аҳоли ҳудудларига келадиган ходим орқали;
- супермаркет/чакана савдогарлар/махсус микромолия ташкилотлари ва бошқалар орқали.

**Банк-агент қуйидаги кўринишларда фаолиятини юритиши мумкин:**

1. Агент терминалдан, тўлов картасидан фойдаланиши мумкин;
2. Мобил телефон орқали – агент мижозларни авторизация қилиш ва банк хизматини олиш учун смартфондан фойдаланади;
3. Мижозлар фойдаланиши мумкин бўлган мобил ҳамёнлар орқали – агентлар телеком орқали бошқарилади ва мижозларнинг мобил телефонларида уларга мобил ҳамённи бошқаришларига имкон беради. Бу мижозларга мобил телефон орқали пул ўтказиш, тўлаш, ҳисобни тўлдириш кабиларга имкон беради;
4. Агент фойдаланиши мумкин бўлган мобил ҳамёнлар орқали – бу ҳолатда ҳам агентлар телеком орқали бошқарилади, аммо бунда агент банк ҳисобрақамига уланган бўлади ва ҳар бир ўтказма учун банк телекомга комиссия тўлайди [7].

Хориж тажрибаси бўйича банк-агентлар чекка ҳудудлардаги аҳолининг қўлидаги бўш турган пул маблағларини банк депозитларига жалб қилади, тўловларни амалга оширишда ёрдам беради, ҳатто валюта айирбошлаш хизматларига воситачи сифатида хизмат кўрсатади.

Хулоса ўрнида шуни айтишимиз мумкинки, мамлакатимизда банк агентлари ва субагентлари фаоли-

яти амалда, асосан, тўловларни амалга оширишда кўринади. Бизнингча, банк агентлари ва субагентлари фаолиятини аниқ тартибга соладиган Қоидалар ишлаб чиқилиши ва мамлакатимизда бундай агент-банкинг фаолиятининг ривожлантирилиши молиявий хизматларнинг оммабоплигини ва сифатини оширишда қилинаётган ишларга асос бўлиб хизмат қилади. Бундан ташқари, ушбу фаолиятнинг ривожлантирилиши ўзини-ўзи банд қилувчи банк агентлари сони кўпайиши натижасида кўплаб иш ўринларининг яратилишига олиб келади.

***Манба ва адабиётлар***

*1. https://cbu.uz/oz/about/international-cooperation/74859/?sphrase_id=28609*

*2. "Повышение финансовой компетентности и финансовой доступности в Узбекистане", Оценка со стороны спроса Узбекистан, июнь 2020 г, International Finance Corporation 2020, 29-бет.*

*3. https://cbu.uz/oz/statistics/bankstats/436604/*

*4. Ўша манба*

*5. https://cbu.uz/oz/statistics/paysistem/442694/*

*6. https://cbu.uz/oz/payment-systems/documents-license-applicati/payment-organizations/*

*7. https://teknospire.com/agent-banking-creating-social-entrepreneurs-contributing-financial-inclusion/*

*8. "Тўловлар ва тўлов тизимлари тўғрисида"ги 578-сонли ЎзР Қонуни - 1 ноябр 2019 йил.*

*9. 2020 –2025 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасининг банк тизимини ислоҳ қилиш стратегияси.*

*10. https://cbu.uz.*

*11. Повышение финансовой компетентности и финансовой доступности в Узбекистане", Оценка со стороны спроса Узбекистан, июнь 2020 г, International Finance Corporation 2020, 29-бет.*

*12. IFC: Исследование уровня финансовой компетентности, 2020 г.*

*13.https://teknospire.com/agent-banking-creating-social-entrepreneurs-contributing-financial-inclusion/*

## Ўзбекистонда молиявий хизматларнинг оммабоплиги ва сифатини ошириш

**Нилуфар Шарипова,**
*Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси таянч докторанти*

**Аннотация:** *дунё мамлакатларида рақамли технологияларнинг ривожланиши ҳамда молиявий хизматлар интеграциясининг кучайиши кўплаб давлатлар иқтисодиётида аҳоли орасида молиявий хизматларнинг оммабоплиги ва сифатини ошириш вазифасининг устувор йўналишларидан бирига айланишига сабаб бўлди. Мақолада мамлакатимизда молиявий хизматлардан аҳолининг фойдаланиш даражаси таҳлил қилиниб, бу борадаги қилиниши лозим бўлган масалалалар бўйича хулосалар шакллантирилган.*

**Калит сўзлар:** *молиявий хизматлар, молиявий интеграция, тўловлар, депозитлар, кредит маҳсулотлари, тўлов терминаллари, мобил ҳамёнлар, банк, нобанк ташкилотлар, агент-банкинг.*

## Повышение доступности и качества финансовых услуг в Узбекистане

**Нилуфар Шарипова,**
*базовый докторант*
*Академии государственного управления при Президенте Республики Узбекистан*

**Аннотация:** *развитие цифровых технологий в странах мира, а также возникновение интеграции финансовых услуг обусловили то, что задача повышения доступности и качества финансовых услуг среди населения в экономике многих стран стала одним из приоритетных направлений. В статье анализируется уровень использования населением финансовых услуг в нашей стране и формируются выводы по вопросам, которые необходимо выполнять в этом направлении.*

**Ключевые слова:** *финансовые услуги, финансовая интеграция, платежи, депозиты, кредитные продукты, платежные терминалы, мобильные кошельки, банки, небанковские организации, агент-банкинг.*

## Improving The Accessibility And Quality Of Financial Services In Uzbekistan

**Nilufar Sharipova,**
*Academy of Public Administration,*
*PhD doctoral student*

**Abstract:** *the development of digital technologies in the world, as well as the emergence of integration of financial services resulted in the fact that the task of improving the availability and quality of financial services among the population in the economy of many countries was one of the priorities. The article analyzes the level of using financial services by the population in our country and draws conclusions on the issues that need to be implemented in this direction.*

**Key words:** *financial services, financial integration, payments, deposits, credit products, payment terminals, mobile wallets, banks, non-bank organizations, agent banking.*

**УЎК: 332.338.46**

**Ботир АБДУЛЛАЕВ,**
*Прогнозлаштириш ва макроиқтисодий тадқиқотлар институти гуруҳ раҳбари,*
**e-mail:** abs1965@mail.ru

# Хизмат кўрсатиш соҳаларига бўлган талабни аниқлаш ва баҳолаш

(Тошкент шаҳри маҳаллалари мисолида)

Хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш Ўзбекистон иқтисодиётининг устувор йўналишларидан бири ҳисобланади. Давлат томонидан қўллаб-қувватлаш сиёсатини амалга ошириш, мамлакатимизда хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантиришни рағбатлантириш ҳисобига ижобий натижаларга эришилди. Иқтисодиётнинг ушбу соҳаси иқтисодий ўсиш, аҳоли бандлиги ва даромадларини таъминлаш, ички истеъмол бозоридаги талаб ва таклифни мувозанатлаш ва ҳаёт сифатини яхшилашнинг муҳим омилларидан биридир. Бугунги кунда ҳудудларда аҳоли бандлигини таъминлаш, даромадлари ва фаровонлигини оширишнинг омили сифатида хизмат кўрсатиш соҳасини жадал ривожлантиришдан иборат [1].

Президент топшириғига биноан шаклланаётган “Маҳаллабай” ишлаш тизимини йўлга қўйиш мобайнида хозирги кунда жойларда ўрганиш ишлари олиб борилмоқда [2].

Шу билан бирга, ҳудудларда, жумладан маҳаллаларда хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш ва уларни жойлаштириш учун мавжуд салоҳият ва имкониятлардан тўла фойдаланилмаяпти.

Юқоридагиларни инобатга олган ҳолда, хизмат кўрсатиш соҳасининг барқарор ривожланишини таъминлашда маҳалланинг ўзига хос ўрни бўлиб, аҳолининг энг зарур кундалик хизматларга бўлган талабини қондиришда ўз ҳиссасини қўшиши мумкин.

**Тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари.** Тадқиқотнинг асосий мақсади маҳаллаларда хизмат турларини ривожлантириш имкониятларини аниқлашдан иборат. Белгиланган мақсаддан келиб чиққан ҳолда қуйидаги вазифаларнинг амалга оширилиши назарда тутилган:

- тадқиқотни амалга ошириш методологиясини аниқлаш;
- маҳалла аҳолиси томонидан хизматлардан фойдаланиш ҳолатини баҳолаш;
- аҳолининг хизматлар турларига бўлган талабини аниқлаш;
- хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш имкониятлари салоҳиятини баҳолаш;
- хизмат кўрсатиш соҳасида уларни жойлаштириш ва такомиллаштириш механизмларини аниқлаш.

**Тадқиқотнинг методологияси.** Турли ҳудудий даражаларда талабни шакллантириш омилларини аниқлаш, хизмат кўрсатиш соҳасининг муаммолари, имкониятлари ҳамда ҳудудлардаги хизматлар бозорининг ҳолатини чуқур ўрганиш учун муҳим бўлган услубий ёндашув, яъни асосий истеъмолчилар бўлган аҳоли ўртасида махсус социологик сўровнома ўтказишдир. Тадқиқотда социологик сўров услубидан фойдаланилган. Сўровномада қатнашувчи респондентларни танлаб олиш ҳамда танланмани шакллантириш халқаро амалиётни ҳисобга олган ҳолда амалга оширилди.

Мазкур социологик сўров 2021 йил февраль ойида Тошкент шаҳрининг 6 туманидаги 30 та маҳаллаларининг маҳалла фуқаролар йиғинлари вакиллари иштирокида ўтказилди.

Респондентларнинг сўров натижаларига кўра маҳаллаларда қуйидаги хизмат кўрсатиш фаолият турлари асосан кўпроқ ташкил этилганлигини билдирдилар: новвойхона – 90,0%, озиқ-овқат дўконлари – 80%, сартарошхоналар – 76,2%, сомсахона ва бошқа овқатланиш пунктлари – 61%, тиббиёт хизматлари, дорихоналар – 66,7%, автомобилларни тузатиш, мой алмаштириш ва бошқа хизматлар –

42%, маиший техникани тузатиш – 44%, кичик сабзавот ва мевалар дўконлари – 62% (1-расм).




**1-расм. Маҳаллада фаолият кўрсатаётган хизмат турлари, %**

***Манба:*** *сўровнома натижалари асосида муаллиф ишланмаси.*

Сўров ўтказилган маҳаллаларнинг кўпчилигида хизмат кўрсатиш объектлари жойлашган маҳалла гузарлари мавжуд. Иштирокчилардан маҳалла ҳудудида жойлашган хизмат кўрсатиш объектларидан фойдала-ниш даврийлиги сўралганда – қуйидаги жавоблар олинди: ҳар куни – 93%, ҳафтада бир - икки марта – 4,0%, ойда бир-икки марта – 3,0% (1-диаграмма).




**1-диаграмма. Хизмат кўрсатиш объектларидан фойдаланиш даврийлиги, %**

***Манба:*** *сўровнома натижалари асосида муаллиф ишланмаси.*

Ушбу маҳаллалардаги хизмат турларига аҳоли эҳтиёжини аниқлаш мақсадида респондентларга берилган саволга қуйидаги жавоблар олинди: болаларни жисмоний соғломлаштириш бўйича тўгараклар зарурлиги – 56,6%, спорт-соғломлаштириш хизматлари (спорт, тренажер заллари) - 50,0%; болалар учун ўқув тўгараклари – 45,0%; кимёвий тозалаш ва бўяш хизматлари – 31,0%, оилавий ва бошқа тадбирларга хизмат кўрсатиш учун ижара пунктлари – 17,0%, коммунал хизматларини кўрсатиш пунктлари (пайвандлаш, электрик, сантехника ишлари) – 30,0%, пойабзалларни таъмирлаш устахонаси – 25,0%; таълим хизматлари – 25,0%, маиший техника таъмирлаш, кўчма устахона – 23,0%, ателье хизматлари – 18,0%, автомобил таъмирлаш хизматлари – 14,0%; бирламчи тиббий ёрдам кўрсатиш шахобчаси (ҳамширалар хизмати) – 12,5%; қурилиш хизмати ва заргарлик маҳсулотларини таъмирлаш хизматлари – 7,0% зарурлигини билдиришган.

Ижтимоий сўровнинг мантиқий давоми сифатида: "Хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш учун маҳаллангизнинг имкониятларини рўёбга чиқаришга нима халақит беради?" деган саволга респондентларнинг жавоблари қуйидагича бўлди: бўш турган иморатлар йўқлиги – 26,7%, маблағ етарли эмаслиги – 23,3% ва зарур бинолар кадастр томонидан расмийлаштирилмаганлиги ҳамда ҳомийлар йўқлиги – 3,3%.

Маҳаллаларда хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш учун тегишли кадрларга эга бўлиш жуда муҳимдир. Ушбу ҳолатга ойдинлик киритиш учун респондентларга "Маҳаллангизда ишсизлар орасида қайси мутахассисликлар бўйича кадрлар имконияти мавжуд" саволи берилди ва қуйидаги жавоблар олинди: тиббиёт ходимлари – 25,0%, сартарошлар – 13,0%, ошпазлар – 6,3%, сантехниклар – 31,0%, тикувчилар – 12,5%, электрик ва чилангарлар – 25,0% ва бошқалар.

«Хизмат кўрсатиш соҳасини маҳалла худудида мувофиқлаштиришнинг ташкилий моҳияти қандай бўлиши керак?» саволига респондентлардан қуйидагича жавоб олинди: маҳаллада бизнесни қўллаб-қувватлаш бўйича махсус жамғарма ташкил қилиш – 12,5%, маҳалла фуқаролар йиғинларида хизмат кўрсатишни ривожлантириш мақсадида, улар хузурида ташкил этилган маслаҳат марказ-




**2-расм. Хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш чоралари, %**

***Манба:*** *сўровнома натижалари асосида муаллиф ишланмаси.*

ларининг ишини фаоллаштириш – 31,0%, мувофиқлаштирувчи масъул ходимни белгилаш (ягона ахборот базасини шакллантириш) – 28,0%, кадрлар малакасини ошириш (ўқитиш ва қайта тайёрлаш) – 43,0%, ечилмаган муаммоларни секторларга олиб чиқиш ва ҳал қилиш – 38,0%. (2-расм).

Хизмат кўрсатиш соҳасини ва умуман олганда, тадбиркорлик фаолиятининг барча турларини ривожлантиришда маҳалла аҳолисининг ташаббуси катта аҳамиятга эга. Бунга ойдинлик киритиш мақсадида маҳалла кенгашлари раҳбарларига махсус савол берилди: “Маҳаллангиз ҳудудида хизмат кўрсатиш турларидан бирини ташкил этиш юзасидан маҳалла аҳолиси ёки бошқа фуқаролар сизга мурожаат қилганми?”. Раисларнинг жавоблари қуйидагича: “мурожаат қилган” – 32,0%, “мурожаат қилмоқда” – 12,0% ва “мурожаат қилмаган” – 56,0% (2-диаграмма).




**2-диаграмма. Хизмат кўрсатиш турларини ташкил этиш бўйича маҳалла аҳолисининг мурожаати ҳолати, %**

***Манба:*** *сўровнома натижалари асосида муаллиф ишланмаси.*

Хизмат кўрсатиш соҳаси учун маҳаллада бўш ва фойдаланилмаётган бино (ёки майдон) мавжудлиги бўйича респондентлар қуйидагиларни билдирдилар: Маҳалла кенгаши биносида бўш турган ва фойдаланилмаётган хоналар мавжуд – 6,2%, фойдаланилмаётган иморатлар (клуб, болалар боғчаси, маиший хизмат уйи ва бошқалар) – 12,5%, уй хўжаликлари тадбиркорликни ташкил этиш учун бўш хоналарга эга – 7,0%, қурилиш учун бўш турган майдон – 25,0%, бўш турган бино ва иншоотлар мавжуд эмас – 40,0% (3-расм).




**3-расм. Маҳаллалар ҳудудида бўш фойдаланилмаётган бино (ёки майдон) мавжудлиги», %**

***Манба:*** *сўровнома натижалари асосида муаллиф ишланмаси.*

“Хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш учун маҳаллага қандай ёрдам керак бўлади?” саволига респондентлар қуйидаги фикрларни билдиришди: яқин 5 йилга барча солиқ турларидан озод қилиш – 43%, инвестиция киритиш шарти билан фойдаланилмаётган биноларни (иморат) “ноль” қийматида олиш - 8%, туман ҳокимлиги (маҳалла раҳбарияти) гарови остида имтиёзли кредит олиш – 25%, кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлашда кўмаклашиш – 37,0%, сервис ва хизмат кўрсатиш билан шуғулланадиган якка тартибдаги тадбиркорларни рўйхатдан ўтказишни соддалаштириш – 19,0% (4-расм).




**4-расм. Хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш учун маҳаллага керак бўладиган ёрдам, %**

***Манба:*** *сўровнома натижалари асосида муаллиф ишланмаси.*

Хизмат кўрсатишни ривожлантиришнинг механизмини шакллантириш мақсадида респондентларга қуйидаги савол билан мурожаат қилинди - “Маҳаллада хизмат кўрсатишни рағбатлантиришнинг иқтисодий механизмини шакллантириш”. Бу саволга қуйидагича жавоб олинди: даромаднинг маълум фоизини маҳалланинг махсус жамғармасига ўтказиш – 37,5%, фойдаланилмаётган давлат мулкини (ер майдони, иншоотлар ва бошқалар) хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантиришга йўналтириш бўйича таклифларни ишлаб чиқиш ва юқори ташкилотларда ҳал қилиш – 25,0%, хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш бўйича ахборот – таҳлил маълумотларини шакллантириш – 43,7%, товарлар ва хизматларга бўлган талабни шакллантиришда бизнесга ёрдам бериш – 31,3%, хизмат кўрсатиш

соҳасини қўллаб-кувватлашда йирик тадбиркорлар, хорижий давлатлар ва халқаро жамғарма грантларидан фойдаланишни ташкил қилиш – 18,8%.

Респондентлардан маҳалла ҳудудида рўйхатдан ўтмасдан фаолият кўрсатаётган айрим хизмат турлари мавжудлиги тўғрисида жавоблар олинди: новвойхона – 18,8%, қандолатчилик махсулотларини ишлаб чиқариш ва сотиш – 18,8%, катта бўлмаган қаҳвахона, сомсахона ёки яна бошқа умумий овқатланиш – 12,5%, якка тартибда кийим тикиш ва таъмирлаш – 12,0%, сартарошхоналар – 20,0%, савдо – 12,9% (5-расм).




**5-расм. Маҳаллада рўйхатдан ўтмаган хизмат кўрсатиш турлари, %**

***Манба:*** *сўровнома натижалари асосида муаллиф ишланмаси.*

Юқоридаги саволнинг мантиқий давоми сифатида респондентларга шундай савол берилди – “Рўйхатдан ўтмаган хизмат кўрсатишни легаллаштириш учун нима қилиш керак”. Рўйхатдан ўтмаган бизнесни хатловдан ўтказиш (инвентаризация қилиш), улар тўғрисида аниқ маълумотга эга бўлиш механизмини ишлаб чиқиш керак – 43,7%, технология ва ёқилғи хавфсизлигига тўғри келмайдиган хизмат кўрсатишни маҳалла ёрдамида якка тартибдаги тадбиркор сифатида рўйхатдан ўтказиш – 25,0%, легаллаштирилган хизмат кўрсатиш фаолиятини қўллаб-кувватлаш мақсадида уларни маълум муддатга (5 йилга қадар) барча солиқлардан озод қилиш – 25,0%, ишлаб чиқариш фаолияти хавфсизлик қоидаларига ва тартибга мос келмайдиган хизмат кўрсатиш соҳасидаги бизнесни тугатиш - 6,2% (3-диаграмма).




**3-диаграмма. Рўйхатдан ўтмаган хизмат кўрсатишни легаллаштириш чоралари, %**

***Манба:*** *сўровнома натижалари асосида муаллиф ишланмаси.*

Маҳаллада хизмат кўрсатиш соҳасида тадбиркорлар асосан қайси шаклда фаолият юритишлари бўйича респондентларга берилган саволга қуйидагича жавоблар олинди. Якка тартибда (юридик шахс ташкил этмаган) фаолият юритиш 56,0%, расмий ўзини – ўзи банд қилиш – 21,0%, юридик шахс ташкил этган ҳолда – 12,0%.

Ҳозирги кунда хизмат кўрсатиш соҳасини тартибга солиш ва ривожланиши муносабати билан маҳаллада фаолият олиб бораётган бизнес ҳақида маълумот тўплаш имконияти мавжудлиги борасида саволга қуйидагича жавоб олинди. Тўла ахборот базасини шакллантириш – 12,5%, ахборот тўплаш маълум харажатларни талаб қилади – 25,0%, ахборотлар базасини тўплаш шарт эмас – 18,7% ва бошқа таклиф (ягона кўрсаткичлар бўйича ахборот базасини шакллантириш, компьютерда чораклик мониторинг олиб бориш ва бошқалар) – 50,0% (6-расм).




**6-расм. Хизмат кўрсатиш соҳасини тартибга солиш бўйича маҳаллада маълумот тўплаш имкониятининг холати, %**

***Манба:*** *сўровнома натижалари асосида муаллиф ишланмаси.*

**Ўтказилган сўровноманинг асосий натижалари қуйидагилардан иборат:**

– маҳаллаларда хизмат кўрсатиш соҳасининг асосий турлари қуйидагилардан иборат: озиқ-овқат дўконлари, умумий овқатланиш жойлари (новвойхона, сомсахона, кафе) ва маиший хизмат кўрсатиш объектлари (сартарошхона, пойабзал

таъмирлаш устахонаси, мева-сабзавот дўконлари, дорихоналар ва бошқалар);

– айрим маҳалла фуқаролар йиғинлари раислари хизмат кўрсатиш соҳасининг ривожланиш даражаси аҳоли талабларига жавоб бермаслигини билдирдилар;

– маҳалла гузарларига эга бўлган маҳаллаларда хизмат кўрсатиш соҳаси нисбатан ривожланган. Сўровнома ўтказилган маҳаллаларнинг кўпчилигида гузарлар мавжуд эмаслигини таъкидлашди;

– респондентларнинг фикрига кўра, маҳаллаларда хизмат кўрсатиш соҳасининг энг кўп талаб этиладиган турлари: болалар учун турли тўгараклар ташкил этиш, маиший техника таъмирлаш устахоналари, тиббий ёрдам пунктлари (ҳамширалик хизматлари), кўчма кимёвий тозалаш ҳамда коммунал хизматларни кўрсатиш пунктлари ва бошқалардан иборат;

– аксарият маҳаллалар ўз ҳудудларида хизмат кўрасатиш сохасининг айрим турларини ривожлантириш учун яхши имкониятларга эгалигини билдирдилар. Масалан: спорт мажмуалари, пойабзал таъмирлаш, кимёвий тозалаш, интернет хизматлари пунктлари ва бошқаларни ташкил этиш имкониятларидир;

– респондентларнинг (МФЙ раисларининг) фикрига кўра, маҳаллаларда хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантиришнинг асосий муаммолари: маҳалла гузарлари етишмаслиги, бўш ҳудудларнинг мавжуд эмаслиги, фойдаланилмаётган бино ва иншоотларнинг етишмаслиги, ҳомийларни жалб қилиш ёки уларнинг йўқлиги, моддий ва молиявий ресурсларнинг етишмаслиги ва бошқалар;

– маҳаллаларда яшовчилар маълум бир хизмат турларини яратишда ташаббус кўрсатмоқдалар. Аҳоли асосан озиқ-овқат дўконлари, савдо расталари, овқатланиш шаҳобчаларини (ошхоналар, сомсахона, новвойхона) очиш бўйича таклифлар билан маҳаллаларга мурожаат қилишади. Шунингдек, миллий ҳунармандчилик устахоналари, интернет хизмати пунктлари, китоб дўконлари, савдо дўконларини яратиш бўйича қизиқарли таклифлар билан мурожаат қилишади;

– сўровнома натижаларига кўра айрим маҳалла фуқаролар йиғини раисларининг ўз маҳаллаларида хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш муам-



моларини ҳал қилишда фаоллиги етарли эмаслиги аниқланди;

- аҳолининг айрим хизмат турларига бўлган талабини шакллантириш. Сўров ўтказилган маҳаллаларнинг сезиларли қисми кўрсатилаётган хизматлар сифатининг талаб даражасида эмаслигини таъкидладилар, яъни хизмат кўрсатувчи ходимларнинг касбий маҳоратининг етарли эмаслиги ва хизмат кўрсатувчи корхоналар техник жиҳозланиш даражасининг пастлигидан далолат беради;

– баъзи муаммолар ва уларни ҳал қилишда қийинчиликларга қарамай, кўплаб маҳалла раислари ўз маҳаллаларида хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш билан шуғулланишни давом эттириш ниятида эканлигини билдирдилар.

**Амалга оширилган тадқиқот натижалари, жойларда аҳоли ва маҳалла раҳбарларининг таклифларини эътиборга олган ҳолда қуйидагилар тавсия этилади:**

1. Хизматлар кўрсатиш учун корхоналар ва объектларни оқилона жойлаштириш мақсадида, табақаланиш тизимининг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда хизматлар кўрсатиш объектларини жойлаштириш схемасини ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқдир.

2. Аҳолига маиший хизмат кўрсатиш объектларини қуриш, уларни технологик қайта жиҳозлаш бўйича намунавий лойиҳаларни ишлаб чиқишда ёрдам кўрсатиш, шу жумладан комплекс хизматлар сифати ва миқдорини доимий равишда ошириш зарур. Шу муносабат билан, аҳолининг ўсиб бораётган талабини инобатга олган ҳолда замонавий юқори технологияли хизматларнинг янада прогрессив турлари улушини кўпайтириш ҳамда хизматлар таркибини диверсификация қилиш муҳим йўналиш ҳисобланади. Хизмат кўрсатиш соҳаси объектларини лойиҳалаш учун ихтисослаштирилган лойиҳалаш ташкилотини ташкил этиш мақсадга мувофиқдир.

3. Микрокредитларни оқилона тақсимлаш орқали хизмат кўрсатиш соҳасини барқарор ривожлантириш учун қуйидагилар тавсия этилади: маҳаллий ҳокимликлар ёки маҳаллалардан қарз ёки гаров бериш учун давлат кафолатларини тақдим этиш ва имтиёзли микрокредитлар ажратиш.

4. Хизмат кўрсатиш соҳасини барқарор ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирларни ишлаб чиқишда, жойларда энг кўп талаб қилинадиган қуйидаги хизмат турлари учун имтиёзлар бериш лозим:

- маҳалла марказида «Гузар» типидаги савдо ва маиший мажмуаларни (истеъмолчилар уйи) ташкил қилишни кенгайтириш;

- хизмат кўрсатиш соҳасида кичик бизнес тузилмаларини қўллаб-қувватлаш ва кенгайтириш учун зарур бўлган иқтисодий-техник асослашлар, бизнес-режаларни, дастурий таъминотни ишлаб чиқиш бўйича маслаҳат ёрдамини ташкил этиш;

- биноларни (қурилиши тугалланмаган объектлар) ёки тадбиркорлар учун жиҳозларни ноль қийматда ажратиш механизмини соддалаштириш.

**Сўровномалар натижаларини ҳисобга олган ҳолда, барқарор ривожланиш ва хизмат кўрсатиш объектларини маҳаллаларда жойлаштириш бўйича қуйидаги чора-тадбирлар ва механизмлар тавсия этилади:**

- 2021-2022 йилларда маҳаллаларда хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш ва объектларини жойлаштириш бўйича чора-тадбирлар мажмуаси ҳар бир маҳаллада хизмат кўрсатиш соҳасининг таркиби, ривожланиши ва жойлашишини ҳар томонлама таҳлил қилишни, аҳолининг айрим хизмат турларига бўлган реал талабини баҳолашни, ҳаракат дастурини ва уларни амалга ошириш механизмларини ишлаб чиқишни ўз ичига олади;

- хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантиришда маҳалланинг ҳуқуқ ва ваколатларини кенгайтириш. Хизмат кўрсатиш объектларини маҳаллаларда жойлаштириш шаҳарсозлик меъёрлари ва қоидалари бўйича бир қатор қўлланмалар ва қоидаларни ишлаб чиқишни, маҳалла аҳолисининг эҳтиёжларини қондириш учун хизмат кўрсатиш объектларининг минимал тўпламлари рўйхатини белгилашни, маҳалла гузарлари, давлат мулки объектларини маҳаллага ўтказиш тартиби, хизмат кўрсатиш соҳасининг гузарлари ва алоҳида объектларини қуриш намунавий лойиҳаларини шакллантириш, маҳаллаларда хизматларга талаб ва таклифни баҳолаш бўйича услубий ёндашувларни



тайёрлаш ва мониторинг тизимини ташкил этиш мақсадга мувофиқдир;

- мавжуд талаб ва маҳалла имкониятларини ҳисобга олган ҳолда, маҳаллаларда хизмат кўрсатиш объектларини жойлаштириш бўйича инвестиция лойиҳаларини шакллантириш;

- хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантиришнинг аниқ молиялаштириш манбаларини, шу жумладан аҳоли маблағлари, бюджетдан ташқари жамғармалар, тадбиркорлар, тижорат банклари ва молия институтларининг кредитлари, халқаро ташкилотлар ва хорижий давлатларнинг грантлари ва бошқаларни аниқлаш;

- имтиёзли шартларда ижарага бериш, инвестиция мажбуриятларини ҳисобга олган ҳолда хизмат кўрсатиш соҳаси объектларини яратиш учун фойдаланилмаётган биноларни нолга тенг қийматда қоплаш механизмини такомиллаштириш;

- уй шароитида хизмат кўрсатувчи якка тартибдаги тадбиркорлар учун касаначилик ишларини ташкил қилиш учун рағбатлантириш механизмларидан (ташкилий, солиқ, кредит ва бошқалар) кенг фойдаланиш;

- ўқув семинарлари, тренинглар ташкил этиш орқали маҳаллаларда хизмат кўрсатувчи тадбиркорларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш тизимини такомиллаштириш;

- маҳаллаларда хизмат кўрсатиш объектларини ташкил этиш нуқтаи назаридан маҳалланинг хусусий бизнес ва тадбиркорлик билан алоқаларини мустаҳкамлаш ва кенгайтириш.

***Манба ва адабиётлар***

*1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида 2021 йил 22 апрелдаги Ҳудудларда хизмат кўрсатиш соҳаси йўналишларини ривожлантириш масалалари бўйича видеоселектор йиғилиши.*

*2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида 2021 йил 26 январдаги Жорий йилда барқарор иқтисодий ўсишни таъминлаш масалалари бўйича йиғилиши.*

**Хизмат кўрсатиш соҳаларига бўлган талабни аниқлаш ва баҳолаш (Тошкент шаҳри маҳаллалари мисолида)**

**Ботир Абдуллаев,**
*Прогнозлаштириш ва макроиқтисодий тадқиқотлар институти гуруҳ раҳбари*

**Аннотация:** *ҳудудларда аҳоли бандлигини таъминлаш, даромадлари ва фаровонлигини оширишнинг муҳим омилларидан бири хизмат кўрсатиш соҳасини жадал ривожлантиришдан иборат. Ҳозирги вақтда ва келажакда хизмат кўрсатиш соҳасини барқарор ривожлантириш иқтисодиётни трансформациялашнинг (туб ўзгартириш) муҳим устувор йўналиши бўлиб қолмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президент топшириғига биноан шаклланаётган "Маҳаллабай" ишлаш тизимини йўлга қўйиш мобайнида ҳозирги кунда жойларда ўрганиш ишлари олиб борилмоқда.*

**Калит сўзлар:** *хизмат кўрсатиш, социологик тадқиқот, ҳудуд, механизмлар, ривожланиш, жойлаштириш, хизмат кўрсатиш объектлари.*

**Выявление и оценка спроса на сферы услуг (на примере махаллей города Ташкента)**

**Ботир Абдуллаев,**
*руководитель группы Института прогнозирования и макроэкономических исследований*

**Аннотация:** *важнейшим фактором обеспечения занятости, доходов и благосостояния населения в регионах является стремительное развитие сферы услуг. Устойчивое развитие сферы услуг сегодня и в будущем остается важнейшим приоритетом экономических трансформаций (преобразований). В ходе внедрения системы «Махаллабай», которая формируется по поручению Президента Респулики Узбекситан, проводятся полевые исследования.*

**Ключевые слова:** *регион, сфера услуг, махалля, социологическое обследование, потенциал, механизмы, развитие, размещение, объекты обслуживания.*

**Identification and assessment of the demand for objects of the service sector (on the example of the mahallas of the city of Tashkent)**

**Botir Abdullaev,**
*Institute of forecasting and macroeconomic research, Head of the Group*

**Abstract:** *the most important factor in the ensuring employment, income and well-being of the population in the regions is the rapid development of the service sector. Sustainable development in the service sector nowadays and in the future remains the most important priority of the economic transformation. During the implementation of the "Mahallabay" system, which is being formed on the instructions of the President Republic of Uzbekistan, field studies are being conducted.*

**Key words:** *region, service sector, sociological research, the territory, mechanisms, development, placement, service facilities.*

**УЎК: 338.012**

**Акмал КАМАЛОВ,**
*иқтисод фанлари номзоди,*
*Стратегик таҳлил ва истиқболни белгилаш олий мактаби,*
**e-mail:** a.kamal@mail.ru

# Транспорт тизимларининг иқтисодиётини индикатив бошқаришнинг комбинациялашган услублари

**КИРИШ**

Логистик инструментарийни талаб қиладиган муҳим муаммолардан бири товар ҳаракати ва маблағларни бошқариш бўлиб ҳисобланади. Ҳозирги кунда дастурий мажмуаларга бўлган катта талаб вужудга келган, шу сабабли транспорт корхоналарини бошқариш тизимида ҳозирги кунда етакчи ҳисобланадиган фирмалар ишни кўпроқ оддий вазифадан, товар ҳаракатини бошқаришдан бошлашган, у кейинчалик харидлар, сотишлар ва бошқаларга ўсиб ўтган. Масалан, ҳозирги кунда, транспорт компанияларининг асосий фаолият тури логистиканинг бутун арсеналини жалб қилиш билан корхоналарни самарали бошқариш тизимларини яратиш бўлиб ҳисобланади. Шундай бўлиб чиққанки, буюртмачилар транспорт корхоналарининг савдо-таьминот тизимларига хизмат кўрсатишга диверсификацияланишини рағбатлантиришган.

Ҳозирги кунда интернет-технологияларнинг ўсаётганлиги ва ривожланаётганлиги боис логистика ҳам шиддат билан ривожланмоқда. Интернет имкониятлари ресурсларини логистиканинг эвристик потенциали билан бирлаштириш шунчаки транспорт корхоналарини бошқаришни эмас, балки бошқариш тизимларининг иқтисодиётни ривожлантирадиган глобал тармоқларига асосланган бошқаришнинг дастурий таъминотини ишлаб чиқиш имконини беради. Шу муносабат билан давлат мулки ва хусусий мулкни ажратиш муаммоси тобора ўткирлашмоқда. Майда-чуйдалар устида тортишиш мумкин, бироқ давлатнинг иқтисодиётни бошқариш тизимларининг глобаллашуви шароитларида бошқаришда устуворлик – тегишли атрибутлар билан давлатга тегишли бўлиши лозим.

**Логистик инструментарийни ишлаб чиқишда комбинацияланган ёндашувлар**

Юқори технологик логистик инструментарийни ишлаб чиқишнинг ҳозирги кундаги босқичида хўжалик масалаларининг кенг спектрига назарий-ўйин ёндашувларини кенг қўллашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Бунда, муаммонинг қийинлиги шундан иборатки, стратегик қарорлар қабул қилишнинг классик услублари (чизиқли дастурлаштириш услуби, экспертлик услуби ва бошқалар) иқтисодий алоқалар ва геоиқтисодий тенденциялар, жаҳон бозори ва миллий бозорлардаги юқори рақобат ва интеграцион жараёнлар билан чақирилган юқори зиддиятли, ёмон ташкил қилинган муҳитда ёмон ишлайди. Жаҳон хўжалик сохасининг глобаллашуви миллий давлатлар томонидан олиб борилаётган ташқи иқтисодий сиёсатга ўз тамғасини қўймоқда. Замонавий мамлакатлараро муносабатларнинг функциялари ва стратегиялари геоиқтисодий ва геосиёсий ривожланишнинг мақсадлари ва вазифалари билан шартланади. Бунда урғу улардан биринчисига берилади ва дунё ривожланишининг геоиқтисодий моделига, унга кўра мамлакатлараро иқтисодий муносабатлар ғоявий ва куч омиллари билан эмас, авваламбор иқтисодий омиллар билан белгиланадиган қарашлар (концепциялар) тизими сифатида қаралади. Ноиқтисодий кенгликда жаҳон даромадини қулай тақсимлаш ва фойдаланиш мақсадида миллий иқтисодиётлар ва уларга тегишли хўжалик

субъектларини байналминаллашган дунё ишлаб чиқариш жараёнларига киритишга йўналтирилган турли саъй-ҳаракатларни амалга оширишга (юқори логистик ва геоиқтисодий технологиялардан фойдаланиш билан) уринишлар бўлмоқда.

Бизнинг фикримизча самарали логистик инструментарийни ишлаб чиқиш учун комбинацияланган ёндашувлар ва услубларни мўлжал қилишга тўғри келади, улар қаторига модификациялашган анъанавий-мақсадли услуб, мантиқий-эвристик услуб, экспертлик таҳлили услуби ва бошқаларни киритиш мумкин. Бу планда мамлакатимиздаги ва хориждаги тадқиқотчиларнинг, хусусан, америкалик иқтисодчи – иқтисодиёт бўйича Нобель мукофоти совриндори (1995 йил) Дж. Нэшнинг ишларига [1] асосланган рақобатлашувчи бозор стратегиялари алоҳида диққатга моликдир. Замонавий логистик моделларда рақобатлашувчи бозор стратегиялари Г. Штакельбергнинг бошқариладиган бозор стратегияси билан биргаликда қўлланилади, улар вертикал бошқариладиган шажаравий структурани ҳосил қилади, унинг юқори даражасида иқтисодий дастаклар (солиқлар, ренталар, акцизлар ва бошқалар) ёрдамида мувофиқлаштириш маркази (ММ) томонидан бошқариладиган миллий ижтимоий-иқтисодий ривожланиш концепцияси асосида ишлаб чиқилган тизимли ривожланиш мақсадлари амал қилади, пастки даражасида эса — бозор муносабатларининг ўзини амалга оширувчи иқтисодий агентларнинг мақсадлари амал қилади [2]. Равшанки, умумий ҳолатда бу мақсадлар фақатгина ўзаро мувофиқлаштирилиб қолмасдан, балки ўзаро зиддиятларга ҳам киришади.

Инновацион ривожланиш, илмий-тадқиқот ва хўжалик фаолиятининг барча йўналишлари бўйича рақобат курашининг ўткирлашиши шароитларида иқтисодиётнинг реал секторида барқарор ва истиқболли даромад манбаларини шакллантириш давлат сиёсатининг устувор йўналишига айланиши мақсадга мувофиқ. Бундай тармоқлар қаторига ишлаб чиқариш соҳасининг муҳим таркибий қисми сифатида транспорт ҳам киради, унинг барқарор ва самарали фаолият кўрсатиши иқтисодиётни барқарорлаштириш, юксалтириш ва тузилмавий қайта қуришнинг, мамлакатнинг яхлитлиги, миллий хавфсизлиги ва мудофаа қобилиятини таъминлашнинг зарурий шарти бўлиб ҳисобланади.

Бу омилнинг муҳим жиҳатларига замонавий транспорт бизнеси бозор концепцияси контекстида тўхталиш мумкин. Бу концепция марказдан узоқлаштириш, темир йўл транспортидан ташқари амалда барча транспорт турларини хусусийлаштириш ва монополиядан чиқаришни ўз ичига олади. Транспорт фаолияти ҳажмининг ортиши, бир томондан, бу - жамиятнинг моддий бойликларни кўчиришга умумий ишлаб чиқаришда қатнашмайдиган харажатларининг ортиши эканлиги, бошқа томонлама эса – авваламбор учинчи мамлакатларнинг қўшимча транзит юк оқимларини жалб қилиш ҳисобига транспорт тизимининг иқтисодий фойда келтиришининг ортиши эканлиги аксиома бўлиб ҳисобланади.

Транспорт тизими билан боғлиқ бу жараёнларни трансмиллий корпорацияларни жалб қилмасдан амалга ошириб бўлмайди, шу сабабли давлат бошқарувининг мувофиқлаштириш, назорат қилиш ва бошқа функцияларини асосланмаган тарзда нодавлат структураларига, қоидага кўра, монопол структураларга беришни мониторинглаш давлатлараро тизимини яратиш алоҳида эътибор талаб қилади, чунки монополист хўжалик юритувчи субъектларнинг ўсиб бораётган иқтисодий ва ҳуқуқий мустақиллиги устуворликларнинг алмашишига ва умуман иқтисодий вазиятнинг кескинлашишига олиб келиши мумкин.

Транспорт иқтисодиётини аксилмонополистик логистик бошқаришнинг асосий мақсадлари товар бозорлари ва бошқа бозорларни шакллантириш, хўжалик юритувчи байналминал субъектлар томонидан ишлаб чиқариладиган товарлар ва хизматларнинг рақобатбардошлигини таъминлаш ҳисобланади. Айтилган муаммоларни ҳал қилиш йўлларига келадиган бўлсак, шуни айтиш жоизки, мулкчилик муносабатлари, хўжалик юритиш ва хўжалик юритувчи субъектларни бошқаришнинг янги шаклларининг пайдо бўлиши (иштирокчиларнинг кўп томонли мураккаб ўзаро муносабатларини ҳисобга олиш билан) транспорт иқтисодиётини индикатив бошқариш тизимини яратиш, иқтисодиётнинг секторларини тармоқ бошқарувидан функционал бошқаришга ўтказиш, давлатлараро аксилмонополистик бошқариш механизмини яратишни шартлайди.

**Концептуал вазифаларни амалга оширишнинг энг муҳим босқичларидан бири давлатлараро аксилмонополистик бошқариш ва транспорт иқтисодиёти структурасини ўзгартириш дастурларини қабул қилишни кўзда тутади. Му-**

**аллифнинг фикрича бу дастурлар қуйидагиларни ўз ичига олиши лозим [3]:**

- транспорт иқтисодиёти структурасини ўзгартириш ва монополиядан чиқариш;
- хусусийлаштириш, давлат акциялари пакетларини сотиш (эмиссия);
- янги иқтисодий субъектларни яратиш, давлатнинг улушини бошқаришни уларнинг ихтиёрига бериш (траст);
- тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш.

Буларнинг барчаси транспорт воситалари ва транспорт хизматлари бозорларининг ривожланиши ва ўзгаришини, бу бозорларда устувор бўлган хўжалик юритувчи субъектларнинг фаолиятини тизимли равишда назорат қилишни талаб қилади. Табиий монополиялар, давлат монополиялари, вақтинчалик монополиялар, давлат секторини (ишлаб чиқариш-хўжалик аудити, маркетинг ахбороти тизими, давлат стандартларини яратиш ва бошқалар) бошқариш структураларининг роли ва ўрнига ҳам муносиб баҳо бермасдан бўлмайди.

Бизнинг назаримизда, асосий ҳужжатлар ва меъёрларни унификациялаш, аксилмонополистик бошқариш масалаларини ҳал қилиш ва юқори самарали байналминаллашган бозор иқтисодиётини оёққа қўйиш бўйича структураларнинг фаолиятини мувофиқлаштирувчи халқаро органни яратиш мақсадга мувофиқ бўлади. Бунинг учун турли миллий транспорт тизимларини авваламбор мижозларга хизмат кўрсатиш технологиялари борасида жаҳон транспорт тизими билан бирлаштиришнинг юқори даражасига эришиш талаб қилинади.

Бу ерда муаммолар кўп. Биринчи навбатда транспортда истиқболли технологиялардан фақатгина биттаси – терминалли технологияга бўлган муносабатни тубдан ўзгартириш зарурлигини қайд қилиш лозим бўлади. Бу ерда гап юк оқимларининг йўлаклар тизимининг бош звеноси – замонавий логистик концепцияда барча даражадаги марказлар ва юк терминалларининг функцияларини идентификациялаш хусусида бормоқда. Транспорт логистикаси — бу самарали юк оқимларини рационал ташкил қилишнинг нисбатан ёш, янги услубиятидир. У кўп сонли техник, иқтисодий, ҳуқуқий, информацион, молиявий ва бошқа жиҳатларни ўз ичига олади.

Шуни қайд қилиш жоизки, кўп нарса ташқи иқтисодий концепцияга ва уни амалга ошириш стратегиясига боғлиқ. Ишлаб чиқариш-инвестицион ўзаро ҳаракатларнинг замонавий геоиқтисодий стратегияси экспортга йўналтирилган иқтисодиёт устувор бўлиши зарурлигини декларациялайди, бунинг учун илмталаб, ресурс тежовчи технологияларга урғу бериш билан ишлаб чиқариш ва хўжалик юритишнинг мавжуд илғор тармоқларини ривожлантириш лозим бўлади. Бу стратегия фақатгина экспортни макроиқтисодий сиёсатнинг умумий мақсадлари билан биргаликда кенгайтиришга кўмаклашувчи иқтисодий сиёсат амалга оширилган тақдирдагина муваффақиятли бўлади, бунинг учун биринчи навбатда транспорт мажмуасининг стратегик мақсадларини жаҳон хўжалигини ривожлантиришнинг ягона стратегик мақсади билан боғлаш талаб қилинади [4].

Транспорт логистикасини ахборот, ҳуқуқий, молиявий таъминотни ўз ичига олган ҳолда юк оқимларини самарали ташкил қилиш бўйича техник воситалар, услублар ва ҳаракатлар жамланмаси сифатида таърифлаш лозим бўлади. Транспорт логистикасининг таркибий қисмлари ўзларининг барча кўп сонли тавсифлари билан юкларнинг ўзлари, техник воситалар ва ташиш жараёнини ташкил қилиш технологияларини ўз ичига олган ҳолда барча транспорт турлари, юк терминаллари, қайта юклаш-омбор мажмуалари ва уларнинг қурилмалари, шунингдек юкларга ишлов бериш ва омборларга жойлаштириш технологияларини ўз ичига олган ҳолда барча транспорт объектлари ва иншоотлари бўлиб ҳисобланади. Транспортни ривожлантириш стратегик концепциясини информацион, ҳуқуқий, молиявий, илмий-услубий таъминлаш ва малакали ходимлар билан таъминлаш муҳим ўринлардан бирини эгаллайди.

Бу масалаларнинг тўлиқ спектри халқаро минтақавий транспорт-логистика марказлари, олий ўқув юртларининг тадқиқот структуралари, алоҳида тадқиқотчиларнинг тадқиқотлар предметини ташкил қилиши лозим бўлади.

Фақат транспорт муаммоларини ҳал қилиш ва жаҳон транспорт оқимига қўшилаётган минтақаларнинг имкониятларини тадқиқ қилиш билангина транспорт хизматлари кўрсатиш соҳасининг келажагига “мўралаш” мумкин. Бу, авваламбор эртанги кун мижозининг психологияси ва менталитетининг ўзгаришидир, юкларни қандай қилиб етказиб берилиши уни тобора камроқ қизиқтиради, юкнинг ўз вақтида кўпроқ паст нархлар билан етказиб берилиши, юкнинг сақланиши эса – тобора кўпроқ қизиқтиради. Бундан ташқари, замонавий мижоз глобал компью-

тер интернет-технологиялар шароитларида ўзининг юки жойлашган жой ва уни ташиш динамикаси тўғрисидаги маълумотларни олишга ҳақли равишда даъво қилиши мумкин.

Бу саволларга жавобни фақатгина виртуал логистика деб аталадиган, электрон коммуникациялар унга база бўлиб хизмат қиладиган замонавий логистика бера олади. Бироқ айтиб ўтилган жиҳат янги минг йилликда ҳал қилиниши лозим бўлган муаммоларнинг бор-йўғи бир қисми бўлиб ҳисобланади [5].

Бошқа бир муҳим масала – транспорт логистикаси бўйича мутахассисларни тайёрлаш бўлиб ҳисобланади. Бу янги логистик муаммо устида ишлар барча даражаларда – замонавий ахборот компьютер интернет-технологияларидан, муаммога қаратилган узлуксиз таълимдан фойдаланиш билан курслар тизимидан то иккинчи қўшимча мутахассислик олишгача олиб борилиши, бунда мутахассисларни ўқитиш модулли дастурлар бўйича олиб борилиши лозим.

Кейинги қадам товар ҳаракатининг энг мураккаб функционал соҳаларидан бири – транспорт-омбор тизимларида логистикани тўлиқ легаллаштириш бўлиши лозим. Бунинг учун юқори малакали кадрлар керак бўлади, уларни ўқитиш учун ходимларни тайёрлашнинг босқичли тизимига ўтиш лозим бўлади: бакалавр – магистр – қўшимча мутахассислик – транспорт ва транспорт хизматлари соҳасида логистика доктори.

Иқтисодиётнинг глобаллашуви шароитларида турлича мулкчилик шаклларига эга бўлган фирмаларнинг фаолияти, тадбиркорликни ривожлантириш, коньюнктура омилларини кучайтириш, жамиятни компьютерлаштириш ва ахборотлаштириш, иқтисодий ва сиёсий вазиятда ўз ўрнига эга бўлган минтақавий беқарорликка институционал таъсир ўтказиш долзарб бўлиб ҳисобланади. Буларнинг барчаси бозор тизимидаги мавҳумликларни, хусусан ташқи ва ички муҳитнинг мавҳумликларини прогнозлаштиришнинг ролини оширади, хўжалик, молия, инвестицион дастурлаштиришнинг ишончлилигини оширади ва таваккалчилик даражасини пасайтиради.

**Модификацияланган дастурий-мақсадли услуб**

Халқаро транспорт сохасида хўжалик қарорларининг натижаларини олдиндан айтиб бўлмаслигини, ишлаб чиқариш жараёнининг у ёки бу бузилишларининг салбий оқибатларини, яъни иқтисодий хавф-хатарларга ҳамроҳлик қилувчи муқаррар омиллар етарлича ҳисобга олинмаган пайтлар бўлган. Хавф-хатарларни бошқариш олдини олувчи ҳаракатларнинг конкрет жамланмаси ёрдамида бундай тасодифлардан ўзини асраш имконини беради, бу ҳаракатлар кўрилган зарар миқдорининг янада ортишининг олдини олади. Хавф-хатарларни бошқаришнинг услуби ҳаракатларнинг иккита турини таклиф қилади: йўқотишларни бир хил хавф-хатарга тортилган тадбиркорлар ўртасида тақсимлаш (ўз-ўзини асраш), ёки ёрдам сўраб суғурта фирмасига мурожаат қилиш.

Аввалламбор шуни қайд қиламизки, транспорт тармоғини ривожлантириш бўйича мажмуавий дастурларни ишлаб чиқишда хавф-хатарлар айниқса бошдан қийин кечирилади. Илгари қўлланилган классик дастурий-мақсадли услуб хатолар учун етарлича имкониятларни яратган, чунки бозор омилининг фақатгина бошланғич ва терминал қийматларини эътиборга олиш имконини берган. Модификацияланган дастурий-мақсадли услуб ўз асосида назарий-ўйин инструментарийси ва Нэшнинг рақобатлашувчи бозор стратегиялари кўринишидаги бозор тамойилига эга, шу сабабли у рақобатлашувчи бозор стратегияларига хос бўлган бозор топологиясига эга.

Модификацияланган дастурий-мақсадли услубнинг моҳиятини очиш учун, қандайдир бир K(t) иқтисодий омилни қандайдир бир [0, T] вақт интервалида $K(t) = \sum K_i(t),$ кўринишида тақдим қиламиз, бу ерда барча таркибий қисмлар $K_i(t) \geq 0.$ Бундан ташқари, омил рақобатга мойил бўлган бозор табиатига эга ва у иккита мазмун тенденцияларига – узлуксиз ўсиш ёки камайишга бўйсуниши мумкинлиги маълум. Омилга берилган бошланғич шартлар ҳам маълум: $K(0) = \sum K_i(0).$ бундан ташқари терминал қийматлар ҳам берилган бўлиши мумкин (бироқ мажбурий эмас): $K(T) = \sum K_i(T).$ K(t) тўғрисида бошқа маълумотлар мавжуд эмас.

Бир томондан, унинг бозор табиатини бузмаслик учун, бошқа томондан эса – K(t) га нисбатан тизимли йўриқнома (дастур) бўйича таъсир кўрсатувчи мувофиқлаштирувчи марказ (ММ) мавжуд бўлганда бу тақдим қилишни замонавий шажаравий бозор бошқариш модасига яқинлаштириш учун ушбу бозор омилини ва K(t) нинг таркибий қисмларини – K(t) га бозор характерини берадиган бозор омилларини қандай кўринишда тақдим қилиш (аппроксимациялаш) мумкин? Равшанки, асосий қийинчилик – t = 0 ва t = T ўртасидаги оралиқ траекторияни прогнозлашдан иборат бўлади.

Ўз-ўзидан маълумки, агар биз оддий математик ёки ўртача квадратик аппроксимациялашни қўлласак, у ҳолда биз K(t) нинг бозор структурасини бузиб қўйишимиз мумкин. Маълумки, ижтимоий-иқтисодий муҳитда зиддиятларни ҳал қилишнинг иккита турлича тамойили ўз ўрнига эга: Парето тамойили (ёки ижтимоий адолат тамойили), бунда иштирокчилардан бирининг позициясининг яхшиланиши бошқаларнинг позициясининг ёмонлашиши билан боғланади ва Нэш тамойили (бозор муносабатлари тамойили), ҳеч бўлмаганда битта зиддият иштирокчисининг мувозанатдан четлашиши унинг ўзининг ҳам, бошқаларнинг ҳам позициясини яхшилаши ҳам, ёмонлаштириши ҳам мумкин.

Бизнинг мақсадларимиз учун Штакельберг-Нэш тамойилини қўллаш мақсадга мувофиқ бўлади, у билан омилнинг тенденциясини тақдим қиладиган қандайдир бир тенгламали дифференциал ўйинни ечиш давомида шакллантириладиган рақобатлашувчи бозор стратегиялари деб аталувчи стратегиялар боғланади. Нэшнинг дифференциал ўйинларини ўйинларнинг бошқа турларидан фарқлаш имконини берадиган бир қатор аломатлар мавжуд. Бизнинг шакллантирган муаммомизга келадиган бўлсак, Штакельберг-Нэш [6] ёндашуви шуни англатадики, K(t) омил тенденциясининг дифференциал тенгламасини шундай шакллантириш керак бўладики, бунда агар бу тенденция қандайдир бир етакчи ёки масъул орган билан тўқнашса, мақсаднинг қандайдир бир тизимли функциясига бўйсунсин, Ki(t) нинг таркибий қисмлари эса ўзларининг мақсад функцияларига амал қиладиган бозор агентлари томонидан бошқариладиган, мақсаднинг тизимли функциясига бўйсунмайдиган ёки ҳатто унга қарама-қарши бўлган қандайдир бир бозор омиллари деб ҳисоблансин.

Бу ғояни амалга оширишда [O,T] бошқариш интервалининг бошланғич нуқтасида маълум бўлган ва $\sum W_i(0) = 1$ қилиб меъёрланган $W_i(t) = K_i(t)/K(t)$, стратегияни киритамиз. Агар K(t)нинг ўсиб бориш тенденциясига тўхталадиган бўлсак, у ҳолда кўрсатилган тенденцияни умумий ҳолда қуйидаги кўринишда ёзиш мумкин:

$$dK/dt = aK\sum W_i^N(t)\text{, где } a > 0 \quad (1)$$

Бу ерда a>0 - тенденциянинг ўзгариш суръатини тавсифлайдиган параметр (у тенденцияларнинг бундай тенгламаларини биринчи бўлиб таклиф қилган немис иқтисодчиси Г. Штакельбергнинг номи билан Штакельберг параметри деб аталади), $W_i^N(t)$ стратегиялар эса фақатгина қандайдир бир [0,T] бошланғич оралиқда юқорида киритилган стратегиялар билан мос тушади, Нешнинг мувозанат қонунига кўра қандайдир бир пайтдан бошлаб рақобатлашувчи бозор стратегияларига айланади.



$K_i(T)$ маълум бўладиган энг оддий ҳолатда K(t) омилнинг бозор тенденциясини моделлаштириш муаммоси соддалашади, чунки фақатгина t = 0 и t = T ўртасидаги оралиқда $K_i(T)$ функцияларнинг Нэш тамойилига мувофиқ бозор қонунларига ва ўзининг мақсад функцияларига бўйсунадиган турларини, шунингдек [0, T] интервалнинг оралиқ нуқталарида тенденцияга бўйсунадиган K(t) нинг ўзини аниқлаш талаб қилинади.

Ki(T) олдиндан маълум бўлмаган, K(t) омилнинг тенденциялари эса марказ билан «тўқнашадиган» тақдирда иш анчагина мураккаблашади. Бунда олдингидан фарқли ўлароқ, ундан Ki(T) ни аниқлаш ва сўнгра биринчи вариантга ўтиш мумкин бўладиган тизимли мақсад функциясига зарурат вужудга келади.

Шундай қилиб, K(t) бозор омилининг ўсиб бориш тенденциясининг тенгламасини умумий кўринишда қуйидагича ёзамиз:

$$dK/dt = a\,K\sum W_i(t),\quad K(0) = K_0,\quad W_i(0) = W_{i0},\quad \sum W_i(0) = 1. \quad (2)$$

Рақобатлашувчи бозор иқтисодиёти шароитларида, шунингдек янгиликларга қаршилик қилиш мантиғига мувофиқ шажаранинг пастки даражасининг Ki(T) ўзини қандай тутишига жавоб берадиган агентлари тенденциянинг амалга ошишига қаршилик қилади, ўзларининг $I_i$ мақсад функцияларига эришишга ҳаракат қилади ва демак $I_i = \int K\,a(1-W_i)\,dt\ (i = 1, 2, \ldots)$ функционаллар [0,T] интервалда мумкин қадар катта қийматларни қабул қилишига интилади. Шуни кўрсатиш мумкинки, бу мақсадларни амалга ошириш тенденция тенгламаси билан зиддиятга киришади. Ҳақиқатан ҳам, функционалларнинг структурасидан кўриниб турибдики, [0,T] да Ii функционалларнинг мумкин қадар энг катта қийматларини амалга ошириш учун Wi нинг мумкин қадар энг кичик қийматларига эга бўлиш лозим бўлади, ўсиб бориш тенденциясини таъминлаш учун эса Wi нинг энг катта қийматлари керак бўлади..

$$dK/dt = a\,K\sum W_i(t) \quad (3)$$

тенглама ва [0,T] да функционаллар тизими ўзида Штакельберг-Нэш дифференциал ўйинини тақдим қилади, уни Л.С. Понтрягиннинг максимум тамойили ёрдамида [3] ечиш орқали шуни кўриш мумкинки, мувозанат ҳолатида, Нэшга кўра, K(t) омилнинг ўсиб бориш тенденцияси, агар бошқариш стратегиялари сифатида $W_i^N(t)$ рақобатлашувчи бозор стратегиялари расмда кўрсатилган кўринишда олинса, барча бозор атрибутлари билан амалга ошади. (1-расм)



**1-расм. Омилнинг ўсиб борувчи тенденцияси учун рақобатлашувчи бозор стратегияларининг конфигурацияси.**

**Хулоса**

Таклиф қилинаётган, Штакельберг-Нэш бўйича оптимал бўлган дастурий-мақсадли услуб мақсадлар ва ҳаракатларни қайишқоқ бошқариш имконини беради. Ушбу модел орқали биз траекториянинг функционалларидан бюджет ажратмаларини ҳам, умумий ажратмаларни ҳам топишимиз мумкин. Бошқа вариантлар ҳам бўлиши мумкин. Таклиф қилинаётган услубнинг классик вариантга қараганда афзаллиги экспертларнинг чекланган миссияси бўлиб ҳисобланади. Бу ерда экспертларнинг роли принципиал молиявий ажратмалар босқичида тугайди, қолган ҳаммаси эса автоматик тарзда услубнинг технологиясидан келиб чиқади, услубнинг классик вариантида эса барча ҳаракатлар бошидан-охиригача экспертларнинг фаолияти билан белгиланади.

Мазкур услуб шажаравий логистик инструментларга киради. Бошқаришда бош ва асосий нарса қарорлар қабул қилиш бўлиб ҳисобланади, уларни бошқарув органи (алоҳида одам) томонидан бўйсунувчи бўлинмалар, инстанциялар ва қуршаб турувчи муҳитдан келадиган ахборотга ишлов бериш жараёни сифатида талқин қилиш мумкин. Бошқариш масалаларини ҳал қилишда ишлов бериладиган ахборотнинг миқдори, қоидага кўра, асосий масала ўлчамининг квадратик функцияси бўлиб ҳисобланади. Бошқариш масаласининг ўлчами биринчи навбатда бўйсунувчи бўлинмаларнинг сони билан, ахборотга ишлов бериш имконияти эса – бошқариш органининг унумдорлиги билан белгиланиши сабабли шажаравий ташкилий структураларга бўлган табиий эҳтиёж вужудга келади.

Логистик ёндашувлар транспорт корхоналарини бошқариш соҳасида ўзларининг етарлича самарали эканлигини кўрсатади. Хавф-хатарлар концепцияси иккита муҳим элемент – хавф-хатарни баҳо-

лаш ва хавф-хатарни бошқаришни ўз ичига олади. Хавф-хатарни баҳолаш, қоидага кўра, объектив омилларнинг ҳам, қабул қилинадиган хўжалик қарорларининг ҳам кўпгина салбий оқибатларининг мавҳумлиги сабабли эҳтимолли экспертлик характерига эга бўлади.

Хавф-хатарларни бошқариш мумкин бўлган кескин (критик) ижтимоий-иқтисодий вазиятларни олдиндан кўра билишни кўзда тутади, олдиндан кўра билиш уларнинг олдини олиш, уларнинг оқибатларини заифлаштириш ва юмшатиш имконини беради. Шу сабабли у ёки бу кескин вазиятнинг пайдо бўлиш эҳтимолини баҳолаш билан бир қаторда, инқироз вужудга келган тақдирда йўқотишларни ҳам баҳолаш мақсадга мувофиқ бўлади.

***Манба ва адабиётлар***

*1. Нэш Дж. Бескоалиционные игры/Матричные игры.-М.:Физматгиз, 1961г.-стр. 205-221*

*2. Боков В.В. Методология стратегического управления внешнеэкономической деятельностью: Автореферат диссертации доктора экон.наук.-М.-2000.*

*3. Luenberger D. Optimization by Vector Space Methods.-N.Y:Wiley, 1989*

*4. Вайсборд Э.М., Жуковский В.И. Введение в дифференциальные игры нескольких лиц и их приложения.- М. Сов. радио, 1984.*

*5. Флеминг У., Ришел Р. Оптимальное управление детерминированными и стохастическими системами.- М.:Мир, 1988.*

*6. Stackelberg H. Mark form und Gleichgewicht.-Berlin/ Springer, 1934.*

## Транспорт тизимларининг иқтисодиётини индикатив бошқаришнинг комбинациялашган услублари

**Акмал КАМАЛОВ,**
*иқтисодиёт фанлари номзоди,*
*Стратегик таҳлил ва истиқболни белгилаш олий мактаби*

**Аннотация:** *мақолада юқори технологик инструментарийни ишлаб чиқишда назарий-ўйин ёндашувини қўллашнинг асосий тамойиллари ва методлари кўриб чиқилиб, стратегик қарорлар қабул қилиш усуллари ёритилган. Транспорт тизими билан боғлиқ муаммоларни ҳал қилишда трансмиллий корпорацияларнинг роли очиб берилган, аксимонополистик логистик боқаришнинг асосий мақсадлари товарлар ва хизматларнинг рақобат устунлигини таъминлашда эканлиги асосланган.*

**Калит сўзлар:** *транспорт тизимлари, индикатив бошқарув, комбинациялашган услублар, логистик инструментарий, модификациялашган услуб, стратегия, концептуал вазифалар, аксимонополистик, логистика, рақобатлашувчи бозор стратегияси, шажаравий ташкилий тузилма.*

## Комбинированные методы индикационного управления экономикой транспортных систем

**Акмал КАМАЛОВ,**
*кандидат экономических наук,*
*Высшая школа стратегического анализа и прогнозирования Республики Узбекистан*

**Аннотация:** *в статье рассматриваются основные принципы и методы применения теоретико-игрового подхода при разработке высокотехнологичных инструментов и описываются методы принятия стратегических решений. Объясняется роль транснациональных корпораций в решении проблем, связанных с транспортной системой, исходя из того, что главными задачами аксимонопольного управления логистикой являются обеспечение конкурентного преимущества товаров и услуг.*

**Ключевые слова:** *транспортные системы, индикативный менеджмент, комбинированные методы, логистический инструментарий, модифицированный метод, стратегия, концептуальные задачи, антимонополия, логистика, стратегия конкурентного рынка, иерархическая организационная структура.*

## Combined methods of indicative management of the economy of Transport systems

**Akmal KAMALOV,**
*PhD (in Economics),*
*Higher School of Strategic Analysis and Forecasting of the Republic of Uzbekistan*

**Abstract:** *the article discusses the basic principles and methods of applying the theoretical-game approach in the development of high-tech tools and describes the methods of strategic decision-making. The role of transnational corporations in solving problems related to the transport system is explained, based on the fact that the main objectives of monopoly logistics management are to ensure the competitive advantage of goods and services.*

**Keywords:** *transport systems, indicative management, combined methods, logistics instrumentation, modified methods, strategy, conceptual tasks, antitrust, logistics, competitive market strategy, hierarchical organizational structure.*

**УЎК: 338.48.368.9**

**Найля ИБРАГИМОВА,**
*PhD (по экономическим наукам)*
*руководитель проекта Института прогнозирования*
*и макроэкономических исследований,*
**E-mail:** nelibragimova@gmail.com,
**Нурбек ЯКУБОВ,**
*ведущий научный сотрудник Института прогнозирования*
*и макроэкономических исследований,*
**E-mail:** newfrank@mail.ru

# Повышение роли туризма как точки роста национальной экономики

Ускоренное развитие сферы туризма и повышение его роли в экономике считается одной из важных задач в Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан. За последние 5 лет туризм стал одной из "точек роста" национальной экономики, которая являясь драйвером развития других связанных отраслей, стимулирует рост доходов, обладая высоким мультипликативным воздействием: 1$ прямого дохода от туризма дает минимум 5-7$ в соседних отраслях экономики [1]. Необходимо отметить, что услуги туризма и сопутствующие услуги общественного питания (проживания и питания в трактовке ОКЭД) имеют заметное влияние на рост объемов рыночных услуг и ВВП в целом. Так, расчеты показывают, что на рост ВВП и увеличение доходов населения в большей степени влияет развитие сферы услуг (прирост ВВП и доходов населения на 67,2 и 60,3% соответственно, которые обеспечиваются за счет расширения объемов рыночных услуг) [2].

В последние годы был принят большой круг нормативно-правовых документов по развитию туризма, сформирована институциональная система управления развитием туризма, созданы структурные подразделения управления туризма во всех регионах страны для эффективного использования огромного туристического потенциала регионов. Содействуют развитию туристической индустрии новые организации: Центр сертификации туристических услуг, Институт развития туризма, Национальный PR-центр и другие.

Следует отметить, что принятие Постановления от 5 января 2019г. «О мерах по ускоренному развитию туристской отрасли» №ПП-4095 послужило интенсивному развитию туризма, созданию и продвижению на мировые рынки национального продукта на основе создания благоприятных экономических стимулов и организационно-правовых условий. Так, по состоянию на 15 марта 2021г. 30-дневный и 60-дневный безвизовый режим установлен для 90 стран (помимо двустороннего безвизового режима для СНГ [3]). Впоследствии УП№5611 от 05.01.2019г. с 1 февраля 2019г. ввел безвизовый режим для 45 стран сроком на 30 дней, УП№5691 от 18.03.2019г. для граждан ОАЭ сроком на 30 дней, УП№5781 от 13.08.2019г. для 20 стран сроком на 30 дней.

Согласно УП № 5326 от 03.02.2018г. оформление электронной туристической визы в упрощенном порядке через портал "e-visa.gov.uz" с 15 июля 2018 года запущено через систему выдачи электронных въездных виз для 57 стран. Иностранные граждане этих стран могут получить электронную визу сроком на 30 дней без обращения в консульские учреждения за два рабочих дня [4].

Кроме того, создана специальная платформа «Silk Road Project» [5] для продвижения туристического потенциала стран Шелкового пути и перспективных региональных турпродуктов и маршрутов.

**Ввиду комплексной структуры оказания туристических услуг большое значение придается координации и стратегическому управлению в происходящими нем процессами. При этом в системе формирования цепочек создания стоимости туристского кластера существенное влияние на его функционирование оказывают обеспечивающие бизнес-процессы:**

- процессы производства и реализации туристских и сопутствующих товаров и продуктов;
- оказания услуг или выполнения работ, которые обеспечивают основной процесс;
- процессы оказания дополнительных и сопутствующих услуг туристам.

Приоритетные направления в управлении системой туризма:

- развитие туристской индустрии и сопутствующей инфраструктуры гостиниц категории 3-звезды и 4-звезды с современным уровнем комфорта и средней ценовой категории;
- преодоление административных и экономических барьеров монопольной структуры рынка пассажирских перевозок и их последствий в виде высоких тарифов на проживание и авиаперелет;
- подготовка кадров в сфере туризма к чрезвычайным ситуациям, таким как пандемия, переквалифицирование туроператоров.
- повышение сервиса в туристских центрах; расширение незначительного ассортимента событийных мероприятий по республике, способных удовлетворить динамичный и взыскательный спрос современного потребителя.

Наличие современной материальной и инфраструктурной базы играет одну из главных ролей в обеспечении конкурентоспособности туристической отрасли. При потреблении комплексной услуги каждому туристу по умолчанию требуются дороги, транспортные узлы, инженерные сети и прочие инфраструктурные объекты для доступа к целям туристского интереса и потребления соответствующих услуг. Кроме того, необходимо обеспечить комфортные бытовые условия в дестинации (инженерные сети, средства связи, общественный транспорт, финансовые институты, информационные порталы и пр.). Все эти процессы, которые реализуются в туризме, с учетом отраслевой специфики воспроизводятся и в других областях сферы услуг.

Важную роль играет и правовая обеспеченность, и наличие других стимулов, побуждающих туристов к совершению поездки, которые формируют туристскую привлекательность дестинации и обеспечение эффективного использования объектов культурного наследия. Историко-познавательный, гастрономический, оздоровительный, MICE, горный, агро-, эко-, археологический, зиёрат (паломнический) туризм – все эти виды туризма можно найти в Узбекистане. Медицинский туризм в Узбекистане развивался в санаторно-курортных учреждениях, с учетом наличия природных ресурсов для поправки здоровья. В рамках MICE-туризма в регионах создан единый реестр и разработан каталог “Meetings & Events Catalogue”. Для координации MICE-мероприятий в структуре Госкомитета по развитию туризма создан Конгрессно-выставочный центр и изучены потенциальные объекты. Большое внимание также планируется уделить зиёрат (паломническому) туризму.

**Для привлечения туристов в последние годы были организованы различные общественно-культурные развлекательные мероприятия с учетом специфики каждого региона:**

1. Паломнический (зиёрат) туристический форум (Бухарская область);
2. Художественный фестиваль искусства Бахши, Археологический форум (Сурхандарьинская область);
3. Игра богатырей (Хорезмская область);
4. Автоaccording «Муйнак»;
5. Музыкальный фестиваль «Стихия» (Республика Каракалпакстан);
6. Туристическая ярмарка СНГ (Самаркандская область);
7. Форум геотуризма;
8. Гранатовый фестиваль (Кашкадарьинская область);
9. Фестиваль электронной музыки;
10. Гастрономический фестиваль;
11. “World Influencers Congress” (Ташкент).

В результате существенно выросло количество туристов и число гостиниц, туристический бизнес получил активное развитие, появились новые виды туризма.

За 3 года количество туристов выросло в 5 раз: с 1,3 млн. зарубежных туристов в 2016 г., до 6,7 млн. в 2019 г. Из-за пандемии, в 2020 году страну успело посетить 1,5 млн. иностранных туристов, при этом экспорт туристических услуг составил 261 млн. долларов, а туризм стал одной из наиболее пострадавших отраслей.

**Таблица 1**

**Основные показатели развития сферы туризма в Республике Узбекистан**

| № | Наименование показателей | 2017 г. | 2018 г. | 2019 г. | 2020 г. |
|---|---|---|---|---|---|
| 1. | Экспорт туристских услуг (млн. долл. США) | 546,9 | 1041,0 | 1313,0 | 370,0 |
| 2. | Количество иностранных туристов, посетивших Узбекистан (тыс. человек) | 2690,0 | 5346,8 | 6748,0 | 1504,1 |
| 3. | Количество туроператоров (ед.) | 561 | 983 | 1482 | 1 158 |
| 4. | Количество внутренних туристов (тыс. поездок) | 10560 | 14000 | 15 640 | 18000 |
| 5. | Количество гостиниц и аналогичных средств размещения (ед.) | 816 | 914 | 1188 | 1226 |
| 6. | Количество номеров в средствах размещения (тыс.) | 18,6 | 20,2 | 26,1 | 29,2 |
| 7. | Количество мест в средствах размещения (тыс.) | 39,8 | 41,1 | 52,5 | 53,5 |

***Источник:*** *разработанно автороми по данным Госкомстата и Госкомитета по развитию туризма.*

Следует отметить, что пандемия серьезно повлияла на сферу туризма и взаимосвязанные с ней отрасли, резко сократились доходы более сотни тысяч человек, в том числе гидов, ремесленников, работников архитектурных памятников и курортных учреждений, объектов общественного питания, транспорта и других.

В 2020 году были организованы поездки внутри страны для 1,8 миллиона человек, в 2021 году ожидается резкое увеличение этого количества до 7,5 млн. человек.

Всего в 2021 году ожидается 1,7 млн. иностранных туристов. Как ожидается, благодаря этому экспорт туристических услуг достигнет 370 миллионов долларов.

Поддержка туристической и связанных с ней отраслей, наиболее сильно пострадавших и продолжающих испытывать негативное воздействие от коронавирусной пандемии, сохранение и рабочих мест, поддержание доходов, ускоренного восстановления индустрии туризма являются приоритетными задачами в 2021 и последующие годы.






**Рисунок 1. Развитие сферы туризма в Республике Узбекистан**

***Источник:*** *составлено авторами на основе данных Госкомстата и Госкомитета по развитию туризма.*

При этом для возобновления въездного туризма по мере улучшения санитарно-эпидемиологической обстановки важно, чтобы были отработаны меры соблюдения санитарно-гигиенических требований и социального дистанцирования, в том числе создания групп оперативного реагирования. В этой связи, следует проводить анализ принимаемых в других странах мер санитарно-эпидемиологической безопасности, вводимых по мере открытия туристических рынков.

Целевые ориентиры развития сферы туризма Республики Узбекистан в 2021–2022 годах направлены на преобразование туризма и достижение его целевых показателей (рис.1), на основе диверсификации и повышения качества туристских услуг и туристской инфраструктуры, привлечения иностранных инвестиций, проведения эффективной рекламы туристических продуктов (бренда) и успешного продвижения туристского потенциала республики.

Механизмы реализации этих задач для повышения конкурентоспособности отрасли на международном рынке туристических услуг:

- стимулирование продвижения туристической отрасли Узбекистана;
- опережающее развитие информационных технологий в сфере туризма;
- дальнейшее развитие транспортной инфраструктуры;
- диверсификация туристского продукта;
- повышение качества подготовки кадров в сфере туризма;
- совершенствование нормативно-правовой базы.

В качестве оценки потребления комплексных туристских услуг предлагается использовать степень удовлетворенности потребителя уровнем оказанных услуг. Именно такая оценка посредством обратной связи определяет направление управленческих воздействий на все процессы текущей модели развития туризма.

Туристический бренд Узбекистана формировался с момента появления Великого шелкового пути. В Узбекистане находятся известные во всем мире города (Ташкент, Самарканд, Бухара, Хива, Шахрисабз, Термез), насчитывается 8.2 тысячи объектов культурного наследия, а некоторые из них включены в Список объектов всемирного наследия ЮНЕСКО.

Значительную роль в обеспечении развития туристической индустрии играют регулярно проводимые крупные MICE-мероприятия. Одним из важнейших ежегодных событий стала Ташкентская международная ярмарка «Туризм на Шелковом пути», где встречаются профессионалы в рамках программы Hosted Buyers, проводится форум по актуальным вопросам развития туризма Центральной Азии и мире в целом. Это позволяет заключать деловые контракты и развивать международное сотрудничество.

Для развития медицинского туризма необходимо создать благоприятные условия для интенсивной модернизации медицинской инфраструктуры и управления отраслью, что позволит повысить доходы регионов и одновременно стимулировать развитие других сфер, а также развить инфраструктуру лечебно-оздоровительных местностей и укрепить здоровье населения, сохранить природные лечебные ресурсы и культурное наследие. Кроме того, очень важно проводить больше исследований медико-биологических механизмов влияния природных факторов на здоровье, разработать стандарты лечения для учреждений медицинской сферы, отвечающие современным требованиям. Также предлагается на протяжении всего маршрута следования туристических групп вдоль туристических городов и центров совместить данную работу с разработкой новых комбинированных туров: гастрономические туры (плов-туры), витаминные туры, археологические, туры кочевников, мототуры и т.д.

В сфере подготовки кадров в стране действуют 5 высших учебных заведений [6], ежегодно выпускающих более 500 студентов с дипломом бакалавра, а свыше 40 студентов-магистра. Кроме того, более 3,5 тысячи кадров выпускают 12 специализированных профессиональных колледжей.

Таким образом, интенсивное развитие туризма Узбекистана, в том числе на базе создания инфраструктуры, соответствующей международным стандартам, создание региональных структур, укрепление связей с иностранными партнерами, бережное отношение к историко-культурному наследию обеспечили привлечение туризма и рост его доли в национальном продукте.

***Источники и литература***

*1. https://themag.uz/post/aziz-abduhakimov*

*2. Ибрагимова, Н. М. Перспективы и приоритеты устойчивого развития сферы услуг на среднесрочную и долгосрочную перспективу в Узбекистане / Н. М. Ибрагимова // Экономический анализ: теория и практика. – 2017. – Т. 16. – № 3(462). – С. 582-600. – DOI 10.24891/ea.16.3.582.*

*3. В частности, с 10 странами: Азербайджанской Республикой, Грузией, Республикой Армения, Республикой Беларусь, Республикой Казахстан, Республикой Молдова, Российской Федерацией, Украиной (без ограничений), Кыргызской Республикой (до 60 дней) и Российской Федерацией.*

*4. (Приложение 1 к Постановлению № 3836 от 4 июля 2018 г., ст. 6-б Регламента). Размер консульского сбора за оформление и выдачу электронной въездной визы в Республику Узбекистан иностранным гражданам определяется следующим образом: 20 долларов США — однократная; 35 долларов США — двукратная; 50 долларов США — многократная.*

*5. https://uzbekistan.travel/ru/o/v-uzbekistane-zapuskaet sya -novaya-sistema-bezopasnogo-turizma/*

*6. Самаркандский институт экономики и сервиса, Ташкентский государственный экономический универ-*



*ситет, Бухарский и Ургенчский государственные университеты, а также Сингапурский институт развития менеджмента в Ташкенте*

*1. «Туризм в Узбекистане, 2018г» Информационно-аналитический сборник, Государственный комитет Республики Узбекистан по развитию туризма, г.Ташкент, 2019 год.*

*2. «Туризм в Узбекистане, 2017г» Информационно-аналитический сборник, Государственный комитет Республики Узбекистан по развитию туризма, г.Ташкент, 2018 год.*

*3. «О развитии туризма в Узбекистане и Самаркандском полумарафоне». Интервью с заместителем премьер-министра и руководителем Государственного комитета по развитию туризма Республики Узбекистан Азизом Абдухакимовым. https://themag.uz/post/aziz-abduhakimov*

*4. Материалы международной онлайн-туристической конференции «Путь возрождения» под эгидой ЮНВТО. https://uzbekistan.travel/ru/o/v-uzbekistane-zapuskaetsya-novaya-sistema-bezopasnogo-turizma/.*

*5. "Туристическая отрасль Узбекистана: нереализованный потенциал". Аналитическая записка №2, 2007г. UNDP*

*6. "Прогнозные параметры развития туризма на 2020-2022 годы". Информационно-аналитическая записка, г.Ташкент 2019 год. ИПМИ.*

*7. "Упрощение визового режима в Узбекистане открыло перед туристической отраслью беспрецедентные возможности". https://uzbektourism.uz/ru/news/view?id=1681*

*8. Ибрагимова Н. М. Перспективы и приоритеты устойчивого развития сферы услуг на среднесрочную и долгосрочную перспективу в Узбекистане / Н. М. Ибрагимова // Экономический анализ: теория и практика. – 2017. – Т. 16. – № 3(462). – С. 582-600. – DOI 10.24891/ea.16.3.582.*

## Повышение роли туризма как точки роста национальной экономики

**Найля Ибрагимова,**
*PhD (по экономическим наукам),*
*руководитель проекта Института прогнозирования и макроэкономических исследований,*
**Нурбек Якубов,**
*ведущий научный сотрудник Института прогнозирования и макроэкономических исследований*

**Аннотация:** *в условиях глобализации вопросы эффективного использования туристического потенциала стали наиболее актуальными в обеспечении устойчивого экономического развития страны. В последние годы государством уделяется пристальное внимание к проведению активной политики в области развития туризма, принимаются нормативно-правовые акты и целевые региональные программы для формирования правовых основ современного цивилизованного туристического рынка, а также модернизируется туристическая инфраструктура.*

**Ключевые слова:** *развитие сферы туризма, пандемия коронавируса, качество туристских услуг, развитие экономики, конкурентоспособность.*

## Туризмнинг ролини миллий иқтисодиётнинг ўсиш нуқтаси сифатида ошириш

**Найля Ибрагимова,**
*PhD (иқтисодиёт фанлари бўйича),*
*Прогнозлаштириш ва макроиқтисодий тадқиқотлар институти лойиҳа раҳбари,*
**Нурбек Якубов,**
*Прогнозлаштириш ва макроиқтисодий тадқиқотлар институти етакчи илмий ходими*

**Аннотация:** *глобаллашув шароитида туристик салоҳиятдан самарали фойдаланиш масалалари мамлакатнинг барқарор иқтисодий ривожланишини таъминлашда энг долзарб бўлиб қолмоқда. Сўнгги йилларда давлат туризмни ривожлантириш соҳасида фаол сиёсат олиб боришга, замонавий цивилизациялашган туризм бозорининг ҳуқуқий асосларини шакллантириш бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва мақсадли минтақавий дастурларни қабул қилишга ва туризм инфратузилмасини модернизация қилишга жиддий эътибор қаратмоқда.*

**Калит сўзлар:** *туризм соҳасини ривожлантириш, коронавирус пандемияси, туристик хизматларнинг сифати, иқтисодий ривожланиш, рақобатбардошлик.*

## Increasing the role of tourism as an development point for nation's economy

**Naylya Ibragimova,**
*PhD (in Economics),*
*Institute for forecasting and macroeconomic research, project manager*
**Nurbek Yakubov,**
*Institute for forecasting and macroeconomic research, Senior researcher*

**Abstract:** *In the context of globalization issues of the effective use of tourism potential are becoming vital for nation's sustainable economic development. In recent years, the state has been paying close attention to pursuing an active policy in the field of tourism development, adopting regulatory legal acts and targeted regional programs to form the legal foundations of a modern civilized tourism market, and modernizing the tourism infrastructure.*

**Keywords:** *tourism development, coronavirus pandemic, quality of tourism services, economic development, competitiveness.*

**УЎК: 338.277**

**Музаффар КАРИМОВ,**
*Андижон давлат университети*
*“Иқтисодиёт” кафедраси катта ўқитувчиси,*
**E-mail:** karimov8993@umail.uz

# Озиқ-овқат саноати корхоналарида инновацион фаолиятни ривожлантиришнинг ташкилий-иқтисодий механизми

**КИРИШ**

Ўзбекистон Евроосиё иқтисодий иттифоқининг кузатувчи мақомини олиши ҳамда келгусида иттифоққа кириши эхтимоллиги мавжудлиги барча соҳалар каби озиқ-овқат саноатида инновацияларни ривожлантириш заруриятини оширмоқда. Иттифоққа қўшилиш озиқ-овқат импортининг ортишига ҳамда маҳаллий ишлаб чиқарувчилар билан рақобатлашишга олиб келиши мумкин. Бундай жараёнда корхоналар томонидан инновацион технологияларни ривожлантиришга эътибор қаратишни талаб этади. Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг 2017-2021 йилларга мўлжалланган Ҳаракатлар стратегиясининг диққат марказида турган энг – муҳим устувор вазифалардан бири – миллий иқтисодиётда таркибий ўзгартиришларни чуқурлаштириш, миллий иқтисодиётнинг етакчи тармоқларини модернизация ва диверсификация қилиш ҳисобига унинг рақобатбардошлигини ошириш саналади [1].

Маҳаллий бозорларимизда озиқ-овқат маҳсулотлари турлари ва ассортиментларини кўпайтиришда инновацион фаолиятнинг таъсири муҳим аҳамиятга эга. Кўплаб мамлакатларда озиқ-овқат маҳсулотларини кимёвий воситалар ёрдамида ишлаб чиқариш тобора ривожланиб бормоқда, бу эса инсон соғлиғига салбий таъсир кўрсатиб, турли касалликларнинг авж олишига сабаб бўлмоқда. Ўзбекистонда озиқ-овқат маҳсулотларини табиий йўл билан етиштириш ва ишлаб чиқариш имконияти мавжуд. Жаҳон бозорига кириб боришда айнан табиий маҳсулотлар брендини яратиш ва ривожлантиришда инновацион фаолиятни такомиллаштириш зарур. Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномасида “....умуман, халқимиз хотиржам бўлиши керак: сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш, бу борада кафолатланган заҳирани яратиш ва уларни бозорга узлуксиз етказиб бериш ҳамда нарх-наво барқарорлигини таъминлаш ишларига устувор даражада эътибор қаратилади. Бунинг учун Ҳукумат ва ҳокимликлар томонидан барча чоралар кўрилади ҳамда бу масала Президентнинг доимий назоратида бўлади” деб таъкидланган [2].

Озиқ–овқат саноати корхоналарида инновацион фаолиятни ривожлантиришда давлатнинг инновацияни қўллаб – қувватлаш билан боғлиқ сиёсати ҳамда институционал асосларини ишлаб чиқиши талаб этилади. Бундай сиёсат Ўзбекистонда барча соҳа ва тармоқларда амалга оширилиб келинмоқда, ҳар йили берилаётган кўплаб грантлар, лойиҳалар, имтиёзлар, субсидиялар шулар жумласидандир.

Саноат корхоналарини молиявий ресурслар билан таъминлашда банк-молия ташкилотларининг ҳиссаси юқори бўлиб, бунда давлатнинг махсус жамғармаларидан ажратилаётган имтиёзли кредитларнинг ўрни муҳим аҳамиятга эга. Асосан имтиёзли кредитлар қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат саноати соҳаларига йўналтирилиб, ушбу тармоқнинг ривожланишига таъсир этмоқда.

Озиқ-овқат саноати соҳасида зарурий ўзгаришлар амалга оширилмоқда, ҳудудларнинг хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда ихтисослаштириш жараёнлари олиб борилмоқда. Талаб юқори бўлган маҳсулотларни етиштириш ҳамда импорт ўрнини

босадиган маҳсулотлар ишлаб чиқариш тизимининг йўлга қўйилиши соҳада амалга оширилаётган ислоҳотлар натижасидир.

**АСОСИЙ ҚИСМ**

Ўзбекистонда озиқ-овқат маҳсулотларининг сифати, яроқлилик муддати, истеъмолга мувофиқлигини назорат қилиш тизими ривожланаётган соҳа ҳисобланади. Ушбу соҳа фаолиятини ривожлантиришда давлат-хусусий шерикчилик амалиётини қўллаш таклиф этилади. Давлат-хусусий шерикчилик тизими санитария ва эпидемиология назоратини хусусий секторга бериш орқали амалга ошириліб, фаолият юритиши билан боғлиқ ваколатлар ва тартиблар давлат томонидан тартибга солиниши керак. Бунда истеъмолчилар томонидан сотиб олинаётган озиқ-овқат маҳсулотлари таннархига санитария ва эпидемиология назоратини амалга оширувчи хусусий секторнинг хизмат хақи қўшилиши зарур. Бундан мақсад истеъмолчи манфаатларини ҳимоя қилиш, истеъмолга номувофиқ маҳсулотларни сотишда чекловлар киритиш каби чора-тадбирларни олиб боришдир.

Самарали инновацион фаолият инфратузилманинг қуйи тизимларини бошқаришни, технологик аудитнинг қуйи тизимларини, ахборот технологияларига асосланган баҳолашни, халқаро шартномаларнинг қуйи тизимини ва интеллектуал ахборот тизимини ўз ичига олган инновацион бошқарув тизимини яратиш орқали амалга оширилади[3].

Жаҳон миқёсида озиқ-овқат хавфсизлигига қаратилаётган эътибор бозорларда, савдо дўконларида назорат қилиш тизимини ривожлантиришни тақозо этмоқда. Мамлакатимиздаги мавжуд имкониятлардан келиб чиққан ҳолда санитария ва эпидемиология назоратини амалга ошириш хусусий секторга берилиши, улар томонидан юртимиздаги барча озиқ-овқат маҳсулотларини мунтазам назорат қилиниши таклиф этилади (1-расмга қаранг).




**1-расм. Озиқ-овқат маҳсулотларининг назоратини такомиллаштирилган бошқарув тизими.**
***Манба:*** *муаллиф ишланмаси.*

Озиқ-овқат саноати корхоналари рақобатбардошлигини таъминлаш инновацион фаолиятни ривожлантиришни талаб этади ва бунинг учун инновацион ишланмалар маркази, илмий тадқиқот институтлари, технопарклар, венчур ташкилотлар, илмий тадқиқот лабораторияларини ўзаро бир-бирига боғлиқ ҳолда ташкил этиш муҳим аҳамиятга эга.

Инновацион ишланмалар маркази озиқ-овқат маҳсулотларининг янги тури ёки ассортименти лойиҳаларини ишлаб чиқиши, улар устида тадқиқот ишларини олиб бориши ҳамда амалиётда қўллаш учун венчур ташкилотларга тақдим этишлари зарур. Венчур ташкилотлар ғоя ва лойиҳаларни амалиётда қўллаш орқали ундан олинган натижалар асосида озиқ-овқат корхоналари фаолиятига татбиқ этишни таъминлаши лозим бўлади (2-расмга қаранг).




**2-расм. Озиқ-овқат саноати корхоналарида инновацион фаолиятнинг ташкилий-иқтисодий механизмини ривожлантириш технологияси**

Инновацион маҳсулотлар нафақат самарадорлик омили, балки озиқ-овқат сектори барқарорлигини таъминлаш учун зарур шартдир. Инновация рақобатда устун бўлиш ва истеъмолчилар талабларини қондириш учун муҳим омил бўлиб хизмат қилади. Шунингдек, инновация бу қийин иқтисодий шароитларда муваффақиятга эришиш воситаси, янги бозорларга кириб бориш имконияти, янги маҳсулотлар ёки технологияларни яратиш жараёнидир.

Корхонанинг инновацион фаолиятини ривожлантиришнинг ташкилий -иқтисодий механизми корпоратив фалсафанинг бир қисми сифатида инновацияларни яратиш ва ривожлантиришга ёрдам беради. Бизнинг фикримизча, корхонанинг инновацион фаолиятини ривожлантиришнинг ташкилий-иқтисодий механизми бу инновацион ривожланишнинг белгиланган мақсадларига эришишга йўналтирилган, ўзаро боғлиқ инновацион ресурслар, шакллар ва воситалар тўпламидир.

**Озиқ-овқат саноати корхонасининг инновацион фаолиятини ривожлантиришнинг ташкилий-иқтисодий механизмини шакллантириш ва ишлаш босқичлари қуйидагилардан иборат:**

1. Озиқ-овқат саноати корхонасини ривожлантириш мақсадларини таҳлил қилиш.
2. Корхонанинг ресурс базасини баҳолаш.
3. Инновацион ривожланиш стратегиясини аниқлаш.
4. Инновация шаклини танлаш.
5. Инновацияларнинг танланган шаклига мос келадиган воситалар ёрдамида инновацияларни ишлаб чиқиш ва улардан фойдаланишни амалга ошириш.
6. Инновация натижаларини кузатиш.

Инновацияларни ташкил қилишнинг барча шаклларини икки гуруҳга бўлиш мумкин: мустақил (автоном) инновацион фаолият, қарам ёки хамкорликка асосланган инновацион фаолият.




**3-расм. Корхоналарда инновацион фаолиятнинг ташкилий-иқтисодий механизмини ривожлантириш тузилмаси**

Мустақил инновацион фаолият корхонанинг зарур миқдордаги ва талаб қилинадиган сифатдаги, инновацион ривожланишнинг белгиланган мақсадларига эришишни таъминлашга қодир бўлган инновацион ресурслар мавжудлигидан келиб чиқади.

Озиқ-овқат саноати корхонасида инновацион ресурсларнинг етишмаслиги сабабли инновацион фаолиятнинг қарам шакли амалга оширилади. Бу кўпроқ корхонанинг имкониятлари чекланган вазиятларда рўй беради. Бундай ҳолда, инновацион соҳада белгиланган мақсадларга эришиш учун корхоналараро ўзаро таъсир механизмларидан фойдаланиши мумкин, яъни интеграция, кооперация, аутсорсинг ва бошқалар, шунингдек етишмаётган ресурсларни инновацион инфратузилма субъектлари бўлган ахборот-маслаҳат хизматлари, технопарклар, венчур фондлар орқали таъминлаш мумкин. Ташкил этилган илмий-тадқиқот марказлари ва тижоратлаштириш марказларининг асосий фаолияти кенг кўламли ишларни бажаришдан иборат: етказиб берувчилар билан техник ҳамкорлик, технологияни ишлаб чиқаришга узатишни қўллаб-кувватлаш, ўзаро фаолият, лицензиялашни қўллаб-кувватлаш. Саноатнинг етакчи соҳасидаги тадқиқот лабораториялари халқаро ҳамкорликда иштирок этиши керак [4].

Инновацион салоҳият ишлаб чиқаришда инновацион фаолиятни амалга ошириш учун зарур бўлган моддий, молиявий, интеллектуал, илмий-техник ва бошқа ресурсларни ўз ичига олган турли хил манбалар тўплами ҳисобланади.

Корхонадаги инновацион фаолият асосан инновацион салоҳият билан белгиланади, унга қуйидагилар киради: инновация қобилияти, янгиликка тайёрлик ва янгилик қилиш қобилияти.

Инновация қилиш қобилияти, бу ғояларни яратиш ва уларни инновацияларга айлантириш учун ходимларнинг ижодкорликларини ривожлантириш



ва қўллаб-қувватлаш жараёни ҳисобланади. Бу бир томондан, янгиликка туртки берадиган бошқарувни, иккинчи томондан, махсус билимларни ривожлантириш орқали ходимларнинг инновацион кўникмаларини оширишга мажбур этади. Шу билан бирга инновацион маданиятни устувор вазифага айлантириш, ходимларни ғоялар яратиш, янгиликларни бошқариш учун замонавий усул ва воситаларга ўргатиш тизимини яратиш, ходимларнинг техник, технологик ва иқтисодий билимларини ривожлантириш, инновациялар бўйича тренинглар ва семинарларни ташкил этиш, университетлар, тадқиқот институтлари билан ҳамкорлик қилиш тадбирларини ташкил этиш лозим.

Инновацияларга тайёр бўлиш, бу ходимларнинг янгиликка тайёргарлигини шакллантириш бўлиб, асосан тренинглар, семинарлар ўтказиш йўли билан эришилади. Шунингдек, ходимлар ўз ғояларини эркин ифодалаб беришлари учун жамоада янгиликка интилувчанлик муҳитини яратиш, рағбатлантириш, мотивацияни ошириш, ижодий жараёнда корхона менежментининг ролини кучайтириш зарур.

**ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР**

Ўзбекистонда озиқ–овқат саноати корхоналарида инновацион фаолиятни ривожлантиришда давлатнинг инновацияларни қўллаб – қувватлаш билан боғлиқ сиёсати барча соҳа ва тармоқларда амалга оширилиб келинмоқда.

**Корхонанинг инновацион салоҳиятини шакллантириш ва ривожлантиришни бошқариш қуйидаги натижаларга олиб келиши лозим:**

- ишлаб чиқарилган инновацион маҳсулотлар орқали ички ва ташқи бозорда юқори рақобатдошликка эришиш;
- инновацион маҳсулотлар ва технологияларни янгилашнинг максимал суръатларини таъминлаш;
- ишлаб чиқаришнинг юқори технологик даражасига эришиш;
- иқтисодий ва экологик нуқтаи назардан оптимал, барча турдаги ресурслардан самарали фойдаланиш.

Корхонада инновацион салоҳиятни шакллантириш ва уни ривожлантириш рақобатбардошликни таъминлашга, янги технологиялардан самарали фойдаланишга ва умуман имкониятлардан максимал фойдаланишга хизмат қилади.

**Корхонанинг инновацион салоҳиятини шакллантириш ва ривожлантириш учун қуйидагилар таклиф қилинади:**

- маҳсулотларни инновацион усуллар орқали ишлаб чиқариш асосида ички ва ташқи бозорда юқори рақобатдошликка эришиш;
- инновацион маҳсулотлар ва технологияларни янгилашнинг энг юқори суръатларини таъминлаш;
- озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқаришда инновацион технологиялардан фойдаланиш;
- корхонада инновацион фаолиятни ташкил қилиш учун мавжуд барча янги билим манбаларидан фойдаланиш;
- иқтисодий ва экологик нуқтаи назардан барча турдаги ресурслардан оқилона ва самарали фойдаланиш.

Шунингдек, озиқ-овқат саноати корхоналарини инновацион ривожлантиришнинг ташкилий-иқтисодий механизмини шакллантириш ва такомиллаштириш бўйича ёндашув инновацион фаолиятни амалга ошириш шакллари ҳамда воситаларининг мумкин бўлган барча комбинацияларидан оқилона фойдаланиш имконини беради.

*Манба ва адабиётлар:*

*1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ4947-сонли “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида” ги Фармони, 3.2 банди. «Халқ сўзи» газетасининг 2017 йил 9 февралдаги 29 (6723)-сони*

*2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2020 йил 29 январдаги Олий Мажлисга Мурожаатномаси. “Халқ сўзи” газетаси 2020 йил 30 декабрь, №276 (7778)-сон*

*3. Устинова Л.Н. Развитие интеллектуальных информационных систем в управлении предприятием. - М.: Научно-технический журнал «МГОУ-XXI-Новые технологии», №1, 2011.*

*4. Горленко О.А., Мирошников В., Шевелёв А.В. Интегрированная информационная технология инновационной деятельности. Источник: http://www.bizeducation.ru/library/management/innov/2/gorlenko.htm*

## Озиқ-овқат саноати корхоналарида инновацион фаолиятни ривожлантиришнинг ташкилий-иқтисодий механизми

**Музаффар Каримов,**
*Андижон давлат университети*
*“Иқтисодиёт” кафедраси катта ўқитувчиси*

**Аннотация:** *ушбу мақолада озиқ-овқат саноати корхоналарида инновацион фаолиятни ривожлантиришнинг ташкилий-иқтисодий механизмини такомиллаштиришга доир технология ва тузилмалар тавсия этилган. Ҳусусан, мақолада озиқ-овқат маҳсулотларининг назоратини такомиллаштирилган бошқарув тизими, корхоналарда инновацион фаолиятнинг ташкилий-иқтисодий механизмини ривожлантириш технологияси ҳамда корхоналарда инновацион фаолиятни ташкилий-иқтисодий механизмини ривожлантириш тузилмалари ишлаб чиқилган. Бунда инновацион ишланмалар маркази, илмий тадқиқот институтлари, технопарклар, венчур ташкилотлар, илмий тадқиқот лабораторияларининг ўзаро бир-бирига боғлиқ ҳолда ташкил этилиши кўрсатиб ўтилган.*

**Калит сўзлар:** *озиқ-овқат саноати, инновацион фаолият, ташкилий-иқтисодий механизм, давлат-хусусий шерикчилик тизими, инновацион ишланмалар маркази, илмий тадқиқот институтлари, технопарклар, венчур ташкилотлар, ташкилий-иқтисодий механизмни ривожлантирувчи тузилма.*

## Организационно-экономический механизм инновационной деятельности на предприятиях пищевой промышленности

**Музаффар Каримов,**
*Андижанский Государственный Университет*
*старший преподаватель кафедры “Экономика”*

**Аннотация:** *в статье предлагаются технологии и структуры для совершенствования организационно-экономического механизма развития инновационной деятельности в пищевой промышленности. В частности, в статье разработана усовершенствованная система управления продовольственным контролем, технология разработки организационно-экономических механизмов инновационной деятельности на предприятиях, а также структуры для развития организационно-экономических механизмов инновационной деятельности на предприятиях. Отмечается, что центр инновационного развития, научно-исследовательские институты, технопарки, венчурные организации, исследовательские лаборатории связаны между собой.*

**Ключевые слова:** *пищевая промышленность, инновационная деятельность, организационно-экономический механизм, система государственно-частного партнерства, центр инновационного развития, научно-исследовательские институты, технопарки, венчурные организации, структура развития организационно-экономических механизмов.*

## Organizational and economic mechanism of innovative activities at food industry enterprises

**Muzaffar Karimov,**
*Andijan State University*
*older teacher Department of Economics*

**Abstract:** *the article proposes technologies and structures for improving the organizational and economic mechanism for the development of innovation in the food industry. In particular, the article developed an improved food control management system, a technology for the development of organizational and economic mechanisms for innovative activities at enterprises, as well as structures for the development of organizational and economic mechanisms for innovative activities at enterprises. It is noted that the center for innovative development, research institutes, technology parks, venture capital organizations, research laboratories are interconnected.*

**Keywords:** *food industry, innovation activity, organizational and economic mechanism, the system of public-private partnership, the center of innovative development, research institutes, technology parks, venture organizations, the structure of development of organizational and economic mechanisms.*

**УЎК: 332.336.143.2**

**Зафаржон РАХМАНОВ,**
*PhD (иқтисодиёт фанлари бўйича), доцент,*
*Ёшлар муаммоларини ўрганиш ва истиқболли кадрларни*
*тайёрлаш институти кафедра мудири,*
**E-mail:** zry2010@rambler.ru,
**Фахритдин ДАМИНОВ,**
*Ёшлар муаммоларини ўрганиш ва истиқболли кадрларни*
*тайёрлаш институти мустақил изланувчиси*

# Тижорат банклари фаолиятининг стратегик самарадорлигини таъминлаш масалалари

**КИРИШ**

Коронавирус пандемияси таъсирини камайтириш бўйича кескин карантин чораларини қўлланилиши натижасида юзага келган иқтисодий инқироз банк тизими фаолияти самарадорлигини таъминлаш масаласи энг долзарб муаммолардан бирига айланишига олиб келди. Бу фикримизча, бир томондан иқтисодиётда тижорат банкларининг молиявий ресурсларни қайта тақсимлаш функциясини бажариши билан боғлиқ бўлса, иккинчи томондан мазкур ресурслардан самарали фойдаланиш иқтисодиёт субъектлари молиявий барқарорлигининг асосий омиллардан бири эканлиги билан изоҳланади.

Банк фаолияти самарадорлигини таъминлаш масаласи кўплаб хорижий ва мамлакатимиз олимларининг илмий тадқиқотларида, жаҳон ва минтақа даражасида ўтказилган конференциялар, халқаро ташкилотлар ва аудиторлик компаниялари томонидан эълон қилинган ҳисобот ва прогнозларда ўз ифодасини топишига қарамасдан, ушбу йўналишдаги аксарият муаммоларнинг талқин этилиши ва уларни бартараф этиш юзасидан ягона ёндашув ва услубият ишлаб чиқилмаган. Хусусан, халқаро аудиторлик компаниялари мутахассислари томонидан банк фаолияти самарадорлигини таъминлаш, биринчи навбатда, бизнес жараёнларни рақамлаштириш даражасини оширишга боғлиқ эканлиги қайд этилган [1]. Ўз навбатида, макропруденциал назорат органлари томонидан рискларни бошқариш ва банк фаолиятини тартибга солиш мезонлари самарадорлик даражасини белгилаб берувчи бош омиллар эканлиги эътироф этилади [2]. Шу билан бирга, қатор илмий манбаларда самарадорлик банк фаолиятининг шаффофлиги ҳамда макроиқтисодий ривожланишни қўллаб-қувватлашдаги иштироки даражаси билан баҳолаш зарурлиги таъкидлаб ўтилган [3].

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 12 майдаги “2020 – 2025 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасининг банк тизимини ислоҳ қилиш стратегияси тўғрисида”ги ПФ-5992-сонли Фармонида: “...молия бозорида тенг рақобат шароитларини яратиш, кредитлашни фақат бозор шартлари асосида амалга ошириш, банкларнинг давлат ресурсларига қарамлигини пасайтириш, банк хизмати кўрсатишни модернизация қилиш, банкларнинг самарали инфратузилмасини яратиш ва фаолиятини автоматлаштириш, шунингдек, банклар фаолиятига хос бўлмаган функцияларни босқичма-босқич бекор қилиш орқали банк тизимининг самарадорлигини ошириш” [4] мамлакат банк секторини ислоҳ қилишнинг асосий йўналишларидан бири сифатида белгилаб берилган. Мазкур Фармонда самарадорлик тушунчаси кенг маънода талқин қилинганлиги ва банк фаолиятининг деярли барча йўналишларини қамраб олишини алоҳида эътироф этишимиз лозим.

**Бундан келиб чиқиб, қуйидаги вазифалар белгилаб олинди:**

*биринчидан,* пандемиядан олдинги ҳамда пандемия шароитида тижорат банклари кредит портфе-

лидаги ўзгаришларни таҳлил қилиш орқали мавжуд муаммолар ва рискларни аниқлаш;

*иккинчидан,* тижорат банклари томонидан жалб этилган депозитлар таркибини ўрганиш орқали депозит хизматлари ҳажмини янада оширишга тўсқинлик қилувчи омилларни аниқлаш;

*учинчидан,* амалга оширилган таҳлил натижалари асосида тижорат банкларининг кредит ва депозит сиёсати самарадорлигини таъминлаш бўйича илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқиш.

## ТАҲЛИЛ ВА НАТИЖАЛАР

Илмий тадқиқот иши олдига қўйилган вазифалардан келиб чиқиб, асосий эътиборни тижорат банкларининг кредитлаш, шунингдек, жисмоний ва юридик шахслар маблағларини депозитларга жалб этиш бўйича фаолиятининг ўзига хос хусусиятларини таҳлил этишга қаратамиз.

Таҳлилнинг дастлабки босқичида пандемиядан олдин (2019 йил) ва пандемия даври (2020 йил) давомида тижорат банкларининг кредит портфелида юз берган ўзгаришларни тадқиқ қиламиз.




**1-расм. Тижорат банклари томонидан иқтисодиёт тармоқларига 2019-2020 йилларда ажратилган кредитлар динамикаси (млрд. сўмда)**

***Манба:*** *Ўзбекистон Республикаси Марказий банки маълумотлари асосида муаллифлар томонидан тайёрланган.*

1-расм маълумотларидан кўринадики, пандемия таъсирини камайтириш борасида кўрилган чора-тадбирлар натижасида мамлакат иқтисодиётининг ривожланиши секинлашди, хўжалик юритувчи субъектларга ажратилаётган кредитлар ҳажми камайиб бориш тенденциясини намоён қилди. Тижорат банклари томонидан 2019 йилда жами 140 762,4 млрд. сўмлик кредитлар ажратилган бўлса, 2020 йилда уларнинг ҳажми 127 207,5 млрд. сўмгача (9,6 фоизга) камайган. Кредитлаш ҳажмининг пасайиши савдо ва умумий овқатланиш соҳасида (90,08 фоизгача), транспорт ва коммуникация соҳасида (92,5 фоизгача), саноат соҳасида (95,9 фоизгача), қурилиш соҳасида (9,3 фоизгача) ва иқтисодиётнинг бошқа субъектларида (62,08 фоизгача) кузатилган. Айни пайтда жисмоний шахсларга ажратилган кредитлар ҳажми 2019 йилдаги 26 477 млрд. сўмдан 2020 йилда 28 466 млрд. сўмгача, қишлоқ хўжалиги соҳасини қўллаб-қувватлашга йўналтирилган кредитлар мос равишда 14 051,7 млрд. сўмдан 18 772,2 млрд. сўмгача ошган.

Тижорат банкларининг кредитлаш амалиётини таҳлил қилиш кўламини кенгайтириш мақсадида кредитлаш объектларининг таркибий тузилмасини кўриб чиқамиз.

**1-жадвал**

**2019 - 2020 йилларда тижорат банклари томонидан мақсадли йўналишларга ажратилган кредитлар динамикаси, (млрд. сўм ва фоизда)**

| т/р | Кўрсаткичлар | 2019 йил | фоизда | 2020 йил | фоизда | 2019 йилга нисбатан ўзгариши |
|---|---|---|---|---|---|---|
| 1 | **Асосий воситалар сотиб олиш учун** | 41 110,0 | 29,2 | 39 009,8 | 30,7 | 94,9 |
| 2 | **Айланма маблағларни тўлдириш учун** | 33 276,4 | 23,6 | 43 797,0 | 34,4 | 131,6 |
| 3 | **Юридик шахсларга янги қурилиш ва реконструкция учун** | 15 714,1 | 11,2 | 10 462,2 | 8,2 | 66,5 |
| 4 | **Аҳолига уй-жой қуриш ва сотиб олиш учун** | 7 366,0 | 5,2 | 9 163,5 | 7,2 | 124,4 |
| 5 | **Бошқа мақсадлар** | 43 296,0 | 30,8 | 24 775,0 | 19,5 | 57,2 |
| | **Жами** | **140 762,4** | **100,0** | **127 207,5** | **100,0** | **90,4** |

***Манба:*** *Ўзбекистон Республикаси Марказий банки маълумотлари асосида муаллифлар томонидан тайёрланган.*

1-жадвал маълумотларидан кўринадики, 2020 йилда тижорат банклари кредит портфелида иқтисодиёт субъектлари айланма маблағларини тўлдириш, аҳолига уй-жой қуриш ва сотиб олиш учун ажратилган кредитлар ҳажми ошиб борган. Асосий воситаларни сотиб олиш, юридик шахсларга янги қурилиш ва реконструкция қилиш учун, шунингдек, бошқа мақсадларга ажратилган кредитлар ҳажми камайган. Қайд этишимиз лозимки, кредит портфелида айланма маблағларни тўлдириш ва жисмоний шахсларга ажратилган кредитлар салмоғининг ошиб бориши тижорат банклари учун жиддий рискларни юзага келтириши мумкин.

Таҳлилнинг келгуси босқичида тижорат банклари томонидан ажратилаётган кредитлар бўйича фоиз ставкалари динамикасини кўриб чиқамиз.

**Тижорат банклари томонидан 2019 йилда жами 140 762,4 млрд. сўмлик кредитлар ажратилган бўлса, 2020 йилда уларнинг ҳажми 127 207,5 млрд. сўмгача (9,6 фоизга) камайган. Кредитлаш ҳажмининг пасайиши савдо ва умумий овқатланиш соҳасида (90,08 фоизгача), транспорт ва коммуникация соҳасида (92,5 фоизгача), саноат соҳасида (95,9 фоизгача), қурилиш соҳасида (9,3 фоизгача) ва иқтисодиётнинг бошқа субъектларида (62,08 фоизгача) кузатилган.**




**2-расм. 2019-2020 йиллар ҳамда 2021 йилнинг январь-март ойларида тижорат банклари томонидан ажратилган кредитлар бўйича ўртача тортилган (ўртача салмоқли) фоиз ставкалари динамикаси, фоизда**

***Манба:*** *Ўзбекистон Республикаси Марказий банки маълумотлари асосида муаллифлар томонидан тайёрланган.*

2-расм маълумотларидан кўринадики, 2019 йилда ажратилган кредитлар бўйича ўртача тортилган (ўртача салмоқли) фоиз ставкалари ошиб борган. 2019 йилнинг январь ойида ўртача тортилган(ўрта салмоқли) фоиз ставкалари 22,6 фоизни ташкил этган бўлса, апрель ойида 23,8 фоизни, июль ойида 24,2 фоизни, декабрь ойида 24,8 фоизгача кўтарилган. 2020 йилнинг апрель ойидан бошлаб, коронавирус пандемиясининг салбий таъсирини юмшатиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан кредит ставкалари максимал миқдорини чеклаш борасидаги чора-тадбирларни амалга оширилиши фоиз ставкаларининг нисбатан пасайишини таъминлади. Жумладан, 2020 йилнинг январь ойида ажратилган кредитлар бўйича ўртача тортилган(ўрта салмоқли) фоиз ставкаси 25,8 фоизга тенг бўлган бўлса, октябрь ойида фоиз ставкалари 19,2 фоизгача, декабрь ойида эса 18,8 фоизгача камайди. Аммо 2020 йилнинг 1 октябридан Марказий банк томонидан ўрнатилган чекловларнинг бекор қилиниши 2021 йилнинг январь-март ойлари давомида кредитлар бўйича ўртача тортилган(ўртача салмоқли) фоиз ставкаларининг 20,8 фоиздан 21,4 фоизгача кўтарилишига олиб келди.

Тижорат банклари депозит операцияларини тадқиқ қилишдан олдин ажратилаётган кредитларнинг ресурс манбалари таркибини таҳлил қилиш мақсадга мувофиқ. 2019 йил давомида молиялаштириш манбалари таркибида республика ҳукумати муддатли депозитлари улуши 12 фоизни, молия-кредит институтларидан жалб этилган қарз маблағлари 31 фоизни, банк мижозлари депозитлари улуши 34 фоизни, республика ҳукуматининг қарзлари 22 фоизни ташкил этган бўлса, 2020 йил мос равишда республика ҳукумати депозитлари улуши 11 фоизга (1 фоизга), банк мижозлари депозитлари 31 фоизга (3 фоизга), республика ҳукуматининг кредитлари 21 фоизга (1 фоизга) пасайган. Тижорат банклари ресурс манбаларида ушбу манбалар салмоғининг пасайиши норезидент (хорижий) молия-кредит институтларидан жалб этилган қарзлар салмоғининг 5 фоизга ошишига олиб келган [5].

Қайд этилган мавжуд ва потенциал рисклар даражасини пасайтириш маълум жиҳатдан банк секторига жисмоний ва юридик шахсларнинг вақтинчалик бўш маблағларини банк депозитларига жалб қилиш борасидаги саъй-ҳаракатлари самарадорлигига боғлиқ.

Тадқиқотнинг ушбу босқичида бугунги кунда тижорат банклари томонидан амалга оширилаётган депозит операцияларининг амалдаги ҳолати таҳлил қилинади.

**2-жадвал**

**2019-2020 йиллар давомида тижорат банклари томонидан жалб этилган депозитлар ва уларнинг таркибий тузилмаси динамикаси, (млрд. сўмда)**

| Кўрсаткичлар | 2019 йил | шундан | | | 2020 йил | шундан | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | талаб қилгунга қадар | муддатли | жамғарма | | талаб қилгунга қадар | муддатли | жамғарма |
| **Жами депозитлар** | **1 953,7** | **1 760,0** | **69,3** | **124,4** | **2 238,6** | **2 036, 0** | **50,1** | **152,3** |
| **шундан, миллий валютада:** | *1 435,8* | *1 273,1* | *39,5* | *123,1* | *1 735,9* | *1 547,0* | *39,2* | *149,7* |
| - жисмоний шахслар | 157,9 | 141,3 | 12,3 | 4,3 | 229, 1 | 210,9 | 11,2 | 7.0 |
| - юридик шахслар | 1 277,8 | 1 131,9 | 27,2 | 118,7 | 1 506,8 | 1 336,1 | 28,0 | 142,7 |
| **шундан, хорижий валютада:** | *517,8* | *486,8* | *29,7* | *1,3* | *502,6* | *489,0* | *10,5* | *3,1* |
| **- жисмоний шахслардан** | 81,03 | 71,7 | 9,01 | 0.3 | 100,8 | 91,7 | 8,4 | 0,6 |
| **- юридик шахслардан** | 436,8 | 415,1 | 20,7 | 0.9 | 401,8 | 397,3 | 2,03 | 2,5 |

***Манба:*** *Ўзбекистон Республикаси Марказий банки маълумотлари асосида муаллифлар томонидан тайёрланган.*

2-жадвал маълумотларидан кўринадики, 2019 йилда тижорат банклари томонидан жами депозитларининг 1 435,8 млрд. сўми миллий валютада, 517,9 млрд. сўми хорижий валюталарда жалб этилган. Миллий валютадаги депозитларнинг 1 273,1 млрд. сўми ва хорижий валютадаги депозитларнинг 486,8 млрд. сўми трансакцион депозитларда йиғилган маблағлардан иборат. Тижорат банклари ресурс базасини узоқ муддатли маблағлар билан мустаҳкамловчи муддатли ва жамғарма депозитлари миқдори жами жалб қилинган депозитларнинг 11,3 фоизини ташкил этган. Айни пайтда, миллий валютада жалб этилган маблағларнинг 157,9 млрд. сўми (11,0 фоизи) жисмоний шахслардан, қолган қисми (89 фоизи) юридик шахслардан жалб қилинган омонатлардан иборат. Деярли шундай ҳолатни хорижий валютада жалб этилган депозитларнинг таркибий тузилмасида (жисмоний шахслар улуши 15,6 фоиз) ҳам кузатиш мумкин. Жалб қилинган депозитлар таркибий тузилмаси 2020 йил давомида деярли ўзгаришсиз қолган. Жумладан, муддатли ва жамғарма депозитларнинг жами жалб этилган депозитлардаги салмоғи 9,9 фоизни, миллий валютадаги депозитлар ҳажмида жисмоний шахсларнинг улуши 13,2 фоизни ташкил этган, холос.

Таҳлилнинг жорий босқичида тижорат банклари томонидан таклиф этилаётган депозитлар бўйича ўртача тортилган(салмоқланган) фоиз ставкалари, шунингдек, инфляция даражаси динамикасини кўриб чиқишн мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз (3-расмга қаралсин).

3-расм маълумотларидан кўринадики, 2019 йил давомида жисмоний шахсларга таклиф этилган депозит хизматлари учун фоиз ставкалари 17,4 фоиздан 19,4 фоизга кўтарилган бўлса, 2020 йилда фоиз ставкалари 17 фоизгача камайган. 2021 йилнинг ўтган даври давомида фоиз ставкалари яна кўтарилиш теденциясига эга бўлган. Хусусан, жисмоний шахсларнинг муддатли ва жамғарма депозитлари бўйича ўртача тортилган(салмоқланган) фоиз ставкалари 2021 йилнинг февраль ойида 18,3 фоизни ташкил қилган бўлса, март ойида ушбу кўрсаткич 19,1 фоизгача кўтарилган.




**3-расм. Инфляция даражаси ва тижорат банклари томонидан жисмоний шахслардан жалб этилган депозитлар бўйича ўртача тортилган(ўртача салмоқли) фоиз ставкалари динамикаси, фоизда**

***Манба:*** *Ўзбекистон Республикаси Марказий банки маълумотлари асосида муаллифлар томонидан тайёрланган.*

Шу ўринда қайд этишимиз лозимки, муомаладаги пул массасининг етарлилиги, арзон ва узоқ муддатли пул маблағлари таклифи даражаси аҳолининг жамғариш кайфиятига ижобий таъсир ўтказади. Аксинча, ҳолатда (инфляция даражасининг салбий таъсирини ҳисобга олиб) кредит олиш кайфиятининг жамғариш кайфиятига нисбатан юқори бўлишига олиб келади. Шу билан бир қаторда, аҳолининг иқтисодий фаоллиги ва муомаладаги пул массаси ўртасида тўғри пропорционал алоқадорлик мавжудлигини эътибордан четда қолдирмаслик зарур [6].

**3-жадвал**

**Ялпи ички маҳсулот ва муомаладаги пул массаси динамикаси* (млрд. сўм ва фоизда)**

| Йиллар | ЯИМ (жорий нархларда) | Кенг маънодаги пул массаси (М2**) | ЯИМ даги салмоғи % | Хорижий валютадаги депозитлар (миллий валюта экививалентида) | ЯИМ даги салмоғи % | Кенг маънодаги пул массасида хорижий валютадаги депозитлар салмоғи % |
|---|---|---|---|---|---|---|
| **2016** | 242 495,5 | 52 226 | 21,5 | 8 758 | 3,6 | 16,8 |
| **2017** | 302 536,8 | 73 223 | 24,2 | 25 699 | 8,5 | 35,1 |
| **2018** | 406 648,5 | 74 066 | 18,2 | 25 757 | 6,3 | 34,8 |
| **2019** | 510 117,2 | 91 266 | 17,9 | 28 480 | 5,6 | 31,2 |
| **2020** | 580 203,2 | 107 604 | 18,5 | 34 506 | 5,9 | 32,1 |

***Манба:*** *Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ва Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида муаллифлар томонидан тайёрланган.*

** М2 - кенг маънодаги пул массаси муомаладаги нақд пуллар, талаб қилиб олгунча, жамғарма ва муддатли депозитлар, тижорат банклари томонидан чиқарилган миллий валютадаги қимматли қоғозлар (акциялардан ташқари) ҳамда хорижий валютадаги депозитларни ўз ичига олади.*

3-жадвал маълумотларидан кўринадики, муомаладаги пул массаси (М2 кенг маънодаги пул массаси) ялпи ички маҳсулотдаги салмоғи 2018-2020 йиллар давомида пасайиб борган. Хусусан, 2016 йилда ЯИМ ва пул массаси ўртасидаги нисбат 21,5 фоизни, 2017 йилда 24,2 фоизни ташкил этган бўлса, ушбу кўрсаткич 2018 йилда 18,2 фоизни, 2019 йили 17,9 фоизни, 2020 йили 18,5 фоизни ташкил этган. Бунда шуни эътиборга олиш лозимки, кенг маънодаги пул массасининг умумий ҳажмида хорижий валютадаги депозитлар ҳажми 2016 йилдаги 16,8 фоиздан 2020 йилдаги 32,1 фоизгача кўпайган. Хорижий валютадаги депозитлар ҳажмининг ошиб бориши (муайян жиҳатдан 2017 йилда валюта сиёсатини либераллаштириш чора-тадбирлари давомида хорижий валюталар курсининг кескин кўтарилиши ҳисобига) ва нақд хорижий валютанинг (2020 йилдаги трансчегаравий пул ўтказмалари ҳажми 6,03 млрд. АҚШ долларига тенг бўлган ва уларнинг асосий қисми банк кассаларидан нақд кўринишда олинган) кўпайиши уларнинг турли хилдаги тўловларда иштироки даражасини оширган ҳолда пул муомаласи ва тўловлар (асосан чакана ва қисман улгуржи тўловлар) тизимида миллий валютанинг роли ва аҳамиятини камайтирувчи омил бўлиб қолиши мумкин. Бундай ҳолат аҳолининг жамғариш кайфиятига салбий таъсир ўтказади.

## ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР

**Тижорат банкларининг кредит операциялари ва депозит сиёсати самарадорлигини таъминлашнинг алоҳида хусусиятлари таҳлили асосида коронавирус пандемияси ва ундан кейинги даврда мамлакатимиз банк сектори фаолияти самарадорлигини таъминлаш борасида қуйидаги муаммолар ва рисклар мавжудлигини эътироф этишимиз мумкин:**

*биринчидан,* тижорат банклари томонидан ажратилаётган кредитлар самарадорлиги етарли даражада эмаслиги ҳисобига иқтисодиётда кредитларнинг ЯИМга нисбати (credit gap)нинг сезиларли ўсиб бориш муаммосининг мавжудлиги. Жумладан, сўнгги уч йил (2018-2020 йиллар) давомида реал секторни кредитлаш ҳажми деярли 3,5 баробарга ўсишига қарамасдан кредитларнинг мамлакат иқтисодий ўсишига ҳиссаси нисбатан паст даражада бўлиб қолмоқда. Бунда кредитлаш ҳажмининг ошиши ва мамлакатнинг иқтисодий ўсиши суръатлари ўртасидаги фарқнинг юзага келиши кредит самарадорлигининг таъминланмаганлиги билан бир қаторда, импорт қилинадиган маҳсулотлар ҳисобига истеъмолнинг (2018-2020 йиллар давомида якуний истеъмолнинг умумий ҳажмида импорт улуши 48 фоиздан 63 фоизгача кўпайган) қондирилиши даражасининг ошиб бориши ҳамда тижорат банклари кредит портфелида хорижий валютадаги кредитлар улушининг юқори бўлишини (2020 йил якунида жами кредитларнинг деярли 47 фоизи) қайд этиш мумкин;

*иккинчидан,* тижорат банклари томонидан иқтисодиёт субъектлари, жумладан жисмоний шахсларга ажратилган кредитларнинг белгиланган муддатларда сўндирилиши муаммосининг мавжудлиги. Хусусан, тижорат банклари томонидан 2020 йилда жами 127,3 трлн. сўм миқдорида кредитлар ажратилган бўлса, уларнинг қайтувчанлик даражаси 59 фоизга (мазкур кўрсаткич 2018 – 2020 йиллар давомида 66 фоизни ташкил этган) тенг бўлган. Кредитлар қайтувчанлигининг энг юқори даражаси қишлоқ хўжалигида (100,4 фоиз), энг паст даражаси эса савдо ва умумий овқатланиш соҳасида (45 фоиз) кузатилган. 2021 йилнинг 1 апрель ҳолатига

**2016 йилда ЯИМ ва пул массаси ўртасидаги нисбат 21,5 фоизни, 2017 йилда 24,2 фоизни ташкил этган бўлса, ушбу кўрсаткич 2018 йилда 18,2 фоизни, 2019 йили 17,9 фоизни, 2020 йили 18,5 фоизни ташкил этган. Бунда шуни эътиборга олиш лозимки, кенг маънодаги пул массасининг умумий ҳажмида хорижий валютадаги депозитлар ҳажми 2016 йилдаги 16,8 фоиздан 2020 йилдаги 32,1 фоизгача кўпайган.**

тижорат банкларининг жами кредит портфелида (283 485 трлн. сўм) муаммоли кредитлар ҳажми (10 178 трлн. сўм) 3,6 фоизни ташкил этган. Муаммоли кредитлар ҳажмининг энг катта миқдори Хай-Тек банкда (89,4 фоиз), Туркистон банкда (86,7 фоиз), Ўзагроэкспортбанкда (55,5 фоиз), Савдогар банкда (13,8 фоиз), Пойтахтбанкда (7,1 фоиз) ва Ҳамкорбанкда (5,0 фоиз) кузатилган;

*учинчидан,* умумий молиялаштириш манбалари таркибида банк мижозлари депозитлари улушининг қисқариши ҳамда хорижий молия-кредит ташкилотларидан жалб этилган қарзлар ҳажмининг юқори суръатларда ўсиб бориши муаммоси. Хусусан, тижорат банкларининг жами мажбуриятларида хорижий молия-кредит ташкилотларидан жалб этилган қарз маблағларининг улуши 2019 йилнинг 1 январь ҳолатига 104,4 трлн. сўмни ташкил этган бўлса, ушбу кўрсаткич 2020 йилнинг 1 январига келиб 105,3 трлн. сўмни, 2021 йилнинг 1 январида 151,7 трлн. сўмга етган ёки 2018 йилга нисбатан 45,3 фоизга кўпайган. Бундай ҳолат тижорат банклари мажбуриятларининг долларлашиш даражасининг ошиши ҳамда иқтисодиётда валюта рискларининг тўпланиб бориш эҳтимолини кўпайтиради. Шу билан бир қаторда, хорижий банклар ресурс манбаси ҳисобланувчи “бошқа банклардаги маблағлар-норезидентлар” ҳисобварақларида маблағларнинг ошиб бориши (01.01.2019 йилда 13,5 трлн. сўм , 01.01.2020 йилда 15,4 трлн. сўм, 01.01.2021 йилда 21,7 трлн. сўм) ресурслар самарадорлигини пасайтирувчи омиллардан бири ҳисобланади;

*тўртинчидан,* тижорат банклари кредит портфелида жисмоний шахсларга ажратилган кредитлар улушининг кўпайиши ва қарз юки даражасининг ошиб бориш муаммоси. Хусусан, жисмоний шахсларнинг қарзга хизмат кўрсатиш коэффициенти (аҳолининг қарз юкини ифодаловчи кўрсаткич бўлиб, қарздорнинг кредитлар бўйича тўловлари ҳажмининг даромадларига нисбати сифатида ҳисобланади) 2020 йилнинг январь-сентябрь ойларида 34 фоизни ташкил этиб, 2017 йилга нисбатан 8 фоизга, 2019 йилга нисбатан 1 фоизга кўпдир. Гарчи 2017-2020 йиллар давомида уй хўжаликлари даромадлари ҳажмининг ўсиш суръати 1,2 бароборни ташкил этган бўлса, уларнинг банк кредитлари бўйича мажбуриятлари 3,8 баробарга ёки 37,8 трлн. сўмга ошган. Кредитлаш ҳажмининг бундай кескин ўсиши биринчи навбатда, қарз олувчилар сонининг 2,4 баробарга кўпайиши ҳисобига юзага келган. Кредитлар бўйича қарздорлар сони умумий иқтисодий фаол аҳолининг 21 фоизини ташкил этади. Шунингдек, тижорат банклари томонидан жисмоний шахсларга ажратилган кредитларнинг юқори ўсиш суръатлари ва уларнинг депозитларга нисбатан икки бароборга кўплиги аҳолида кредит олиш кайфиятининг жамғариш кайфиятига нисбатан юқорилигидан далолат беради;

*бешинчидан,* тижорат банклари томонидан иқтисодиёт субъектларини кредитлашда ҳудудий дифференциацияланиш даражасининг катталиги муаммоси. Жумладан, 2020 йил давомида ажратилган жами 127207,5 млрд.сўмлик кредитларнинг 49 477,8 млрд. сўми ёки 38,9 фоизи Тошкент шаҳри ҳиссасига тўғри келган. Айни пайтда Сирдарё вилоятига 4 341,5 млрд. сўм (3,4 фоиз), Сурхондарё вилоятига 5 314,5 млрд. сўм (4,1 фоиз), Қашқадарё вилоятига 6 558 млрд. сўм (5,2 фоиз), Самарқанд вилоятига 6 851,5 (5,4 фоиз) млрд. сўм ажратилган холос. Кредит маблағларининг бундай тақсимоти ҳудудий ривожланишда номутаносибликларни келтириб чиқариши мумкин.

**Юқорида қайд этилган мазкур муаммоларнинг банклар фаолияти самарадорлигига салбий таъсирини бартараф этиш учун қуйидаги чора-тадбирларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ:**

1. Иқтисодиётга инфляцион босимни кучайтирувчи омиллар асосан жаҳон бозорида озиқ-овқат маҳсулотлари нархларининг ўзгарувчанлиги ҳамда иқтисодиёт субъектларида келажакдаги тенденциялар бўйича ноаниқликларнинг вужудга келиши билан боғлиқлигини эътиборга олган ҳолда тижорат банклари томонидан ажратилаётган кредитлар тўлиқ циклли лойиҳаларни молиялаштиришга йўналтирилиши лозим. Бу орқали ташқи муҳитда юзага келаётган салбий тенденцияларнинг мамлакат иқтисодиётига таъсири пасаяди, якуний истеъмол маҳсулотларида импорт улуши камаяди, шунингдек, инфляция омилларининг мувозанатлашуви таъминланади.

2. Тижорат банклари ресурс базасида аҳоли депозитлари ҳажмини ошириш учун инфляция даражасига “корректировка” қилинадиган омонат турларини жорий этиш зарур. Бу муайян даврда депозитлар бўйича фоиз ставкаларининг кўтарилиши мумкинлигига қарамасдан, узоқ муддатли истиқболда банклар ва аҳоли ўртасида ҳақиқий ҳамкорлик алоқаларининг ўрнатилишига олиб келади. Бундан ташқари, норасмий секторнинг асосий мо-

лиявий манбаларидан бири бўлган трансчегаравий пул ўтказмаларини банк айланмасига жалб этиш имконияти кенгаяди.

3. Пандемия инқирози ва ундан кейинги даврда иқтисодий фаолликни таъминлаш мақсадида “арзон ва узун пуллар” сиёсатини амалга ошириш мақсадга мувофиқ. Бундай сиёсат ривожланаётган мамлакатлар марказий банклари амалиётига жорий этилган. Хусусан, 2021 йил январь ҳолатига Украина миллий банкида ҳисоб ставкаси 7,50 фоизни, Россия банкида 5,00 фоизни, Ҳиндистон захира банкида 4,00 фоизни, Хитой халқ банкида 3,85 фоизни, Австралия захира банкида 0,10 фоизни ташкил этган. Мазкур сиёсат замирида муомаладаги пул массасининг камайиши ва ҳисоб ставкаларининг ошиб бориши иқтисодий инқирозларни юзага келтирувчи омиллардан бири деган илмий қарашлар мавжуд ва у кўплаб мамлакатлар мисолида ўз исботини топган.

***Манба ва адабиётлар***

1. *https://www2.deloitte.com/global/en/pages/financial-services/topics/banking-capital-markets.html?icid=top_banking-capital-markets*

2. *Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Пул-кредит сиёсати шарҳи, 2020 йил, IV чорак.*

3. *https://www.communitybankingconnections.org/articles/2017/i2/banks-are-becoming-more-efficient*

4. *Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 12 майдаги “2020 – 2025 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасининг банк тизимини ислоҳ қилиш стратегияси тўғрисида” ПФ-5992-сонли Фармони. (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 13.05.2020 й., 06/20/5992/0581-сон).*

5. *Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Статистик бюллетени. Т., 2020 й.*

6. *Friedman Milton, and Anna J. Schwartz (1963). A Monetary History of the United States, 1867-1960. Princeton, N.J.: Princeton University Press for NBER.*

**Тижорат банклари фаолиятининг стратегик самарадорлигини таъминлаш масалалари**

**Зафаржон Рахманов,**
*PhD (иқтисодиёт фанлари бўйича), доцент,*
*Ёшлар муаммоларини ўрганиш ва истиқболли кадрларни тайёрлаш институти кафедра мудири,*
**Фахритдин Даминов,**
*Ёшлар муаммоларини ўрганиш ва истиқболли кадрларни тайёрлаш институти мустақил изланувчиси*

**Аннотация:** *мақолада коронавирус пандемиясидан олдинги ва пандемия шароитида тижорат банклари кредит портфели ҳамда ресурс базасидаги ўзгаришлар натижасида юзага келаётган тенденциялар, муаммолар ва рисклар таҳлил қилинган. Шу билан бир қаторда, банк фаолиятининг стратегик самарадорлигини таъминлаш юзасидан тегишли таклиф ва тавсиялар ўз ифодасини топган.*

**Калит сўзлар:** *банк, банк фаолияти самарадорлиги, кредит портфели, кредитлар таркибий тузилмаси, ресурс базаси, фоиз ставкалари, инфляция даражаси, пул массаси, тенденциялар.*

**Вопросы обеспечения стратегической эффективности деятельности коммерческих банков**

**Зафаржон Рахманов,**
*PhD (по экономическим наукам), доцент,*
*Заведующий кафедрой Института изучения проблем молодежи и подготовки перспективных кадров,*
**Фахритдин Даминов,**
*независимый соискатель института изучения проблем молодежи подготовки перспективных кадров*

**Аннотация:** *в данной статье проанализированы тенденции, проблемы и риски связанные с изменениями в структуре кредитного портфеля и ресурсной базы коммерческих банков в период до и после пандемии. Кроме того, изложены рекомендации авторов по обеспечению стратегической эффективности банковской деятельности.*

**Ключевые слова:** *банк, эффективность банковской деятельности, кредитный портфель, структура кредитных вложений, ресурсная база, процентные ставки, уровень инфляции, денежная масса, тенденции.*

**Strategic efficiency of commercial banks**

**Zafarjon Rakhmanov,**
*PhD (in Economics), Associate Professor,*
*Head of the Department of the Institute for the Study of Youth Problems and the Training of Promising Personnel,*
**Fakhritdin Daminov,**
*independent seeker of the Institute for the Study of Youth Problems and Training of Perspective Personnel*

**Abstract:** *his article analyzes the trends, problems and risks associated with changes in the structure of the loan portfolio and the resource base of commercial banks in the period before and after the pandemic. In addition, the authors' recommendations on ensuring the strategic efficiency of banking activities are presented.*

**Keywords:** *bank, banking efficiency, loan portfolio, structure of loan investments, resource base, interest rates, inflation rate, money supply, trends.*

**УЎК: 338.512**

**Шахноза ЛАТИПОВА,**
*Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти*
*“Молия” кафедраси ўқитувчиси,*
**latipova_shaxnoz@mail.ru**

# Молиявий таҳлил асосида лизингга олувчи фаолиятини баҳолашнинг ўзига хос хусусиятлари

**КИРИШ**

Лизинг лойиҳасида лизингга олувчини молиявий баҳолаш лизинг жараёнининг асосий таркибий қисмларидан бири бўлиб ҳисобланади. Лизингга олувчини баҳолаш ва таркиблаш босқичида асосий мақсад лизинг муносабатларини амалга оширишда лизингга олувчи фаолиятида юзага келадиган рискларини минималлаштиришга қаратилган бўлиб, ушбу мақсадга эришиш лойиҳада иштирок этиш бўйича мақсадли қарор қабул қилишда бевосита кутилаётган рискларни аниқлаш, уларни таҳлил қилиш, лойиҳада иштирок этишнинг мавжуд шартлари ва иқтисодий йўқотишлардан ҳимояланишнинг олдини олиш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқиш орқали намоён бўлади.

Хўжалик юритувчи субъектлар, хусусан, лизингга олувчи қарздор субъектларнинг молиявий ҳолати ва уни таҳлил қилиш бўйича маҳаллий ва хорижий муаллифлар томонидан жуда ҳам кўп адабиётлар чоп этилган ҳамда илмий қарашлар баён этилган. Уларни ўрганиш натижасида шундай хулосага келиш мумкинки, хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг самарадорлигини ўрганиш ва натижавийлигини баҳолаш доимо томонлар (раҳбарлар, мулк эгалари, кредиторлар ва контрагентлар) учун муҳим масалалардан бири бўлган.

**АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ**

Миллий иқтисодчиларимиздан А.У.Бурхановнинг илмий ишларида хўжалик юритувчи субъектлар (саноат корхоналари) фаолиятини молиявий таҳлил қилиш масалаларига кенг тўхталиб ўтилган. Олим томонидан таклиф этилган молиявий барқарорлик коэффициентлари хўжалик юритувчи субъект ва унинг кредиторлари ўртасида рискнинг тақсимланишини ифодалашда қўлланилади [1]. Хўжалик юритувчи субъектларнинг ликвидлик масалалари эса иқтисодчи олим Б.Ж.Хакимов ва У.Холмирзаевлар томонидан кенг ёритилган бўлиб, улар асосий эътиборни молиявий активлар таркибида пул маблағларининг аҳамиятига қаратишган [2].

М.Рахимов томонидан иқтисодий субъектлар молиявий ҳолати таҳлил қилинган ва бу тушунчага иқтисодий категория сифатида таъриф берилган [3]. Шунингдек, иқтисодий субъектларнинг молиявий ҳолатининг таҳлилини кенг кўрсаткичлар тизими орқали, комплекс усулларидан фойдаланиб ёндашиш А.В.Ваҳобов бошчилигидаги бир гуруҳ олимлар томонидан таклиф этилган [4]. Ушбу олимлар томонидан корхона, фирма ва компанияларнинг иқтисодий мустақил ҳамда молиявий барқарор фаолият кўрсатишларида уларни оқилона бошқариш, ҳисоб-китоб юритилишини бозор иқтисодиёти талабларига мослаш, молиявий менежмент ишларини йўлга қўйиш, мавжуд моддий, молиявий ва меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланган ҳолда ишлаб чиқариш ёки хизмат кўрсатишни ташкил этиш, бунинг натижасида юқори фойдага эришиш каби масалаларни ҳал қилишда молиявий таҳлилнинг аҳамияти ёритиб ўтилган [5].

Лизинг хизматлари гарчи илмий жиҳатдан нисбатан камроқ ўрганилган бўлсада, қарздор, хусусан лизингга олувчининг кредитга лаёқатлилиги масаласига хорижий илмий адабиётларда кенг тўхталиб ўтилган. Жумладан, банк қарздорининг кредитга қобилияти рус иқтисодчи олимлари Бондаренко С.В. [6], Ильясов С.М. [7], Ковалев В.А., Воронова Е.А. [8], Соколова Н.А. [9], Беспалова В.И. [10] томонларидан ёритилган бўлса, айнан лизингга олувчини баҳолаш учун фойдаланиш мумкин бўлган молиявий таҳлил масалалари Балабанов

И.Т. [11], Бланк И.А. [12], Бочаров В.В. [13], Ефимова О.В. [14], Ковалев В.В., Соколова Н.А. [15], Шеремета А.Д. [16] томонидан тадқиқ этилган.

**АСОСИЙ ҚИСМ**

Лизингга олувчининг тўловларни ўз вақтида амалга оширмаслиги билан боғлиқ кредит риски лизинг компанияси учун муҳим аҳамиятга эга бўлганлиги туфайли лойиҳани баҳолашда лизингга олувчининг молиявий ҳолати асосий ўринни эгаллайди. Шу сабабли маълум бир молиявий кўрсаткичлардан фойдаланган ҳолда лизингга олувчи фаолиятини молиявий таҳлил қилиш мақсадга мувофиқ. Миллий иқтисодиётимизда ана шундай кўрсаткичлар (мезонлар) сифатида қуйидагилардан фойдаланилади:

- тўлов қобилияти ёки қоплаш коэффициенти – Тққ;
- ўз айланма маблағлари билан таъминланганлик коэффициенти –Ўак;
- активларнинг ва харажатларнинг рентабеллилик коэффициенти – Арк, Хрк;

**Якуний қарорга келиш учун қуйидаги қўшимча кўрсаткичлардан ҳам фойдаланиш мумкин:**

- қисқа муддатли қарз ва ўз маблағларининг нисбат коэффициенти – Ўққ;
- ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланиш коэффициенти – Қфк;
- асосий воситаларнинг эскириш коэффициенти – Авэк.

**Бунда молиявий таҳлил этилиши лозим бўлган корхона, яъни лизингга олувчилар қуйидаги кўрсаткичлар орқали танлаб олинади:**

- пуллик мажбуриятлар ва мажбурий тўловлар бўйича уларни тўлаш кунидан уч ойдан ортиқ муддати ўтган кредиторлик қарзларининг мавжудлиги;
- корхонанинг тўловга қобилиятсизлиги, яъни қисқа муддатли қарзларини жорий активлари билан қоплай олмаслиги;
- паст рентабеллилик ёки зарарлилик.

Ҳар бир кўрсаткичга қисқача тўхталиб ўтамиз. Тўлов қобилияти (қоплаш) коэффициенти нафақат дебиторлар билан ўз вақтида ҳисоб-китоб қилиш ва тайёр маҳсулотни қулай шароитда сотиш шарти билан, балки бошқа моддий жорий (айланма) маблағлар элементлари шароитида баҳоланувчи корхонанинг тўловга қобиллигини кўрсатади. Коэффициентнинг камайиши корхона тўлов имкониятларининг пасайиши ҳақида хабар беради.

Коэффициент қуйидаги формула бўйича ҳисобланади [17]:

$$\text{Тққ} = \frac{\text{жорий (айланма) активлар}}{\text{жорий мажбуриятлар}} =$$

$$\frac{\text{баланс активининг II бўлими (390−сатр)}}{\text{баланс пассивининг II бўлими (770−сатр)− бухгалтерия баланси (490−сатр)}}$$

Ўз айланма маблағлари билан таъминланганлик коэффициенти молиявий мустаҳкамлик, корхона эгалари ва кредиторлар манфаатларининг нисбати учун зарур бўлган корхонанинг ўз айланма маблағларининг мавжудлигидан далолат беради.

Коэффициент қуйидаги формула бўйича ҳисобланади [17]:

$$\text{Ўак} = \frac{\text{ўз маблағлари манбалари (баланс пассиви I бўлимининг натижаси 480−сатр)}}{\text{баланс активининг II бўлими (390−сатр)}} +$$

$$\frac{\text{узоқ муддатли активлар олишга сарфланган узоқ муддатли қарз (кредит)лар (бух.баланси 570 ва 580−сатрлар)}}{\text{баланс активининг II бўлими (390−сатр)}}$$

$$- \frac{\text{узоқ муддатли активлар баланс активининг I бўлими,130−сатр}}{\text{баланс активининг II бўлими (390−сатр)}}$$

Ушбу каср сурати корхона ўз маблағлари суммасининг қанча қисми айланма маблағларга йўналтирилгани, махражи – барча айланма маблағлар суммасини кўрсатади.

Рентабеллик коэффициенти корхонанинг молиявий-хўжалик фаолиятининг фойдалилик (зарарлилик) даражасини кўрсатади.

Харажатлар рентабеллиги коэффициенти қуйидаги формула бўйича ҳисобланади:

$$Хрк = \frac{Стф \text{ ( Фойда солиғини тўлагунга қадар фойда)}}{Х \text{ ( жами харажатлар)}}$$

Стф – Фойда солиғини тўлагунга қадар фойда “Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот” 2-сонли шаклнинг 240-сатр 5-устуни, ёки Фойда солиғини тўлагунга қадар зарар “Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот” 2-сонли шаклнинг 240-сатр 6-устуни “–” белгиси билан;

Х – жами харажатлар, “Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот” 2-сонли шаклдан сатрлар (020 “6-устун” + 040 “6-устун” + 170 “6-устун” + 230 “6-устун”) йиғиндиси.

Активлар рентабеллиги коэффициенти фақатгина йил якунларига кўра қуйидаги формула бўйича ҳисобланади:

$$Арк = \frac{Стф \text{ ( Фойда солиғини тўлагунга қадар фойда)}}{\text{баланснинг жами активи ёки пассивининг ўртача қиймати}}$$

Ўз ва қисқа муддатли қарз маблағларининг нисбат коэффициенти қарз маблағларини ўз манбалари орқали қайтариш билан таъминланганлик даражасини белгилайди.

Коэффициент қуйидаги формула бўйича ҳисобланади [17]:

$$Ўқк = \frac{\text{ўз маблағлари манбалари (баланс пассиви I бўлим 480−сатр)}}{\text{мажбуриятлар, ( баланс пассиви II бўлими,770−сатр)−узоқ муддатли мажбуриятлар (бухгалтерия баланси 490−сатр)}}$$

Коэффициентнинг пасайиб бориши корхона молиявий таваккалчиликнинг ошиб боришини англатади.

Ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланиш коэффициенти ишлаб чиқариш қувватларининг юкланиш даражасини билдирувчи кўрсаткичдир [17]:

$$Кфк = \frac{Q\text{ҳақ.}}{Q\text{лойиҳа} — (Q\text{ижара} + Q\text{консерв.})}$$

Бу ерда:

$Q_{\text{ҳақ.}}$ – таққосланадиган қиймат кўринишидаги ҳисобот даврида чиқарилган маҳсулот (кўрсатилган хизматлар)нинг ҳақиқий ҳажми;

$Q_{\text{лойиҳа}}$ – таққосланадиган қиймат кўринишидаги белгиланган вақт давомида маҳсулот чиқариш (хизматлар кўрсатиш)нинг энг кўп ҳажми, унга асосий технологик ускуналардан тўлиқ фойдаланиш ва белгиланган иш режимига риоя қилиш орқали эришиш мумкин;

$Q_{\text{ижара}}$ – ижарага берилган (таққосланадиган) қувватлардаги маҳсулот ҳажмлари;

$Q_{\text{консерв.}}$ – консервацияланган (таққосланадиган) қувватлардаги маҳсулот ҳажмлари.

Асосий воситаларнинг эскириш коэффициенти асосий фонднинг давр учун эскириш улушини билдирувчи кўрсаткич бўлиб, асосий воситаларнинг бошланғич нархига нисбатан эскириш қийматини аниқлайди [17].

$$Кфк = \frac{\text{асосий воситаларнинг эскириши,«Бухгалтерия баланси» 1−сон шакл, 011−сатр.}}{\text{асосий воситаларнинг бирламчи қиймати,«Бухгалтерия баланси» 1−сон шакл,010−сатр}}$$

Ушбу кўрсаткичларнинг якуний моҳияти қуйидаги жадвалда келтирилган (1-жадвал).

**1-жадвал**

**Миллий иқтисодиётимизда хўжалик юритувчи субъектлар молиявий ҳолатини аниқлашда қўлланиладиган молиявий кўрсаткичлар ва уларнинг моҳияти**

| № | Кўрсаткичлар | Якуний кўрсаткич моҳияти | Молиявий ҳолат |
|---|---|---|---|
| 1 | Тўловга қобиллик коэффициенти | >1,25 | Корхона тўлов қобилиятига эга |
| 2 | Ўз айланма маблағлари билан таъминланганлик коэффициенти | Ўз айланма маблағлари билан таъминланганлик коэффициенти<br>≥ 0,2 | Ўз айланма маблағлари билан таъминланган |
| 3 | Рентабеллик коэффициенти | < 0 | Зарар кўриб ишлаётган |
| | | $0 < P_к < 0,05$ | Корхона паст рентабеллик |
| 4 | Ўз ва қисқа муддатли қарз маблағларининг нисбат коэффициенти | > 1 | Молиявий таваккалчилик мавжуд эмас |
| 5 | Ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланиш коэффициенти | > 0,5 | Корхона ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланиш даражаси юқори |
| 6 | Асосий воситаларнинг эскириш коэффициенти | > 0,5 | Асосий воситалари сезиларли даражада эскирган |

***Манба:*** *Бурханов А.У. Саноат корхоналари молиявий барқарорлигини баҳолаш усули // “Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар” илмий электрон журнали. № 6, ноябрь-декабрь, 2018 йил; Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 14 декабрдаги “Давлат иштирокидаги корхоналарни молиявий соғломлаштириш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 1013-сонли Қарори.*

**Ушбу кўрсаткичларни аниқлаш орқали хўжалик юритувчи субъектлар иқтисодий аҳволига кўра қуйидаги гуруҳларга ажратилади:**

- иқтисодий қодир;
- иқтисодий таваккалчилик;
- иқтисодий ночор:
- тўлов қобилиятини тиклаш имкониятига эга бўлган;
- тўлов қобилиятини тиклаш имкониятига эга бўлмаган.

“Иқтисодий қодир” гуруҳига “иқтисодий таваккалчилик” ва “иқтисодий ночор” гуруҳларига кирмайдиган хўжалик юритувчи субъектлар мансуб бўлади.

“Иқтисодий таваккалчилик” гуруҳига кирувчи хўжалик юритувчи субъектлар 1-жадвалнинг 1-сатрида келтирилган тўлов қобилиятига эга эмаслик белгилари ёки 3-4-сатрида келтирилган паст рентабеллик ва молиявий таваккалчилик белгилари мавжудлигига қараб аниқланади.

“Иқтисодий ночор” гуруҳига кирувчи хўжалик юритувчи субъектлар пуллик мажбуриятлар ва мажбурий тўловлар бўйича уларни тўлаш кунидан уч ойдан ортиқ муддати ўтган кредиторлик қарзларининг мавжудлигига қараб аниқланади. Бунда “тўлов қобилиятини тиклаш имкониятига эга” хўжалик юритувчи субъектларга юқоридаги шартга асосан, лекин бу қарзни тўлаш имкониятига эга корхоналар мансуб бўлади. Қонунчиликда белгиланган миқдорда муддати ўтган кредиторлик қарздорлиги мавжуд хўжалик юритувчи субъектларда бир пайтда тўлов қобилиятига эга эмаслик, паст рентабеллик (зарар) ва ўз айланма маблағлари билан таъминланмаганлик белгилари мавжуд бўлса, у корхона “тўлов қобилиятини тиклаш имкониятига эга эмас” кичик гуруҳига мансуб бўлади.

Лизингга олувчининг молиявий ҳолатини баҳолашда кенг қўлланиладиган усулларни таққослаш натижасида шундай хулосага келиндики, халқаро амалиётда баҳолаш талабларига энг кўп жавоб берадиган усул сифатида чекланган эксперт баҳоли рейтинг модели эътиборга молик. Ушбу усул эксперт томонидан киритилиши мумкин бўлган тузатишларга асосланиб кредит рейтингини аниқлаш-

дан иборат. Кредит рейтинги маълум бир миқдор ва сифат кўрсаткичларини ўз ичига олган формула орқали аниқланади. Қоида бўйича, фақатгина миқдор кўрсаткичлари қўлланилади, сифат кўрсаткичлари эса миқдор кўрсаткичларига келтирилган ва стандартлаштирилган бўлгандагина қўлланилади. Лекин қарз олувчининг кредитга лаёқатлилигини баҳолашнинг классик рейтинг моделида лизинг фаолиятининг ўзига хос хусусиятлари ва лизинг компаниясининг риски эътиборга олинмаслиги туфайли, лизинг лойиҳасини баҳолашнинг классик рейтинг моделини баҳолашнинг кўп омилли комплекс моделига ўзгартиришга ҳаракат қиламиз (1-чизмага қаралсин).




**1-чизма. Лизинг лойиҳасини баҳолашнинг кўп омилли комплекс услубиёти**

***Манба:*** *Багрецова Н.В. Многофакторная финансовая оценка лизингового проекта на основе анализа финансового состояния: автореф… дис. кан. экон. наук. – М.: 2013. – 36 с.*

Ушбу методиканинг асосий элементлари сифатида "Лизингга олувчи тоифаси", "Лизинг объекти тоифаси", "Лизинг лойиҳаси тоифаси", чекловлар рўйхати ёки стоп-омиллар ҳамда олинган кўрсаткичлар асосида таклифлар ишлаб чиқиш ва қарор қабул қилиш жараёнини тартибга солувчи намунавий жараённи келтириб ўтиш мумкин.

Чекланган эксперт баҳоли рейтинг моделини ишлаб чиқиш эксперт мулоҳазаси ва статистик таҳлил асосида амалга ошириладиган босқичларни ўз ичига олади. Биринчи босқичда рейтингни аниқлашда қўлланиладиган кўрсаткичлар аниқланади. Иккинчи босқичда эса улуши солиштирма оғирликда ўз аксини топган ва якуний рейтинг кўрсаткичига таъсир қилувчи ҳар бир кўрсаткич ёки унинг улуши аниқланади. Учинчи босқичда эса ҳар бир кўрсаткич баҳоланади ва якуний рейтинг кўрсаткич аниқланади. Биз ушбу босқичларни қуйидаги схема кўринишида ифодалаймиз (2-чизма).




**2-чизма. Рейтинг баҳолаш тизимини ишлаб чиқиш босқичларининг схемаси**

*Манба: Багрецова Н.В. Многофакторная финансовая оценка лизингового проекта на основе анализа финансового состояния: автореф… дис. кан. экон. наук. – М.: 2013. – 36 с.*

**Рейтинг моделларидан фойдаланишда бир қатор муаммолар юзага келади. Ана шундай асосий муаммолардан бири сифатида турли кўрсаткичларни бир-бирига боғлаш ва карама-қаршилигини бартараф этишни келтиришимиз мумкин. Аммо якуний рейтинг кўрсаткичини аниқлашда мажбурий тартибда фойдаланиладиган қатъий белгиланган ёки тавсия этилган кўрсаткичлар мавжуд эмас. Халқаро амалиётда хўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий ҳолатини аниқлашда фойдаланиладиган бир қатор молиявий кўрсаткич (коэффициент)лар ишлаб чиқилган. Лекин уларнинг ҳам ягона рўйхати мавжуд эмас. Биз қуйида энг умумий ва кўп фойдаланиладиган кўрсаткичлар таснифини келтириб ўтамиз:**

- Ликвидлик;
- Тўловга лаёқатлилик;
- Молиявий барқарорлик, мустақиллик;
- Капитал таркиби;
- Молиявий левериж;
- Ишчанлик (активлар айланувчанлиги);
- Рентабеллик.

Молиявий ҳолатни таҳлил қилишда тавсия этилган молиявий коэффициентлар миқдори жуда ҳам кўп бўлиши мумкин. Шунга қарамай, диққат билан танланган молиявий кўрсаткичлар хўжалик юритувчи субъектлар молиявий ҳолатини тўлиқ ёритиши кераклиги сабабли улар рейтинг баҳолаш методологиясини ишлаб чиқишнинг асосий босқичларидан ҳисобланади ва кўрсаткичларни танлашда хатоликка йўл қўйиш рейтинг баҳосининг бузилишига олиб келади. Хўжалик юритувчи субъектлар молиявий ҳолатини таҳлил қилишнинг мақсади улар молиявий ҳолати ҳақида тўлиқ маълумот олиш (тасаввурга эга бўлиш) учун талаб этиладиган кўрсаткичлар миқдори ва жамланмасини аниқлаш бўлиб ҳисобланади. Бунда энг

муҳим кўрсаткичлар сифатида таҳлил қилиниши мажбурий бўлган кўрсаткичларни келтириб ўтишимиз мумкин.

Халқаро амалиётда лизингга олувчини молиявий баҳолаш мақсадида 2-жадвалда келтирилган коэффициентлар танлаб олинган.

**2-жадвал**

**Халқаро амалиётда молиявий баҳолашда қўлланиладиган коэффициентлар**

| № | Коэффициентнинг номланиши | Ҳисоблаш формуласи |
|---|---|---|
| 1 | Умумий ликвидлик коэффициенти $\text{К}_1$ | $\text{К}_1 = \frac{(\text{А}_1 + \frac{1}{2}\text{А}_2 + \frac{1}{3}\text{А}_3)}{(\text{П}_1 + \frac{1}{2}\text{П}_2 + \frac{1}{3}\text{П}_3)}$ <br> $\text{А}_1$, $\text{А}_2$, $\text{А}_3$ – сотилиши бўйича корхона активларининг турлари, <br> $\text{П}_1$, $\text{П}_2$, $\text{П}_3$ – қопланиш муддати бўйича корхона мажбуриятлари |
| 2 | Қоплаш коэффициенти $\text{К}_2$ | $\text{К}_2 = \frac{\text{Айланма маблағлар (баланс 390 сатр)}}{\text{Қисқа муддатли мажбуриятлар (баланс 600 сатр)}}$ |
| 3 | Ўз маблағлари билан таъминланганлик коэффициенти | $\text{К}_3 = \frac{\text{Жорий активлар (баланс 480 сатр)}}{\text{Ўз маблағлари манбалари (баланс жами 400 сатр)}}$ |
| 4 | Автономлик коэффициенти (молиявий мустақиллик) | $\text{К}_4 = \frac{\text{Хусусий капитал (баланс 480 сатр)}}{\text{Корхона жами мулки (баланс жами 400 сатр)}}$ |
| 5 | Сотув рентабеллиги коэффициенти | $\text{К}_5 = \frac{\text{Асосий фаолиятнинг фойдаси (2–шакл 100 сатр)}}{\text{Сотишдан олинган соф тушум (2–шакл 010 с)}}$ |
| 6 | Фаолиятнинг умумий рентабеллиги коэффициенти | $\text{К}_6 = \frac{\text{Соф фойда (2–шакл 270 с)}}{\text{Сотишдан олинган соф тушум (2–шакл 010 с)}}$ |
| 7 | Тушумнинг ўсиши | $\text{К}_7 = (\frac{\text{Жорий даврда тушум миқдори}}{\text{Ўтган даврда тушум миқдори}}) * \frac{1}{n} - 1$ |

***Манба:*** *Багрецова Н.В. Многофакторная финансовая оценка лизингового проекта на основе анализа финансового состояния: автореф… дис. кан. экон. наук. – М.: 2013. – 36 с.*

Лизингга берувчи томонидан потенциал лизингга олувчини танлашда нафақат юқоридаги жадвалда келтирилган кўрсаткичлар, балки уларга қўшимча сифатида молиявий барқарорлик, ишчанлик, рентабеллик, молиявий левериж каби кўрсаткичларнинг таҳлилини ҳам амалга ошириш талаб этилади (3-жадвал).



**3-жадвал**

**Лизингга олувчининг ишчанлик кўрсаткичлари**

| Кўрсаткич | Ҳисобланиши | Изоҳ |
|---|---|---|
| Соф фойда ($С_ф$) | $С_ф$ = Фойда солиғини тўлагунга қадар фойда – Фойда солиғи – Фойдадан бошқа солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар | Соф фойда бу корхонада солиқ ва мажбурий тўловлар тўлангандан кейин унинг ихтиёрига қоладиган қисми |
| Меҳнат унумдорлиги ($М_у$) | $М_у$ = Сотишдан тушган тушум/ ишчи-ходимларнинг ўртача сони | Кўрсаткичнинг ўсиши меҳнат ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигининг ошганлигидан далолат беради |
| Фонд қайтими $Ф_к$ | $Ф_к$ = Сотишдан тушган тушум/ Давр бўйича узоқ муддатли активларнинг ўртача қиймати | Асосий восита ва бошқа айланмадан ташқари активлардан фойдаланиш самарадорлигини акс эттиради. 1 сўмлик асосий воситага қанча сотилган маҳсулот тўғри келишини ифодалайди |
| Капиталнинг умумий айланиш коэффициенти $К_{уа}$ | $К_{уа}$ = Сотишдан тушган тушум/баланс жами ўртачаси | Корхона жами воситаларининг айланиш тезлигини ифодалайди |
| Айланма активларнинг айланиш коэффициенти $К_{аа}$ | $К_{аа}$ = Сотишдан тушган тушум / айланма активларнинг ўртача қиймати | Таҳлил қилинаётган даврда корхона моддий ва номоддий активларининг айланиш тезлигини ҳамда ушбу активларнинг 1 сўмига тўғри келадиган тушум миқдорини ифодалайди |
| Товар-моддий захираларнинг айланиш коэффициенти $К_{тмз}$ | $К_{тмз}$ = Сотишдан тушган тушум / товар-моддий захираларнинг ўртача қиймати | Товар-моддий захиралар айланиш тезлигини, яъни ҳисобот даврида товар-моддий захираларнинг пул шаклига келиши учун айланишлар сонини ифодалайди |
| Дебиторлик қарзларининг ўртача айланиш муддати ($ДҚ_{ўа}$) | $ДҚ_{ўа}$ = 365 / товар-моддий захираларнинг айланувчанлик коэффициенти | Кўрсаткич дебиторлик қарзининг бир айланиш даври неча кунга тўғри келишини ифодалайди. Кўрсаткич қанчалик кичик бўлса, шунча яхши |
| Дебиторлик қарзларининг айланиш коэффициенти ($ДҚ_{ак}$) | $ДҚ_{ак}$ = Сотишдан тушган тушум / дебиторлик қарзларининг ўртача қиймати | Корхона томонидан тақдим этилган қарзларнинг айланиш сонини акс эттиради. Айланиш қанчалик тез бўлса, кўрсаткич миқдори шунчалик. Бу эса дебиторлар билан ҳисоб-китобларнинг яхшиланаётганлигидан далолат беради |
| Товар-моддий захираларнинг ўртача айланиш муддати ($ТМЗ_{ўа}$) | $ТМЗ_{ўа}$ = Сотишдан тушган тушум / Товар-моддий захираларнинг айланиш коэффициенти | Бу кўрсаткич ҳисобот даврида Товар-моддий захиралар айланишининг давомийлигини акс эттиради |
| Кредиторлик қарзларининг айланиш коэффициенти ($КҚ_{ак}$) | $КҚ_{ак}$ = Сотишдан тушган тушум / кредиторлик қарзларининг ўртача миқдори | Корхона қарзларининг айланиш тезлигини ифодалайди. Агар $КҚ_{ак} < ДҚ_{ак}$ бўлса, ушбу кўрсаткичнинг юқори бўлиши корхонанинг ликвидлигига салбий таъсир кўрсатади |

| | | |
|---|---|---|
| Кредиторлик қарзи айланишининг давомийлиги ($КҚ_д$) | $КҚ_д$ = 365 / Кредиторлик қарзларининг айланиш коэффициенти | Бу кўрсаткич корхона томонидан унинг жорий мажбуриятларини қоплаш даврини акс эттиради. Даврнинг узайиши ижобий ҳолат сифатида қайд этилади |
| Хусусий капитал айланиш коэффициенти ($ХК_{ак}$) | $ХК_{ак}$ = Сотишдан тушган тушум / хусусий капитал ўртача қиймати | Корхонанинг мулкдорлари (акционерлар) унинг фаолиятига киритган ўз маблағлари манбалари ёки пул маблағларининг фаоллигини англатади. Кўрсаткичнинг юқори бўлиши хусусий капиталдан самарали фойдаланаётганлигини англатади |
| Операцион цикл давомийлиги ($О_{цд}$) | $О_{цд}$ = Дебиторлик қарзларининг ўртача айланиш муддати + Товар-моддий захираларнинг ўртача айланиш муддати | Корхона молиявий ресурсларининг унинг моддий активлари ва дебиторлик қарзларига йўналтирилган умумий вақтни англатади. Ушбу кўрсаткич қийматини пасайтиришга ҳаракат қилиш лозим |
| Молиявий циклнинг давомийлиги ($М_{цд}$) | $М_{цд}$ = Операцион цикл давомийлиги – Кредиторлик қарзи айланишининг давомийлиги | Молиявий ресурсларнинг муомаладан чиқариб олинган муддатини англатади. Айланма ресурсларни бошқаришдан мақсад – молиявий циклни қисқартириш, яъни операцион цикл ҳамда кредиторлик қарзлари айланишини мақбул даражагача пасайтириш бўлиб ҳисобланади |
| Барқарор иқтисодий ўсиш коэффициенти $К_{биў}$ | $К_{биў}$ = (корхона ихтиёрида қолган соф фойда – акционерларга тўланадиган дивидендлар) / хусусий капитал ўртача қиймати × 100 % = реинвестиция қилинган фойда / хусусий капитал ўртача қиймати × 100 % | Корхонанинг барқарорлиги ва иқтисодий ривожланишининг истиқболларини ифодалайди. Ўз маблағларини реинвестициялаш ҳисобига корхонанинг асосий фаолиятини кенгайтириш имкониятларини аниқлашда қўлланилади. Корхона иқтисодий салоҳиятининг ўртача қандай суръатларда ўсишини ифодалайди. |

***Манба:*** *Горемыкин В.А. "Планово-экономический отдел" // Управление финансами. №11 2012. https://www.profiz.ru/peo/11_2012/lizingopolychatel/*

Молиявий кўрсаткичларнинг моҳиятини ёритишда юқорида келтирилган қайси кўрсаткичлар меъёрий ёки танқидий эканлиги бўйича ягона тавсиялар ва чекловлар мавжуд эмас. А.М.Тавасиевнинг фикрига кўра, АҚШ ва Европа давлатларида кўрсаткичларнинг моҳиятини ёритишда ушбу кўрсаткичларни хўжалик юритувчи субъектларнинг олдинги кўрсаткичлари билан ҳамда субъект тегишли бўлган тармоқ бўйича ўртача кўрсаткичлар билан таққослаш тавсия этилади [18]. Аммо ушбу тавсияни барча мамлакатлар иқтисодиётида қўллашнинг имконияти мавжуд эмас. Бунга асосий сабаб сифатида доимий равишда ҳуқуқий база (солиқ бўйича қонунчилик, бухгалтерия ҳисобини юритиш ва ҳисоботни тузиш қоидаларини ишлаб чиқиш, бошқа меъёрий ҳужжатлар)нинг ўзгариши, инфляция таъсири, шунингдек, дастлабки кўрсаткичларнинг йўқлигини мисол қилиб олишимиз мумкин. Меъёрий тармоқ кўрсаткичлари мавжуд бўлмаганлиги туфайли таҳлил қилинаётган корхонанинг кўрсаткичларини тармоқ кўрсаткичлари билан таққослаш ҳам жуда мураккаб бўлиб ҳисобланади. Шу туфайли кўрсаткичларнинг чегаравий миқдорлари мамлакат қонунчилиги асосида ишлаб чиқилади. Юқорида қайд этилган еттита молиявий кўрсаткичларга балл баҳоларини белгилаш мақсадида қуйидаги оралиқлардан фойдаланилади (4-жадвал).

**4-жадвал**

**Молиявий ҳолатни рейтинг баҳолашдаги молиявий кўрсаткичларнинг балли баҳоси**

| Кўрсаткич | 1 балл | 2 балл | 3 балл | 4 балл |
|---|---|---|---|---|
| $К_1$ | ≥1 | [0,75; 1) | [0,5; 0,75) | <0,5 |
| $К_2$ | ≥1,5 | [1,3; 1,5) | [1; 1,3) | <1 |
| $К_3$ | ≥0,1 | [0; 0,1) | [-0,1; 0) | <-0,1 |
| $К_4$ | ≥0,5 | [0,3; 0,5) | [0,1; 0,3) | <0,1 |
| $К_5$ | ≥0,1 | [0,05; 0,1) | [0; 0,05) | <0 |
| $К_6$ | ≥0,05 | [0,03; 0,05) | [0; 0,03) | <0 |
| $К_7$ | ≥0,1 | [0,05; 0,1) | [0; 0,05) | <0 |

***Манба:*** *Багрецова Н.В. Многофакторная финансовая оценка лизингового проекта на основе анализа финансового состояния: автореф… дис. кан. экон. наук. – М.: 2013. – 36 с.*

Якуний рейтинг кўрсаткичида ҳар бир кўрсаткичнинг улуши лизинг компаниясининг кредит сиёсати, таҳлилнинг мақсад ва вазифаларидан келиб чиқиб ўзгариб туради. Кўрсаткичларнинг улушини аниқлашда уларнинг йиғиндиси бирга тенг бўлиши кераклигидан келиб чиқилади. Кўрсаткичлар сони кўп бўлганда уларнинг улушини аниқлаш учун Фишберн схемасидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ. Фишберн схемасини тузиш тартиби қуйидагича [19]:

Дастлаб, қуйидаги схема асосида pі суратлар аниқланади:

$p_i$ = max (pr1, ..., $pr_i$, ..., $pr_n$) – $pr_i$ + 1,

Бу ерда:

max($pr_1$, ..., $pr_i$, ..., $pr_n$) – кўрсаткичлар аҳамияти (устуворлиги)нинг максимал миқдори;

pr – кўрсаткичнинг аҳамияти (устуворлиги).

**Фишберн касрининг махражи аниқланади. Суратларнинг жами йиғиндиси Фишберн касрининг махражи бўлиб ҳисобланади:**

$$К = \sum_{i=1}^{n} p_i$$

Фишберн касрининг сурат ва махражини билган ҳолда, кўрсаткичнинг улушини аниқлаш мумкин:

Демак, ҳар бир молиявий кўрсаткич учун Фишберн схемаси асосида уларнинг улушлари аниқланади ва натижалар жадвал кўринишида тақдим этилади (5-жадвал).

**5-жадвал**

**“Молиявий ҳолат”ни рейтинг баҳолашда кўрсаткичларнинг улуши**

| Молиявий кўрсаткич | Кўрсаткичнинг улуши |
|---|---|
| $К_1$ | 0,17 |
| $К_2$ | 0,33 |
| $К_3$ | 0,11 |
| $К_4$ | 0,06 |
| $К_5$ | 0,13 |
| $К_6$ | 0,07 |
| $К_7$ | 0,13 |

***Манба:*** *Багрецова Н.В. Многофакторная финансовая оценка лизингового проекта на основе анализа финансового состояния: автореф… дис. кан. экон. наук. – М.: 2013. – 36 с.*

**Якуний кўрсаткични аниқлашда қуйидаги формуладан фойдаланамиз:**

$$К_{якун} = \sum_{1}^{n} K_n * \omega_n \ [20],$$

Бу ерда:

$К_n$ – n-чи кўрсаткичнинг балл баҳоси;

$\omega_n$ – n-чи кўрсаткичнинг улуши.

Кредит муассасалари, хусусан лизинг компаниялари рейтингни аниқлашгандан сўнг қарздор (лизингга олувчи)ларни маълум бир шкалалар бўйича даражаларга ажратиш талаб этилади. Базель қўмитасининг баҳолашига асосан, кредитга

лаёқатлиликни баҳолашда ўртача 8 тадан 11 тагача турли шкалалардан фойдаланилади [21]. Бу шкалалар сони кредит муассасаси (лизинг компанияси) томонидан ўзининг эҳтиёжларидан келиб чиқиб ва кредит рейтингини бериш мақсадида мустақил белгиланади. Кичик кредит муассасалари (ёки лизинг компаниялари) томонидан кредит портфелининг сифатини прогнозлаш учун кам сонли шкалалардан фойдаланилади. Рейтинг шкалалари сони кредит рейтинги асосида рентабеллик ва кредит риски даражасини аниқлайдиган тижорат банклари (лизинг компаниялари) томонидан оширилади. Шунга қарамай, шкалалар сонини ҳаддан ташқари ошириш амалий жиҳатдан кўрсаткичлар орасидаги фарқнинг тенглашишига олиб келади.

Шу сабабли, шкалалар сонини молиявий кўрсаткичларни балл асосида баҳолаш миқдорига тенг миқдорда белгилаш лозим. Рейтинг кўрсаткичларининг оралиғи ва чегарасини уларни аниқлаш методикасининг мақсад ва вазифаларидан келиб чиқиб белгилаб олиш лозим. Баҳолаш мезони сифатида 1 балл олинади, яъни кўрсаткич қанчалик юқори бўлса молиявий ҳолат шунчалик паст бўлади. Агар барча кўрсаткичлар энг юқори натижани қайд этса, унда якуний рейтинг кўрсаткичи 1 га тенг бўлади. Қоида бўйича, энг юқори баҳога унинг энг юқори абсолют қиймати тўғри келади, лекин таққослаш учун аниқ бўлган асосдан бошлаш мақсадга мувофиқ (6-жадвал).

**6-жадвал**

**Молиявий ҳолатни рейтинг баҳолашга оид шкалалар**

| Шкала | Якуний кўрсаткич моҳияти | Молиявий ҳолат |
|---|---|---|
| 1 | [1; 1,3] | Аъло |
| 2 | (1,3; 2] | Яхши |
| 3 | (2; 2,6] | Қониқарли |
| 4 | > 2,6 | Қониқарсиз |

***Манба:*** *Багрецова Н.В. Многофакторная финансовая оценка лизингового проекта на основе анализа финансового состояния: автореф… дис. кан. экон. наук. – М.: 2013. – 36 с.*

**ХУЛОСА**

Хулоса сифатида айтиш лозимки, Ўзбекистон амалиётида хўжалик юритувчи субъектлар, айниқса лизингга олувчилар молиявий ҳолатини комплекс ўрганиш амалиётига жуда кам ҳоллардагина мурожаат қилинади. Бирорта манбада лизингга олувчи хўжалик юритувчи субъектлар маълумотлари асосидаги реал таҳлилий маълумотларни деярли учратмаймиз. Кўпинча ушбу таҳлиллар лизинг хизматидан фойдаланмаган хўжалик юритувчи субъектларнинг тахминий, шартли олинган манбалари асосида аниқланади. Бу ҳолат молиявий кўрсаткичларнинг йиллар кесимидаги динамик ўзгаришларида ҳам кузатилади.

**Бундан ташқари, қонунчилигимизда ҳам молиявий кўрсаткичларни аниқлашда хориж амалиётидан фарқли жиҳатлар кўзга ташланади. Хусусан, кўрсаткичларнинг турлича номланишида, таркибланишида, аниқланиш тартибларидаги фарқли жиҳатлар шулар жумласидан. Шу сабабли, лизингга олувчини танлашда қуйидаги таклифларни бериб ўтамиз:**

- чоп этиладиган манбаларда кўрсаткичларнинг ҳисоб-китобларида маълумотлар молиявий ҳисоботларнинг айнан қайси шакли ва сатрларидан олинганлигини аниқ кўрсатиш лозим. Шу йўл билангина уларнинг аниқлигини ва бир хиллигини таъминлаш мумкин;
- миллий лизинг бозорида лизингга олувчини танлаш, яъни унинг молиявий ҳолатини баҳолаш орқали тегишли қарорни қабул қилиш учун махсус йўриқнома ишлаб чиқиш лозим. Ушбу йўриқномада лизинг муносабатларида лизингга олувчилар фаолиятининг ўзига хослиги, фаолият соҳаси, лизинг муддати каби омиллардан келиб чиқиб, лизингга олувчининг молиявий ҳолатини аниқлаш имконини берадиган зарурий кўрсаткичларни аниқ белгилаб ўтиш лозим;
- лизингга олувчилар фаолиятини комплекс молиявий таҳлил қилиш мақсадида Фишберн схемасига таяниб ишлаб чиқилган рейтинг баҳолашдан фойдаланиш, кўрсаткичларнинг якуний натижадаги улуши орқали хулоса чиқариш лозим.




*Манба ва адабиётлар*

*1. Бурханов А.У. Саноат корхоналари молиявий барқарорлигини баҳолаш усули // “Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар” илмий электрон журнали. № 6, ноябрь-декабрь, 2018 йил.*

*2. Хакимов Б., Холмирзаев У. Пул маблағлари ҳисоби ва таҳлилини халқаро тажрибалар асосида такомиллаштириш. “Халқаро молия ва ҳисоб” илмий электрон журнали. № 1, февраль, 2020 йил., www.interfinance.uz/en/*

*3. Рахимов М. Иқтисодиёт субъектлари молиявий ҳолатининг таҳлили. Ўқув қўлланма. Т.: “Иқтисод-молия”, 2015. 34-б.*

*4. Ваҳобов А.В., Ишонқулов Н.Ф., Иброҳимов А.Т. “Молиявий ва бошқарув таҳлили”. Дарслик. Т.: «Иқтисод-Молия”, 2013. 299-б.*

*5. Вахобов А.В., Ибрагимов А.Т. Молиявий таҳлил. Дарслик. – Т.: “Ўзбекистон”, 2002., 230 б. http://arm.sies.uz/wp-content/uploads/2020/10/13-y-Moliyaviy-taxlil-Darslik-A-Voxobov-T2002.pdf*

*6. Бондаренко С.В., Сапрунова Е.А. Сравнительный анализ методик оценки кредитоспособности заемщика. – «Финансы и кредит», 2008., №24 (312) – с.12-17.*

*7. Ильясов С.М. Об оценке кредитоспособности банковского заемщика. – «Деньги и кредит», 2005, № 9. – с. 28-32.*

*8. Ковалев Вит. В., Воронова Е.А. (2019) Логика и критерии оценки финансового состояния лизинговой компании. Вестник Санкт-Петербургского университета. Экономика. Т. 35. Вып. 1. С. 50-82. https://doi.org/10.21638/spbu05.2019.103*

*9. Соколова Н.А. Оценка кредитоспособности заемщика: что интересует банк. – «Бухгалтерский учет», № 11 июнь 2008. – с. 58-63.*

*10. Беспалова В. И. Основы коэффициентного метода анализа финансовой устойчивости организации / В. И. Беспалова. // Молодой ученый. – 2019. – № 45. – С. 275–278. – URL: https://moluch.ru/archive/283/63702/ (дата обращения: 10.12.2019).*

*11. Балабанов И.Т. Анализ и планирование финансов хозяйствующего субъекта. – М.: Финансы и статистика, 1998. – 109с.*

*12. Банк В. Р., Банк С. В., Тараскина Л. В. Финансовый анализ: учеб. пособие. – М.: ТК Велби, Изд-во Проспект, 2006. – 344 с.*

*13. Бочаров В.В. Комплексный финансовый анализ. – С Пб: Питер, 2005. – 432с.: ил. - (Серия «Академия финансов»).*

*14. Ефимова О.В. Финансовый анализ. 4-е изд., переraб. и доп. – М.: Бухгалтерский учет, 2002. – 528с.*

*15. Соколова Н.А. Оценка кредитоспособности заемщика: что интересует банк. – «Бухгалтерский учет», № 11 июнь 2008. – с. 58-63.*

*16. Шеремет А.Д. Комплексный анализ хозяйственной деятельности. – М.: ИНФРА-М, 2006. – 415с.*

*17. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 14 декабрдаги "Давлат иштирокидаги корхоналарни молиявий соғломлаштириш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 1013-сонли Қарори*

*18. Банковское дело. Управление и технологии: учеб. для студентов вузов, обучающихся по экономическим специальностям / Под ред. проф. А. М. Тавасиева. – Москва: 2-е изд. Перераб. И доп. М.: ЮНИТИ-ДАНА, 2005. – 671 с.*

*19. Горелая Н.В. Оценка кредитоспособности заемщика в системе регулирования кредитными рисками. // Управление корпоративными финансами. № 5., 2005 г. С. 13 [Электронный ресурс]: Режим доступа: http://grebennikon.ru/search_page.ph.*

*20. Багрецова Н.В. Многофакторная финансовая оценка лизингового проекта на основе анализа финансового состояния: автореф… дис. кан. экон. наук. – М.: 2013. – 36 с.*

*21. Богатырева М.М. Оценка кредитоспособности заемщика в контексте новых требований Базельского комитета // Экономический вестник Ростовского государственного университета. №4, том 5., 2007 г.*

*https://cyberleninka.ru/article/n/otsenka-kreditosposobnosti-zaemschika-v-kontekste-novyh-trebovaniy-bazelskogo-komiteta*

## Молиявий таҳлил асосида лизингга олувчи фаолиятини баҳолашнинг ўзига хос хусусиятлари

**Шахноза Латипова,**
*Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти*
*"Молия" кафедраси ўқитувчиси*

**Аннотация:** *мақолада лизингга олувчининг фаолиятини кўп омилли баҳолаш орқали баҳолаш ва унинг кредитга лаёқатлилиги масаласига алоҳида эътибор берилган. Лизингга олувчининг молиявий ҳолатини комплекс баҳолашда қўлланиладиган кўрсаткичлар, уларнинг моҳияти ва аниқлаш йўллари келтирилган. Лизинг бозорида лизинг олувчилар фаолиятини комплекс молиявий баҳолаш бўйича хорижий тажриба ўрганилган ва миллий лизинг бозорида уни қўллаш бўйича илмий таклифлар бериб ўтилган.*

**Калит сўзлар:** *молиявий таҳлил, рентабеллик, ликвидлилик, рейтинг кўрсаткичлар, рейтинг баҳолаш, балл баҳоси, Фишберн схемаси.*

## Особенности оценки деятельности лизингополучателя на основе финансового анализа

**Шахноза Латипова,**
*преподаватель кафедры «Финансы»*
*Самаркандский института экономики и сервиса*

**Аннотация:** *особое внимание в статье уделяется оценке результатов деятельности лизингополучателя через многофакторную оценку его кредитоспособности. Приведены показатели, используемые при комплексной оценке финансового состояния лизингополучателя, её сущность и способы их определения. Изучен зарубежный опыт комплексной финансовой оценки деятельности лизингополучателей на лизинговом рынке и даны научные рекомендации по его применению на национальном лизинговом рынке.*

**Ключевые слова:** *финансовый анализ, прибыльность, ликвидность, рейтинговые показатели, рейтинговая оценка, балльные оценки, схема Фишберна.*

## Features of assessment of leasing receiver's activities based on financial analysis

**Shakhnoza Latipova,**
*Lecturer, Chair of "Finance"*
*Samarkand Institute of Economics and Service*

Abstract: in bold *particular attention is paid to the assessment of the results of the lessee's activities through a multifactor assessment of his creditworthiness. The indicators used in the comprehensive assessment of the financial condition of the lessee, its essence and methods of their determination are given. The foreign experience of complex financial assessment of lessees' activities in the leasing market has been studied and scientific recommendations for its application in the national leasing market have been given.*

**Keywords:** *financial analysis, profitability, liquidity, rating indicators, rating score, scores, Fishburne scheme.*

**Инвестиция, рақамли ва инновацион технологиялар / Инвестиции, цифровые и инновационные технологии / Investment, Digital and Innovative Technologies**

**УЎК: 338.24.021.8 (575.1)**

**Музафар КАРИМОВ,**
*руководитель проекта Института прогнозирования и макроэкономических исследований,*
**e-mail:** cadamer85@gmail.com

# Укрепление гарантий защиты прав и интересов инвесторов

Развитие рыночных отношений требует постоянного пересмотра текущей нормативно-правовой базы и совершенствования законодательства, систематизации имеющихся правовых норм, формирования концептуально нового регулирования общественных отношений в ракурсе реализации приоритетных направлений реформ в экономической сфере Узбекистана.

За последние 5 лет в рамках новой концепции социально-экономического и политико-правового развития страны [1] предпринят целый ряд мер по решению накопившихся системных проблем в сфере реформирования системы регулирования и защиты прав и интересов собственников, предпринимателей и инвесторов таких как принятие нового основного регуляторного акта в сфере инвестиций – Закона Республики Узбекистан «Об инвестициях и инвестиционной деятельности», а также ряд актов по уточнению порядка взаимоотношений между инвесторами и государством в части изъятия земель и имущества, применения гарантий защиты прав инвесторов и др.




**Рис. 1. Ключевые направления реформ по укреплению гарантий защиты прав и интересов инвесторов**

***Источник:*** *составлено автором.*

Ранее в стране основой регулирования отношений в сфере инвестиций и инвестиционной деятельности являлись три ключевых закона: "Об иностранных инвестициях", "О гарантиях и мерах защиты прав иностранных инвесторов", принятые в 1998 году и "Об инвестиционной деятельности" в редакции от 2014 года, а также более 50 подзаконных актов. Действовавшее законодательство, в том числе в части системы гарантий, и его реализация была фрагментирована и не прозрачна, что не давало возможность инвесторам в полной мере свободно осуществлять инвестиционную деятельность. Нацеленность реформ на повышение прозрачности законодательства потребовала разработки единого унифицированного Закона Республики Узбекистан, который бы объединил в себе ключевые положения ранее действовавшего законодательства, повысив его открытость и системность.

25 декабря 2019 года был принят Закон Республики Узбекистан № ЗРУ-598 "Об инвестициях и инвестиционной деятельности", где сформулированы основные принципы осуществления инвестиционной деятельности национальными и иностранными инвесторами. Необходимо отметить, что новый закон направлен, в первую очередь, на регулирование инвестиционной деятельности частных инвесторов – иностранных и отечественных. Его нормы не затрагивают вопросов, связанных с осуществлением инвестиционной деятельности государственными органами.

Закон сохранил в силе нормы о гарантии соблюдения государства и защиты прав иностранных инвесторов, включая гарантии свободного использования и перевода средств, вывоза капитала в связи с прекращением инвестиционной деятельности, защиту от национализации или экспроприации, гарантию стабильности и защиты от неблагоприятного изменения законодательства, гарантии гласности, открытости, и свободного доступа к информации, а также порядок предоставления государством иных дополнительных гарантий в отдельных случаях. Оставлены в силе нормы об специальном правовом режиме для иностранных инвестиций в отдельных вопросах, например, отдельный тип визы, упрощенные условия получения вида на жительство, отдельный порядок привлечения иностранных работников, возможности страхования инвестиций и т.д.

Наряду с этим, в соответствии с новым законом иностранным инвесторам предоставляются дополнительные права и гарантии. К примеру, добавлен пункт недискриминационном характере правового режима для иностранных инвестиций: условия для иностранного инвестора не могут быть менее благоприятными, чем условия для юридических и физических лиц Республики Узбекистан или иных государств. Закреплено, что иностранные инвесторы имеют право получать вид на жительство и/или "инвестиционную визу", а члены их семей – гостевую визу на срок действия "инвестиционной визы" на условиях, предусмотренных решениями Президента Республики Узбекистан.

В то же время, в отличие от ранее действовавшего законодательства, в новом законе максимально ясно и четко сформулирован понятийный аппарат, что в свою очередь закрепляет прозрачную и открытую среду для осуществления инвестиционной деятельности.

Так, ранее в национальном законодательстве не было закреплено понятие «предприятие с иностранными инвестициями» (далее - "ПИИ") и правовой режим их деятельности. В новом законе ПИИ определяется как «предприятие, в которых иностранные инвестиции составляют не менее 15% акций (долей, паев) или уставного фонда (уставного капитала)». В соответствии с ранее упомянутым принципа недискриминационного характера правового режима в отношении иностранных инвестиций, ПИИ, также как хозяйствующие субъекты Республики Узбекистан, вправе открывать счета в любых банках Республики Узбекистан и распоряжаться средствами, получать и возвращать займы в иностранной валюте, а также создавать обособленные подразделения (филиалы), брать земельные участки несельскохозяйственного назначения в долгосрочную аренду на срок, указанный в заявлении для выполнения инвестиционных проектов, но не более 50 лет, а также приобретать земельные участки, получать право собственности на земельные участки, при переходе права собственности на строения и сооружения. Закон также закрепил нормы о том, что трудовые отношения и пенсионное обеспечение работников ПИИ регулируются Трудовым Кодексом Республики Узбекистан.

Важным моментом является включение в Закон расширенных положений о процедурах решения инвестиционных споров. Новый порядок разрешения инвестиционных споров предусматривает следующие формы: проведение переговоров, ме-

диацию и, в случае если спор не удалось решить указанными методами, разрешение спора соответствующим судом Республики Узбекистан. В случае же если и в суде Республики Узбекистан не удалось найти удовлетворяющее стороны решение спора, а также если международным договором или договором, подписанным между иностранным инвестором и Правительством Республики Узбекистан, предусмотрена соответствующая арбитражная оговорка, спор может быть разрешен посредством международного арбитража. Стоит отметить, что если международным соглашением или межправительственным договором предусмотрено разрешение споров между инвестором и правительством в международном арбитраже, то решение спора будет происходить в соответствии с заключенным соглашением/договором.

Стоит отметить, что Закон еще раз подчеркнул приверженность принципу защиты интересов инвесторов и формирования благоприятной инвестиционной среды в республике: его положения могут применяться к инвестициям, осуществленным до его вступления в силу только в части улучшения и облегчения условий его деятельности.

Вместе с тем, новый Закон сохранил и стандартную «стабилизационную» оговорку: согласно статье 19 Закона в случае, если последующее законодательство Республики Узбекистан ухудшает условия инвестирования, то к инвесторам в течение десяти лет с момента инвестирования применяется законодательство, действовавшее на дату инвестирования

Для обеспечения прозрачности практической реализации указанного положения нового Закона 30 апреля 2020 года Постановлением Кабинета Министров «О внесении изменений в Постановление Кабинета Министров от 2 августа 2005 г. № 180 «О мерах по реализации Указа Президента Республики Узбекистан «О дополнительных мерах по стимулированию привлечения прямых частных иностранных инвестиций» утверждено Положение о порядке уведомления о применении данной гарантии.

Положение определяет, что инвестор в любое время после принятия акта законодательства, ухудшающего условия инвестирования, может направить в уполномоченный орган уведомление о применении гарантии стабильности законодательства. К числу уполномоченных органов относятся государственные организации, осуществляющие государственную регистрацию юридических лиц, Министерство иностранных дел, Министерство внутренних дел, Министерство инвестиций и внешней торговли, Государственный налоговый комитет Республики Узбекистан и обслуживающие банки. Уведомление о применении инвестором права гарантии стабильности законодательства является основанием для применения с момента вступления в силу акта законодательства, ухудшающего условия инвестирования в отношении иностранного инвестора законодательства, действовавшего на дату инвестирования. Однако, уполномоченный орган может не согласиться с уведомлением и обратиться в Министерство юстиции Республики Узбекистан за юридическим заключением о правомерности применения иностранным инвестором данной статьи, а также обратится в суд с иском о неправомерности применения гарантии.

Еще одним из наиболее болезненных вопросов в сфере защиты прав и интересов инвесторов являются проблемы, связанные с изъятием государством земельных участков для государственных и общественных нужд. Ранее в законодательстве Узбекистана не было четкого и прозрачного определения, в каких случаях возможно изъятие земельных участков у собственников. Принятие Указа Президента от 1 августа 2018 года № УП-5495 «О мерах по кардинальному улучшению инвестиционного климата в Республике Узбекистан» внесло ясность и определённость в этом вопросе. Согласно Указу, изъятие земельных участков для нужд государства и общества допускается только в целях предоставления земель для нужд обороны и государственной безопасности, охраняемых природных территорий, создания и функционирования свободных экономических зон, выполнения обязательств, вытекающих из международных договоров, в случае обнаружения и разработки месторождений полезных ископаемых, для строительства (реконструкции) автомобильных и железных дорог, аэропортов, аэродромов, объектов аэронавигации и авиатехнических центров, объектов железнодорожного транспорта, мостов, метрополитенов, тоннелей, объектов энергетических систем и линий электропередачи, линий связи, объектов космической деятельности, магистральных трубопроводов, инженерно-коммуникационных сетей, исполнения генеральных планов населённых пунктов в части строительства объектов за счёт средств Государственного бюджета Республики Узбекистан, а также в других случа-

ях, прямо предусмотренных законами и решениями Президента Республики Узбекистан. Иных целей для изъятия земельных участков для государственных и общественных нужд Указами Президента или более приоритетными нормативными актами не предусмотрено.

Позднее, в целях повышения прозрачности и системности законодательства в сфере землепользования, и в целом защиты прав собственника, 23 декабря 2020 года был принят Закон №ЗРУ-656 «О внесении изменений и дополнений в некоторые законодательные акты Республики Узбекистан в связи с дальнейшим усилением гарантий прав и законных интересов собственников».

Так, внесены изменения и дополнения в Закон «О государственной власти на местах», согласно которым теперь хоким региона в случаях, предусмотренных законом, вправе предоставлять земли во владение, пользование и в аренду предприятиям, учреждениям, организациям, дехканским хозяйствам, гражданам, прекращать права владения и пользования землей этими субъектами. Ранее у хокима было только право прекращать права владения и пользования землей этими субъектами.

В свою очередь, изменениями и дополнениями в Земельном кодексе, Кабинет Министров, органы государственной власти областей и города Ташкента были лишены полномочий по прекращению прав владения и пользования землей, а также передачи прав аренды земельного участка и права собственности на земельные участки. Кроме того, определены случаи прекращения права владения или права постоянного либо временного пользования земельным участком в судебном порядке. Ранее все случаи прекращения права владения или права постоянного/временного пользования земельным участком осуществлялись решениями Кабинета Министров или хокимов.

Кроме того, согласно изменениям и дополнениям в Закон «О защите частной собственности и гарантиях прав собственников» установлено, что прекращение права собственности в связи с решением государственного органа, не направленное непосредственно на изъятие имущества у собственника, в том числе решением об изъятии земельного участка, производится с согласия собственника в установленном порядке. Кроме того, не допускается пересмотр и отмена результатов разгосударствления и приватизации имущества.

Таким образом, постепенно, нормативная база в сфере гарантий защиты прав и интересов инвесторов в Узбекистане приводится в соответствии с лучшей мировой практикой. Принятие данных нормативных актов позволило укрепить нормативные условия гарантий защиты прав и интересов инвесторов.

Результаты проведенных реформ находят свое отражение в изменении видения Узбекистана в международных рейтингах и индексах. Так, в 2019 году Узбекистан был включен в Индекс регуляторных ограничений ПИИ, рассчитываемый ОЭСР: республика заняла 44 место в мире и 4 место в Азиатско-Тихоокеанском регионе [2] по уровню равенства национального режима для иностранных и отечественных инвесторов, набрав 0,068 баллов при наилучшем результате 0,001 [3]. Это указывает на то, что по мнению ОЭСР, в Узбекистане обеспечено практически полное равенство правового режима деятельности для национальных и иностранных инвесторов. В том же году Узбекистан в Индексе эффективности привлечения ПИИ, разработанному ЮНКТАД, получил значение в 2,3 ед., при оптимальном значении равном 1. Это свидетельствует о активном ре-




**Рис. 2. Отражение реформ в улучшении позиций Узбекистана в международных рейтингах и индексах.**

***Источники:*** *составлено автором по данным расчет ИПМИ, https://stats.oecd.org/Index.aspx?datasetcode=FDIIN DEX.*

формировании экономики, росте доверия к стране. Сохранение значений Индекса, превышающих 1, в ближайшие годы будет свидетельствовать об успешности перехода к рыночным условиям и формировании оптимальной регуляторной среды.

С 2019 года отмечается рост оценок Узбекистана в Индекса экономической свободы по показателям «инвестиционная свобода», «свобода предпринимательства», «права собственности». В общем рейтинге Индексе экономической свободы позиция Узбекистана улучшилась с 152-го в 2018 году до 108-го места в 2021. За четыре года рост составил 44 позиции [4].

Дальнейшее совершенствование законодательства в части процедур реализации мер по выполнению представленных гарантий, устранение имеющихся противоречий и нестыковок в законодательстве, повышение его прозрачности и системность позволит обеспечить благоприятные условия для осуществления предпринимательской и инвестиционной деятельности как отечественными, так и иностранными гражданами и компаниями.

***Источники и литература***

*1. Указ Президента Республики Узбекистан от 7 февраля 2017 года № УП-4947 «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан».*

*2. Расчет ИПМИ*

*3. https://stats.oecd.org/Index.aspx?datasetcode=FDIINDEX*

*4. https://yuz.uz/ru/news/uzbekistan-v-indekse-ekonomicheskoy-svobod-2017-2021-godax?view=obsujden-vopros-razrabotki-mejdunarodnogo-printsipa-o-statuse-i-deyatelnosti-sudeyskogo-soveta*

*5. Закон Республики Узбекистан от 25.12.2019г. №ЗРУ–598 «Об инвестициях и инвестиционной деятельности».*

*6. Закон Республики Узбекистан от 23.12.2020г. №ЗРУ–656 «О внесении изменений и дополнений в некоторые законодательные акты Республики Узбекистан в связи с дальнейшим усилением гарантий прав и законных интересов собственников».*

*7. Указ Президента Республики Узбекистан от 1 августа 2018 года №УП-5495 «О мерах по кардинальному улучшению инвестиционного климата в Республике Узбекистан».*

*8. Постановление Кабинета Министров Республики Узбекистан от 30.04.2020 г. №264 «О внесении изменений в постановление Кабинета Министров от 2 августа 2005 г. №180 «О мерах по реализации Указа Президента Республики Узбекистан «О дополнительных мерах по стимулированию привлечения прямых частных иностранных инвестиций».*

**Укрепление гарантий защиты прав и интересов инвесторов**

**Музафар Каримов,**
*Руководитель проекта Института прогнозирования и макроэкономических исследований*

**Аннотация:** *в статье дан обзор ключевых изменений в законодательстве Республики Узбекистан, направленный на укрепление правовых основ гарантий защиты прав и интересов иностранных и национальных инвесторов, реализованных в условиях новой социально-экономической политики в последние годы.*

**Ключевые слова:** *инвестиции, законодательство, права инвесторов, обязанности инвесторов, гарантии защиты, применение гарантий, решение споров.*

**Инвесторларнинг ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилиш кафолатларини мустаҳкамлаш**

**Музафар Каримов,**
*Прогнозлаштириш ва макроиқтисодий тадқиқотлар институти лойиҳа раҳбари*

**Аннотация:** *мақолада сўнгги пайтларда янги ижтимоий-иқтисодий сиёсат шароитида амалга оширилган хорижий ва миллий инвесторларнинг ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилиш кафолатларининг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлашга қаратилган Ўзбекистон Республикаси қонунчилигидаги асосий ўзгаришларга умумий нуқтаи назар берилган.*

**Калит сўзлар:** *инвестициялар, қонунчилик, инвесторларнинг ҳуқуқлари, инвесторларнинг мажбуриятлари, ҳимоя кафолатлари, кафолатларни қўллаш, низоларни ҳал қилиш.*

**Strengthening guarantees of protection the rights and interests of investors**

**Muzafar Karimov,**
*Project Manager, Institute of Forecasting and Macroeconomic Research*

**Abstract:** *the article provides an overview of the key changes in the legislation of the Republic of Uzbekistan, aimed at strengthening the legal basis for the guarantees of the protection of the rights and interests of foreign and national investors, implemented in the context of a new socio-economic policy in recent years.*

**Keywords:** *investments, legislation, rights of investors, obligations of investors, guarantees of protection, application of guarantees, resolution of disputes.*

**УЎК: 322.338.45.69**

**Иномжон КАРИМОВ,**
*Тошкент архитектура-қурилиш институти,*
*“Иқтисодиёт ва кўчмас мулкни бошқариш” кафедраси катта ўқитувчиси,*
**e-mail:** Boyfame00@mail.ru

# Қурилиш соҳасига инвестицион лойиҳаларни жалб этиш ва уларнинг самарадорлигини ошириш

**Кириш**

Кейинги йилларда мамлакатда инвестиция жараёнларини жадал даражада такомиллаштириш, давлатнинг ривожланиш дастурларини шакллантириш тартибини белгилаш, лойиҳаларни танлаш шаффофлиги ва самарадорлигини ошириш, уларни молиялаштириш борасида саъй-ҳаракатлар амалга оширилди.

Шу билан бирга ҳудудларнинг ҳамда иқтисодиёт тармоқларининг хом ашё, инфратузилма ва меҳнат салоҳиятини ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқилган инвестиция лойиҳаларининг тўлиқ эмаслиги хорижий капиталнни фаол жалб қилиш жараёнларига тўсқинлик қилмоқда.

Бугунги кунгача, иқтисодиётнинг самарадорлик кўрсаткичларини яхшилаш (капитал ва фонд қўйилмалари, якуний маҳсулот энергия ва материал сиғими, меҳнат самарадорлиги ва капитал қўйилмалар самарадорлиги, даромад, рақобатбардошлик ва иқтисодий хавфсизлик меъёрлари) ҳукумат дастур ва вазифаларида устуворлиги пастроқ бўлган, фақатгина инфляция ва бюджет тақчиллиги, ЯИМ ишлаб чиқариш ҳажмларининг аниқ суръатларига эришиш масаласигина шакллантирилган.

Шунингдек, қурилиш соҳасида инвестиция лойиҳаларини муваффақиятли амалга ошириш ва инвестиция лойиҳаларини танлаш тизимини мукаммаллаштириш ҳамда уни иқтисодиётнинг мавжуд ва ўзгарувчан шароитларига мослаштириш билан белгиланади. Ҳозирда ривожланиб бораётган қурилиш соҳасини янада модернизация қилиш учун инвестиция лойиҳаларининг молиявий самарадорлигини баҳолашнинг методологик масалалари илмий ҳамда амалий жиҳатдан долзарб эканлигини кўрсатади.

**Мавзуга оид адабиётларнинг таҳлили**

Жаҳон мамлакатлари тажрибасидан маълумки, иқтисодиётнинг қон томирларидан бири инвестициядир, шунинг учун ҳам инвестицион лойиҳаларнинг назарий ва амалий томонларини ўрганиш муҳимдир. Хусусан, инвестицион лойиҳалардан фойдаланиш ва уларнинг самарадорлигини ошириш йўлларини тадқиқ этиш масалалари хориж, мустақил давлатлар ҳамдўстлиги мамлакатлари ва мамлакатимиз олимлари томонидан илмий-амалий ҳамда назарий ўрганилган. Бу олимлар олиб борган тадқиқот натижаларини қуйида келтирамиз.

William F. Sharp капитал активларнинг нарх-наво моделини яратувчилардан биридир, шунингдек инвестиция самарадорлигини таҳлил қилиш, активларни тақсимлашни оптималлаштириш, инвестицион фондларнинг услубиёти ва самарадорлигини баҳолаш учун рентабелликка асосланган тадқиқотларни ишлаб чиққан [1].

Джейкоб Минсер илмий тадқиқотларида инсон капитали ва шахсий даромад тақсимотига инвестиция қилиш ва инсон капиталига инвестициядан олинадиган даромад сметаларини ифодаловчи Минсер тенгламасини ишлаб чиққан [2].

Виленский П.Л, Лившиц В.Н, Смоляк С.А. ўз илмий ишларида дизайн соҳасига инвестиция киритишнинг иқтисодий муаммоларига бағишланган, инвестицион лойиҳаларнинг ривожланиши, турли босқичларининг самарадорлигини баҳолаш, лойиҳаларни мувофақиятли амалга ошириш механизмлари, лойиҳаларни танлаш ва инвестиция дастурларини шакллантириш усулларини ёритиб берган [3].

Д.Ғ.Ғозибеков ўз илмий адабиётларида инвестиция, инвестиция муҳити, инвестиция сиёсати, ин-

вестиция лойиҳалари, инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш, инвестиция фаолиятини молиялаштириш ва инвестицияларни иқтисодиётга жалб қилиш масалаларини ёритган [4].

Н.Р.Қўзиева хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар фаолиятини рағбатлантиришнинг молия-кредит механизмини такомиллаштириш йўналишларини тадқиқ этган ҳолда миллий иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар фаолиятини юритиш ва уларнинг молия-кредит механизми такомиллаштирилиши юзасидан тавсияларни ишлаб чиққан [5].

Ш.И.Мустафакулов ўз илмий, амалий ишларида инвестицион муҳит жозибадорлиги борасида ишлар олиб борган. Олим инвестицион муҳит жозибадорлигининг илмий-назарий ва илмий-услубий асосларини, Ўзбекистон ва унинг худудларида ижтимоий-иқтисодий ҳамда инновацион-инвестицион салоҳиятини таҳлил этган ҳамда Республикада инвестицион жозибадорликни ошириш борасида ўз таклифларини берган [6].

Лекин ушбу олимлар томонидан олиб борилган илмий тадқиқотларда умумий инвестицион лойиҳалар самарадорлигини ошириш механизмларини такомиллаштиришга (асосан, иқтисодий соҳаларда инвестициянинг назарий, услубий муаммолари, корхонанинг айрим фаолият ва соҳалари) бағишланган бўлиб, қурилиш соҳасидаги инвестицион лойиҳалар билан боғлиқ бўлган амалий муаммолар ва уларни ижобий ечиш масалалари етарлича ўрганилмаган.

**Таҳлил ва натижалар**

Иқтисодиётда таркибий ўзгаришларни янада чуқурлаштириш, компанияларнинг инвестицион фаолиятини жадаллаштириш, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш дастурларини амалга оширишда хорижий инвестициялар, аввало, тўғридан-тўғри инвестицияларнинг ўрни муҳимдир. Ривожланган давлатлар тажрибаси шуни кўрсатадики, чет эл инвестицияларининг жалб қилиниши мазкур давлатларнинг юксак даражада тараққий этишида ҳал қилувчи омиллардан бири бўлиб хизмат қилади. Шу билан бирга, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев томонидан таклиф этилган 2017-2021 йиллар учун қабул қилинган Ҳаракатлар стратегияси дастурида мамлакатимизда инвестиция муҳитини янада яхшилаш, замонавий корхоналарни барпо этиш орқали янги иш ўринларини яратишга алоҳида эътибор қаратилган. Бу борада мамлакатимизга тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни янада кенг жалб этиш, шунингдек хорижий инвесторлар учун ишончли ҳуқуқий ҳимоя ва кафолатларни таъминлаш бўйича амалга оширилаётган ислоҳотлар муҳим ўрин эгаллайди [7].

Иқтисодиётга инвестицияларни жалб этишни ривожлантириш учун, авваламбор, иқтисодиётнинг ташкилий ва технологик механизмини самарали ташкил этиш, асосий эътиборни нодавлат инвестицияларга қаратиш зарур. Жалб этилаётган инвестицияларни макроиқтисодий тартибга солишда ўзига хос тамойилларни белгилаб олишдаги механизм самарали ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси бўйича 2019 йил давомида барча молиялаштириш манбалари ҳисобидан инвестицияларни ўзлаштириш ҳажми 220,7 трлн. сўмга етган бўлиб, тасдиқланган йил прогнозига нисбатан 2 бароборга ўсган. Шу ўринда, асосий капиталга инвестициялар ҳажми 189,9 трлн. сўмни, яъни 2018 йилга нисбатан 1,3 бароборга ошганини кўриш мумкин. Асосий капиталга инвестициялар ҳажмининг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 2018 йилда 30 фоиздан, 2019 йилда 36,2 фоизга қадар ўсган (умумий инвестициялар ҳажмининг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 2019 йилда 42,1 %ни ташкил этган). 2019 йилда 2,8 мингдан ортиқ ижтимоий, инфратузилма ва ишлаб чиқариш объектлари: шу жумладан 145 та йирик ишлаб чиқариш объектлари, 167 та йирик ҳудудий лойиҳалар, 2,5 мингдан зиёд ижтимоий ва инфратузилма объектлари фойдаланишга топширилди.

Хорижий инвестицияларни жалб қилиш бўйича асосий хорижий ҳамкор давлатлар сифатида Хитой, Россия ва Германияни эътироф этиш мумкин, шу билан бирга Ўзбекистон иқтисодиётига инвестиция киритадиган давлатлар умумий сони 50 тадан ошди. Натижада, йирик инвестор-давлатларнинг умумий жалб қилинаётган тўғридан-тўғри хорижий инвестиция ва кредитлардаги улуши 34% гача қисқарди.

2018 йил кўрсаткичларига нисбатан тўғридан-тўғри хорижий инвестиция ва кредитларни жалб қилишнинг фаол ўсиши электротехника маҳсулотларини ишлаб чиқариш (ўсиш – 7,5 баробар), металлургия (ўсиш – 4,6 баробар), тўқимачилик (ўсиш – 2,5 баробар), чарм-пойафзал (ўсиш – 2,1 баробар) ва нефть-газ (ўсиш – 2 баробар) тармоқларида кузатилди.

Тўғридан-тўғри хорижий инвестиция ва кредитлар оқимининг ўзгариш суръати ҳудудий аҳамиятга эга бўлган лойиҳаларда ҳам мустаҳкамланиб бориб, уларнинг умумий ҳажми 2019 йилда 4,8 млрд. долларни (шундан асосий капиталда – 4,2 млрд. доллар) ташкил этиб, 2018 йил мос даврига нисбатан 4 баравар ва 2017 йилга нисбатан 24 баравар кўпайди. Фақат хорижий капитал иштирокида ҳудудларда умумий қиймати 858,5 млн. долларга тенг 167 та лойиҳа фойдаланишга топширилди.

**1-жадвал**

**2019 йилда тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар иштирокида амалга оширилган минтақавий инвестиция лойиҳаларининг сони**

| № | Вилоятлар | Амалга ошириладиган лойиҳалар сони, та | Лойиҳанинг умумий қиймати млн.доллар |
|---|---|---|---|
| 1 | Қорақалпоғистон Республикаси | 7 | 2203 |
| 2 | Андижон вилояти | 11 | 1104,6 |
| 3 | Бухоро вилояти | 19 | 1174,8 |
| 4 | Жиззах вилояти | 22 | 2732,9 |
| 5 | Қашқадарё вилояти | 12 | 1243,3 |
| 6 | Навоий вилояти | 14 | 574,9 |
| 7 | Наманган вилояти | 10 | 2174,1 |
| 8 | Самарқанд вилояти | 7 | 1696 |
| 9 | Сирдарё вилояти | 9 | 1254,7 |
| 10 | Сурхандарё вилояти | 17 | 2103,7 |
| 11 | Тошкент вилояти | 8 | 1188,4 |
| 12 | Фарғона вилояти | 12 | 2130 |
| 13 | Хоразм вилояти | 7 | 1153 |
| 14 | Тошкент шаҳрида | 24 | 2738,9 |

***Манба:*** *https://stat.uz маълумотлари асосида муаллиф томонидан ишланган.*

Жадвалда кўриниб турибдики, жами 2019 йилда 179 та инвестиция лойиҳалари киритилган бўлиб, бу бўйича энг юқори кўрсаткич Тошкент шаҳрида 24 та лойиҳа, Жиззах вилоятида 22 та лойиҳа, Бухоро вилоятида 19 та лойиҳа, Сурхондарё вилоятида 17 та лойиҳа амалга оширилган, аммо энг кам лойиҳалар Қорақалпоғистон Республикасида 7 та лойиҳа, Самарқанд вилоятида 7 та лойиҳа амалга оширилган.

Бугунги кунда мамлакатимизда амалга оширилаётган инвестиция лойиҳалари, аввало устувор тармоқларга, яъни нефть ва химия саноати, транспорт, энергетика, ер ости қазилма бойликларини ишлаб чиқаришга, қурилиш, телекоммуникация тармоқларига, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқаришга ва уларни кенгайтиришга, туризм соҳасини ривожлантиришга қаратилиши лозим.

Умуман олганда, 2020 йил охирига қадар 2 мингдан ортиқ ижтимоий, инфратузилмавий ва саноат объектлари, шу жумладан 206 та янги йирик ишлаб чиқариш объекти, 240 та ҳудудий аҳамиятга эга ишлаб чиқариш объекти ҳамда 1,6 мингга яқин ижтимоий ва инфратузилмавий объектлари фойдаланишга топширилиши режалаштирилган.

Мамлакатимизда охирги саккиз йилда ишга туширилган йирик инвестиция лойиҳалари сонини қуйидаги диаграммада кўриш мумкин.




**1-диаграмма. 2012-2019 йилларда амалга оширилаётган йирик инвестиция лойиҳалар сони**

***Манба:*** *https://stat.uz маълумотлари асосида муаллиф томонидан ишланган.*

Бу диаграммада акс этган йирик инвестиция лойиҳаларининг ҳажми эса 2-жадвалда келтирилган. Ундан кўришимиз мумкинки, энг кўп йирик лойиҳалар 2018 йилда ишга туширилган-353 та, энг кўп ҳажми эса 2019 йилда бўлиб, 23 млрд. АҚШ долларини ташкил қилган.

**2-жадвал**

**Мамлакатимизда сўнгги йилларда амалга оширилаётган йирик инвестиция лойиҳалари тўғрисидаги маълумотлар**

| № | Йиллар | Ишга туширилган йирик инвестиция лойиҳалари сони, та | Ишга туширилган йирик инвестиция лойиҳалари ҳажми, млрд. АҚШ доллари |
|---|---|---|---|
| 1 | 2012 | 205 | 1,6 |
| 2 | 2013 | 150 | 2,7 |
| 3 | 2014 | 154 | 4,2 |
| 4 | 2015 | 158 | 7,4 |
| 5 | 2016 | 164 | 5,0 |
| 6 | 2017 | 161 | 2,4 |
| 7 | 2018 | 353 | 20 |
| 8 | 2019 | 179 | 23 |

***Манба:*** *https://stat.uz маълумотлари асосида муаллиф томонидан ишланган.*

Давлат статистика қўмитасининг маълумотларига кўра, 2013-2019 йилларда асосий капиталга киритилган инвестициялар 2013 йилда 112,1 %ни ташкил этган бўлса, 2019 йилга келиб эса, 138,1% га етган. Қурилиш ишлари 2013 йилда 15219,3 млрд.сўм, 117,6 %ни, 2014 йилда 20060,4 млрд.сўм, 117,6 %ни, 2015 йилда 25423,1 млд.сўм, 118,8%ни ва 2019 йилда 122,9 % ни яъни 71156,5 млрд.сўмни ташкил этган.

Бундан ташқари уй-жойлар, умумтаълим мактаблари, касб-ҳунар коллежлари, лицейлар, шифохоналар, амбулатория-поликилиника муассасалари, қишлоқ врачлик пунктларини қўшган ҳолдаги маълумотлар қуйидаги 1-жадвалда келтирилган.

**3-жадвал**

**Инвестиция ва қурилиш фаолиятининг асосий ижтимоий-иқтисодий кўрсаткичларининг ўсиш суръатлари (ўтган йилга нисбатан физда)**

| Кўрсаткичлар | 2013 | 2014 | 2015 | 2016 | 2017 | 2018 | 2019 |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| Асосий капиталга киритилган инвестициялар | 112,1 | 109,9 | 109,6 | 107,7 | 119,4 | 129,9 | 138,1 |
| Қурилиш ишлари | 117,2 | 117,6 | 118,8 | 110,2 | 106,0 | 114,3 | 122,9 |
| Фойдаланишга топшириш: | | | | | | | |
| Уй-жойлар | 103,6 | 106,3 | 105,5 | 105,6 | 107,6 | 117,0 | 115,7 |
| Умумтаълим мактаблари | 89,6 | 99,6 | 94,1 | 153,7 | 106,2 | 85,1 | 141,9 |
| Касб-ҳунар коллежлари | 87,9 | 40,2 | 89,2 | 103,1 | 5,4 | - | - |
| Лицейлар | 14,4 | 183,3 | 4,6 | 99,3 | - | - | - |
| Шифохоналар | 156,4 | 105,0 | 103,0 | 97,8 | 42,3 | 143,5 | 120,6 |
| Амбулатория-поликилиника муассасалари, қишлоқ врачлик пунктларини қўшган ҳолда | 114,3 | 100,0 | 71,8 | 135,7 | 77,9 | 2,6 | 103,4 |

***Манба:*** *https://stat.uz маълумотлари асосида муаллиф томонидан ишланган.*

Хусусан, 2019 йилда Республикада 1-6 ёшли болаларнинг 26,3 фоизи мактабгача таълим билан қамраб олинган. Бу кўрсаткични яхшилаш мақсадида 2020 йилга мўлжалланган Инвестиция дастурлари асосида 426 та мактабгача таълим ташкилотлари объектларини қуриш ва реконструкция қилиш белгиланган, шу жумладан 19 та объект – янги қуриш, 394 та объект – реконструкция қилиш ва 13 та объект йилдан-йилга ўтувчи реконструкция объектлари. Ҳозирги кунда, барча объектлар юзасидан лойиҳа-смета ҳужжатлари ишлаб чиқилган, қурилиш ишлари олиб борилмоқда. Бугунги кунда 255 та Давлат хусусий шерикчилик асосидаги Нодавлат мактабгача таълим ташкилотларида қурилиш ишлари давом этаётган бўлиб, ҳозирги кунда 201 таси ўз фаолиятини бошлаган ва 19 мингдан ортиқ янги иш ўринлари ташкил этилган.

Аҳолини сифатли арзон уй-жой билан таъминлаш орқали уларга муносиб турмуш шароити яратиш ижтимоий соҳадаги давлат сиёсатининг асосий йўналишидан биридир.

2020 йил дастури доирасида жами 30 006 та хонадонли кўп қаватли арзон уй-жойлар қурилиши белгиланган бўлиб, бугунги кунда ушбу уй-жойларнинг 35 521 та хонадонлар (режага нисбатан 118,3 фоиз) фойдаланишга топширилиши кутилмоқда. Хусусан, “Ўзшаҳар қурилиш инвест” ИК МЧЖ иштирокида 4 256 та ва “Қишлоқ қурилиш инвест” ИК МЧЖ иштирокида 7 640 та уй-жойлар қурилган. Янги тартиб асосида: қишлоқ жойларда 6 427 та ҳамда шаҳарларда 17 198 та замонавий хонадонлар қурилди.

Бундан ташқари, уй-жой қурилиш соҳасида янги технологиялар ўзлаштирилиши натижасида Тошкент шаҳрида 25 қаватли (сони 1 та), вилоят марказларида энерготежамкор қуйма темир бетон типидаги 16 қаватли (сони 29 та) ҳамда замонавий йиғма панел блокларидан иборат 9 қаватли (сони 26 та), қишлоқ жойларида қуйма темир бетон типидаги 5 қаватли (сони 30 та) уй-жойлар қурилмоқда.

Бунда яқин ва узоқ хорижий давлатлар инвестиция ва кредитларини жалб этиш масаласига ҳам жиддий эътибор қаратмоқ лозим. Уларнинг йирик инвестиция лойиҳаларини молиялаштиришдаги иштироки ва хиссасини ошириш иқтисодиётни модернизациялашда муҳим омил бўлиб хизмат қилади. Эндиликда ҳудудлар ва тармоқларда тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар иштирокидаги

лойиҳалар кўламини кенгайтириш, уларни амалга оширишда қатъий назорат механизмини ўрнатиш учун янги тизим ташкил этилиши маълум қилинди. Унга мувофиқ [8]:

**Биринчи** – вилоят ҳокимлари ҳар ҳафтада биттадан туман ёки шаҳарга бориб, элчилар билан алоқа ўрнатган ҳолда, у ерга тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилиш чораларини кўради. Худди шундай тармоқ раҳбарлари ҳам ҳар ҳафтада битта вилоятга бориб, ўша жойдаги корхоналар билан бирга амалдаги лойиҳаларни бажаришни жадаллаштириш ва қўшимча инвестиция лойиҳалари бўйича ишни ташкил этади. Зарур ҳолларда маҳаллий раҳбарлар ва тадбиркорларга инвестиция лойиҳаларини ишлаб чиқишни ўргатади. Бош вазир ва унинг ўринбосари элчилар иштирокида ҳудудлар ва тармоқларга жалб қилинган хорижий инвестицияларни ўзлаштириш ҳолатини мунтазам муҳокама қилиб боради. Натижаларига қараб, ҳокимлар ва тармоқлар раҳбарлари рағбатлантирилади ёки уларга нисбатан иш ҳақининг 50 фоизи миқдорида жарима қўлланади.

Ҳудудларга бириктирилган республика идоралари раҳбарлари вилоят ҳокимлари ва элчилар билан биргаликда ҳар бир туман (шаҳар)да тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар иштирокидаги лойиҳаларни амалга ошириш ҳолатини ўрганиб, уларнинг ижросини жадаллаштириш бўйича аниқ чоралар кўради. Шунингдек, қўшимча лойиҳалар бўйича таклифлар ишлаб чиқади ва хорижий инвесторларни жалб қилади.

**Иккинчи** – Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги ҳудудлар ва тармоқларнинг инвестиция лойиҳалари бўйича таклифларини умумлаштириб, самарадорлигини баҳолайди ва ягона электрон "онлайн" базани шакллантиради.

**Учинчи** – Ташқи ишлар вазирлиги ҳамда ҳудудларга бириктирилган элчилар ягона электрон базага киритилган лойиҳаларга хорижий инвесторларни жалб қилади.

**Тўртинчи** – Вазирлар Маҳкамаси саралаб олинган истиқболли лойиҳаларни амалга ошириш учун хорижий инвесторлар билан тегишли келишувларни расмийлаштириш чораларини кўради ва ижросини назоратга олиш бўйича "йўл харитаси"ни тасдиқлайди, деб белгилаб қўйилган.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев янги лойиҳаларга инвесторларни жалб қилишни янада фаоллаштириш учун ҳар йили барча ҳудудларда камида бир марта хорижий сармоядорлар иштирокида инвестиция форумлари ўтказиш, шунингдек, хориждаги йирик халқаро инвестиция форумларида юртимиз тадбиркорлари иштирокини таъминлаш зарурлигини таъкидлаганлар.

2020 ва ундан кейинги йилларда тўғридан-тўғри хорижий инвестиция ва кредитларни фаол жалб қилиш, уларни электр энергетика, ахборот технологиялари, шунингдек мавжуд хом ашёни чуқур қайта ишлаш орқали юқори қўшилган қиймат занжирини яратишга қаратилган кимё саноати, электротехника маҳсулотларини ишлаб чиқариш, енгил саноат, қишлоқ хўжалиги ва қурилиш материаллари ишлаб чиқариш каби устувор соҳалардаги лойиҳаларни амалга ошириш орқали уларнинг йўналишларини диверсификация қилиш ишлари давом эттирилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 9 январдаги ПҚ-4563-сон қарори билан тасдиқланган Инвестиция дастурига мувофиқ 2020 йилда молиялаштиришнинг барча манбалари ҳисобидан асосий капиталга қарийб 233,2 трлн. сўм капитал қўйилмалар ўзлаштирилиши режалаштирилган эди, бунда 7,1 млрд. АҚШ доллари миқдорида тўғридан-тўғри хорижий инвестиция ва кредитларнинг, 2,7 млрд. АҚШ доллари миқдорида давлат кафолати остидаги хорижий инвестиция ва кредитларнинг ўзлаштирилиши режалаштирилган.

Инвестицияларнинг сафарбар этилиши, кўп жиҳатдан, лойиҳаларнинг юқори самарадорликка эгалигига асосланади. Сабаби, бундай инвестиция лойиҳалари катта фойда олиш имконини беради. Одатда, юқори фойда олиш аксарият инвесторларнинг асосий мақсади бўлганлиги боис, бундай лойиҳаларни молиялаштиришдан инвесторлар манфаатдор бўладилар. Лекин ҳамма инвесторлар ҳам инвестиция лойиҳасини молиялаштиришдан аввал уларнинг турли иқтисодий кўрсаткичларини, риск даражасини баҳолайдилар ва лойиҳани молиялаштириш учун ўзларининг турли хил талабларини қўядилар, шунингдек ўз имкониятларини ҳам ҳисобга олишга мажбурлар. Хоҳиш ва мақсадларга мос бўлган лойиҳаларнинг улар томонидан молиялаштиришга қабул қилинишлари табиийдир.

Одатда, барча инвестиция лойиҳалари ҳам бир хил кўрсаткичларга эга бўлавермайди. Айрим кўрсаткичлар бир лойиҳада ижобий бўлса, бошқа лойиҳада эса аксинча бўлиши мумкин ва яна бир айрим кўрсаткичлари эса бир лойиҳада бошқа лойиҳадагига нисбатан пастроқ миқдорга эга бўлиши мум-

кин. Бир соҳага хос бўлган лойиҳаларнинг бундай (ўзаро зиддиятли) маълумотларга эга бўлиши, улар ўртасидаги рақобатни вужудга келтиради. Инвестиция қарорларини қабул қилиш, айниқса рақобатли инвестициялар шароитида озгина қийин вазиятларни келтириб чиқаради.

**Инвестиция лойиҳаларнинг самарадорлигини оширишга таъсир этувчи омиллар қуйидагилар ҳисобланади:[9]**

- давлатнинг иқтисодий ва ижтимоий сиёсати;
- инвестицион таваккалчилик;
- солиқ тизимининг ҳолати;
- инфляция даражаси;
- Марказий банкнинг қайта молиялаш ставкаси;
- инвестиция жозибадорлиги;
- инвестиция фаолияти соҳасидаги норматив-ҳуқуқий базанинг шаклланганлиги;
- инвестиция инфратузилмасининг мукаммаллик даражаси;
- хорижий инвестицияларни жалб қилиш учун яратилган шарт-шароитлар ва уларнинг ҳар бирининг таъсирини аниқласак ҳамда уни шакллантирсак самарадорликнинг ошишига эришишимиз мумкин.

**Тақдим этилган маълумотлар Ўзбекистон иқтисодиётини модернизация қилиш шароитида инвестиция ва қурилиш фаолиятига қуйидаги омиллар таъсир кўрсатишини таъкидлашга имкон беради:**

1) Ўзбекистонда сўнгги йилларда юқори раҳбарият томонидан алоҳида эътиборга олинган қурилиш маҳсулотларига, шунингдек инвестиция сиёсатига барқарор талаб мавжудлиги. Кўриниб турибдики, ушбу омиллар қурилиш мажмуаси ва унинг таркибидаги барча соҳаларда ривожланишнинг бутун йўналишига ҳал қилувчи таъсир кўрсатади.

2) инвестиция ва қурилиш ишлари динамикасининг асосий воситаларни такрор ишлаб чиқаришнинг даврий ривожланишига, шунингдек, циклик бўлмаган табиат ҳодисаларига боғлиқлиги. Шу билан бирга, республика учун доимий равишда амал қилувчи омиллар қаторига демографик ўзгаришлар, давлатнинг қурилиш, илмий-техникавий тараққиёт (инновацион фаолият) соҳасидаги сиёсати, МДҲ ва иқтисодий ривожланган давлатлар билан интеграцион алоқаларни ривожлантириш киради.

3) кўрсаткичларнинг асосий воситаларни ишга туширишга боғлиқлиги, ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш мақсадлари учун асосий воситаларга инвестициялар динамикаси, қурилишда иқтисодий ислоҳотларнинг асосий қоидаларини амалга ошириш.

4) давом этаётган иқтисодий модернизация талабларига мувофиқ оқилона таркибий сиёсат юритиш, келажакда ёқилғи-энергетика комплекси, алоқа ва енгил саноат тармоқларини жадал ривожлантириш бўйича тўпланган тажрибани ҳисобга олиш керак.

5) амалга оширилаётган институционал ўзгаришлар натижасида иқтисодиётнинг нодавлат секторининг кучли ривожланиши амалга оширилди. Шу билан бирга, улар келгусида ривожланиши билан боғлиқ кўплаб масалаларни ҳам қўйдилар.

6) иқтисодиётнинг инновацион ривожланиши шароитига мос амортизация сиёсатини ўтказиш.

**Хулоса ва таклифлар**

Хулоса қилиб айтганда, қурилишда инвестиция лойиҳалари самарадорлигини баҳолаш ва ҳудудий тавакалчилик даражаларидаги фарқлар умуман ҳисобга олинмайди ёки етарли методологик асосланмаган ҳолда ҳисобга олинади. Бу, биринчи навбатда, ҳисоб-китоблар натижасида олинган қурилишда инвестиция лойиҳаларининг иқтисодий самарадорлик кўрсаткичларининг сифатига таъсир этади, шунингдек, қурилишда инвестиция лойиҳалари самарадорлигини ошириш механизимини такомиллаштириш зарурияти туғилади. Ушбу ҳолатлардан келиб чиқиб, самарадорликка таъсир этувчи омилларнинг аҳамиятини аниқлашда регрессия усулидан фойдаланиш ва уларнинг даражасига қараб самарадорлигини ошириш механизмларини ишлаб чиқиш зарур. Ушбу хулосадан келиб чиқиб қуйидагиларни таклиф қиламиз:

- қурилиш соҳасида киритилган инвестицион лойиҳаларнинг самарадорлигини ошириш учун яширин иқтисодиётнинг улушини кескин камайтириш лозим, чунки бу кўп қаватли уйларнинг қурилишидан сўнг квартиралар нархининг кескин ошишига олиб келади;
- қурилиш соҳасидаги инвестицион лойиҳалар самарадорлигини ошириш учун жуда кўп омиллар (стратегик мақсад, инфратузилма билан таъминланганлик даражаси, қурилиш қанча муддатга режалаштирилгани, қурилиш олиб борилаётган ҳудуддаги инвестицион жозибадорлик ва бошқалар) таъсирини ўрганиш лозим. Шунинг учун ҳам, бу соҳада киритиладиган инвестицион лойиҳаларнинг механизмини ишлаб чиқиш учун, биринчи навбатда айнан шу омилларнинг корреляцион боғ-

лиқлик таъсирини ўрганиш лозим. Бунинг учун, инвестицион лойиҳалар асосида олиб борилаётган қурилишлардан маълум қисмини танлаб олиш (бу жуда муҳим) лозим, сўровномалар шакллантирилиб қурилиш олиб борилаётган жой атрофидаги халқ фикри билан танишиш ҳамда уларни инобатга олиб кўрсаткичларни шакллантириш керак. Бу кўрсаткичларнинг корреляцион боғлиқлик моделини тузиб унгача бўлган инвестицион лойиҳаларнинг жозибадорлигини таҳлил қилиб, йўл қўйилган камчиликларни келгусида инобатга олиб самарадорликни ошириш лозим;

- инвестицион лойиҳаларни ишлаб чиқиш жараёнида унинг назарий томонларига ҳам кўпроқ эътиборни қаратиш лозим, чунки қурилиш соҳасидаги инвестицион лойиҳаларни амалга оширишда иқтисодий фанларнинг роли катта;

- қурилиш соҳасида амалга ошириладиган лойиҳаларни ишлаб чиқиш жараёнида инсон омили ҳамда сунъий интеллектга алоҳида эътибор қаратиш ҳамда хавфсизлик масалаларидаги омилларни кенгроқ ҳисобга олиш лозим.

***Манба ва адабиётлар***

*1. William F.Sharp «Decentralires Investment Management», Journal of Finance, 36, no.2 (May 1981). p. 217-234.*

*2. Mincer J. Investment in Human Capital and Personal Income Distribu-tion//Journal of Political Economy, Vol. 66, No. 4 (Aug., 1958), pp. 281-302.*

*3. Виленкский П.Л., Лившиц В.Н., Смоляк С.А. Оценка эффективности инвестиционных проектов. Теория и практика: Учебное пособие - 2 изд., перераб. и доп. - М.: Дело, 2002 - 888 с.*

*4. Ғозибеков Д.Ғ., Қоралиев Т.М. Инвестиция фаолиятини ташкил этиш ва давлат томонидан тартибга солиш. – Т.: «Молия», 1993.*

*5. Кузиева Наргиза Рамазановна. Основные направления совершенствования эффективного функционирования свободных экономических зон Узбекистана. Архив научных исследований, 1(24). извлечено от https://journal.tsue.uz/index.php/archive/article/view/2898.*

*6. Мустафакулов Ш.И. Инвестицион муҳит жозибадорлиги. Илмий-амалий қўлланма. –Тошкент:Baktria press, 2017.-320 б.*

*7. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси 2020 йил 24 январь.*

*8. Мамлакатимиз Президенти раислигида 2019 йил 8 январь куни бўлиб ўтган видеоселектор йиғилишида хорижий инвестицияларни жалб этиш бўйича янги босқичма-босқич тизим жорий этилиши муҳокамаси.*

*9. Karimov I.O., Ibragimov S.O. Ways to improve the efficiency of investment projects in construction., ACADEMICIA: An International Multidisciplinary Research Journal 10 (5), 460-465, 2020.*

*10. www.mf.uz – Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги сайти.*

*11. www.stat.uz – Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси сайти.*

**Қурилиш соҳасига инвестицион лойиҳаларни жалб этиш ва уларнинг самарадорлигини ошириш**

**Иномжон Каримов,**
*Тошкент архитектура-қурилиш институти,*
*“Иқтисодиёт ва кўчмас мулкни бошқариш”*
*кафедраси катта ўқитувчиси*

**Аннотация:** *ушбу мақолада Ўзбекистон Республикаси қурилиш соҳасида инвестиция лойиҳаларининг ҳолати таҳлил қилинган ва уларнинг самарадорлигини ошириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилган.*

**Калит сўзлар:** *инвестиция, инвестицион лойиҳа, хорижий инвестиция, қурилиш, капитал, тижорат банки, фоиз ставкаси, лойиҳа.*

**Привлечение инвестиционных проектов в строительную отрасль и повышение их эффективности**

**Иномжон Каримов,**
*Ташкентский архитектурно -*
*строительный институт, старший преподаватель*
*кафедры "Экономика и управление недвижимостью"*

**Аннотация:** *в данной статье проведен анализ состояния инвестиционных проектов в сфере строительства в Республике Узбекистан и даны рекомендации по повышению их эффективности.*

**Ключевые слова:** *инвестиции, инвестиционный проект, иностранные инвестиции, строительство, капитал, коммерческий банк, процентная ставка, проект.*

**Attracting investment projects to the construction industry and improving their efficiency**

**Inomjon Karimov,**
*Senior Lecturer, Department of - Economics And Property Management Tashkent Institute of Architecture And Civil Engineering*

**Abstract:** *this article analyzes the state of investment projects in the construction sector in the Republic of Uzbekistan and gives recommentations to improve their efficiency.*

**Keywords:** *investment, investment project, foreign investment, construction, capital, Commercial Bank, Interest rate, project.*

**УЎК: 338.2:004**

**Севара БАБАНАЗАРОВА,**
*Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти катта ўқитувчиси,,*
**e-mail:** Babanazarova_sevara@mail.ru

# Рақамли таълимни шакллантиришнинг объектив зарурлиги ва уни жорий қилишнинг ташкилий-иқтисодий механизмлари

**КИРИШ**

Мамлакатимизда рақамли иқтисодиётни жорий қилиш бўйича ишлар жадаллик билан амалга оширилмоқда. Рақамли иқтисодиётни жорий қилиш рақамли бошқаришни, буларни амалга ошириш рақамли таълимни жорий қилишни тақозо қилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президенти давлат бошқаруви тизимини янада такомиллаштириш, рақамли иқтисодиётни жорий этиш ва ривожлантириш учун шарт-шароитлар яратиш, инвестиция муҳитини яхшилаш, шунингдек, 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини амалга ошириш масаласини устувор вазифа сифатида белгилаши, барча соҳаларда янгиланишни талаб қилди. Ушбу вазифаларни бажариш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 3 июлдаги "Ўзбекистон Республикасида рақамли иқтисодиётни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-3832-сон, 2018 йил 21 ноябрда "Рақамли иқтисодиётни ривожлантириш мақсадида рақамли инфратузилмани янада модернизация қилиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-4022-сонли қарорлари қабул қилинди. Ушбу қарорларни айри ҳолда амалга ошириб бўлмаслиги туфайли, уларни амалга ошириш учун давлат бошқарувини ҳам шунга мослаштириш масаласига аҳамият берилди. Шу мақсадда, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 13 декабрда "Ўзбекистон Республикаси давлат бошқарувига рақамли иқтисодиёт, электрон ҳукумат ҳамда ахборот тизимларини жорий этиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармони эълон қилинди.

Буларнинг ҳаммаси бугунги кунда рақамли мамлакатни шакллантиришни тақозо қилади. Ушбу мақсадда 2030 йилгача «Рақамли Ўзбекистон» ривожланиш концепциясини ишлаб чиқиш вазифаси қўйилган эди. Ушбу вазифа Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2020 йил 24 январда Олий Мажлисга Мурожаатномасида қуйидагича баён этилган: "Ҳозирги кунгача 7 мингдан ортиқ соғлиқни сақлаш, мактабгача таълим муассасалари ва мактаблар юқори тезликдаги Интернетга уланган бўлса, кейинги 2 йилда яна 12 мингта муассаса тезкор Интернетга уланади. Бу вазифаларни кўзда тутган ҳолда, "Рақамли Ўзбекистон – 2030" дастурини ишлаб чиқиш" [1] вазифаси юклатилди. Мамлакатимизда бу борада тегишли ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, юртимиз олимлари ҳам ўз ўрнида илмий-тадқиқот ишларини олиб бормоқдалар.

**Мавзуга оид адабиётларнинг таҳлили.** Таълим хизматларининг у ёки бу жиҳатлари билан К.Х. Абдурахманов, А.Ш.Бердимурадов [2], С.С.Ғуломов, М.Қ.Пардаев, Қ.Ж.Мирзаев, О.М.Пардаев [3], З.Адилова, Б.Хонтўраев [4], Б.И.Исроилов, Э.Ф.Гадоев [5], М.Саидов [6], А.Халиқов [7], Я. Маматова, С. Сулайманова [8] кабилар шуғулланиб келмоқдалар. Ушбу олимлар асарларида хизмат кўрсатиш соҳаси, шу жумладан, таълим хизматларининг ҳам умумий жиҳатлари ёритилган. Аммо ушбу олимлар ишларида айнан таълим тизимини рақамлаштириш масаласига етарли даражада эътибор қаратилмаган.

**Тадқиқот методологияси.** Рақамли таълимни шакллантиришнинг объектив зарурлиги ва уни жорий қилишнинг ташкилий-иқтисодий механизмларини такомиллаштириш жараёнида методологик

асос сифатида мантиқий таҳлил, анализ ва синтез усулларидан фойдаланилган. Зеро, иқтисодиётни жадал ривожлантиришни таъминлаш учун юқори малакали кадрлар керак ва мос равишда уларни тайёрлаш учун таълим тизимини такомиллаштириш лозим бўлади. Бунга эса таълим тизимини рақамлаштириш орқали эришилади. Шу туфайли ишдаги асосий масалалар ва уларнинг йўналишлари мантиқий таҳлил усулларини қўллаб ёритилди.

**ТАҲЛИЛ ВА НАТИЖАЛАР.** 2030 йилгача «Рақамли Ўзбекистон – 2030» ривожланиш концепциясида кўзда тутилган вазифаларни бажариш мақсадида мазкур Концепцияга бир қанча чора-тадбирларни киритиш масаласи ҳам белгиланган [9]. Буларга қуйидагилар киритилган:

**Биринчидан,** телекоммуникация инфратузилмасини янада ривожлантириш, аҳолини сифатли уяли алоқа, кенг полосали Интернетдан фойдаланиш имкони билан таъминлаш устувор вазифа сифатида қаралмоқда.

**Иккинчидан,** соғлиқни сақлаш, аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш, таълим, коммунал хизмат кўрсатиш, туризм соҳаларида замонавий ахборот тизимлари, дастурий маҳсулотлар ва маълумотлар базаларини жорий этиш, шунингдек «ақлли» ва «хавфсиз» шаҳарлар ва минтақалар ташкил этиш масаласи ҳам қатъий белгиланган.

**Учинчидан,** рақамли иқтисодиёт соҳасида давлат-хусусий шериклик асосида инновацион лойиҳаларни амалга ошириш, шунингдек замонавий дастурий маҳсулотлар ишлаб чиқарилишини қўллаб-қувватлашга ҳам аҳамият берилган.

**Тўртинчидан,** «интеллектуал ҳукумат» тамойиллари асосида аҳоли ва тадбиркорлик субъектларига электрон давлат хизматлари кўрсатиш тизимини янада кенгайтириш масаласига ҳам эътибор қаратилган [9]. Мазкур Концепцияни оддий тадбирлар ишлаб чиқариш билан амалга ошириб бўлмайди. Бунинг учун давлат органлари ва бошқа ташкилотларда ахборот технологияларини ривожлантириш ҳолати, уларда мавжуд ахборот тизимлари, маълумотлар базалари ва бошқа дастурий маҳсулотлар замонавий талабларга жавоб берадиган бўлиши керак. Булардан ташқари иқтисодий ва ижтимоий тармоқларда кадрлар салоҳияти ҳам замонавий талабларга мувофиқ шаклланган бўлишлигини тақозо қилади. Ушбу жараёнларни талаб даражасига келтирилгач рақамли иқтисодиётни ва унинг таркибий қисми бўлган рақамли таълимни жорий қилиш масаласига ишончли ҳолда киришиш лозим бўлади.

Таълим тизими бу қадимдан мавжуд бўлиб, жамият ривожланиши билан бу тизим ҳам тараққий этиб бораверади. Жамият тараққиёти ва таълим тизими бир-бири билан узвий боғлиқ. Бу боғлиқликни қуйидагича ифодалаш мумкин (1-расм).




**1-расм. Жамият тараққиёти ва таълим тизимининг ўзаро боғлиқлиги**

Жамият вақт ўтиши билан албатта тараққий этиши тайин, аммо ушбу тараққиётнинг сифати ва жадаллиги бевосита таълимнинг ривожланиш даражасига боғлиқ. Жамиятнинг ривожланиши таълимни ривожлантириш заруратини туғдиради. Таълимнинг ривожланиши жамиятни тараққий эттириш учун асосий омил бўлиб ҳисобланади. Зеро таълим, бугунги авлодга жамиятнинг кечаги аҳволини, бугунги даражасини ва клажакда қандай бўлишлигини кўрсатиб беради. Шу жиҳатдан жамиятнинг тараққиётини таълимсиз тасаввур қилиб бўлмайди.

Жамият тараққиётининг бугунги ҳолати анъаналардан иборат. Кечаги ҳолати унинг ўтмишини ташкил қилади. Таълим ушбу ҳолатларни келажак авлодга етказиб бериш билан бирга, уларнинг эртанги куни қандай бўлишлигига ҳам кафолат бера олиши лозим. Бунда муҳим жиҳатни инобатга олиб, таълим тизимининг ривожланиши бевосита мамлакат иқтисодий аҳволига боғлиқлигини қайд этиш даркор бўлади. Иқтисодиётнинг равнақ топишида эса таълим хизматлари сифати ва самарадорлиги асосий аҳамиятга эга эканлиги ҳам ушбу жараёнларнинг бир-бири билан диалектик боғлиқликда эканлигидан далолатдир.

Иқтисодиётнинг ривожланиши янгидан янги ғоялар, инновациялар ва уларни амалга ошириш учун инвестицияларга боғлиқ бўлганлиги каби таълим тизимининг ривожланиши ҳам шу омилларга бевосита боғлиқдир. Вақт ўтган сари жамиятнинг тараққиёти шу даражада ошиб бормоқдаки, буларни англаш, идрок қилиш ва самарали бошқариш учун ахборотлар тезлигини ҳам ошириб боришини талаб қилмоқда. Бу эса ўз навбатида, жамият тараққиётини ва таълимнинг ўзаро боғлиқлигини таъминлашда ҳам ахборотларнинг ролини оширишга олиб

келмоқда. Шуни инобатга олиш жоизки, бундай шароитда ахборотлар таркибида таълимнинг ҳам жамият тараққиётининг ҳам элементлари ўз аксини топади. Шундай қилиб юқоридаги 1-расмда келтирилган боғлиқликни жадаллаштириш учун унинг шакли бир мунча ўзгаради (2-расм).




**2-расм. Жамият тараққиёти ва таълим тизимининг ўзаро боғлиқлигида ахборотларнинг ўрни**

Ушбу боғлиқликда ахборотлардан фойдаланишнинг жуда катта ижобий жиҳатлари ҳам мавжуд. Биринчидан ахборотларга жамиятдаги мавжуд жуда кўплаб маълумотларни жойлаштириш мумкин. Иккинчидан, ушбу ахборотлар энг сўнггилари бўлиши билан ҳам аҳамиятлидир. Чунки жуда яхши дарслик ҳам тайёрланиб нашрдан чиққунча бир мунча вақт ўтади. Бунгача жамиятдаги ахборотларнинг анча қисми янгиланган бўлиши мумкин. Аммо уларни тезлик билан дарсликка киритиб бўлмайди. Аммо ахборотларга охирги маълумотларни ҳам жойлаштириш мумкин бўлади. Учинчидан, бундан бир вақтнинг ўзида жуда кўпчилик баҳраманд бўлади. Тўртинчидан, ўша тезлашган янги ахборотлар сафига таълим хизматларидаги янги ахборотлар ҳам киради.

Жамият рақамлашаётган шароитда таълим хизматларининг миллий платформаларини яратиш зарурлиги бугунги кунда барчамизга аён бўлиб бормоқда. Шу туфайли таълимга рақамларни ва рақамларга таълимни киритиш вақти келди. Мамлакатимизда таълим тизимини рақамлаштириш бўйича дастлабки жараён (moodle тизими) 2015 йилларда бошланиб, бу саноқли таълим муассасалари фаолиятида ўз аксини топган эди. Ҳозирги пандемия шароитида бу тизимни ҳамма олий ўқув юртларида жорий қилиш зарурати туғилди. Чунки тан олиб айтиш жоиз, бу борада биз анча орқада эдик. Ҳақиқатга ҳақиқий тафаккур билан қарайдиган бўлсак, ҳар бир жараённинг салбий ва ижобий томонлари бор [10]. Буни таълимни ахборотлаштириш жараёнида ҳам яққол кўриш мумкин. Булар қуйидаги жадвалда келтирилган (1-жадвал).

**1-жадвал**

**Анъанавий ва рақамли таълимнинг умумий жиҳатлари, ижобий ва салбий ҳолатлари**

| Таълим турлари | Умумий жиҳатлари | Фарқланувчи жиҳатлари | |
|---|---|---|---|
| | | Ижобий | Салбий |
| Анъанвий таълим | Ёшларга таълим, тарбия бериш, кўникма ҳосил қилиш. | Ўқувчи билан бевосита ўқитиш жараёнда жонли мулоқот бўлади. | Машғулот давомида бутун аудиториядаги ўқувчилар билан улар сони кўп бўлса, шуғулланиш имконияти етарли бўлмайди. |
| Рақамли таълим | | Машғулот онлайн тарзда бўлиб, ҳар бир ўқувчи билан уларнинг сонидан қатъий назар, индивудиал, масофавий мулоқотда бўлади | Ўқувчи, талаба, тингловчи компьютер технологиялари, алоқа воситалари билан таъминланмаган, интернет тезлиги яхши бўлмаган жойда ўқиш жараёнида узилиш бўлади |

***Манба:*** *муаллиф томонидан ишланган.*

Жадвалдан кўриниб турибдики, рақамли таълимнинг ҳам ижобий ва салбий томонлари мавжуд экан. Ижобий жиҳатига талаба-ўқувчилар билан дарс машғулотларининг онлайн тарзда ўтказилиши бўлиб, бунда ҳар бир ўқувчи билан уларнинг сонидан қатъий назар, масофадан туриб мулоқотда бўлиши. Саволларга жавобларнинг ҳам ёзма тарзда амалга оширилиши, битта жавобнинг хоҳласа ҳамма ўқувчига бориб етиши, масофадан туриб оммавий мулоқотда бўлишга эришилиши буларнинг ижобий томонини белгилайди. Аммо рақамли таълимни амалга оширишда айрим қийинчиликларга дуч келинмоқда. Чунки ўқувчи-талабаларнинг бир қисми қишлоқларда яшашлиги, бу ерларда уларнинг

компьютер технологиялари, алоқа воситалари билан тўлиқ таъминланмаганлиги, булар билан таъминланган тақдирда интернет тезлиги яхши эмаслиги ўқиш жараёнида узилишларни келтириб чиқармоқда. Яна бир муҳим жиҳат, талаба-ўқувчиларда ўқишга нисбатан катта масъулият, интилиш бўлмаса, уларнинг назоратсиз қолишлиги ҳам масофавий таълимнинг самарадорлигига салбий таъсир қилади.

Бугунги кунда рақамли таълим тизимини ҳамма ҳудудда амалиётга жорий этиш бир қанча талабларга жавоб бериши лозим экан. Буларга ўша ҳудудда ахборот муҳити, электрон ресурс ва жараёнларни бошқариш тизимларига эгалик қиладиган кадрларнинг бўлиши ҳам лозим. Буларнинг изоҳи қуйидаги жадвалда кетирилган (2-жадвал).

**2-жадвал**

**Таълим тизимига рақамли таълимни жорий қилиш учун зарур талаблар**

| Т/р | Зарур талабларнинг номи | Зарур талабларнинг изоҳи |
|---|---|---|
| 1. | Ахборот муҳити | Компьютер, ноутбук, планшет, мобил қурилмалар, тармоқлар, видео тизимлар, электрон доскалар, интернет тўлқини ва бошқалар |
| 2. | Электрон ресурс | Дастурий таъминот, таълим порталлари, масофавий ўқитиш тизимлари, электрон кутубхоналар, веб-сайтлар, булутли тизим ва бошқалар |
| 3. | Жараёнларни бошқариш ва унга муносиб кадрлар | Электрон почта, ижтимоий тармоқ, ўқув шакли ва уларни бошқаришга қодир бўлган мутахассислар |

***Манба:** муаллиф томонидан ишланган.*

Таълимни рақамлаштириш фақат таълим ресурсларини электронлаштиришдангина иборат эмас. Энди бунда педагоглар ҳам ахборот технологияларни яхши ўзлаштирган бўлиши керак, яъни рақамли педагогика ҳам жараёнга кириб келади. Бу ўқувчи ва талабаларнинг яхши сифатли таълим олишлари, керакли маълумотларни тезда топишлари учун яхши имконият яратади. Ушбу ҳолатда талабалар баҳо олиш учун эмас, билим олиш учун ўқийдилар. Бунда албатта баҳолаш мезонлари ҳам шу талабга тўлиқ жавоб бериши лозим.

**Таълим платформаларини яратишда қуйидагиларга эътибор қаратиш лозим бўлади:**

- таълим платформалари ихтисослаштирилишига қараб улардан фойдаланиш пуллик ва бепул бўлиши;
- ихтисосликларга қараб (ихтисосликка давлат ва дунё миқёсида бўлган талаб даражаси бўйича) халқаро таълим платформаларини яратиш зарурлиги.

Таълим соҳасини рақамлаштириш бўйича бир қанча хорижий тажрибалар ҳам тўпланган. Жумладан, Жанубий Корея, Сингапур, Россия, Эстония каби мамлакатларда мазкур масала бўйича айрим ишлар амалга оширилган. Масалан, Жанубий Кореяда таълимни рақамлаштириш XX-асрнинг 80-йилларида бошланган эди. Чунки дунё миқёсида, айниқса ёшлар ўртасида ишсизликнинг ортиб бориши, халқаро интеграциялашув жараёнида рақобатбардошликни мустаҳкамлаш зарурати бунга туртки бўлган эди. Мазкур мамлакатда 2011 йилга келиб Жанубий Корея Таълим вазирлиги Президентлик кенгаши билан ҳамкорликда таълим тизимига «A Road to the Power of Talented Individuals! SMART Education» дастурини жорий қилишга муваффақ бўлди [11]. Ушбу дастурнинг қисқартирилган номи “SMART Education”, деб номланиб, бунда таълим тизимида мулоқот майдони кенгайтирилди. Ўқитувчи ҳам ўқувчилар ҳам хоҳлаган пайтда, хоҳлаган саволлар бўйича масофадан туриб ахборот-технологиялари ёрдамида мулоқат қилиш имкониятига эга бўлишди. Бунда таълимни баҳолашда турли усуллар билан масалага оддий ёдлашдан кўра ижодий ёндошадиган ҳолат кучайтирилди. Ҳозирги пайтда Жанубий Кореяда кўпгина ўқув муассасалари, ҳатто айрим университетлар ҳам ўқув жараёнини тўлиқ масофадан амалга оширишга ўтган. Бунда ўқув муассасалари жамоатчилик билан ҳам, ота-оналар билан ҳам масофадан тўлиқ мулоқот қилиш механизми жорий қилинган.

Таълимни рақамлаштириш орқали модернизация қилиш бўйича Сингапур тажрибасига эътиборни қаратадиган бўлсак, мазкур мамлакатда ушбу масалага ўтган асрнинг 90-йилларида аҳамият бе-

рила бошланди. Бу мамлакатнинг ўзига хос хусусиятлари шундаки, таълимни рақамлаштиришни мактабдан ва коллежлардан бошлашди. Уларнинг ўқув дастурига “Компьютерлаштириш фани” киритилди [11]. Ўша йиллардаёқ мазкур давлатлар XXI-аср ахборот асри бўлади ва бунга кадрларимиз тайёр бўлишлари керак, деган вазифа билан ишлади. Бу ерда ҳам таълимни рақамлаштириш билан бирга масофавий таълим жорий қилинди ва ўқувчига қаерда бўлишлигидан қатъий назар таълим олиш имконияти яратилди. Ушбу йўналиш орқали “Узлуксиз таълим” тамойилини ҳам жорий қилиб боришди.

Таълимни рақамлаштириш бўйича Эстония тажрибаси ҳам муҳим аҳамиятга эга. Ушбу мамлакатда ҳам таълимни модернизация қилиш ўтган асрнинг 90-йилларида бошланди. Ушбу мамлакат Иттифоқдан ажралиши билан таълимга катта аҳамият бериб, соҳадаги муаммоларни мустақил ҳал қилиш принципини жорий қилди. Бунинг учун университетни янги технологиялар билан таъминлаш билан бирга Тарту ва Таллин университетларида ушбу технологиялардан самарали фойдаланиш бўйича ўқитувчиларнинг малакаларини мунтазам ошириб борилди. Таълим тизимини ахборот технологиялари билан таъминлаш ва улардан фойдаланишни ўрганиш бўйича йирик халқаро компаниялар (Microsoft, Samsung) ва Эстониянинг йирик хайрия фонди (Information Technology Foundation for Education, Estonian Association of Information Technology and Telecommunications) таълим тизими учун жуда кўп грантлар ташкил қилди [11]. Шу тариқа таълим тизимини рақамлаштиришнинг пойдевори шаклланди. Ушбу мамлакатларда ўқитувчиларга жуда катта эркинлик берилган. Улар жамиятдаги ўзгаришлар, ота-оналар ва ўқувчиларнинг талабларидан келиб чиқиб, янги фанларни жорий қилиш ва мавжудларини такомиллаштириш имкониятларига ҳам эга. Бугунги кунда Эстония мактабларида электрон ўқув материалларини етказиб берувчи махсус (e-Schoolbag & Opiq) сервис дастури мавжуд. Ота-оналар учун фарзандларининг ўқув ҳолатини назорат қилиш ва ўқитувчилар билан ҳамкорлик қилиш мақсадида махсус eKool платформа ҳам жорий қилинган.

Таълим соҳасини рақамлаштириш масаласига мамлакатимиз олимлари томонидан ҳам тегишли эътибор қаратилмоқда. Хусусан, З.Адилова ва Б. Хонтўраевларнинг асарлари рақамли иқтисодиётни ривожлантириш шароитида фан ва таълимнинг ўрнига бағишланган [3]. Ушбу олимларнинг таъкидлашларича, “дунё бўйлаб, 2019 йилда интернетга қилинган харажатлар 750 млрд. АҚШ долларини ташкил қилган. Глобал интернет бозори 2019 йилда 212 миллиард АҚШ долларигача ўсган ва бу кўрсаткич 2025 йилга келиб 1,6 трил. АҚШ долларига ўсиши тахмин қилинмоқда” [3].

Мамлакатимизда рақамли таълимни амалга ошириш борасида ҳали алоҳида тизим шаклланмаган. Бу масалада мактабгача таълимда ўзича, халқ таълимида ўзича, олий ва ўрта махсус таълим тизимида ҳам ўзича ёндошув ҳолатлари мавжуд. Агар юқоридаги мамлакатлар тажрибаларидан келиб чиқиладиган бўлса, биринчи галда, бутун таълим тизимини тегишли ахборот-коммуникация технологиялари билан таъминлаш, улардан самарали фойдалана оладиган ўқитувчилар корпусини тайёрлаш, интернет тизимининг ишлашини бутун мамлакатимиз бўйлаб яхши йўлга қўйиш мақсадга мувофиқ. Иккинчидан, таълимни рақамлаштиришда тизим шаклланган бўлиб, мактабгача таълимдан тортиб олий таълимгача амалга ошириш механизми жорий қилинган бўлиши лозим. Учинчидан, таълим олиш майдони кенгайтирилган бўлиб, ўқувчи (талаба) ҳоҳлаган вақтда, хоҳлаган жойда тегишли ахборотларни оладиган шароитларнинг ҳам яратилиши керак бўлади. Тўртинчидан, таълимни рақамлаштириш фақат таълим доирасида қолиб кетмасдан, бутун ижтимоий-иқтисодий ҳаётимизни ҳам рақамлаштириш кўникмасини ўрганиб бориш керак бўлади. Шундагина бутун ҳаётимизда тегишли мувоффақиятларни тезлик билан қўлга киритиб, мамлакатимизнинг рақобатбардошлигини оширишга эришишимиз мумкин.

Иқтисодиётнинг ривожланишида таълимни рақамлаштиришда инвестициялар ўрни катта. Чунки ҳар бир инвестор ўз пулини бир неча баравар кўпайтиришни мақсад қилиб қўяди. Шундай экан, иқтисодиётнинг ҳам самарали фаолияти учун малакали мутахассисларга эҳтиёж ошиб бораверади. Бундай эҳтиёжни рақамли таълим тизими орқали ўқиган талабалар қондириши мумкин. Демак, саводхон талабаларга иқтисодиёт секторида ҳам талаб кундан-кунга тобора ортиб бораверади. Кадрлар малакасини оширишда ҳам рақамли таълимнинг самарадорлиги юқори. Чунки ўша мутахассис ортиқча маблағ сарф қилиб, марказга ёки бошқа давлатга бориб ўтирмасдан, ишдан ажралмаган ҳолда ахборот технологиялар имкониятларидан фойдаланиб малака ошираверади.

Яқиндагина одамлар бир шаҳарда ёки қўшни яшаб, бир-бирига ташриф буюриш орқали мулоқот қилар эди. Бугунги кунга келиб ер шарининг ҳар қандай нуқтасидан туриб истаган кишингиз билан истаган вақтингизда оғзаки ёки суратли кўринишда мулоқот қилишингиз мумкин. Бунда қўл телефонингиз бўлиб, рақамлардан иборат манзиллар аниқ бўлса етарли. "Ҳозирги кунда дунёдаги 7,5 млрд. аҳоли бир-бири билан мулоқот қилиш имкониятига эга бўлди" [4]. Рақамли иқтисодиёт нафақат "узоқни яқин қилиш", балки даромад манбаига ҳам айланганлиги ушбу иқтисодиётнинг жадал ривожланишини тақозо қилади.

**Профессор М.Қ.Пардаев таъкидлашича, "Бугунги кунда рақамли иқтисодиётнинг асосий даромад оладиган йўналишлари қуйидагилардан иборат бўлмоқда:**

• турғун телефон хизматидан олинадиган даромадлар;

• мобил телефон хизматидан олинадиган даромадлар;

• СМСлардан олинадиган даромадлар;

• интернет хизматларидан фойдаланишдан олинадиган даромадлар;

• телеграм орқали ахборотларни узатишдан олинадиган даромадлар;

• электрон савдодан олинадиган даромадлар;

• автоматик тарзда пул ўтказмаларидан олинадиган даромадлар;

• автоматик тарзда банк хизматларини кўрсатишдан олинадиган даромадлар;

• бошқа рақамли хизматлардан олинадиган даромадлар" [4].

Рақамли иқтисодиётдан оладиган даромадлар ушбу йўналишлар билан чекланмайди. Рақамли иқтисодиётнинг кўлами кенгайиб бораверши ва бутун ижтимоий-иқтисодий ҳаётимизни қамраб олиши ушбу масаланинг бардавомлигини таъминлайди. Мамлакатимизда ҳам йилдан йилга малакали рақобатбардош мутахассисларни тайёрлашга бўлган эътибор ортиб бормоқда. Буни биз ҳар йилги қабул квоталарининг оширилиб борилаётганлигидан ҳам билишимиз мумкин. Бу эса таълим соҳасида қўшимча моддий техника базасини киритишни талаб қилади. Таълим муассасаларида масофавий таълим шаклининг жорий қилиниши соҳага қўйилган ортиқча инвестицияларнинг тезда самара беришига олиб келади. Рақамли таълим жараёнида меҳнат ресурсларининг, вақт ва маблағларнинг тежалиши эвазига соҳада самарадорлик муттасил ошиб боради.

**ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР**

Жамият тараққиётини рақамлаштирилаётган шароитда таълим хизматларининг миллий платформаларини яратиш зарурлигидан келиб чиқиб, таълимга рақамларни ва рақамларга таълимни киритиш заруратга айланди. Мамлакатимизда таълим тизимини рақамлаштириш бўйича дастлабки жараён 2015 йилларда бошланиб, бу саноқли таълим муассасалари фаолиятида ўз аксини топган эди, аммо ҳозирги пандемия шароитида бу тизимни ҳамма олий ўқув юртлари жорий қилишга мажбур бўлди ва бунга эришилди. Бундай шароитда ҳақиқатга ҳақиқий тафаккур кўзи билан қараб ҳар бир жараённинг салбий ва ижобий томонлари борлигидан келиб чиқиб, рақамли таълимнинг ҳам ижобий ва салбий томонлари очиб берилди. Ушбу таълимни ахборотлаштириш жараёнида инобатга олиш лозимлиги ҳам бугунги кунда мухим йўналишлардан бири сифатида майдонга чиқмоқда.

Рақамли таълим тизимини ҳамма ҳудудларда амалиётга жорий этиш бир қанча талабларга жавоб бериши лозимлигидан келиб чиқиб, ўша ҳудудда мавжуд бўлган ахборот муҳити, электрон ресурс ва жараёнларни бошқариш тизимларига эгалик қиладиган кадрлар билан таъминланиши зарурлиги асосланди. Бунда ушбу механизмларнинг мазмуни тўлиқ очиб берилиб, ахборот муҳитига компьютер, ноутбук, планшет, мобил қурилмалар, тармоқлар, видео тизимли электрон доскалар, интернет тўлқини ва бошқалар, электрон ресурсларга дастурий таъминот, таълим порталлари, масофавий ўқитиш тизимлари, электрон кутубхоналар, веб-сайтлар, булутли тизим ва бошқалар, жараёнларни бошқариш ва унга мос кадрларга электрон почта, ижтимоий тармоқ, ўқув шакли ва уларни бошқаришга қодир бўлган мутахассислар кириши кўрсатиб ўтилди.

Хулоса қилиб айтганда, мазкур мақолада мамлакатимизда рақамли таълимни шакллантиришнинг объектив зарурлиги ва уни жорий қилишнинг ташкилий-иқтисодий механизмлари бўйича бир қанча эътиборга молик тавсиялар айтилди.

***Манба ва адабиётлар***

*1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2020 йил 24 январда Олий Мажлисга Мурожаатномаси. // "Халқ сўзи" газетаси. 2020 йил 25 январь. 19-сон. 1-4 бетлар.*

2. Инсон тараққиёти. Дарслик. И.ф.д., профессор Қ.Х.Абдурахманов таҳрири остида. – Т.: “Фан ва технология” нашриёти, 2013. – 476 бет.

3. Пардаев М.Қ. Рақамли иқтисодиёт – мамлакат тараққиётининг келажаги. // “Сервис” илмий-амалий журнал. 2019 йил. 3-сон. 7-бет., Пардаев, М.Қ., Мирзаев Қ.Ж., Пардаев О.М. Хизмат соҳаси иқтисодиёти ўқув қўлланма. – Т.: “Иқтисод-молия”, 2014. – 384 бет.

4. Адилова З., Хонтўраев Б. Рақамли иқтисодиётни ривожлантиришда фан ва таълимнинг ўрни. // Инновацион ва рақамли иқтисодиёт шароитида хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш муаммолари. (21-22 февраль 2020 йил) Халқаро ИАК материаллари, Самарқанд-Тамбов, 2020. – 16-19-бетлар.

5. Исроилов Б.И., Гадоев Э.Ф. Коррупция тушунчаси ва унга қарши курашга оид атамаларнинг изоҳли луғати. – Т.: “Тафаккур” нашриёти, 2019.. – 168 бет. Исроилов Б.И. Таълим тизимида коррупциянинг олдини олиш масалалари. // Инновацион ва рақамли иқтисодиёт шароитида хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш муаммолари. (21-22 февраль 2020 йил) Халқаро ИАК материаллари, Самарқанд-Тамбов, 2020. – 183-186-бетлар.

6. Саидов М.Х. Узбекистан: инвестиции и человеческий капитал, партнёрство в сфере образования. – М.: Книжный дом газеты «Труд», 2008, - 362 с.

7. А.Холиқов. Педагогик маҳорат. Ўқув қўлланма. Тошкент “Иқтисод-молия”. 2010. 8-бет.

8. Я. Маматова, С. Сулайманова, Ўзбекистон медиатаълим тараққиёти йўлида. Ўқув қўлланма. –Т.: «Extremum-press», 2015. – 94 б.

9. https://www.norma.uz/uz/nhh_loyihalari/raqamli_iqtisodietni_rivojlantirish_jadallashtiriladi

10. S. Babanazarova, “Objective necessity of formation of digital education and organizational and economic mechanisms of its introduction,” Eur. J. Mol. & Clin. Med., vol. 7, no. 2, pp. 614–620, 2020, [Online]. Available: https://ejmcm.com/article_2110.html.

11. https://vc.ru/flood/77738-cifrovizaciya-obrazovaniya-opyt-estonii-singapura-i-yuzhnoy-korei

## Рақамли таълимни шакллантиришнинг объектив зарурлиги ва уни жорий қилишнинг ташкилий-иқтисодий механизмлари

**Севара Бабаназарова,**
*Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти катта ўқитувчиси*

**Аннотация:** *ушбу мақолада рақамли иқтисодиётни жадал ривожланаётган бир пайтда рақамли таълимни шакллантиришнинг объектив зарурлигини ва уни жорий этишнинг ташкилий-иқтисодий механизмларининг асосий йўналишларини таҳлил қилиш билан боғлиқ масалаларни кўриб чиқилган. Шунингдек, анъанавий ва рақамли таълимнинг ижобий ва салбий томонларига эътибор қаратилган. Рақамли таълимни жорий этиш бўйича тегишли таклифлар берилган.*

**Калит сўзлар:** *рақамли таълим, интеллектуал ҳукумат, таълим платформалари, ахборот муҳити, электрон ресурс, масофавий ўқитиш, рақамли педагогика.*

## Объективная необходимость формирования цифрового образования и организационно-экономические механизмы его внедрения

**Севара Бабаназарова,**
*старший преподаватель Самаркандского института экономики и сервиса*

**Аннотация:** *в статье рассматриваются объективная необходимость формирования цифрового образования в условиях бурного развития цифровой экономики и вопросы, связанные с анализом основных направлений организационно-экономических механизмов его внедрения. Также рассматриваются плюсы и минусы традиционного и цифрового образования. Были внесены соответствующие предложения по внедрению цифрового образования.*

**Ключевые слова:** *цифровое образование, интеллектуальное правительство, образовательные платформы, информационная среда, электронный ресурс, дистанционное обучение, цифровая педагогика.*

## Objective necessity of formation of digital education and organizational and economic mechanisms of its introduction

**Sevara Babanazarova,**
*Senior Lecturer of Samarkand Institute of Economics and Service*

**Abstract:** *the article discusses the objective need for the formation of digital education in the context of the rapid development of the digital economy and issues related to the analysis of the main directions of the organizational and economic mechanisms of its implementation. It also examines the pros and cons of traditional and digital education. Relevant proposals were made for the implementation of digital education.*

**Keywords:** *digital education, intellectual government, educational platforms, information environment, electronic resource, distances learning, digital pedagogy.*

**УЎК: 338.61**

**Баходир ХУСАНОВ,**
*иқтисодиёт фанлари номзоди,*
*Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти*
*“Молия” кафедраси доценти,*
**E-mail:** baxodir.sh@mail.ru

# Таълим ва соғлиқни сақлаш соҳаларида давлат ижтимоий хизматларининг молиявий таъминотини янада кучайтириш муаммолари

## КИРИШ

Давлат томонидан аҳолига тақдим этиладиган ижтимоий хизматлар, уларнинг турлари ва тақдим этиш тартиб-таомиллари борасида олиб борилаётган барқарор сиёсати ҳамда уни қўллаб-қувватлашнинг молиявий механизмларини тадқиқ этиш, бу борада янгича ёндашувларни амалиётга жорий этиш долзарб масалалардан бири бўлиб келмоқда.

Мамлакатимизда Ҳаракатлар стратегияси дастури доирасида олиб борилаётган ижтимоий-иқтисодий ислоҳотлар билан боғлиқ ҳолда давлат томонидан аҳолига кафолатланган ижтимоий хизматларнинг тақдим этилиши давлатнинг иқтисодий тараққиётини стратегик мақсадларига асосланиб борилишида муҳим муаммолар қаторига киради. Шу сабабли “Бу йўналишда олдимизда улкан вазифалар турибди. Мамлакатимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлиги, биринчи навбатда, ижтимоий соҳадаги ислоҳотларимиз самараси билан чамбарчас боғлиқ” деб таъкидлаб ўтганлар Президентимиз Ш.Мирзиёев [1].

Давлат дастурларининг катта қисмини ижтимоий соҳага оид дастурлар ташкил этиб, маблағлар асосан таълим, тиббиёт, илм-фан, маданият ва бошқа ижтимоий соҳа тармоқлари сифатини ошириш ҳамда моддий-техника базасини мустаҳкамлашга йўналтирилган. Мисол учун, биргина 2021 йилда “...таълим, маданият, тиббиёт, экология, қурилиш, кадастр, транспорт, коммунал хўжалиги, бандлик, ижтимоий хизматлар кўрсатиш каби муаммоли соҳаларда кенг жорий этиш мақсадга мувофиқ бўлади. Бу ишларни ташкил этиш учун келгуси йилда бюджетдан 60 миллиард сўм йўналтирилади” [2] деган фикрни алоҳида таъкидлаб ўтиш жоиздир.

## МАВЗУГА ОИД АДАБИЁТЛАР ШАРҲИ

Ижтимоий хизматлар тушунчасини кенг тарғиб қилишда иқтисодчи олимларнинг илмий тадқиқот ишларида, шунингдек, мамлакатларнинг қонунчилик базаларида ҳар хил ёндашувлар мавжуд бўлиб, уларнинг айримларида бир-бирига қарама-қарши фикрларни кузатишимиз ёки бир-бирини тўлдирувчи фикрларни ҳам кўришимиз мумкин бўлади.

Мисол учун, Ўзбекистон Республикаси қонунчилик базасида ижтимоий хизмат тушунчасига қуйидагича таъриф келтирилган, яъни: “Ижтимоий хизматлар шахснинг турмуши сифатини оширишга, унга жамият ҳаётида иштирок этишнинг бошқа фуқаролар билан тенг бўлган имкониятларини яратишга ва (ёки) ўзининг асосий ҳаётий эҳтиёжларини мустақил равишда таъминлаш имкониятларини кенгайтиришга қаратилган хизматларга муҳтож шахсга ёрдам кўрсатиш бўйича ҳуқуқий, иқтисодий, психологик, таълимга оид, тиббий, реабилитация чора-тадбирлари ва бошқа чора-тадбирлар мажмуидир” [3]. Қонунда келтирилган таърифда ижтимоий хизматларни айнан муҳтож шахсларга тақдим этилиши баён этилган.

Россия Федерациясининг қонунчилик базасида “Ижтимоий хизмат – фуқаронинг яшаш шароитларини яхшилаш ва (ёки) унинг ўзини ўзи таъминлаш қобилиятини кенгайтириш мақсадида унга доимий, даврий бир марталик, шу жумладан, шошилинч ёрдам кўрсатишга қаратилган ҳаракатлар мажмуидир” [4] деб таъриф берилган. Ушбу таърифда эса ижтимоий хизматларнинг айнан “муҳтож шахслар”-га эканлиги таъкидланмаган.

Юқорида таъкидлаб ўтганимиздек, иқтисодчи олимларнинг илмий қарашларида давлат томонидан тақдим этиладиган ва унинг маблағлари ҳисобидан молиялаштириладиган ижтимоий хизмат турларининг аҳамияти ва зарурияtлиги борасида турли хил фикрлар мавжуд.

Жумладан, Ўзбекистонлик олимлар фуқароларни моддий таъминлаш ва уларга хизмат кўрсатиш учун мамлакат миллий даромадининг бир қисми ҳисобидан пул маблағларининг ижтимоий фондларини шакллантириш орқали давлат томонидан тақдим этиладиган ижтимоий хизматларнинг молиялаштирилишини асослаб ўтган бўлсалар [6], Россиялик олимлар томонидан ижтимоий сиёсатга давлатнинг таъсири икки нуқтаи назардан талқин этилган. Баъзи тадқиқотчилар давлатнинг ижтимоий хизматларини аҳолига тақдим қилиш тизимида давлатнинг тартибга солувчи таъсирини кучайтириш зарурлигини асослаб чиқсалар (О.Никифорова [7], Т.Ю.Сидорина [8], М.Ю.Федорова [9]), иккинчи гуруҳ олимлари эса давлатнинг ижтимоий хизматларини тақдим этишнинг янги (ижтимоий давлат) моделини асослашга ҳаракат қиладилар (О.В. Родионова [10], Л.С. Мамут [11]).

Т.С.Гусеванинг илмий қарашларида давлат томонидан тақдим этиладиган ижтимоий хизматлар фуқароларнинг муносиб турмуш даражасини таъминлашни тавсифловчи сифат ва миқдор кўрсаткичларини ҳамда давлатнинг ижтимоий стандартларини ўзида акс эттириши зарур деб таъкидланган [12].

## АСОСИЙ ҚИСМ

Ушбу мақолада биз асосан давлат томонидан тақдим этиладиган ижтимоий хизматларнинг асосий турларидан таълим ва соғлиқни сақлаш соҳаларини давлат бюджетидан молиялаштиришнинг амалдаги ҳолатини таҳлил қилиш орқали муҳим илмий хулосаларимизни тақдим этишга ҳаракат қилдик.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, сўнгги йилларда давлат бюджетидан ижтимоий соҳани молиялаштиришга ажратилаётган харажатлар ўсиш тенденциясига эга бўлиб келмоқда. 1-расмда 2015-2019 йиллар давомида давлат бюджети харажатлари ва давлат бюджетидан ижтимоий соҳа ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишга ажратиладиган харажатларнинг ЯИМга нисбатан ўзгариш тенденциялари ўсиш хусусиятига эга бўлиб келганлигини кўриш мумкин. Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, 2020 йилнинг бюджет лойиҳасига кўра ушбу кўрсаткичлар камайиш тенденциясига эга, аммо ўтган йилда пандемия шароитида давлат бюджети харажатларини лойиҳада кўрсатилган ҳолатга нисбатан ҳақиқатда анча юқори бўлиши кутилмоқда.




**1-расм. Давлат бюджети харажатлари ва давлат бюджетининг ижтимоий соҳа ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш харажатларининг ЯИМга нисбатан ўзгариш тенденциялари**

***Манба:*** *https://openbudget.uz/*

Ушбу расмдан кўриниб турибдики, 2015-2017 йиллар орасида давлат бюджетининг жами харажатлари, ижтимоий соҳа ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш харажатларининг ЯИМдаги улушининг ўзгариш динамикаси 0,5-1,5 оралиқдаги пунктга камайиш хусусиятига эга бўлганлигини кўришимиз мумкин. 2018 йилда эса давлат бюджети жами харажатларининг ЯИМдаги улуши 5,5 пунктга камайган бўлсада, аммо ижтимоий соҳа ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш харажатларининг ЯИМдаги ва жами бюджет харажатларидаги улушининг ўсганини кўриш мумкин.

Давлат бюджети харажатларининг ижтимоий соҳага ажратилаётган қисмида ўтган йилларга нисбатан миқдорий жиҳатдан ижтимоий ҳимояга ажратилаётган маблағларнинг ошиб бораётганлигининг гувоҳи бўлишимиз мумкин. 1-жадвалда ижтимоий соҳа харажатларининг таркиби бўйича ҳақиқатда сарфланган маблағларнинг миқдори келтирилган бўлиб, улар нисбий жиҳатдан ҳам ўсиш хусусиятига эга. Мисол учун, 2016 йилда 2015 йилга нисбатан 113,1% га ошган бўлса, 2019 йил 2018 йилга нисбатан 148,2% га ошганлигини алоҳида эътироф этиш зарур. Бундан хулоса шуки, йил сайин ушбу соҳага ажратиладиган маблағлар абсолют суммаларда ҳам барқарор ошиб бормоқда.

**1-жадвал.**

**Давлат бюджети харажатлари таркибида ижтимоий соҳа харажатларининг ўзгариши (ўтган йилга нисбатан) (млрд.сўм)**

| | 2015 й. | 2016 й. | 2017 й. | 2018 й. | 2019 й. | 2020 й. (лойиҳа) |
|---|---|---|---|---|---|---|
| Жами бюджет харажатлари | **36257,3** | **40911,3** | **49343,7** | **79736,1** | **118008,6** | **131104,5** |
| 1. Ижтимоий харажатлар | **21316,9** | **24101,6** | **27223,3** | **42883,3** | **63542,3** | **66018,1** |
| 1.1. Ижтимоий соҳа ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш харажатлари | **20447,1** | **22766,0** | **27009,3** | **39251,3** | **59416,5** | **56113,1** |
| Шу жумладан: | | | | | | |
| Таълим | 12162,2 | 13831,7 | 15979,6 | 20721,1 | 33536,1 | 30047,6 |
| Соғлиқни сақлаш | 5218,5 | 5811,6 | 7330,0 | 9408,4 | 14977,4 | 14842,6 |
| Маданият ва спорт | 387,5 | 460,6 | 750,2 | 1345,5 | 2417,3 | 2290,8 |
| Ижтимоий таъминот ва ижтимоий ҳимоя | 2250,1 | 2204,3 | 2238,4 | 3242,1 | 4740,3 | 6573,7 |
| 1.2. Уй-жойларни қуриш Дастурини биргаликда молиялаштириш учун кредит линияси | 869,8 | 1335,5 | 214,0 | 3631,6 | 4125,7 | 1905,0 |
| ЯИМ | **210183,1** | **242495,5** | **302536,8** | **406648,5** | **511838,1** | **653546,4** |
| Жами бюджет харажатларининг ЯИМдаги улуши (% да) | 17,3 | 16,9 | 16,3 | 19,6 | 23,1 | 20,1 |
| Ижтимоий соҳа ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш харажатларининг ЯИМ даги улуши (% да) | 9,7 | 9,4 | 8,9 | 9,7 | 11,6 | 8,6 |
| Ижтимоий соҳа ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш харажатларининг жами бюджет харажатларидаги улуши (% да) | 56,4 | 55,7 | 54,7 | 49,2 | 50,4 | 42,8 |

***Манба:*** *https://openbudget.uz/*

Ижтимоий соҳа ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш харажатлари таркибида таълим харажатлари алоҳида аҳамиятга ва катта улушга эга харажатлар турлари таркибига киради. Шу сабабли бежизга “Ёшларимизга муносиб таълим бериш, уларнинг илм-фанга бўлган интилишларини рўёбга чиқаришимиз керак” деб Президентимиз Ш.Мирзиёев таъкидлаб ўтмаганлар [1].

Ўзбекистон Республикасида таълим соҳасига давлат томонидан бериладиган эътиборни ушбу соҳага йўналтирилаётган маблағларнинг ҳажмидан ҳам билиш мумкин. 2-расмда келтирилган диаграммада таълим соҳасига йўналтирилаётган харажатларнинг йиллар бўйича ЯИМдаги ҳиссасини ўзгариш динамикаси келтирилган бўлиб, унга кўра, 2015-2019 йилларда ўртача тебраниш 5,8% дан 6,6% гача ўсиш хусусиятига эга бўлган бўлса, ижтимоий харажатлардаги улуши 57,1% дан 52,8% гача камайиш хусусиятига эга.

Айниқса, 2018 йилга эътибор берадиган бўлсак, таълим харажатлари ўтган 2017 йилга нисбатан 129,7% ўсиш тенденциясига эга бўлсада, аммо унинг ЯИМ, давлат бюджети харажатлари ва ижтимоий соҳа харажатларидаги улушларининг камайиш тенденциясига эга эканлигини кўриш мумкин.




**2-расм. Таълим харажатларининг ЯИМ, жами бюджет харажатлари ва ижтимоий харажатлардаги улуши ва ўтган йилларга нисбат ўзгариш тенденцияси.**

***Манба:*** *https://openbudget.uz/*

Умуман олганда, давлат бюджетидан таълим соҳасини молиялаштиришдаги ижобий силжишларни юқорида келтирилган 2-расмда кўришимиз мумкин.

Таълим соҳасига бюджетдан ажратилган маблағларнинг салмоқли қисми умумий ўрта таълимни молиялаштиришга сарфланмоқда (2-жадвал). Бундай сарфларнинг истиқболда янада ўсишига эътибор кучайтирилмоқда. Мисол учун, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 5 апрелдаги ПҚ-3651-сонли қарорига мувофиқ, мактабгача ёшдаги болалар қамровини ошириш мақсадида мактабгача таълим соҳасида давлат-хусусий шерикчилигининг шакллари жорий этилди, бу соҳадаги хусусий шерикларга қатор имтиёзлар ва преференциялар берилди.

Жумладан, давлат-хусусий шерикчилиги асосида ташкил этилаётган мактабгача таълим муассасаларига имтиёзли (йиллик 1 фоизли) кредитлар ажратилмоқда.



**2-жадвал**

**Давлат бюджетининг таълим соҳасига қилинган харажатлар таркибларининг ҳисссалари**

| | 2018 й. | 2019 й. | 2020 й. |
|---|---|---|---|
| Таълим | 100% | 100% | 100% |
| Мактабгача таълим | 11,7% | 13,4% | 16,3% |
| Умумий таълим | 60,3% | 56,8% | 65,7% |
| Олий таълим | 5,2% | 5,3% | 7,1% |
| Ўрта махсус таълим | 16,8% | 7,5% | 5,4% |
| Таълим ва тиббиёт муассасаларининг моддий-техника базасини ривожлантириш жамғармасига ажратма | 5,5% | 11,4% | |
| Қишлоқ хўжалиги йўналишидаги ОТМ ларини қўллаб-қувватлаш жамғармаси | 0,6% | | |
| МТМ қуриш, реконструкция қилиш ва мукаммал таъмирлаш | | 5,7% | 5,5% |

***Манба:*** *https://openbudget.uz/*

Бундан ташқари, давлат-хусусий шерикчилиги шартлари асосида ташкил қилинган муассасалар харажатларининг бир қисмини қоплаш учун 2019 йилдан давлат мактабгача таълим муассасасининг бир нафар тарбияланувчисига сарфланадиган сумманинг 50 фоизигача бўлган миқдорда Давлат бюджетидан субсидиялар ажратиш тартиби амалга киритилди.

Шу билан бир қаторда, давлат-хусусий шерикчилиги асосида ташкил этилган ва хусусий мактабгача таълим муассасаларига улар томонидан истеъмол қилинган электр энергияси ва табиий газ харажатларининг 50 фоизини Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан қоплаш механизми жорий этилди.

2019 йилда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 14 августдаги “Ёшларни маънавий-ахлоқий ва жисмоний баркамол этиб тарбиялаш, уларга таълим-тарбия бериш тизимини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3907-сонли қарори билан ўқитувчиларнинг ижтимоий мавқеи ва нуфузини ошириш ҳамда моддий ва маънавий рағбатлантириш мақсадида уларнинг меҳнатига ҳақ тўлаш миқдорлари жорий йилнинг 1 январидан ўрта ҳисобда 1,2 бараварга оширилиши муносабати билан соҳага қўшимча маблағлар йўналтирилди [5].

Одат тусига кирган яхши анъаналаримизга амал қилган ҳолда, 2019 йилда мамлакатимизда мактабнинг биринчи синфига бораётган 627 минг нафар ўқувчиларни дарслик ва бошқа ўқув қуроллари билан бепул таъминлашга қарийб 38 миллиард сўмдан ортиқ қийматдаги 12 турдаги ўқув анжомлари етказиб берилди.

Шунингдек, умумтаълим мактабларидаги ўқувчиларнинг билим ва кўникмаларини янада чуқурлаштириш мақсадида математика, физика, биология ва чет тили фанларини, аввало, ушбу фанлар кесимида уларни ўрганиш учун мўлжалланган ўқув хоналарини замон талаблари даражасида таъмирлаш ишлари кенг йўлга қўйилган. Энг муҳими, бундай хоналар замонавий ахборот-коммуникация технологиялари ва техник воситалар билан жиҳозланиб келинмоқда.

Бугунги кунда соғлиқни сақлаш соҳасига бюджет ва бюджетдан ташқари фондлар ҳисобидан нафақат бизнинг мамлакатимизда, балки дунёнинг ривожланган мамлакатларида ҳам катта ҳажмда молиявий маблағларнинг ажратилаётганлигини кузатишимиз мумкин.

**Мамлакатимизда соғлиқни сақлаш соҳасини ислоҳ қилиш ва аҳолига сифатли тиббий хизматлар кўрсатиш бўйича қабул қилинган дастурлар доирасидаги барча тадбирлар молиялаштирилишининг таъминланишида давлат бюджетидан ушбу соҳага йўналтирилган маблағларнинг ўсиб бораётганлигини кўришимиз мумкин (3-расм). Бунда қуйидагиларни алоҳида таъкидлаш жоиздир:**

- соғлиқни сақлаш муассасалари, энг аввало, оилавий поликлиникалар, шошилинч ва тез тиббий ёрдам кўрсатиш муассасаларининг дори-дармон ва тиббиёт буюмлари билан таъминланганлигини кучайтириш мақсадларига ажратилган давлат бюджети харажатларини ўтган йилларга нисбатан ошириш;

- тиббиёт муассасаларини, биринчи навбатда қишлоқ врачлик пунктлари ва поликлиникаларни зарур диагностика ва даволаш ускуналари билан тўлиқ жиҳозлаш;

- тиббий ёрдам хизмати автотранспортларини янгилашни давом эттириш, республика ва ҳудудий мувофиқлаштириш-диспетчерлик хизматлари маълумотларини ўтказиш ягона ахборот тармоғини яратиш харажатларини қоплаш.




**3-расм. Соғлиқни сақлаш харажатларининг ЯИМдаги, жами бюджет харажатларидаги, ижтимоий харажатларидаги улуши ва ўтган йилларга нисбат ўзгариш теденцияси.**

***Манба:*** *https://openbudget.uz/*

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 2 августдаги “Ўзбекистон Республикасида соғлиқни сақлашни бошқаришнинг инновацион моделини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3894-сонли қарори билан республика соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантириш стратегияси, илғор халқаро стандартлар ва энг яхши жаҳон амалиётларини ҳисобга олган ҳолда соғлиқни сақлашни бошқариш инновацион моделини жорий этишга доир таклифлар ишлаб чиқиш, тиббиёт статистикасини тўплаш ва таҳлил қилиш тизимини такомиллаштириш ва рақамлаштириш, республика врачлари ва провизорларини рўйхатга олиш тизимини жорий этиш такомиллаштирилиб, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Жамият саломатлиги ва соғлиқни сақлашни ташкил этиш илмий-тадқиқот институти ва унинг ҳудудий бўлинмалари негизида уларни молиялаштиришнинг амалдаги тартиби сақланиб қолган ҳолда Инновацион соғлиқни сақлаш миллий палатаси ташкил этилди.

Соғлиқни сақлаш соҳаси харажатларини йиллар кесимида таҳлил қиладиган бўлсак, 3-расмдан кўриниб турибдики, соҳа харажатларининг ЯИМдаги улуши 2015-2019 йиллар давомида сезиларли даражада ўзгармаган бўлсада, аммо ушбу соҳага йўналтирилган маблағларнинг йилдан-йилга ошиб бораётганлигини кўришимиз мумкин. Шунингдек, ушбу соҳа харажатларининг жами бюджет харажатларидаги ва ижтимоий соҳа харажатларидаги улушларининг камайиб бораётганлигини кўришимиз мумкин.

**2020 йилда Давлат бюджети ҳисобидан соғлиқни сақлаш соҳасига 14842,6 млрд. сўм ажратиш**

**кўзда тутилган эди. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 30 сентябрдаги 832-сон “Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан қопланадиган тиббий ёрдамнинг кафолатланган ҳажмлари рўйхатини шакллантириш тартиби тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида”ги қарорига асосан қуйидаги йўналишларга сарфланади:**

- шошилинч тиббий ёрдам;
- режали тиббий ёрдам (шу билан бирга, бирламчи тиббий-санитария ёрдами);
- ихтисослашган тиббий ёрдам (шу билан бирга, юқори технологик тиббий ёрдам);
- паллиатив тиббий ёрдам.

Вазирлар Маҳкамаси тасдиқланган рўйхатга тиббий хизматларнинг аниқ турлари, шу жумладан, дори-дармонлар, сарфлаш материаллари ва тиббиёт буюмлари билан таъминлаш киритилади. Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида муқим яшайдиган чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар, чет эл фуқаролари тиббий кўрсатмалар бўлганда, асослантирилган мурожаатлар билан рўйхатга киритилган тиббий ёрдамни олиш ҳуқуқига эга.

Қуйидаги 3-жадвалда 2019-2020 йилларда соғлиқни сақлаш соҳасида амалга оширилиши кўзда тутилган дастурларни молиялаштириш учун сарфланадиган маблағларнинг миқдори келтирилган. Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, “Давлат тиббиёт ташкилотларининг тиббиёт ходимларини қайта тайёрлаш, уларнинг малакасини ошириш ва касбий кўникмаларини самарали ташкил этиш”, “Тиббий ускуналарни сақлаш ва етказиб бериш”, “Юқумли касалликлар тарқалишининг олдини олиш бўйича харажатлар” ва бошқа дастурларини молиялаштириш учун сарфланаётган маблағлар ўтган йилларга нисбатан кескин ўсиб бормоқда.

**3-жадвал**

**2019-2020 йилларда соғлиқни сақлаш соҳасида амалга ошириладиган дастурлар млн. сўм.**

| № | Дастурлар | 2019 йил кутилаётган | 2020 йил (прогноз) | Ўсиш |
|---|---|---|---|---|
| 1 | Оналик ва болаликни муҳофаза қилиш тизимини янада такомиллаштириш | 41 600,0 | 62 938,0 | 151,3 |
| 2 | 2017-2021 йилларда Оролбўйи минтақасини ривожлантириш Давлат дастури | 10 680,0 | 10 680,0 | 100,0 |
| 3 | Юқумли касалликлар тарқалишининг олдини олиш бўйича харажатлар | 6 300,0 | 13 700,0 | 217,5 |
| 4 | Қон ва унинг таркибий қисмлари донорлигининг дастури учун харажатлар | 2 500,0 | 2 900,0 | 116,0 |
| 5 | Болаларда туғма ва ирсий касалликларни барвақт аниқлаш харажатлари | 29 493,9 | 29 977,8 | 101,6 |
| 6 | Нейросенсор кар ёки заиф эшитадиган болаларда кохлеар имплантатлардан фойдаланган ҳолда операциялар ўтказиш учун | 26 500,0 | 26 500,0 | 100,0 |
| 7 | Аҳолига нефрология ва гемодиализ ёрдами кўрсатиш самарадорлигини ошириш харажатлари | 90 700,0 | 136 045,1 | 150,0 |
| 8 | Аҳолига онкология ёрдамини такомиллаштириш ва онкология хизматини янада ривожлантириш учун | 47 382,0 | 55 000,0 | 116,1 |
| 9 | Одамнинг иммунитет танқислиги вируси келтириб чиқарадиган касаллик тарқалишига қарши курашиш | 42 102,8 | 50 849,0 | 120,8 |
| 10 | Грипп ва бошқа ўткир респираторли инфекцияларнинг тарқалишига қарши кураш тизимини янада такомиллаштириш | 5 000,0 | | |
| 11 | Тиббий ускуналарни сақлаш ва етказиб бериш | 1 918,1 | 5 000,0 | 260,7 |

| | | | | |
|---|---|---|---|---|
| 12 | Давлат тиббиёт ташкилотларининг тиббиёт ходимларини қайта тайёрлаш, уларнинг малакасини ошириш ва касбий кўникмаларини самарали ташкил этиш | 4 500,0 | 15 000,0 | 333,3 |
| 13 | Республика аҳолисига эндокринология ёрдами кўрсатиш | | 49 000,0 | |
| 14 | Ихтисослаштирилган фтизиатрия ва пульмонология ёрдами | | 16179,2 | |
| 15 | Болаларни вакцинация қилиш билан боғлиқ харажатлар | 138 600,0 | 198 600,0 | 143,3 |
| 16 | Кам учрайдиган (орфан) ва бошқа ирсий-генетик касалликларга чалинган болаларга тиббий ва ижтимоий ёрдам кўрсатиш харажатлари | | 32 100,0 | |
| 17 | Репродуктив ёшдаги аёллар, ҳомиладорлар ва болаларга кўрсатиладиган тиббий ёрдам сифатини ошириш харажатлари | | 25 132,0 | |

***Манба:*** *https://openbudget.uz/*

Айтиш жоизки, қисқа вақт ичида соғлиқни сақлаш соҳасига ажратиладиган бюджет маблағларининг салмоқли қисми нафақат касалхона хизматларини молиялаштиришга, балки бир вақтнинг ўзида амбулатория хизматлари учун ҳам сарфланади. Шу билан бирга, ушбу соҳага 2020 йилги Давлат бюджетидан ажратилган харажатлар ҳажми ЯИМга нисбатан 2,27 % ни ташкил этиши қаътий белгилаб қўйилган эди.

Бюджет маблағларидан оқилона фойдаланиш мақсадида қишлоқ врачлик пунктларининг фаолияти замон талаблари доирасида тубдан қайта кўриб чиқилди. Энг муҳими, ўтган 5 йил мобайнида бундай тиббиёт масканлари сонини янада оптималлаштириш, замонавий диагностика ва тиббиёт асбоб-ускуналари билан жиҳозлаш, малакали кадрлар билан таъминлаш ва уларнинг меҳнатини рағбатлантиришни кучайтириш бўйича чора-тадбирлар амалга оширилди.

**ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР**

Мамлакатимизда COVID-19 коронавирус пандемиясининг кенг тарқалиши натижасида юзага келган инқироз ҳамда унинг олдини олиш мақсадида киритилган чеклов чоралари сезиларли ижтимоий-иқтисодий қийинчиликларга олиб келди. Бунинг натижасида 2020 йилда миллий иқтисодиётнинг ўсиш суръати инқироз шароитида сезиларли равишда пасайганлиги (1,6%гача) [13], ижтимоий хизматларга бюджетдан ажратиладиган молиявий маблағларнинг ҳажмига бевосита таъсирининг олдини олиш муҳим масала бўлиб ҳисобланади. Мақолани ёзиш жараёнида қуйидаги хулоса ва таклифларга келдик, яъни:

1. Ижтимоий хизматларни молиявий маблағлар билан таъминлашни такомиллаштиришда маҳаллий бюджет ролини кучайтириш учун маҳаллий бюджет харажатларини давлат ижтимоий-иқтисодий сиёсатини молиявий қўллаб-қувватлашда тўлиқ акс эттириши лозим бўлади;

2. Ҳозирги пандемия шароитида ижтимоий соҳани ривожлантириш ва молиявий қўллаб-қувватлаш маҳаллий ҳокимият органларининг диққат марказида бўлиши, бу соҳаларга турли фоиз ва хайрия маблағларини жалб этиш ва бундай харажатлар миқдори (ҳисоби)ни алоҳида тасдиқланган ҳужжатларда акс эттириш орқали юритиш зарур. Бу эса ижтимоий эҳтиёжларга ажратилган бюджет маблағларини мақбул, оқилона тақсимлашни ва улардан самарали фойдаланишни таъминлашни зарурият даражасига кўтариши лозим;

3. Ҳудудларда ижтимоий соҳани қўшимча равишда қўллаб-қувватлаш чора тадбирларини амалга оширишда турли тижорат субъектлари билан икки томонлама шартномаларни тузиш зарур. Бу эса бир вақтнинг ўзида бир жойда турли ижтимоий объектларни юзага келиш ҳолатларининг олдини олади. Бюджет маблағларини иқтисод қилиб қолиш имкониятини яратади. Мисол учун, корпоратив корхоналар томонидан қурилган спорт майдончаларидан, уларга қарашли боғча ва махсус компьютерлашган хоналаридан унга яқин жойлашган мактаб ўқувчилари ёки маҳаллий аҳолининг ҳам фойдаланишини таъминлаш муҳим бўлсин;

4. Ҳудудларда жойлашган корпоратив статусга эга бўлган корхоналарда ишлаб чиқиладиган истеъмол товарларини ва истеъмол буюмларини

имтиёзли корхоналарга (ёки улгуржи нархларда) ҳудуддаги ижтимоий соҳаларга кенг тақдим этишга эришиш (мисол учун, соғлиқни сақлаш тизимларига – шифокорларга; интернат, болалар боғчаси ва шу кабилар);

5. Ҳудудлардаги фермер хўжаликларини улар майдонига яқин жойлашган мактаблар, касб-ҳунар техникумлари, академик лицейлар ва тиббиёт муассаларини реконструкция қилиш, жиҳозлаш ишларига жалб этиш, улар томонидан амалга оширилган харажатларни (уларнинг эҳтиёжларидан келиб чиқиб) фойда (даромад) солиқ солиш базасидан чиқариш, ёки соф фойдасидан ушбу тадбирларни қўллаб-қувватлаш учун ҳар йил 1% гача маблағларни кўчириб беришни кенг йўлга қўйиш имконияти яратилади. Бундай тадбирларда рентабеллик даражаси 15% дан юқори бўлган хўжалик субъектларнинг иштирокини таъминлаш муҳимдир;

6. 2022 йилдан тиббиёт муассасаларида клиник-харажат гуруҳлари бўйича “ҳар бир даволанган ҳолат” учун тиббий хизматларга ҳақ тўлаш тизимини ва жон бошига молиялаштиришнинг янги механизмларини босқичма-босқич жорий этиш, ходимларга ҳақ тўлашнинг замонавий усулларига ўтиш;

7. Республикамизда қабул қилинган соғлиқни сақлаш соҳасида давлат-хусусий шериклик механизмларини ҳудудларда татбиқ этишни жадаллаштириш зарур;

8. Давлат-хусусий ва хусусий тиббиёт муассасаларига ҳар хил турдаги оғир касалликларни ташҳисловчи замонавий ва қимматли тиббий ускуналар ва аппаратураларни олиб келиши ва улардан фойдаланиш имкониятларини яратиш мақсадида лизинг, имтиёзли кредит ва божхона тўловларида (имтиёзларнинг ишламаган даврларини, таъмирлаш даврларини ҳисобга олган ҳолда) имтиёзлар бериш зарур;

9. Ҳудудларда соғлиқни сақлаш соҳасида қуйидаги шаклларда давлат-хусусий шерикликни жорий этиш зарур, яъни:

- хусусий тиббиёт муассасалари биноларини қуриш учун доимий фойдаланиш мақсадида бепул асосда ер участкалари тақдим этиш;

- мавжуд давлат тиббиёт ташкилотларини реконструкция қилиш ва жиҳозлаш шарти билан хусусий тиббиёт ташкилотлари объектларини қуриш учун бепул асосда ер участкалари тақдим этиш;

- кам фойдаланиладиган ёки реконструкция қилиш ёхуд капитал таъмирлашни (қайта жиҳозлашни) талаб қиладиган мавжуд давлат тиббиёт ташкилотларини ижарага бериш;

- бино қуриш ёки реконструкция қилиш, концессия асосида жиҳозлаш учун ер участкаси ажратиш;

- бўш турган давлат мулки объектларини, шу жумладан, ишламаётган собиқ ҚВП биноларини “ноль” харид қиймати бўйича қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тадбиркорларга бериш.

10. Давлат-хусусий ва хусусий тиббиёт муассасаларини ташкил этиб фаолият юритувчи юридик шахсларга давлат объектларини инвестиция киритиш шарти билан маълум муддатларга (бугунги кунда ушбу муддат 4 йилни ташкил этмоқда) ижарага берилганда уларнинг ижара шартномаси муддатини узайтириш имконини яратувчи кафолат бериш. Акс ҳолда бундай фаолиятни амалга оширувчи юридик шахсларда давлат мулкидан фойдаланишда ишончнинг йўқлиги иншоотни замонавийлаштиришга тўсқинлик қилади;

12. Халқ табобати усулларидан фойдаланган ҳолда тиббий хизмат кўрсатувчи ташкилотлар ва мутахассислар, уларнинг иш тажрибаси, кўрсатадиган хизмат турлари ҳақидаги маълумотларни аҳолига тарғиб қилишни ўз ичига олган ягона маълумотлар базасини ва электрон платформасини шакллантириш зарур;

14. Ҳудудларда тиббиёт туризмини ривожлантириш бўйича ҳудудий дастурлар ишлаб чиқиш, маданий-маърифий тадбирлар билан комплекс боғлиқ ҳолда ҳам республикамиз фуқаролари, ҳам чет эл фуқароларига тиббий хизмат кўрсатишни ташкил этиш, чет эл инвестициялари, шунингдек, тиббиёт ташкилотларининг туристик инфратузилмасини ривожлантиришга халқаро молия институтлари ва бошқа ташкилотлар кредитлари ҳамда грантларини жалб қилиш зарур.

Шунингдек, солиқ ставкаларини ошириш орқали бюджет тақчиллигини ёки преференцияларни таъминлашдан кўра бюджет харажатларидан манзилли фойдаланишни йўлга қўйиш орқали катта маблағларни тежаб қолишга эришишга замин яратилади.

Ушбу таклиф ва тавсияларни амалга ошириш орқали бюджет харажат турлари кесимида мавжуд бўлган дефицитли ҳолатларни қисман бартараф этишга эришилган бўлади.

***Манба ва адабиётлар***

*1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси // "Халқ сўзи", 2018 йил, 29 декабрь. № 271-272 (7229-7230);*

*2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси // "Zarafshon", 2020 йил, 31 декабрь. № 155-156 сонлар;*

*3. Ўзбекистон Республикасининг "Кексалар, ногиронлар ва аҳолининг бошқа ижтимоий эҳтиёжманд тоифалари учун ижтимоий хизматлар тўғрисида" ги Қонуни. ЎРҚ-415-сон 26.12.2016. https://www.lex.uz/docs/3083192*

*4. Федеральный закон № 442-ФЗ от 28 декабря 2013 г. «Об основах социального обслуживания граждан в Российской Федерации». https://mintrud.gov.ru/docs/laws/112*

*5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 14 августдаги "Ёшларни маънавий-ахлоқий ва жисмоний баркамол этиб тарбиялаш, уларга таълим-тарбия бериш тизимини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-3907-сонли қарори.*

*6. Vahobov A.V., Malikov T.S. Moliya. Darslik/Toshkent Moliy instituti. – Toshkent: "Noshir", 2012/ 712-bet.*

*7. Никифорова О. Н. Пенсионное обеспечение в системе социальной защиты населения [Электронный ресурс] : монография / О. Н. Никифорова. - Москва : ИНФРА-М, 2018. - 124 с.*

*8. Сидорина Т.Ю. Два века социальной политики. М.: Российск. гос. гуманит. ун-т, 2005. 442 с.*

*9. Федорова М. О социальной функции государства в сфере взаимодействия экономической эффективности и социальной справедливости. // Общество и экономика. 2014. № 7. С. 149-157.*

*10. Родионова О. В. Социальная функция современного государства. М.: Юрлитинформ, 2010. 228 с.*

*11. Мамут Л.С. Социальное государство с точки зрения права// ГОСУДАРСТВО И ПРАВО 2001, N 7, с. 5-14*

*12. Т.С.Гусева Социальное обеспечение семьи, материнства, отцовства и детства в России: теоретические и практические проблемы. Автореферат диссертации на соискание ученой степени доктора юридических наук. Москва-2012.*

## Таълим ва соғлиқни сақлаш соҳаларида давлат ижтимоий хизматларининг молиявий таъминотини янада кучайтириш муаммолари

**Баходир ХУСАНОВ,**
*иқтисодиёт фанлари номзоди,*
*Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти*
*"Молия" кафедраси доценти*

**Аннотация:** *мақолада муаллиф давлат томонидан аҳолига кўрсатиладиган ижтимоий хизматлар, яъни таълим ва соғлиқни сақлаш соҳа харажатларини давлат бюджетидан молиялаштириш ҳолати ва истиқболларини баён этган.*

*Мамлакатимизда давлат бюджети харажатларини ижтимоий соҳалар, айниқса, таълим ва соғлиқни сақлаш соҳаларига охирги йилларда ажратилган маблағларнинг холати, ўзгариш динамикаси, уларнинг ўсиши ва камайишига таъсир этган омиллари таҳлил қилиниб, зарурий хулосалар келтирилган.*

**Калит сўзлар:** *ижтимоий хизматлар, давлат бюджети, бюджетдан молиялаштириш, ижтимоий ёрдам, ижтимоий соҳа харажатлари.*

## Проблемы дальнейшего усиления финансового обеспечения социальных услуг в сфере образования и здравоохранения

**Баходир Хусанов,**
*кандидат экономических наук,*
*Самаркандский институт экономики и сервиса*
*доцент кафедры «Финансы»*

**Аннотация:** *в статье описывается состояние и перспективы финансирования социальных услуг из государственного бюджета, так сфер как образование и здравоохранение.*

*Основное внимание уделяется состоянию государственных расходов в динамике изменения его роста и снижения в социальной сфере сделаны необходимые выводы.*

**Ключевые слова:** *социальные услуги, государственный бюджет, бюджетное финансирование, социальная помощь, социальные расходы.*

## Problems of further strengthening of financial supply of social services in the sphere of education and healthcare

**Bakhodir Khusanov,**
*PhD (in Economics),*
*assistant professor Chair of "Finance"*
*Samarkand Institute of Economics and Service*

**Abstract:** *the article describes the state and prospects of financing social services from the state budget, provided by the state, in such areas as education and health care.*

*The main attention is paid to the state of government spending on the dynamics of changes in its growth and decline in the social sphere, analyzed and the necessary conclusions are drawn.*

**Key words:** *social services, state budget, budget financing, social assistance, social spending.*

**УЎК: 331.556.4**

**Дилфуза ИСРАИЛОВА,**
*иқтисод фанлари номзоди,*
*Андижон машинасозлик институти доценти*

# Меҳнат мигрантлари пул ўтказмаларининг мамлакат иқтисодиётига таъсири

Ташқи меҳнат миграцияси меҳнат мигрантларини етказиб берувчи ва қабул қилувчи мамлакатларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишига таъсир этувчи асосий омиллардан бири бўлиб, унинг мамлакатлар меҳнат бозори ва меҳнат ресурслари таркибини шакллантириш, демографик жараёнларни тартибга солиш, аҳолини иш билан бандлигини таъминлаш ҳамда турмуш даражасини оширишдаги роли мунтазам равишда ошиб бормоқда.

Миграция XXI асрда ер юзидаги кенг кўламли трансформацияларга таъсир кўрсатаётган замонавий дунёнинг ажралмас тенденциясига айланди. Миграция оқимлари жадаллашиб, иқтисодиётга ижобий таъсирлар кўрсатиш билан бирга, салбий муаммолар ва таҳдидларни ҳам келтириб чиқармоқда.

Меҳнат миграцияси мигрантларни етказиб берувчи ва қабул қилувчи мамлакатлар учун ҳам муҳим ахамиятга эга. Халқаро экспертлар мигрантларни қабул қилувчи мамлакатлар қаторига – АҚШ, Канада, Ғарбий Европанинг ривожланган давлатлари, Австралия, Бирлашган Араб Амирликлари, Саудия Арабистони ва бошқа давлатларни киритмоқдалар. Мигрантларни етказиб берувчи донор мамлакатлар қаторига – Филиппин, Жазоир, Тожикистон, Қирғизистон, Ўзбекистон, Польша ва бошқаларни, шунингдек мигрантларни қабул қилувчи транзит давлатларга Россия, Латвия, Эстония ва бошқаларни киритиш мумкин.

Жаҳон банки маълумотларига кўра, 2020 йилда умумий мигрантлар сони 281 млн.кишини ташкил этиб, 2010 йилдаги кўрсаткичларга қараганда 60,0 млн кишига, 2000 йилдаги қараганда 108,0 млн кишига ошди. Ёки 2000 йилда дунё аҳолисининг 2,8 фоизини, 2010 йилда 3,3 фоизини ва 2020 йилда 3,6 фоизини ташкил қилди. [1]

**1 - жадвал**

**Халқаро меҳнат миграциясининг ўсиш динамикаси**

| № | Йиллар | Мигрантлар сони, млн.киши | Аҳоли таркибидаги улуши, % |
|---|---|---|---|
| 1 | 1995 | 174,0 | 2,8 |
| 2 | 2000 | 192,0 | 2,8 |
| 3 | 2005 | 221,0 | 3,2 |
| 4 | 2010 | 249,0 | 3,3 |
| 5 | 2015 | 258,0 | 3,4 |
| 6 | 2019 | 272,0 | 3,5 |
| 7 | 2020 | 281,0 | 3,6 |

***Манба:*** *Жаҳон миграцияси тўғрисидаги ҳисобот 2020 йил.*

Меҳнат мигрантларнинг 52 фоизини эркаклар, 48 фоизини аёллар ташкил қилади. Мигрантларнинг 74 фоизини 20-64 ёш оралиғидаги инсонлар, 14 фозини 20 ёшгача бўлган ёшлар ташкил қилади. Бундан хулоса қилиш мумкинки, айрим мамлакатлар меҳнатга лаёқатли аҳолисини маълум қисмини йўқотиб бормоқда. Бу эса уларнинг иқтисодиётига салбий таъсир қилиши мумкин. [2]

Миграция жараёнларидаги халқаро пул ўтказмалари ривожланаётган мамлакатлар иқтисодиётига катта фойда келтиради, шу қаторда қашшоқлик ва тенгсизликнинг камайишига олиб келади, соғлиқни сақлаш ва таълим тизимларидан фойдаланиш имкониятларини яхшилайди. Масалан, ЮНЕСКО ҳисоботларига кўра, халқаро пул ўтказмалари умуман паст ва ўрта даромадли мамлакатларда таълимга ижобий таъсир кўрсатади. Хусусан, Лотин Америкасида шахсий пул ўтказмалари оқими натижасида таълимга сарфланган маблағлар ўртача 53 фоизга, Африка ва Осиёдаги 18 мамлакатда эса 35 фоизга ошди [3].

Жаҳон банкининг ҳисоб-китобларига кўра, ушбу икки мамлакат гуруҳига рўйхатдан ўтган пул ўтказмалари 2018 йилда 529,3 млрд.АҚШ долларини ташкил этиб, улар тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар оқимидан (461,9 млрд. доллар) ва ривожланишга расмий ёрдамдан (2017 йилда 162,6 млрд. доллар) ошиб, энг катта ташқи молия манбаи бўлди. Шунга қарамай, шахсий пул ўтказмалари динамикасини ҳаракатга келтирувчи омиллар ҳар бир мамлакатда фарқ қилади.

2018 йилда дунёдаги барча мигрантлар пул ўтказмаларининг умумий ҳажми 689,4 млрд. АҚШ долларини ташкил этиб, бу кўрсаткич 2017 йилдаги 596,0 млрд. АҚШ долларига нисбатан 93,4 млрд. АҚШ долларига ўсган. [4] Бу ўтказмаларнинг 450 млрд. доллари ривожланаётган мамлакатлар ҳиссасига тўғри келди. Миграция статистикасининг кўрсатишича, кўчиб борганларнинг пул жўнатмалари йирик капитал оқими бўлиб, ривожлантириш мақсадида расман ажратилган ёрдамга қараганда 3 баробарга кўпдир. Бу уларнинг 15 фоиз даромадлари холос. Қолган 85 фоизини мигрантлар яшаб турган мамлакат иқтисодиётига (солиқлар, ижтимоий тўловлар ва бошқалар) сарфлайдилар [5].

2015 йилда мигрантлар дунё аҳолисининг 3,3 фоизини, даромадлари дунё ЯИМ нинг 9,4 фоизини ташкил қилдилар. Глобал ривожланиш маркази маълумотларига кўра, агар барча чегаралар очиб ташланса, дунё ЯИМ га 78 трлн. доллар қўшилиши мумкин.

Меҳнат мигрантларининг пул ўтказмалари учун асосий донор мамлакат АҚШ бўлиб, у ердан 2017 йилда глобал пул ўтказмалари оқимининг 14,6 фоизи юборилган. Пул ўтказмаларининг аксарияти Лотин Америкаси мамлакатларига юборилади, Мексика ҳали ҳам асосий пул қабул қилувчи ҳисобланиб, Қўшма Штатлардан юборилган пул ўтказмаларининг бешдан бири унинг ҳиссасига тўғри келади. Бу Мексикадан келган мигрантларнинг кўплиги билан боғлиқ бўлиб, улар Қўшма Штатлардаги жами мигрантларнинг деярли 25 фоизини (11,6 миллион киши) ташкил этади. Хитой (10,9%), Ҳиндистон (7,9%) ва Филиппин (7,5%) ҳам АҚШдан пул ўтказмаларининг асосий олувчиларидир.

Мигрантлар юборган пул ўтказмалари бўйича биринчи учликка БАА (9,5%) ва Саудия Арабистони (7,7%) ҳам кирди. Бу 1973 йилдан кейин шакллана бошлаган Форс кўрфази мамлакатларидаги меҳнат мигрантларининг юқори концентрацияси - жаҳон нефть нархларининг кескин ўсиши даври билан боғлиқ. Ушбу мамлакатларда ишчи кучи иммиграциясида аҳолининг меҳнат бозорида кам иштироки ҳамда уларнинг малакаси даражасининг етарли эмаслиги катта аҳамиятга эга.

2015 йилда БААда аҳоли умумий сонига нисбатан мигрантларнинг улуши 88,4 фоизни ташкил этди. 2017 йилда БАА ва Саудия Арабистонидан пул ўтказмаларининг асосий олувчилари Ҳиндистон, Покистон ва Миср бўлди.

Жами трансферт оқимининг 10% дан ортиғи Швейцария ва Германиядан юборилган бўлиб, трансфертларнинг аксарияти бошқа Европа давлатлари томонидан қабул қилинган.

2017 йилда мигрантлар пул ўтказмаларининг глобал оқимининг 4,4 фоизини ташкил этган Россия – МДҲ мамлакатлари ва Украинага ўтказмаларнинг асосий донори ҳисобланади. Хитойдан трансферт олувчилар асосан Филиппинлар, Корея Республикаси ва Япониядир.

Чиқиб кетган шахсий пул ўтказмаларининг ЯИМга нисбатан энг катта нисбати Люксембург (2017 йилда мамлакат ЯИМнинг 20,3%) ва Форс кўрфази мамлакатларида, яъни Уммон (ЯИМнинг 13,9%), БАА (ЯИМнинг 11,6%) ва Қувайт (ЯИМнинг 11,4%) ни ташкил этган. 2006 йилдан бери Ҳиндистон ва Хитой мигрантлар пул ўтказмаларини олувчи асосий давлатлар бўлиб, 2018 йилда улар дунёдаги жами трансфертларнинг 20 фоиздан ортиғини ташкил қилдилар.

2017 йилги мамлакатлараро пул ўтказмаларига кўра, Ҳиндистонга пул ўтказмалари асосан БАА (барча ўтказмаларнинг 20,0 %), АҚШ (17,0 %) ва Саудия Арабистонидан (16,3 %) юборилган. 2018 йилда Ҳиндистонга пул ўтказмаларининг 14,0 фоизга ўсишига асосан Кераладаги сув тошқини ва шу билан бирга меҳнат мигрантларининг оилаларига моддий ёрдамнинг кўпайиши сабаб бўлди.

Хитойга мигрантлар томонидан ўтказилган пулларнинг ярмидан кўпи АҚШ ва Гонконгдан келган. Мексика (глобал тушумларнинг 5,2%), Филиппин (4,9%) ва Миср (4,2%) ҳам мигрантларнинг пул ўтказмалари бўйича етакчи бешта мамлакат қаторига киради. Шуни таъкидлаш керакки, Филиппин ва Мисрда мигрантлар трансфертлари иқтисодий ривожланишда муҳим роль ўйнайди, чунки улар ҳар бир мамлакат ЯИМнинг 10% дан ортиғини ташкил қилади.

Жаҳон ўтказмаларининг 10% дан ортиғи Франция, Нигерия ва Покистонга юборилади. Германия ва Вьетнам ҳам пул ўтказмалари оладиган ўнта мамлакат қаторига киради. Шундай қилиб, трансфертларни олувчилар орасида иккита ривожланган давлат бор бўлиб, улар Франция ва Германиядир. Уларга асосий трансфертлар Шимолий Америка ва қўшни Европа мамлакатларидан келади.

Шуни таъкидлаш керакки, Германия юборилган пул ҳажми бўйича иккинчи ўринни эгаллайди. 2016 йилда Германиядан юборилган жами пул жўнатмалари 4,2 млрд. еврони ташкил этди. Бу кўрсаткич 2015 йилга қараганда 700 млн.еврога ошган. Германиядан Сурияга пул жўнатмалари 2015 йилдаги 18 млн.евродан 2016 йилда 67 млн. еврога ортди.

Туркияга пул ўтказмалари 2016 йилда 800 млн.еврони ташкил этди (барча ўтказмаларнинг 19,2%). [6] Эҳтимол, бу меҳнат мигрантларининг ўз мамлакатларига ўтказмалари эмас, балки икки ёки ундан ортиқ самаранинг комбинациясидир. Чунки, Туркияда яшаш шароитларини яхшилаш учун маблағ сарфлаш ўрнига, баъзи оилалар Германияда ўз позицияларини кучайтириши мумкин, бу ерда 3 миллиондан ортиқ турклар ва курдлар яшайди (уларнинг ярми Туркия фуқаролигига эга).

Меҳнат миграцияси молиявий инвестиция операцияларини кўпайтирувчи омиллардан бири ҳисобланади. Ҳозирги вақтда ривожланаётган мамлакатларга хусусий капиталнинг оқиб келиши жадал суръатларда ўсиб бормоқда. Хусусий капитал оқимининг 82 фоизи 135 та ривожланаётган давлатнинг 20 тасига келиб тушган. Дунё аҳолисининг 51 фоизи яшаб турган иқтисодий ривожланиши паст бўлган мамлакатлар - 1990 йилдан 2008 йилга қадар ушбу капитал оқимининг 8,5 фоизини олган. Халқаро валюта фондига ўз тўлов баланслари ҳақида маълумот берадиган 80 та мамлакатдан 52 таси ишчи кучини экспорт қилищдан даромад кўради.

Кўпгина қабул қилувчи мамлакатлар учун пул ўтказмалари оқими ушбу мамлакатларга кўрсатиладиган расмий молиявий ёрдамлар ҳажмидан ортиб кетди ва кам таъминланган аҳоли қатламларининг иктисодий кийинчиликларни енгиш учун самарали восита ҳисобланади. Улар оркали “ўз-ўзига” ёрдам тамойили амал қилади.

Ўзбекистон ҳам жаҳон ижтимоий- иқтисодий тизимининг бир қисми сифатида халқаро миграция жараёнларининг фаол иштирокчиларидан бирига айланди. Мамлакатимиз фуқароларининг хорижда касбий фаолиятни кўрсатиш ҳуқуқи Ўзбекистон Республикасининг “Аҳоли бандлиги тўғрисида”-ги Қонунида (1998 йил май) эълон қилинган ва мустаҳкамланган. Меҳнат миграцияси жараёнлари соҳасида ташкилий-ҳуқуқий негиз яратилиши Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1993 йил 14 июлдаги “Ишчи кучини олиб кириш ва олиб чиқишни тартибга солиш тўғрисида”ги 353-сонли Қароридан бошланди.

Меҳнат мигрантларининг пул жўнатмалари республика иқтисодиёти тараққиётига яхшигина ҳисса қўшмоқда. Меҳнат миграцияси ҳажмлари ошишини ҳисобга олганда, ҳозирги вақтда Ўзбекистонга меҳнат мигрантларидан келаётган пул ўтказмалари, яъни иқтисодий самара 6 млрд. АҚШ долларидан ошди.

**Аҳоли меҳнат миграциясининг иқтисодий самаралари:**

1. Ўз оиласини боқиш учун ишлаб пул топадилар.
2. Ўз моддий аҳволларини яхшилайдилар.
3. Уй-жойларини яхшилайдилар.
4. Қимматбаҳо буюмлар сотиб оладилар.
5. Фарзандларининг ўқиши учун ҳақ тўлайдилар.
6. Кам таъминланган қариндошларига моддий ёрдам кўрсатадилар.
7. Соғлиқларини сақлаш имкониятига эга бўладилар (даволанишга ҳақ тўлаш, керакли дори-дармон харид қилиш ва ҳоказо) [7].

Демак, Республикамизга кириб келаётган пул жўнатмалари аксарият холларда турли ижтимоий хизматлар – таълим, тиббиёт, маданий дам олиш, спорт каби соҳаларга ҳак тўлаш учун сарфланмокда, бу эса мазкур маблағларни инсон капиталини ривожлантириш учун катта аҳамиятга эга бўлган ижтимоий ўтказмалар сифатида талқин этиш имконини беради.

**2 - жадвал**

**Ўзбекистон Республикасига кириб келаётган пул ўтказмалари динамикаси (млн. АҚШ долл)**

| Кўрсаткичлар | Йиллар | | | | | | | | 2020/ 2007 (+, -) |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | 2007 | 2009 | 2010 | 2016 | 2017 | 2018 | 2019 | 2020 | |
| **Ўзбекистон Республикаси** | 3232,7 | 2798,0 | 2797,7 | 3041,0 | 4172,0 | 4217,1 | 6009,7 | 6027,1 | 2794,4 |

***Манба:*** *Ўзбекистон Республикаси давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан ҳисобланган.*

Маълумотлар таҳлили меҳнат мигрантларининг пул ўтказмалари МДҲнинг бир қатор мамлакатлари сингари Ўзбекистон иқтисодиётининг ҳам муҳим таркибий қисми ҳисобланишини кўрсатади. Ўзбекистон Республикасига жўнатилаётган пул жўнатмаларининг миқдори 2016 йилдан бошлаб яна кўтарила бошлаган. 2020 йилда бу жўнатмалар миқдори 6027,1 млн.АҚШ долл.ни ташкил этиб, 2007 йилга нисбатан 2 маротабага яқин, яъни 185,6 фоизга, 2019 йилга нисбатан эса, 17 млн. АҚШ долл.га ёки 0,3 фоизга ошган.

Таҳлилларимизнинг кўрсатишича, пул ўтказмалари расмий молиявий тизимлар томонидан кичик инвестицияларга қўйиладиган қарз чекловларини юмшатади. Уларнинг ҳисобига, кўпинча банк кредитларини жалб этишга имкони бўлмаган, аммо иқтисодиётнинг ўсишини таъминлаш, ишсизликни бартараф этиш, қўшимча иш ўринларини яратиш нуқтаи-назаридан ниҳоятда муҳим бўлган кичик бизнес ва тадбиркорлик сохасидаги турли лойихалар амалга оширилади.

Жаҳон банки маълумотларига кўра, мамлакатлар миграция рейтинги рўйхатида Ўзбекистон 2017 йилда эмиграция даражаси бўйича 184 –ўринни эгаллади ва мигрантлар сони 2,2 млн. кишини ташкил этди. [8]

Албатта, миграция жараёнлари Ўзбекистонга меҳнат мигрантларининг пул ўтказмалари шаклида кучли молиявий оқимлар билан амалга оширилади. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг расмий маълумотларига кўра, фақат Россия Федерациясидан Ўзбекистонга пул ўтказмаларининг умумий ҳажми 2019 йилда 4,6 млрд. АҚШ долларини ташкил этган. Пул ўтказмаларининг расмий тизимдан ташқарида бўлган мигрантларнинг пул оқимлари турли хил манбаларга кўра, расмий ўтказмаларнинг 50-70 фоизини ташкил этади. Таққослаш учун, 2010 йилда Ўзбекистонга тўғридан тўғри хорижий инвестицияларнинг умумий ҳажми 2,4 млрд.АҚШ долларини, ЯИМ 37,4 млрд.АҚШ долларини, давлат бюджети ҳаражатлари қарийб 8 млрд.АҚШ долларини ташкил этди, уларнинг 60 фоизи ёки 5 млрд.АҚШ доллари ижтимоий соҳа ҳаражатларини қоплайди. [9]

Ўзбекистоннинг миграция географияси фақат Россия Федерацияси билан чекланиб қолмаслигини ҳисобга олсак, меҳнат мигрантлари томонидан ўтказиладиган пул ўтказмалари ҳажми бундан ҳам анча каттароқ бўлиши мумкин.

Бозор иқтисодиёти шароитида мамлакатда келаётган пул ўтказмалари маҳаллий ишлаб чиқаришни рағбатлантиради. Масалан, Ўзбекистондаги каби, ички бозордаги эркин рақобат ва ички ишлаб чиқарувчиларни давлат томонидан ҳимоя қилиш шароитида, мигрантларнинг пул ўтказмалари аҳолининг тўлов қобилиятини оширади, иқтисодиётнинг реал секторини ривожлантиради ва импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар ишлаб чиқаришни рағбатлантиради.

Республикамизда ички бозор конъюнктураси аллақачон миграция капитали билан ўзаро яқин алоқага киришган. Ҳозирги истеъмол талабининг оз бўлмаган қисмини миграция капитали томонидан тўлдирилишини ҳисобга оладиган бўлсак, бу капитал бўлмаганда маҳаллий ишлаб чиқариш ҳажми маълум даражада бугунги натижаларга эриша олмас эди. Демак, Ўзбекистонда ташқи меҳнат миграцияси ривожланишини чеклаш ишсизлик даражасини ошишига, аҳолининг истеъмол талабини камайишига ва натижада ишлаб чиқаришнинг умумий ҳажмини пасайишига олиб келиши мумкин. Шуни таъкидлаш муҳимки, миграция капиталини ишлаб чиқаришни ривожлантиришга сарфлаш иқтисодий жиҳатдан тўғри бўлади, бу эса мамлакат ичидаги бўш иш ўринлари сонининг ортишига, тад-

биркорлик ва кичик бизнеснинг ривожланишига олиб келади.

Фикримизча, хусусий сармояларни иқтисодиётнинг реал секторига кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш учун янада қулай шароит яратиш орқали рағбатлантириш мумкин. Ҳозирда Ўзбекистонда ушбу йўналишда муайян самарали иқтисодий чора-тадбирлар тизими ишламоқда. Йилдан йилга хусусий бизнесга солиқ юкининг пасайиши, давлат органлари томонидан текширувлар сонининг камайиши, хусусий тадбиркорлар учун солиқ ва кредит имтиёзлари шулар жумласидандир. Булар албатта, иқтисодиётнинг реал секторининг ривожланишига ҳамда аҳоли турмуш сифатининг ошишига хизмат қилади.

Бироқ, таъкидлаш жоизки, пул жўнатмаларига кучли боғлиқлик иқтисодиётга салбий таъсир қилиши мумкин. Тожикистонда бўлгани каби, мамлакат иқтисодиётининг пул жўнатмаларига кучли боғлиқлиги, ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишнинг паст суръатлари шароитида салбий оқибатларга олиб келади. Ушбу мамлакат иқтисодиёти асосан меҳнат мигрантларининг пул ўтказмаларига тўлиқ боғлиқ бўлиб, унинг кичик қисқариши ҳам мамлакат иқтисодий субъектларининг умумий иқтисодий фаолиятининг пасайишига олиб келади. 2018 йилда мамлакат меҳнат мигрантларининг пул ўтказмалари Тожикистон ЯИМининг 31,0 фоизини ташкил этди. Бу Тожикистон ЯИМ нинг 1/3 дегани.




**1 – расм. Манба: Статистический сборник “Миграция и денежные переводы: цифры и факты – 2018”, изд. Всемирного Банка. Отдел оценки перспектив развития.**

Сўнгги беш йил ичида Тонго (тушумларнинг мамлакат ЯИМга нисбати 35,2% ни ташкил этди), Қирғизистон (33,6%), Тожикистон (31,0%), Гаити (30%) ва Непал (28,0%). Қирғизистон ва Тожикистон учун ўтказмаларнинг асосий донори Россия ҳисобланиб, у ердан 2017 йилда ушбу мамлакатларга барча мигрантлар ўтказмаларининг 75 фоиздан ортиғи юборилган.

Юқоридаги фикрларимизни якунлаб, ҳозирги молиявий ресурсларнинг катта миқдорини ташкил этадиган пул ўтказмалари ҳажмининг ўсиши шароитида уларнинг иқтисодиётга таъсири механизми ҳақида ўйлаш керак деб ҳисоблаймиз. Бу механизм нафақат истеъмол талаби, уй – жой, таълим ёки тиббий хизматга бўлган эҳтиёжлар учун балки, тадбиркорлик фаолиятини рағбатлантириш ва янги бизнес лойиҳаларига сармоялар сифатида ишлатилиши учун қулай шароитлар яратиш билан амалга оширилиши мақсадга мувофиқдир.

**Келтирилган таҳлиллар меҳнат миграциясини тартибга солиш хусусида бир қатор хулоса ва таклифларни шакллантириш имконини беради:**

1. Ўзбекистон иқтисодиётидаги трансформацион жараёнлар шароитида меҳнат миграциясини давлат томонидан тартибга солиш, айниқса, зарур.

“Ташқи меҳнат миграцияси тўғрисида”ги қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш, қонунда Ўзбекистонда ташқи миграция хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда миграция сиёсатининг вазифаларини, йўналишларини, ташқи меҳнат миграцияси соҳасида хорижий давлатлар билан ҳамкорлик қилиш дастурларини, шунингдек, норасмий миграция оқимларини тартибга солиш чора-тадбирларини белгилаш.

2. Ташқи меҳнат миграцияси меҳнат бозорини тартибга солиш ва унга доимий равишда босим берувчи - кўпайиб бораётган меҳнат ресурсларини камайтиришнинг асосий механизмига айланиб бормоқда. Шунингдек, у мигрантлар оилаларининг даромади, озиқ-овқат, таълим ва тиббий хизматга бўлган эҳтиёжларини қондирувчи асосий манбага айланди ва ҳозир ҳам шундай бўлиб қолмоқда. Ташқи меҳнат мигрантларининг пул ўтказмалари валюта тушумининг маълум бир қисмига айланиши билан бирга, республиканинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши учун барқарорлаштирувчи куч ва кичик бизнесни ривожлантириш омили ҳисобланади. Шу нуқтаи – назардан ишчи кучи экспортини йўлга қўйишга йўналтирилган давлат дастурларини ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқ.

3. Республикада миграцияни бошқариш асослари институтини шакллантириш ва бу фаолиятни ривожлантириш зарур. Шу билан бирга:

- мигрантлар томонидан олиб кирилаётган ишлаб чиқариш воситалари ва технологик жиҳозларга имтиёзлар тизимини ишлаб чиқиш;
- хорижий мамлакатларда ишга жойлашиш имконияти тўғрисидаги умумий маълумотлар базасини ташкил этиш;
- меҳнат миграцияси статистикаси ва уни ҳисобга олишни такомиллаштириш;
- ички меҳнат бозорида меҳнат ресурсларининг рақобатбардошлигини оширишда махсус ўқув тайёрлов дастурларини ташкил этишни ривожлантириш мақсадга мувофиқ.

**Манба ва адабиётлар**

*1. Доклад о миграции в мире 2020. https://publiclons. IOM In Migration.*

*2. Данные ООН. Департамент по экономическим и социальным вопросам. Тенденции международной миграции. https.//www.un.org/ru/*

*3. Трудовая миграция, денежные переводы и человеческое развития в странах Центральной Азии. 2015. Eurasian Development Bank. www.eurasia.undp.org.*

*4. Статистический сборник “Миграция и денежные переводы: цифры и факты -2018”, изд. Всемирного Банка. Отдел оценки перспектив развития.*

*5. Международные денежные переводы мигрантов – важнейший источник финансирования развивающихся стран. Бюллетень о текущих тенденциях мировой экономики. 2019, сентябрь.*

*6. Германия, Турция. Миграция, виза, туризм. https: // polpred. com...*

*7. Р.Муртазаева. Ўзбекистон - жаҳон миграция жараёнларининг ажралмас қисми. Ж.: Жамият ва инновациялар. № 01. 2020. 29 б*

*8. Список стран по миграционному рейтингу 2017 г. https.//nonews.co lists countries.*

*9. Ш.Н. Исакулов. Финансово-экономические аспекты миграционных процессов Республики Узбекистан. “Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар” илмий электрон журнали. № 3, март, 2012 йил*

**Меҳнат мигрантлари пул ўтказмаларининг мамлакат иқтисодиётига таъсири**

**Дилфуза Исраилова,**
*иқтисод фанлари номзоди,*
*Андижон машинасозлик институти доценти*

**Аннотация:** *ушбу мақолада пул жўнатмаларининг мамлакат иқтисодиётига таъсири, унинг ижтимоий ва иқтисодий жиҳатлари ёритиб берилган.*

**Калит сўзлар:** *ишсизлик, меҳнат миграцияси, миграция жараёнлари, донор мамлакатлар, реципиент мамлакатлар, пул жўнатмалари, миграция капитали.*

**Влияние денежных переводов трудовых мигрантов на экономику страны**

**Дилфуза Исраилова,**
*кандидат экономических наук,*
*доцент Андижанского машиностроительного института*

**Аннотация:** *в этой статье рассматриваются вопросы влияния денежных переводов на экономику страны и их социально-экономические аспекты.*

**Ключевые слова:** *безработица, трудовая миграция, миграционные процессы, страны доноры, страны реципиенты, денежные переводы, миграционный капитал.*

**The impact of remittances of labor migrants on the country’s economy**

**Dilfuza Israilova,**
**PhD (in economics),**
*Andijan Machine-building institute*

**Abstract:** *this article focuses on the impact of remittances on the economy, its social and economic aspects.*

**Keywords:** *unemployment, labor migration, migration processes, labor –supplying countries, labor – receiving states, remittances, dependence on remittances.*

**Хизмат кўрсатиш, логистика ва инфратузилма / Сервис, логистика и инфраструктура / Service, logistics and infrastructure**

**УЎК: 316.334.2**

**Дилдора КАРИМОВА,**
*доктор экономических наук,*
*руководитель проекта Института прогнозирования и макроэкономических исследований,*
**e-mail:**dmkarimova@mail.ru

# Портрет бедных семей: региональные аспекты

Проблема преодоления бедности в условиях рыночной экономики – естественное явление, присущее для всех стран мира. Однако социальное неравенство и низкий уровень жизни населения оказываются одними из главных факторов, сдерживающих социокультурную модернизацию в странах. Наиболее правильное понимание термина бедности определяется не только низким материальным (имущественным) благосостоянием, но и ограниченными возможностями на рынке труда, в здравоохранении и образовании, недостаточной защищенностью населения от различного рода социально-экономических потрясений.

Сегодня эта проблематика приобретает особую остроту, связанную с глобальными явлениями, такими как пандемия и ее влияние на экономику стран, безработицу и уровень жизни людей. В этих условиях возрастают риски безработицы, неполной занятости, сокращения уровня доходов и потребления и др. и появляется опасность перерастания текущей бедности в хроническую, сопровождающуюся снижением трудовой мотивации, распространением иждивенческих настроений среди населения. Повышаются риски бедности как для всего населения, так и для определенных категорий граждан. В этих условиях на первый план выходит проблема мониторинга уровня, профиля и структуры бедности, определения основных рисков бедности, их объективного или субъективного характера, устойчивости.

В зависимости от широты понимания бедности выделяют два основных методологических подхода к ее измерению: объективный и субъективный. Объективный подход к диагностике бедности основывается на концепциях относительной и абсолютной бедности, установлении черты (порога) бедности и определении достаточности ресурсов населения для удовлетворения своих минимальных потребностей. Слабой стороной данного подхода является сложность определения состава минимального стандарта потребления, недоучет  денежных и не денежных доходов населения от неформальной занятости, обеспечение репрезентативности результатов обследований бюджетов домохозяйств и др.

Субъективный подход к измерению бедности базируется на самооценках населением своего материального положения, суждениях людей о минимальном жизненном стандарте в условиях их проживания. Основным инструментом диагностики бедности в этом случае выступает опрос мнения населения о бедности и ее критериях. На основе результатов репрезентативных опросов можно определить немонетарную черту бедности - самооценку своего материального положения (высокий-средний-низкий уровень благосостояния). Слабая сторона этого подхода во многом связана с неоднозначным пониманием и интерпретацией людьми самого феномена бедности. Если одними бедность может истолковываться как низкий доход, то другими как психологический дискомфорт от своего материального положения по сравнению с другими членами общества. Поэтому в конкретных социологических исследованиях необходима теоретическая интерпретация понятия бедности и разработка научного методического инструментария.

Следует отметить, что более надежными будут оценки бедности, если вместе использовать объек-

тивный и субъективный подходы, сопоставляя результаты диагностики. В Узбекистане с использованием нескольких подходов и критериев определен уровень бедности (рис.1).




**Рис.1. Показатели монетарной и немонетарной бедности в Узбекистане, %**
***Источник:*** *исследования ИПМИ.*

Уровень абсолютной бедности оценен в 2001 году по методологии Всемирного банка по критерию потребления продуктов питания 2100 ккал/день. По результатам обследования 10 тысяч домохозяйств этот показатель составил 27,5%. За период 2001-2019 годы показатель сократился до 11%.

Для измерения уровня бедности в Узбекистане используются международная (глобальная) черта бедности. По оценкам Всемирного банка с участием 4000 домохозяйств по всей территории страны уровень бедности, основанный на международной черте бедности 3,2 долл. в день в 2018 году составил 9,6%, при черте бедности 5,5 долл. в день - 36,6% населения[1].

По расчетам ИПМИ в 2019 году уровень относительной бедности, то есть доля населения со среднедушевыми доходами менее 60% от среднереспубликанского значения дохода составила 60,1%.

В целях оценки субъективной бедности в Узбекистане в декабре 2019 г. ИПМИ проведен опрос домохозяйств ИПМИ, в соответствии с которой субъективная оценка уровня бедности составила 13,5%, в городе – 10,2%, в сельской местности – 16,8%.

В 2019 году проведена оценка многомерной бедности путем опроса 10 тысяч домохозяйств по 5 направлениям – здоровье, участие на рынке труда, образование, жилищные условия, потребление, где индекс составил около 4% [2].

В соответствии с международными рекомендациями уровень бедности должен оцениваться для индивидов, а не только для домохозяйств, поскольку уровень бедности домохозяйств и уровень бедности населения могут существенно различаться в зависимости от состава домохозяйств и социально-демографических характеристик их членов. Однако основной единицей наблюдения в большинстве стран при оценке бедности является домохозяйство, поэтому уровень бедности часто не учитывает индивидуальных характеристики его отдельных членов.

Для разработки более эффективных мер по сокращению бедности данные о численности или доле бедных семей должны быть дополнены демографическими и социально-экономическими характеристиками бедных слоев населения, а также факторами, обусловливающими бедность. Поэтому при сборе данных по статистике бедности необходимо использовать обследования домохозяйств, позволяющие собрать данные о форме занятости; социально-демографических характеристиках, таких как пол, возраст, семейный статус, образование, состояние здоровья, миграция.

Проведенные в феврале 2021 года Институтом прогнозирования и макроэкономических исследований социологические обследования 100

1 «Где они живут. Показатели уровней бедности, среднего потребления и среднего класса в Центральной Азии на районном уровне». Всемирный Банк. 2019 г.

2 Там же

домохозяйств (475 чел.) в Букинском районе Ташкентской области позволили проанализировать ситуацию и составить портрет бедных в этом регионе. Для определения рисков бедности детально изучены экономическое положение и социально-демографические характеристики бедного населения.

По результатам опросов себя причислили к семьям с благосостоянием выше среднего 14% респондентов, со средним уровнем благосостояния – 66%, с уровнем благосостояния ниже среднего – 14%, бедными – 6% респондентов (рис.2). При этом, если 6% являются бедными, то 14% находятся в зоне риска бедности.




**Рис.2. Самооценка семей по уровню благосостояния, в % к общему числу опрошенных**

***Источник:*** *Социологическое обследование в Букинском районе Ташкентской области в феврале 2021 года, ИПМИ.*

По возрастной структуре бедных семей 25% - дети до 16 лет, 25% - молодежь 16-30 лет, 50% - трудоспособное население (рис.3).




**Рис.3. Возрастной состав семей, в % от общего**

***Источник:*** *Социологическое обследование в Букинском районе Ташкентской области в феврале 2021 года, ИПМИ.*

По сравнению с семьями с благосостоянием выше среднего (обеспеченные семьи) бедные семьи в своем составе имеют больше членов семьи трудоспособного возраста (30 лет и более) – 50%.

В обеспеченных семьях 21% респондентов имеют высшее образование, в бедных семьях уровень образования – среднее и среднее специальное, профессиональное (100%).

Анализ состава семей по статусу занятости показал, что в семьях с благосостоянием выше среднего 46% членов семей имеют постоянную работу, 18% – домохозяйки и нежелающие работать по собственному желанию, 7% – учащиеся и 24% – другое, включающее себя в незанятых по причине ухода за детьми, неработающих пенсионеров и т.д.(рис.4).

В семьях с благосостоянием выше среднего среди тех, кто имеет постоянную работу, заняты в сельском хозяйстве лишь 15%, в промышленности 15%, в строительстве – 10%, торговле – 10%, медицине – 20%, транспорте – 5% и в других отраслях – 25%.




**Рис.4. Состав семей по статусу занятости, в % от общего количества членов семьи**

***Источник:*** *Социологическое обследование в Букинском районе Ташкентской области в феврале 2021 года, ИПМИ.*

Состав семей по статусу занятости бедных семей существенно различается: лишь 19% членов семей имеют постоянную работу и 43% – безработные, 15% – учащиеся и 18% – инвалиды и тяжело больные. Основной сферой занятости бедных является сельское хозяйство (100%).

Таким образом, бедные семьи – это, в большинстве, семьи, состоящие из членов со средним и средним специальным, профессиональным образованием, с несколькими безработными членами и с инвалидами (включая детей-инвалидов).

Необходимо отметить, что бедные семьи имеют как минимум 7 соток земли, 4 соток из которых используются в виде ЛПХ. Имеют собственное жилье (в среднем 3 комнат).

Среднемесячный доход бедных семей составляет в среднем до 1 млн.сум на семью за счет доходов с ЛПХ (39% бедных семей), пенсий и пособий (39%), мелкой торговли (13%) и зарплаты работников бюджетной организации (9%). Исходя из ответов респондентов, сбережений в этих семьях нет.

Основными расходами бедных семей являются расходы на питание (61% всех потребительских расходов), непродовольственные товары (15%) и услуги (24%). На коммунальные услуги бедные семьи тратят 72% всех расходов на услуги, в то время как обеспеченные семьи – 24%. Высокозатратными коммунальными услугами определены расходы на электроэнергию и природный газ.

Бедное население задействовано на рынке труда по месту жительства, что говорит о низкой их мобильности и адаптации к условиям городской местности. Случаев трудовой миграции за рубеж среди бедных слоев не наблюдалось.

По результатам опросов наиболее уязвимы в плане оказаться бедными женщины и молодежь. Но при этом женщинами в качестве ограничений в трудоустройстве не были указаны такие причины как запрет работать со стороны супруга, наличие детей и занятость в дехканском хозяйстве. То есть причинами безработицы в бедных семьях в Букинском районе являются экономические проблемы региона, неизученность потребностей населения в трудоустройстве и спроса местного рынка труда.

В ходе опросов выявлены различные риски бедности: по полу (у женщин более высокий риск бедности), возрасту (у детей и молодежи), семейному статусу (у одиноких матерей), уровню образования (без профессионального образования), статусу занятости (у безработных или работников бюджетной сферы), уязвимости (лица с инвалидностью или с хроническими заболеваниями, одинокие престарелые, дети-сироты), месту проживания (сельская местность и малые города) (таблица 1).

В бедных семьях основными причинами попадания в трудную жизненную ситуацию отмечены безработица и нехватка денежных средств, особенно в семьях, имеющих членов с инвалидностью или тяжелыми хроническими заболеваниями. Причинами безработицы в этих семьях отмечены трудности в трудоустройстве и отсутствие подходящих (желаемых) рабочих мест, а также низкая заработная плата в вакантных рабочих местах. Но при этом 86% отметили отсутствие навыков и знаний для трудоустройства

в отраслях с высокой зарплатой (хотя 14% отметили наличие профессиональных навыков автослесаря, бухгалтера и швеи). Все респонденты готовы обучаться для того, чтобы трудоустроится.

**Таблица 1**

**Риски бедности по результатам социологического обследования**

| | |
|---|---|
| **по полу** | у женщин более высокий риск бедности |
| **возрасту** | у детей и молодежи |
| **семейному статусу** | у одиноких матерей |
| **уровню образования** | у населения без профессионального образования |
| **статусу занятости** | у безработных и работников бюджетной сферы |
| **уязвимости** | у лиц с инвалидностью или с хроническими заболеваниями, одиноких престарелых, детей-сирот |
| **месту проживания** | у населения в сельской местности и малых городах |

***Источник:*** *Социологическое обследование в Букинском районе Ташкентской области в феврале 2021 года, ИПМИ.*

Показатели, характеризующие портрет бедного населения, на самом деле отражают пути и конкретные методы решения проблемы бедности на местах с учетом специфики каждого региона.

**Таким образом, проведенные опросы в Букинском районе позволили сделать следующие выводы:**

1. Оценка бедности должна проводиться не только на уровне республики и областей, но, прежде всего, на местах. Пилотные опросы населения на районном уровне позволяют получить демографические и социально-экономические характеристики бедных слоев населения, а также выявить факторы и причины, обусловливающие бедность. Определение потребностей бедных семей с учетом экономических и финансовых возможностей региона позволит повысить адресность и эффективность мер по социальной защите бедных семей и трудоустройству безработных их членов.

2. Целесообразно проводить сплошные обследования на уровне каждого административного района с целью определения «портрета бедных семей», выявления бюджетов и фактических расходов домохозяйств. Учет социально-экономического развития и специфики потребления населения района позволит объективно оценивать ситуацию и принимать результативные решения по сокращению бедности.

3. Основными причинами бедности в данном регионе определены неразвитость рынка труда и формальный подход при реализации мер по созданию новых рабочих мест, в том числе для низкоквалифицированных кадров в регионе, а также при организации внешней трудовой миграции.

4. Готовность обучаться бедных слоев населения профессиональным навыкам и знаниям для последующего трудоустройства свидетельствует о том, что у населения региона нет иждивенческого настроения и желания зависеть от государственной помощи. Это требует создания условий для подготовки и переподготовки кадров из числа бедных категорий граждан.

Наряду с мероприятиями по сокращению масштабов бедности, необходимо вести работу по предупреждению бедности, ориентированную на лиц, находящихся в зоне риска.

**Механизм осуществления политики по снижению рисков бедности населения должен включать последовательную реализацию комплекса мер:**

- содействие занятости безработных путем рыночных стимулов для повышения занятости на региональных рынках труда, создания условий для расширения предпринимательской инициативы (совершенствование системы кредитования, доступа к материальной инфраструктуре и др.);
- стимулирование социальной мобильности, в том числе посредством внешней и внутренней трудовой миграции населения;
- расширение профессиональной подготовки и переподготовки безработных из бедных семей, повышение конкурентоспособности профессионального образования;
- усиление трудовой мотивации, недопущение распространения иждивенческих настроений путем задействования возможности трудоспособного населения для использования и наращивания своего трудового, образовательно-профессионального потенциала (получение образования, профессиональная подготовка и переподготовка).

### *Источники и литература*

*1. Указ Президента Республики Узбекистан «О Государственной программе по реализации Стратегии действий по пяти приоритетным направлениям развития Республики Узбекистан в 2017 — 2021 годах в «Год поддержки молодежи и укрепления здоровья населения» № УП-6155 от 3 февраля 2021 г.*

*2. Указ Президента Республики Узбекистан «О мерах по кардинальному обновлению государственной политики в сфере развития экономики и сокращения бедности» №УП-5975 от 26.03.2020 г.*

*3. Указ Президента Республики Узбекистан «О дополнительных мерах поддержки населения, отраслей экономики и субъектов предпринимательства в период коронавирусной пандемии» №УП-5978 от 03.04.2020 г.*

*4. Постановление Президента Республики Узбекистан «О дополнительных мерах, направленных на привлечение к предпринимательству, повышение трудовой активности и профессиональное обучение бедных и безработных граждан, а также обеспечение занятости населения» № ПП-4804 от 11.08.2020г.*

*5. Постановление Президента Республики Узбекистан «О внедрении системы рейтинговой оценки социально-экономического развития регионов» № ПП-4702 от 01.05.2020г.*

*6. Стратегия действий по пяти приоритетным направлениям развития Республики Узбекистан в 2017–2021 годах, утвержденная Указом Президента 7.02.2017 г. и направленная на ее реализацию Государственная программа «Год диалога с народом и интересов человека» от 7.02.2017 г. (п. 4.2. «Совершенствование системы социальной защиты населения и охраны здоровья, повышение социально-политической активности женщин)*

### Портрет бедных семей: региональные аспекты

**Дилдора Каримова,**
*доктор экономических наук,*
*руководитель проекта Института прогнозирования и макроэкономических исследований*

**Аннотация:** *современная проблема бедности приобретает сегодня особую остроту, что связано с глобальными явлениями, такими как пандемия и ее влияние на экономику стран, безработицу и уровень жизни людей. Появляется опасность перерастания текущей бедности в хроническую, затяжную бедность. В этих условиях существует необходимость объективной оценки уровня, профиля и структуры бедности, определения основных рисков бедности. Традиционно в странах используется объективный подход к диагностике бедности, основанный на концепциях относительной и абсолютной бедности, установлении черты (порога) бедности. Для разработки более эффективных мер сокращения бедности данный подход должен быть дополнен составлением портрета бедных семей и субъективной оценкой причин такого положения. При этом появляется возможность учета специфики регионов и особенностей демографических и социально-экономических характеристик семей.*

**Ключевые слова:** *диагностика бедности, портрет бедности, критерии оценки бедности, относительная и абсолютная бедность, риск бедности.*

### Камбағал оилалар портрети: минтақавий жиҳатлар

**Дилдора Каримова,**
*иқтисодиёт фанлари доктори,*
*Прогнозлаштириш ва макроиқтисодий тадқиқотлар институти лойиҳа раҳбари*

**Аннотация:** *замонавий камбағаллик муаммоси бугунги кунда пандемия ва унинг мамлакатлар иқтисодиётига таъсири, ишсизлик ва турмуш даражаси каби глобал ҳодисалар билан боғлиқ. Ҳозирги кунда камбағаллик сурункали ва узоқ давом этадиган жараёнга айланиш хавфи мавжуд. Бундай шароитда камбағаллик даражаси, профили ва таркибини, камбағаллик хавфини аниқлаш зарурати туғилади. Анъанага кўра мамлакатларда камбағаллик диагностикаси нисбий ва мутлақ камбағаллик тушунчаларига асосланган ҳолда қўлланади. Камбағалликни камайтириш бўйича янада самарали чораларни ишлаб чиқиш учун объектив ёндашув камбағал оилаларнинг портрети ва ушбу вазият сабабларини субъектив баҳолаш билан тўлдирилиши керак. Шу билан бирга, минтақаларнинг ўзига хос хусусиятлари ва оилаларнинг демографик ва ижтимоий-иқтисодий хусусиятларини ҳисобга олиш мумкин бўлади.*

**Калит сўзлар:** *камбағаллик диагностикаси, камбағаллик портрети, камбағалликни баҳолаш мезонлари, нисбий ва мутлақ камбағаллик, камбағаллик хавфи.*

### Portrait of poor families: regional aspects

**Dildora Karimova,**
*DSc (in Economics),*
*project manager, Institute for forecasting and macroeconomic research*

**Abstract:** *the modern problem of poverty is becoming especially serious today, which is associated with global phenomena such as the pandemic and its impact on the economies of countries, unemployment and living standards. There is a danger that current poverty will develop into chronic, lingering poverty. In these conditions, there is a need for an objective assessment of the level, profile and structure of poverty, to determine the main risks of poverty. Traditionally, countries use an objective approach to the diagnosis of poverty, based on the concepts of relative and absolute poverty, the establishment of the poverty line (threshold). To develop more effective poverty reduction measures, this approach should be complemented by a portrait of poor families and a subjective assessment of the reasons for this situation. At the same time, it becomes possible to take into account the specifics of the regions and the characteristics of the demographic and socio-economic characteristics of families.*

**Keywords:** *poverty diagnostics, poverty portrait, poverty assessment criteria, relative and absolute poverty, poverty risks.*

**УЎК: 330.3**

**Bunyod KARIMOV,**
*Prognozlashtirish va makroiqtisodiy tadqiqotlar instituti katta ilmiy xodimi,*
**E-mail:** b.karimov@ifmr.uz

# Kichik biznesni rivojlantirishga qaratilgan institutsional islohotlar ko'lami

O'zbekistonda kichik bisnes va xususiy tadbirkorlikni qo'llab-quvvatlash va rag'batlantirish bo'yicha O'zbekiston hukumati tomonidan olib borilayotgan siyosat ushbu soha egalarining yuqori ishlab chiqarish sur'atlarini o'sishini ta'minlaydi. Hozirgi kunda ishbilarmonlik muhitini yanada yaxshilash bo'yicha tizimli chora-tadbirlarning amalga oshirilishi kichik biznes va xususiy tadbirkorlarning rivojlanishi va barqaror iqtisodiy o'sishiga imkoniyat yaratib kelmoqda. Yangi O'zbekistonda tub institutsional o'zgarishlar ro'y bermoqda, uning pirovard maqsadi ochiq ijtimoiy yo'naltirilgan bozor iqtisodiyotiga o'tishdan iborat.

O'zbekiston taraqqiyotining yangi bosqichi 2017-2021-yillar uchun ishlab chiqilgan va Prezidentimiz tomonidan qabul qilingan "O'zbekiston Respublikasini yanada rivojlantirish bo'yicha harakatlar strategiyasi" bilan belgilangan bo'lib, unda respublika rivojlanishining besh ustuvor yo'nalishlaridan biri iqtisodiyotni yanada rivojlantirish va liberallashtirishga yo'naltirilgan makroiqtisodiy barqarorlikni mustahkamlash va yuqori iqtisodiy o'sish sur'atlarini saqlab qolish, milliy iqtisodiyotning raqobatbardoshligini oshirish, iqtisodiyotda davlat ishtirokini kamaytirish bo'yicha institutsional va tarkibiy islohotlarni davom ettirish, xususiy mulk huquqini himoya qilish va uning ustuvor mavqeyini yanada kuchaytirish, kichik biznes va xususiy tadbirkorlik rivojini rag'batlantirish kabi qator vazifalar belgilab berilgan [1].

Ta'kidlash joizki, 2017 yilgacha O'zbekiston hukumati faol proteksionizm siyosatini olib bordi, milliy valyutani erkin konvertatsiya qilishga imkoniyat yo'qligi, yuqori bojxona to'lovlari va tarifsiz to'siqlar tufayli importni cheklashlar mavjud edi. Bundan tashqari, odamlar va kapitalning chegara bo'ylab erkin harakatlanishi uchun muhim rasmiy va norasmiy to'siqlar mavjud bo'lgan. Bularning barchasi O'zbekistonni xalqaro mehnat taqsimotida to'liq ishtirok etish, raqobatdosh ishlab chiqarishlarni yaratish imkoniyatidan mahrum qilar edi.

O'zbekistonRespublikasiPrezidenti Sh.M.Mirziyoevning 2016 yil oktyabr oyida "Tadbirkorlik faoliyatini jadal rivojlantirishni ta'minlash, xususiy mulkni har tomonlama himoya qilish va ishbilarmonlik muhitini sifat jihatidan yaxshilash bo'yicha qo'shimcha chora-tadbirlar to'g'risida"gi Farmoni qabul qilindi [2]. Hujjat kichik biznes va xususiy tadbirkorlikka keng erkinlik berish, ularning faoliyatiga davlat organlarining aralashuvini tubdan qisqartish, huquqbuzarliklarning barvaqt oldi olinishini ta'minlash, ularning profilaktikasi samaradorligini oshirish va huquqbuzarliklarga yo'l qo'yilmaslik tadbirkorlik faoliyatini yanada rivojlantirish sohasida davlat siyosatining muhim ustuvor yo'nalishi va davlat organlarining birinchi darajali vazifasi belgilab berildi. Shuningdek, u yuqoridagi talablar va tadbirkorlik sub'ektlarining huquqlari ustuvorligi va qonuniy manfaatlariga muvofiqligi tartib-tamoyilini amalga oshirish bo'yicha vazifalar belgilab berildi.

Ishbilarmonlik muhitini yaratishda, kichik biznes va xususiy tadbirkorlikni rivojlantirishni har tomonlama qo'llab-quvvatlash va yanada rag'batlantirish bo'yicha ko'rilgan barcha chora-tadbirlar natijasini 2015-2020 yillar mobaynida tahlil qiladigan bo'lsak, 2015 yilda kichik biznesning YaIMda ulushi 52.5%ni tashkil etgan bo'lsa, 2020 yilda bu ko'rsatkich 53.9%ni tashkil etgan (1-rasm). Albatta bu ko'rsatkichdan yuqori natijaga erishish tahmin qilingan edi, ammo COVID-19 pandemiyasi ushbu ko'rsatkich o'sish sur'atiga salbiy ta'sir ko'rsatganini ko'rishimiz mumkin [3].




**1-rasm. Respublikamizda 2015-2020 yillar davomida kichik biznes va xususiy tadbirkorlikning YaIMda ulushi %da.**

***Manba:*** *muallif tomonidan Davlat statistika qo'mitasi hisoboti asosida tuzilgan.*

Shuningdek 2020 yilda 96,7 mingtadan ortiq kichik korxona va mikro firmalar (fermer va dehqon xo'jaligidan tashqari) tashkil qilindi, bu 2015 yil ko'rsatkichiga nisbatan 3,5 barobar ko'p demakdir. 2015-2020 yillarni taqqoslaganda yangi tashkil etilgan kichik korxona va mikrofirmalarning iqtisodiy faoliyat turlari bo'yicha ulushi sanoatda +13 753ta, qurilishda +5 741ta, savdoda +30 088ta, yashash va ovqatlanish bo'yicha xizmatlarda +4 976ta, sog'liqni saqlash va ijtimoiy xizmatlarda +975ta, qishloq, o'rmon va baliq xo'jaligida +5 234ta, axborot va xizmatlarda esa + 692taga ko'payganini ko'rishimiz mumkin (2-rasm) [4]. Keltirilgan ma'lumotlar bir tomondan barcha sohalarda raqobat muhitini rivojlanayatganligidan darak bersada (zero raqobat bor joyda o'sish bo'ladi talab va taklif oshadi) ikkinchi tomondan bunday islohotlarni hukumat rahbari oldindan ko'rib, uzoqni ko'zlab, maqsadlarga erishishda tizimli yondashuv va aniq-ravshan siyosat olib borilishining natijasidir.

O'zbekistonda kichik biznes sohasidagi asosiy o'zgarishlar qatorida 2017 yil may oyida Prezidentning farmoni bilan “Tadbirkorlik sub'ektlarining huquqlari va qonuniy manfaatlarini himoya qilish bo'yicha vakil” ta'sis etilganligini ta'kidlash lozim. Tadbirkorlik subyektlarining huquqlari va qonuniy manfaatlarini himoya qilish kafolatlarini kuchaytirish, ularning faoliyatiga davlat organlarining asossiz aralashuvining oldini olish, xususiy mulk daxlsizligining huquqiy mexanizmlarini yanada mustahkamlab berildi [5]. Buning isboti, qisqa muddat ichida Tadbirkorlik sub'ektlarning huquqlari va qonuniy manfaatlarini himoya qilish bo'yicha O'zbekiston Respublikasi Prezidenti huzuridagi Vakilning (Biznes ombudsman) faoliyati davomida 3 718 dan ortiq murojaat kelib tushgan bo'lib, shundan bugungi kungacha 96 foizdan ortig'i ko'rib chiqilib, ijobiy hal etilganligidir [6].

Shu bilan birga, Kichik biznesni rivojlantirishdagi yana bir muhim o'zgarishlardan - bu O'zbekiston Respublikasi Iqtisodiy rivojlanish va kambag'illikni qisqartirish vazirligi huzurida Tadbirkorlikni rivojlantirish agentligining tashkil etilishidir [7]. Agentlik tadbirkorlik faoliyatini rivojlantirishni qo‘llab-quvvatlash, aholining keng tabaqalarini tadbirkorlik bilan shug‘ullanishga jalb etish, boshlang‘ich kapital manbalaridan foydalanish imkoniyatini ta'minlash tizimini kengaytirish va uning samaradorligini oshirish sohasida hamda aholining tadbirkorlik faoliyatini qo‘llab-quvvatlash borasida keltirilgan mexanizmlar, xususan, ularni o‘qitish, mikrokredit ajratish bo‘yicha ishlarni muvofiqlashtirish borasida vakolatli davlat organi sifatida belgilab berildi [8].

Shuningdek, O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2017 yil 19 iyundagi "Biznesning qonuniy manfaatlarini davlat tomonidan himoya




**2- rasm. 2015-2020 yillarda yangi tashkil etilgan kichk korxona va mikrofirmalarning iqtisodiy faoliyat turlari bo’yicha (ming dona).**

***Manba:*** *muallif tomonidan Davlat statistika qo’mitasi hisoboti asosida tuzilgan.*

qilish va tadbirkorlikni yanada rivojlantirish tizimini tubdan takomillashtirish chora-tadbirlari to'g'risida"gi farmoni [9], hamda "O'zbekiston Respublikasi Savdo-sanoat palatasi faoliyatini qayta tashkil etishni takomillashtirish to'g'risida"gi qaror [10] tadbirkorlar faoliyatini har tomonlama qo’llab-quvvatlash va ertangi kuniga bo’lgan ishonchi eng asosiy institustional ko’makchisi bo’ldi desak bejiz emas.

Bundan ko’rinib turibdiki, Yangi O’zbekiston shiori ostida boshlangan islohotlar tadbirkorlik sub’ektlarining faoliyati tizimini mustahkamlash va qonuniy manfaatlarini himoya qilish bo’yicha tegishli agentlik, idoralar tashkil etilib, boshqalari faoliyati samaradorligi oshirildi. Bundan asosiy maqsad tadbirkorlik sub’ektlarining ishonchi va rivoji uchun suyanchiq sifatida xizmat qiladi desak mubuolog’a bo’lmaydi.

Shu bilan birga, tadbirkorlar, jumladan, xotin-qizlar manfaatlarini ta’minlashning muhim institutiga aylangan mamlakatimiz bo’ylab jamoatchilik xizmati markazlari negizida Xalq qabulxonalari va O’zbekiston Prezidentining virtual qabulxonasi, shuningdek, bosh vazir qabulxonasi faoliyati tashkil etilib, bu jarayon izchil davom ettirilmoqda [11]. Bundan asosiy maqsad, tadbirkorlarni har tomonlama qo’llab-quvvatlash, ularning muammo va takliflarini respublika darajasida ko’rib chiqib, uning ijobiy natjasiga erishishdir.

Shuningdek, ertangi kunimiz bo’lib xizmat qiluvchi yoshlarni tadbirkorlikka jalb qilish maqsadida O'zbekiston Respublikasi Prezidenti va Vazirlar Mahkamasining qaror va farmonlari asosida yoshlar tadbirkorligining klasterlari, shu jumladan muhandislik-texnik kommunikatsiyalar bilan ta'minlangan ishlab chiqarish maydonlari yaratildi, yoshlar tadbirkorligi sub'ektlariga uzoq muddatli ijara asosida yerlar ajratish yo’lga qo’yildi [12]. Shu bilan birga, tadbirkorlikni qo'llab-quvvatlash bo'yicha "Har bir oila – tadbirkor" davlat dasturi ham qabul qilindi. "Har bir oila – tadbirkor" dasturi doirasida tadbirkorlik bilan shug'ullanishni istagan aholining tashabbuslarini kreditlar berish, amaliy yordam ko'rsatish, joyida o'qitish, mikrofirmalarga moliyaviy ko'mak berish

va oilaviy tadbirkorlikni rivojlantirish uchun mini-klasterlar yaratish uchun keng imkoniyatlar yaratib berildi [13].

O’zbekiston rahbari tomonidan so’nggi yillarda ishbilarmonlik muhitini yaxshilash va tranzaksiya xarajatlarini kamaytirish borasida bir qator ishlarni amalga oshirib kelinmoqda. Bu birinchi navbatda, soliq, bojxona va ma’muriy yukni kamaytirish, eksport-import operatsiyalari tartibini soddalashtirish, turli xil litsenziya va ruxsatnomalar olish tartibini engillashtirish yoki umuman olib tashlash hamda Tovar va moliya bozorlaridagi monopoliyalarni bosqichma-bosqich qisqartirish orqali samarali raqobat muhitini yaratish maqsadida mamlakatimizda davlatning iqtisodiyotdagi ishtirokini kamaytirish, narxlarni haddan tashqari tartibga solishdan voz kechish va davlatning iqtisodiyotga ta'sirini kamaytirish, tovar-moliya bozorlarida raqobatni rivojlantirish, biznes uchun teng sharoitlar yaratish, oshkoralikni ta’minlash va davlat xaridlari tartib-taomillarini yanada takomillashtirishga [14] qaratilgan institutsional islohotlar amalga oshirilib kelinmoqda. Masalan, xususiy sektor va raqobat rivojlanayotgan sohalarda davlat ishtirokini keskin kamaytirish bo'yicha choralar ko'rish uchun davlat ulushiga ega bo'lgan 3 mingga yaqin korxonada inventarizatsiya o'tkazildi. Kelgusi yillarda strategik ahamiyatga ega bo'lgan 32 ta yirik sanoat korxonalarini o'zgartirish ishlari amalga oshiriladi.

**O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2017 yil 2 sentyabrdagi "Pul-kredit siyosatini liberallashtirishning ustuvor chora-tadbirlari to'g'risida"gi qarori bilan mamlakatda joriy operatsiyalar uchun erkin konvertatsiya joriy etildi, tovar va odamlar harakati uchun bir qator ma'muriy to'siqlar olib tashlandi va eng muhim yutuqlardan biri bu bojxona to'lovlari kamaytirildi.**

Sanoatkurilishbank, Asaka Bank, Ipoteka Bank, Aloqa Bank, Turon Bank va Qishloq qurilish bank kabi yirik banklar xususiylashtirishga tayyorlanmoqda. Ushbu banklardan kamida bittasining barcha davlat ulushini strategik investorlarga sotish rejalashtirilgan. Umuman olganda, yaqin ikki yil ichida davlat ishtirokidagi korxonalar soni kamida 3 baravar kamayashi kutilmoqda.

O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2017 yil 2 sentyabrdagi "Pul-kredit siyosatini liberallashtirishning ustuvor chora-tadbirlari to'g'risida"gi qarori bilan mamlakatda joriy operatsiyalar uchun erkin konvertatsiya joriy etildi, tovar va odamlar harakati uchun bir qator ma'muriy to'siqlar olib tashlandi va eng muhim yutuqlardan biri bu bojxona to'lovlari kamaytirildi.

Markaziy bank o'z faoliyatini tijorat banklarini nazorat qilish va tartibga solish, pul muomalasi va valyuta bozorini tartibga solishda sezilarli darajada o'zgartirdi. Banklarda mijozlarga yo'naltirilgan, sifati yaxshilangan bank xizmatlari turi kengaytirildi. Shuninhdek, chet el valyutasini sotib olish va naqd pul muomalasi bo'yicha ma'muriy cheklovlar olib tashlandi.

Mamlakatda tadbirkorlikni rivojlantirish va xorijiy investitsiyalarni jalb qilish uchun soliq yukini izchillik bilan kamaytirish va qulay shart-sharoitlarni yaratishni ta’minlaydigan soliq tizimi shakllantirildi.

Bunda, birinchilardan bo’lib “O‘zbekiston Respublikasi Soliq kodeksiga o‘zgartishlar va qo‘shimchalar kiritish to‘g‘risida”gi qonunning imzolanishi bo’ldi. Unga ko‘ra, 2020 yil 1 yanvardan soliq imtiyozlari faqat Soliq kodeksi bilan taqdim etiladigan bo’ldi. Ayrim soliqlar bo‘yicha imtiyozlar belgilangan soliq stavkasini kamaytirildi. Kodeksning yangi tahriri qabul qilinishi tufayli mamlakatimiz soliq tizimida 120 dan ortiq yangi qoidalar amaliyotga kiritildi [15].

**Shuningdek, soliq sohasida boshqa muhim yutuqlarga ham erishildi:**

- mehnat soliqlarini tubdan kamaytirish (1,5-2 marta);
- umumdavlat soliq rejimi korxonalariga soliq yukining sezilarli darajada kamayishi (eng muhimlaridan, QQS stavkasi 20 dan 15% gacha kamaytirildi);
- aylanma (oborot) soliqlarining ta’siri sohasida sezilarli pasayish (islohotdan oldin, bu soliqlar deyarli barcha korxonalar tomonidan to’langan, endi o’rta

va yirik korxonalar ularni to'lamaydilar va kichik firmalarga aylanmadan soliq va QQS dan birini tanlash imkoniyati yarartildi);

- ko'plab soliq imtiyozlari berildi, barcha xo'jalik yurituvchi sube'ktlar uchun soliq shartlarini tenglashtirildi va bu borada ishlarni yanada takomillashtirish bo'yicha qo'shimcha topshiriqlar berildi.

Shuningdek, litsenziyalash va ruxsatnoma berish tartib-taomillarini kamaytirish orqali ishbilarmonlik muhitini yanada yaxshilash bo'yicha keng ko'lamli ishlar olib borildi. Natijada 37ta litsenziya va 10ta ruxsatnoma bekor qilindi, jumladan, 16 ta litsenziya va 11 ta ruxsatnoma birlashtirilish yo'li bilan bekor qilindi, 10 ta litsenziya va 14 ta ruxsatnomalar xabardor qilish tartibi joriy etilishi yo'li bilan bekor qilindi. Bundan tashqari, 14 turdagi litsenziya va ruxsatnomalarni rasmiylashtirish muddatlari qariyb 2 baravarga qisqartiriladi; 115 ta litsenziya va ruxsat berish xususiyatiga ega hujjatlarni olish tartib-taomillari yanada soddalashtirish uchun ishlar olib borilmoqda. Ushbu sohada amalga oshirilgan muhim islohotlardan biri bu "Litsenziya" elektron litsenziyalash portalining yaratilgani va muvofaqiyatli ishga tushirilishi hisoblanadi, bu bugungi kunda litsenziyalar va ruxsatnomalarni elektron shaklda ro'yxatdan o'tkazishni avtomatlashtirish uchun yagona kirish nuqtasi bo'lib, unda to'liq ma'lumot taqdim etish imkoniyatini beradi [16].

Shuningdek, O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2020 yil 2 martdagi PF-5953-son farmoni asosida Ilm-fan va raqamli iqtisodiyotni rivojlantirish yilida mamlakatning xalqaro reytinglar va indekslardagi ko'rsatkichlarini yaxshilash bo'yicha ishlar davom ettirildi, bu esa o'z navbatida biznes uchun qulay muhitni ta'minlash bilan bog'liq. Xususan, Xalqaro reytinglar va indekslar bilan ishlash bo'yicha respublika Kengashi tashkil etildi, bu xalqaro reytinglar va indekslarda O'zbekistonning o'z o'rnini yaxshilash uchun mamlakatning ijtimoiy-iqtisodiy va siyosiy-huquqiy sohalarini rivojlanish darajasini tizimli tahlil qilish, davlat va jamiyat hayotining turli sohalarini tartibga solishga qaratilgan normativ-huquqiy hujjatlarni to'liq baholaydi [17].

Buning misolda Jahon banki va Xalqaro Moliya korporatsiyasining «Biznes yuritish» (Doing Business 2020) yillik reytingida O'zbekiston 2019 yil yakunlari bo'yicha 100 baldan 69,9 ball to'plab, 190 mamlakat orasida 69-o'rinni egalladi va o'tgan davrning (2018 yil) ko'rsatkichiga nisbatan 7 pog'ona yuqoriga ko'tarilib, ishbilarmonlik muhitini yaxshilashda eng yuqori ko'rsatkichga erishgan 20 mamlakat qatoriga kirdi buni yaqqol dalili hisoblanadi (3-rasm) [18].




**3-rasm. O'zbekistonning 2015-2020 yillar uchun Biznes yuritish (Doing business) bo'yicha o'rni [19]**

***Manba:*** *Prognozlashtirish va makroiqtisodiy tadqiqotlar instituti veb-saytidan olingan.*

Shuningdek, ushbu Indexning subindikatorlari bo'yicha tahlil qilinganda 2015 yilgi reytingga nisbatan mamlakat 2020 yilda: tashkilotlarni ro'yxatdan o'tkazish + 57, qurilish uchun ruxsatnomalar olish + 17, elektr ta'minoti tizimiga ulanish + 109, mulkni ro'yxatdan o'tkazish + 71, kreditlarni olish + 37, minoritar investorlarni himoya qilish + 63 , soliq solish tizimi + 49 , xalqaro savdo + 37 ko'tarilib o'z o'rinlarini yuqorilab kelmoqda. (4-rasm).




**4-rasm. O'zbekistonda 2015-2020 yillar uchun biznes yuritish (Doing business) reytingining subindikatorlar bo'yicha tahlili (ballar) [20].**

***Manba:*** *Prognozlashtirish va makroiqtisodiy tadqiqotlar instituti veb-saytidan olingan.*

Albatta bunday yutuqlarga erishish barcha sohada olib borilgan ijtimoiy-iqtisodiy va siyosiy-huquqiy islohotlar najitasidir. Qabul qilingan chora-tadbirlar tadbirkorlik faoliyati sohasidagi me'yoriy-huquqiy bazani va tartibga soluvchi jarayonlarni takomillashtirishga, qulay ishbilarmonlik muhitini va xalqaro maydonda mamlakatning ijobiy obro'sini yaratishga yo'naltirilganligi hisoblanadi.

O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2019 yil 5 fevraldagi “Jahon banki va xalqaro moliya korporatsiyasining “biznes yuritish” yillik hisobotida O‘zbekiston Respublikasining reytingini yaxshilashga doir qo‘shimcha chora-tadbirlar to‘g‘risida” gi PQ-4160-son qarori tadbirkorlik faoliyatini amalga oshirish sohasida normativ-huquqiy hujjatlar bazasini va tartibga solish jarayonlarini takomillashtirishga, qulay biznes muhitini va xalqaro maydonda mamlakatning ijobiy nufuzini shakllantirishga qaratilgan chora-tadbirlar ko‘rildi. Shuningdek ushbu qaror doirasida Jahon banki va Xalqaro moliya korporatsiyasi, biznes yuritish (Doing Business) yillik hisobotida O'zbekiston Respublikasining reytingini yanada yaxshilash uchun vazifalar belgilab berildi [21].

Xulosa o’rnida shuni ta’kidlash mumkin, milliy iqtisodiyotida kichik va xususiy tadbirkorlarning institutsional yondashuv yordamida o’rganish iqtisodiyotning istiqbolli yo’nalishlaridan hisoblanadi. Bu ijtimoiy-iqtisodiy jarayonlarni tahlil qilish va muvozanatli rivojlanishga to’sqinlik qiluvchi nomutanosibliklarni aniqlash asosida rivojlantirishni aniqlashda xizmat qiladi. Institutsional nazariya bizga mamlakatda tadbirkorlikni shakllantirishga hissa qo'shadigan chuqur, muhim o'zgarishlarni aniqlashga imkon beradi. Mahaliy Institutlarning samaradorligi rolini oshirish – tadbirkorlarga yangi korxona yaratish uchun eng yaxshi imkoniyatlarni taqdim etishi, shuningdek, uning keyingi faoliyati va rivojlanishi uchun qulay sharoit yaratishga inkoniyat beriishi lozim. Institutsional muhit barcha xo'jalik yurituvchi sub'ektlar uchun tushunarli bo'lgan qoidalar va zarur shart-sharoit va imtiyozlarni shakllantirishga imkoniyat beradi. Institutsional muhit tadbirkorlarning faoliyati davomida bevosita va bilvosita ta'sir ko'rsatib, ularning tezkorligi va intilishlariga sezilarli ta'sir ko'rsatadi.

**Xulosa qilib, mamlakatimizda tadbirkorlikni yanada rivojlantirish bo’yicha bizning nazarimizda ko’zda tutilishi lozim asosiy vazifalar:**

- kichik va o’rta tadbirkorlikni rivojlantirish uchun resurs bazasini yanada kengaytirish maqsadida xalqaro standartlarga muvofiq kredit uyushmalari faoliyatini yo’lga qo’yish;
- o’z ehtiyojlari uchun ob’ektlar quradigan yangi tashkil etilgan kichik biznes sub’ektlariga yagona soliq to’lovi to’lash bo’yicha imtiyozlar yaratish;
- mikrofirmalar uchun buxgalteriya hisobini yuritish va moliyaviy hisobot taqdim etish bo’yicha talablarni bekor qilish, ularning o’rniga daromadlar va xarajatlar tartibini joriy qilish;
- soliq va boshqa majburiy to’lovlarni o’z vaqtida to’laydigan tadbirkorlik sub’ektlarining moliyaviy-xo’jalik faoliyatini soliq to’lanishi nuqtai nazaridan tekshirishga taqiq qo’yish;
- tadbirkorlik sub’ektlarining davlat xaridlari sohasida yanada soddalashtirish deb hisoblaymiz.

Yuqorida keltirilgan xulosalar va ularning yechimi bo’yicha berilgan takliflarni amalda qo’llash, bizning fikrimizcha, mamlakatimizda tadbirkorlikning yanada rivojlanishiga va xorijiy investorlar faoliyatini, ishonchini mustahkamlashga hamda aholi farovonligining oshishiga ijobiy ta’sir etadi.

***Manba va adabiyotlar***

*1. lex.uz. (n.d.). PF-4947-сон 07.02.2017. O‘zbekiston Respublikasini yanada rivojlantirish bo‘yicha Harakatlar strategiyasi to‘g‘risida. [online] Available at: https://lex.uz/docs/-3107036 [Accessed 26 Apr. 2021].*

*2. lex.uz. (n.d.). УП-4848-сон 05.10.2016. О дополнительных мерах по обеспечению ускоренного развития предпринимательской деятельности, всемерной защите частной собственности и качественному улучшению делового климата. https://lex.uz/docs/3039313 .*

*3. Stat.uz. (2021). Kichik biznes va tadbirkorlik. [online] Available at: https://www.stat.uz/uz/rasmiy-statistika/small-business-and-entrepreneurship-2.*

*4. Ўша манба.*

*5. lex.uz. (n.d.). PF-5037-сон 05.05.2017. O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti huzuridagi Tadbirkorlik subyektlarining huquqlari va qonuniy manfaatlarini himoya qilish bo‘yicha vakili institutini ta’sis etish to‘g‘risida https://lex.uz/docs/-3193118?otherlang=1*

*6. biznesvakil.uz. (n.d.). Biznes Ombudsman. https://biznesvakil.uz/ru/news/76*

*7. lex.uz. (n.d.). PQ-4653-сон 26.03.2020. O‘zbekiston Respublikasi Iqtisodiy taraqqiyot va kambag‘allikni qisqartirish vazirligi hamda uning tizim tashkilotlari faoliyatini tashkil etish to‘g‘risida. https://lex.uz/docs/-4776766*

*8. lex.uz. (n.d.). 77-сон 17.02.2021. O‘zbekiston Respublikasi Iqtisodiy taraqqiyot va kambag‘allikni qisqartirish vazirligi huzuridagi Tadbirkorlikni rivojlantirish agentligi faoliyatini samarali tashkil etish to‘g‘risida. https://lex.uz/docs/-5293707?ONDATE=17.02.2021*

*9. lex.uz. (n.d.). 77-сон 17.02.2021. O‘zbekiston Respublikasi Iqtisodiy taraqqiyot va kambag‘allikni qisqartirish vazirligi huzuridagi Tadbirkorlikni rivojlantirish agentligi faoliyatini samarali tashkil etish to‘g‘risida. https://lex.uz/docs/-5293707?ONDATE=17.02.2021*

*10. lex.uz. (n.d.). ПП-3068-сон 19.06.2017. О совершенствовании организации деятельности Торгово-промышленной палаты Республики Узбекистан. https://lex.uz/docs/3246098*

11. www.lex.uz. (n.d.). PQ-4197-сон 19.02.2019. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining Xalq qabulxonalari faoliyati bilan bog'liq nizomlarni tasdiqlash to'g'risida. https://www.lex.uz/docs/-4208064

12. www.lex.uz. (n.d.). 834-сон 16.10.2017. Yoshlar tadbirkorlik klastyerlarini tashkil etishga doir tashkiliy chora-tadbirlar to'g'risida. https://www.lex.uz/ru/docs/-3382157

13. lex.uz. (n.d.). PQ-3777-сон 07.06.2018. "Har bir oila-tadbirkor" dasturini amalga oshirish to'g'risida. https://lex.uz/docs/-3772869

14. www.lex.uz. (n.d.). PF-6019-сон 06.07.2020. Raqobat muhitini yanada rivojlantirish va iqtisodiyotdagi davlat ishtirokini qisqartirish bo'yicha qo'shimcha chora-tadbirlar to'g'risida.: https://www.lex.uz/docs/-4887654

15. www.ima.uz. (n.d.). Yangi tahrirdagi Soliq kodeksida qanday qulayliklar aks etgan? http://www.ima.uz/uz/information/info/news/1560/

16. UzReport.news. (2021). "Litsenziyalash va ruxsat berish tartib-taomillarini tubdan takomillashtirish chora-tadbirlari to'g'risida"gi Prezident Farmoni qabul qilindi. https://uzreport.news/politics/litsenziyalash-va-ruxsat-berish-tartib-taomillarini-tubdan-takomillashtirish-chora-tadbirl

17. lex.uz. (n.d.). PF-6003-сон 02.06.2020. O'zbekiston Respublikasining xalqaro reyting va indekslardagi o'rnini yaxshilash hamda davlat organlari va tashkilotlarida ular bilan tizimli ishlashning yangi mexanizmini joriy qilish to'g'risida. https://lex.uz/docs/-4838762

18. Газета.uz. (2019). Ўзбекистон "Бизнес юритиш 2020" рейтингида кўтарилди. https://www.gazeta.uz/uz/2019/10/24/doing-business/.

19. Ifmr.uz. (2021). https://ifmr.uz/images/galleries/296863.jpg

20. Ўша манба.

21. lex.uz. (n.d.). PQ-4160-сон 05.02.2019. Jahon banki va Xalqaro moliya korporatsiyasining "Biznes yuritish" yillik hisobotida O'zbekiston Respublikasining reytingini yaxshilashga doir qo'shimcha chora-tadbirlar to'g'risida. https://lex.uz/docs/-4190706

**Kichik biznesni rivojlantirishga qaratilgan institutsional islohotlar ko'lami**

**Bunyod Karimov,**
*Prognozlashtirish va makroiqtisodiy tadqiqotlar instituti katta ilmiy xodimi*

**Annotatsiya:** *maqolada muallif tomonidan milliy iqtisodiyotda kichik va xususiy tadbirkorlik faoliyati rivojlanishi uchun davlat tomonidan amalga oshirilayotgan ijtimoiy-iqtisodiy va siyosiy-huquqiy sohalardagi eng muhim islohotlar tahlil qilingan. Shuningdek, kichik biznes va xususiy tadbirkorlik faoliyatini har tomonlama tizimli tahlil qilishga erishilgan. Tahlil asosida analitik jadvallar va grafik materiallar ishlab chiqilgan. Tahlillar asosida mamlakatda tadbirkorlikni yanada rivojlantirish bo'yicha takliflar keltirilgan.*

**Kalit so'zlar:** *institutsional muhit, institutsional sharoit, tadbirkorlik, kichik biznes, statistik tahlil, tahlilning sifat ko'rsatkichlari, O'zbekiston iqtisodiyoti.*

**Институциональные реформы, направленные на развитие малого предпринимательства**

**Бунёд Каримов,**
*старший научный сотрудник Института прогнозирования и макроэкономических исследований*

**Аннотация:** *в статье представлен анализ важнейших реформ в социально-экономической и политико-правовой сферах, реализуемых в целях стимулирования развития малого и частного предпринимательства в национальной экономике. Проведен всесторонний системный анализ деятельности малого и частного предпринимательства, а также разработаны аналитические таблицы и графические материалы. Результаты анализа позволили сформулировать и выдвинуть научно-обоснованные предложения, направленные на дальнейшее развитие предпринимательства в стране.*

**Ключевые слова:** *институциональная среда, институциональные условия, предпринимательство, малый бизнес, статистический анализ, качественные показатели анализа, экономика Узбекистана.*

**Institutional reforms aimed at the development of small businesses**

**Bunyod Karimov,**
*senior researcher of the Institute for Forecasting and Macroeconomic Research*

**Abstract:** *author describe the most important reforms in the socio-economic and political-legal spheres implemented for small and private businesses development in the national economy. A comprehensive and systematic analysis of the activities of small and private businesses has also been done. Based on the analysis, analytical tables and graphic materials were designed. Proposals were put forward for the further development of entrepreneurship in the country based on the scientific analysis.*

**Keywords:** *Institutional environment, institutional conditions, entrepreneurship, small business, statistical analysis, qualitative indicators of analysis, economy of Uzbekistan.*

УЎК: 331.1.312

**Шермирза САИДБОЕВ,**
*иқтисод фанлари доктори,*
*Наманган муҳандислик-технология институти профессори*
**E-mail:** *Saitboyev.Shermirza@gmail.com,*
**Дилфуза ЗУЛФИҚАРОВА,**
*Наманган муҳандислик-технология институти мустақил тадқиқотчиси,*
**E-mail:** *dilfuza.zulfiqarova.86@inbox.ru*

# Хотин-қизларнинг меҳнат ва тадбиркорлик фаоллигини тўлиқ амалга оширишнинг концептуал асослари

## КИРИШ

Мамлакатнинг ижтимоий иқтисодий ҳаётида хотин-қизлар тадбиркорлигининг моҳияти, аҳамияти ва зарурияти ўрганиш илмий тадқиқотнинг долзарб масаласидир. Унинг шаклланиши, барқарорлиги ва ривожланиш хусусиятларининг ўзига хос жиҳатларини илмий, назарий-услубий ўрганиш, аҳолининг ижтимоий ҳолатига қай даражада таъсир этишини баҳолаш, истиқболда минтақалар иқтисодиётида аёллар тадбиркорлигининг самарали ташкил этилишини таъминлаш миллий иқтисодиётда устувор йўналишлардан ҳисобланади. Айниқса, меҳнатга лаёқатли аҳолини иш билан банд этишда, иқтисодиёт сохаларини импорт ўрнини босувчи ҳамда экспортга йўналтирилган асосга ўтказилишида айнан аёллар тадбиркорлиги муҳим ўрин тутади. Бу ҳолат демографик ҳолатнинг жиддийлиги билан изоҳланади. Аҳоли сонининг йилдан-йилга ошиб бораётганлиги меҳнатда бандлик билан боғлиқ янгидан-янги муаммоларни келтириб чиқармоқда. Қуйидаги муаммоларнинг ечимида хотин-қизлар тадбиркорлиги ижобий роль ўйнаши мумкин:

- аҳоли жон бошига ЯИМ ҳажми жаҳон бўйича ўртача кўрсаткичидан анчагина орқада қолмоқда. Ушбу кўрсаткич бизнинг мамлакатимизда 1741 долларни ташкил этади;

- мамлакатимизда демографик босимнинг сақланиб қолиши ишсизликнинг ўсишига олиб келди ва камбағалликка сабаб бўлмоқда. Ҳозирда 4-5 млн камбағаллар бор;

- меҳнат бозорида кучли демографик ҳолатнинг сақланиб қолаётгани натижасида етарли иш ўринларини яратиш муаммоси келиб чиқмоқда. Натижалар камбағалликнинг ортишига олиб келди.

Республикамизда хотин-қизлар тадбиркорлигини ривожлантириш бўйича олиб борилаётган иқтисодий сиёсат натижасида сезиларли даражада ижобий силжиш кузатилмоқда. Хотин-қизлар тадбиркорлигини янада ривожлантириш, мавжуд ресурслар, ишлаб чиқариш ва меҳнат салоҳиятидан тўлиқ фойдаланиш ҳамда бу билан янги иш ўринларини шакллантириш, ички бозорни маҳаллий товарлар билан тўйинтириш борасида қатор ишлар амалга оширилди.

## МАВЗУГА ОИД АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ

Ўзбекистонда аёллар (50,3%) ва эркаклар (49,7%) нисбатининг деярли тенг эканлиги хотин-қизлар тадбиркорлигини ривожлантириш борасида салоҳият мавжудлигидан далолат беради. Ўзбекистон савдо-саноат палатаси ҳисоб-китобларига қараганда аёл тадбиркорларнинг умумий сони 52 мингтани, яъни жами тадбиркорлик субъектларининг 10 фоизини ташкил этади. Аёлларнинг 82%дан ортиғи соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматларда, 10%дан камроғи фан, таълим, маданият ва санъат соҳасида фаолият олиб боради [1].

Хотин-қизлар томонидан олиб бориладиган тадбиркорлик фаолияти кучли жинс вакилларига нисбатан давомийлиги узоқроқдир. Ҳақиқий умидлар ва фидоийлик билан, аёл корхона ишлаб чиқариш давомийлигини таъминлашда режага риоя қилишда бошқаларга қараганда қатъийроқ. Амалиётда аёллар ҳамкорлик муносабатларга киришганда муросага келиш тенденциясини, ахлоқий тамойиллар ва меъёрларни ҳисобга олиш истагини намоён этадилар. Улар тадбиркорлик фаолиятининг ижтимоий томонларига алоҳида эътибор беради. Аёл тадбиркорлар барча даражадаги ҳокимият органлари билан ўзаро тенглик муносабатида бўлиш истагини намоён этадилар. Бундан асосий мақсад биринчи навбатда молиявий манфаатдорлик туйғуси эмас, балки давлат томонидан ҳуқуқий мақомларини ошириш ва етарли даражада ахборот билан таъминлаш, хотин-қизлар тадбиркорлигининг мавқеини оширишга йўналтирилганлигидир. Шундай қилиб, замонавий аёл тадбиркорни қуйидагича таърифлаш мумкин: у профессионал ва катта ижодий қобилиятларга эга бўлиб, иқтисодий хатарли операцияларга қатъиятлилик, масъулиятли ёндошиш, ташкилотчилик ва эҳтиёткорлик билан муносабатларда бўлиш каби фазилатлари билан ажралиб туради. Булар маъмурий ва молиявий назоратни юқори даражада амалга оширишга, ходимларни танлаш, уларни рағбатлантиришни тўғри таъминлашга, жамоанинг турдош корхоналари ўртасида етакчиси бўлишга имкон беради.

Тадбиркорлик фаолиятига кўпроқ аёлларни жалб қилиш мақсадида, уларни одатий уй-рўзғор машғулотларидан озод этиш учун шарт-шароитлар яратилиши жуда ҳам аҳамиятлидир. Болага ғамхўрлик қилиш учун имкониятлар яратиш, масалан, мактабгача таълим муассасаларига болаларни қабул қилиш сонининг оширилиши аёлларга ўз тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш ва юритиш учун вақт ажратиш имконини беради.

## ТАДҚИҚОТ МЕТОДОЛОГИЯСИ

Тадқиқотни олиб боришда кузатув, таққослаш ҳамда тизимли таҳлил усулларидан фойдаланилган. Хотин-қизлар тадбиркорлигининг мамлакат иқтисодий тараққиётидаги ўрни таҳлил этилган. Кузатув методи орқали аҳоли даромадлари ўртасидаги номутаносибликлар натижасида келиб чиқадиган камбағаллик даражасининг турли давлатларда қандай ва қай тарзда кечиши кузатилди ва уларнинг натижалари таққосланди. Камбағаллик муаммосининг олдини олишда хотин-қизлар тадбиркорлигининг ўрни баҳоланди.

## ТАҲЛИЛ ВА НАТИЖАЛАР

Хотин-қизлар тадбиркорлиги ривожланмаслигининг асосий сабабларидан бири жамият миқёсида камбағалликнинг юқори эканлигидир. Масаланинг жиддийлигига тўхталиб, мамлакатимизда аёллар тадбиркорлик фаолиятини янада ривожлантириш, хусусан, хотин-қизларнинг ишчанлигини ва инновацион ташаббусларини рағбатлантириш мақсадида Президентимизнинг 2018 йил 14 июлдаги “Аҳоли бандлигини таъминлаш борасидаги ишларни такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПП-3856-сонли Қарори [2] аҳолини, жумладан аёлларни ҳам тадбиркорлик фаолиятига жалб қилишда бир қатор қулай шарт-шароитлар яратишни кўзда тутади. **Жумладан:**

-қишлоқ туманларида аҳоли сони 5 минг кишидан кам бўлган аҳоли пунктларида сартарошхона хизматларини, якка тартибдаги буюртмалар бўйича кийим тикиш хизматларини, пойабзал таъмирлаш хизматларини кўрсатиш бўйича фаолиятни ташкил этган, шунингдек, жамоат ҳаммомларини ташкил этган якка тартибдаги тадбиркорлар 2023 йил 1 июлгача барча турдаги солиқларни тўлашдан озод этилди;

- якка тартибдаги тадбиркорлар ҳар бир ёлланган ходимга тўланадиган қатъий белгиланган солиқни тўлашдан озод этилди;

- юридик шахс ташкил этмаган ҳолда оилавий тадбиркорлик фаолиятини амалга оширувчи субъектларга 3 нафаргача доимий ишчиларни ёллашга, улар билан меҳнат шартномаси тузишга, шунингдек, меҳнатга лаёқатли ёшга тўлган бошқа яқин қариндошларини, шу жумладан, меҳнатга лаёқатли ёшга тўлган болалари ва невараларининг эр-хотинларини, меҳнатга лаёқатли ёшга тўлган ака-укалари ва опа-сингилларини, уларнинг эр-хотинларини юридик шахс ташкил этмаган ҳолда оилавий тадбиркорлик субъекти иштирокчилари сифатида жалб қилиш ҳуқуқи берилди;

- бандликка кўмаклашиш жамғармаси ҳисобидан биринчи марта микрокредит олган якка тартибдаги тадбиркорлар уни олган санадан бошлаб 6 ой мобайнида қатъий белгиланган солиқ тўлашдан озод этилади;

- шунингдек, 3 тоннадан ортиқ юк кўтарувчи автомобиль транспортида юк ташиш хизматларини кўрсатувчи якка тартибдаги тадбиркорлар учун

қатъий белгиланган солиқ ставкаси унификация қилиниб, деярли икки баробарга камайтирилди ва базавий ҳисоблаш миқдорининг 2 баравари миқдорида белгиланди.

Хотин-қизларнинг жамиятдаги мавқеи ва уларни мос меҳнат билан таъминлаш, аёллар учун доимий иш жойларини яратиш билан бир қаторда, оилавий бизнес, касаначилик, ҳунармандчилик, томорқа хўжалигини кенг ривожлантириш ишлари ҳали ҳам оқсаётганини эътироф этдилар [3]. Танқидий хулосалар хотин-қизлар тадбиркорлигини ташкил этиш, бошқариш, молиявий ресурслар билан таъминлашдаги муаммоларга ҳам боғлиқ.

Бунинг учун биринчи навбатда хотин-қизлар фаровонлигини ва унинг ижтимоий ҳимоясини ошириш бош вазифалардан бири эканлиги таъкидлаб ўтилди. Ҳар қандай давлатда аҳолининг кам таъминланган қатламлари мавжуд. Камбағалликни камайтириш - бу аҳолида тадбиркорлик руҳини уйғотиш, инсоннинг ички қуввати ва салоҳиятини тўлиқ рўёбга чиқариш, янги иш ўринлари яратиш бўйича иқтисодий ва ижтимоий сиёсатни амалга ошириш, демакдир. Шунинг учун Жаҳон банки, Осиё тараққиёт банки, ЕТТБ, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Тараққиёт дастури ва бошқа халқаро муассасалар билан бирга камбағалликни камайтириш дастурини ишлаб чиқиш зарурлиги ва бу борада халқаро меъёрлар асосида чуқур ўрганишлар ўтказиб, камбағаллик тушунчаси, уни аниқлаш мезонлари ва баҳолаш усулларини қамраб олган янги методологияни яратиш лозимлиги таъкидлаб ўтилди [4].



Бозор иқтисодиёти ривожланган ва ривожланаётган мамлакатларда мутахассислар томонидан камбағаллик тушунчасига турлича қарашлар мавжуд. Жумладан, бозор иқтисодиёти ривожланган мамлакатлар иқтисодчи олимлари А.Смит, Дж.М. Кейнс, Й.Шумпетер, Пол Э Самоульсон, Н.Х.Вильямлар [5] илмий тадқиқотларида камбағаллик атамасига бир қатор таърифлар берган. И.Фишер, Р.Дорнбуш ва Р.Шмалензиларнинг фикрига кўра: камбағаллик бу – даромадлари жамиятнинг ҳозирги истеъмол меъёрий талаблари доирасида эҳтиёжларини қондириш учун етарли бўлмаган, жисмонан тирик қолишга имконияти мавжуд бўлсада, ахлоқий-маданий жиҳатдан чекланганлик. Боиси, уларнинг даромади белгиланган даражадан анча паст бўлади [6], деб таъкидлайдилар.

Россиялик иқтисодчи А.А.Разумованинг фикрига кўра, камбағаллик ижтимоий ҳаётнинг турли соҳаларига таъсир қилади, маълум бир шахснинг, оиланинг ва умуман жамиятнинг ижтимой-иқтисодий ривожланишига салбий тўсқинлик даражаси юқори. Бу аҳолининг турмуш даражасининг сифат кўрсаткичларининг ёмонлашишига, ижтимоий-иқтисодий ва гендер тенгсизлигининг ошишига олиб келади, муваффаққиятли ижтимоий ривожланиш учун тўсиқ бўлади. Қашшоқлик бу - нафақат озиқ-овқат ва кийим-кечак, уй-жойнинг етишмаслиги, одамлар учун зарур бўлган таълим ва соғлиқни сақлаш хизматларидан фойдаланишнинг етишмаслигидир. Ва бу ҳаёт учун керакли бўлган ҳамма нарсани, ҳеч бўлмаганда энг паст даражада олиш учун аҳоли даромадининг етишмаслигидир, дея таърифлаган. Россия аҳолиси ўртасида камбағалликнинг ўзига хос хусусияти шундаки, рус камбағалларининг 50 фоиздан ортиғи меҳнатга лаёқатли бўлиб, уларнинг 42 фоизи иш билан банд. Иш билан таъминланмаганларнинг талайгина қисми хотин-қизлардир [7].

Таҳлиллар кўрсатишича, ривожланаётган мамлакатларда қашшоқликнинг ижтимоий динамикаси сурункали ёки қалқиб турувчи, ривожланган мамлакатларда эса вазиятга қараб ўзгарувчан бўлади. Уларга хос жиҳат шундаки, ҳатто меҳнатга лаёқатли аҳоли ҳам қашшоқ бўлиши мумкин (бундай ҳолат давлат секторида юқори). Бу Россия давлатидаги энг долзарб муаммолардан биридир. Бунинг сабаби, давлат корхоналари хусусий компанияларга қараганда мутахассислар меҳнатига иш ҳақини нисбатан тежамкорлик билан тўлайди [8].

Россиядаги ушбу соҳалар (давлат ва хусусий компаниялар) ўртасида иш ҳақидаги фарқ икки бараварга етиши мумкин. Аслида бу фарқ янада юқори бўлиши табиий. Шунинг учун аҳолининг билими юқори даражадаги бир қисми ҳам даромади бўйича қашшоқлик чегарасидан паст бўлиши мумкин. Ҳатто ишлаётган фуқаро яшаш даражасидан юқори иш ҳақи олади, аммо барча солиқлар ва йиғимларни тўлагандан сўнг тасарруф этиш учун мавжуд маблағлар яшаш даражасидан пастроқни ташкил этади. Шунинг учун Россияда қашшоқлик даражасининг ишсизлик даражаси билан ҳеч қандай алоқаси йўқ. Ривожланган давлатларда эса Россиядан фарқли ўлароқ, ишсизлик ва қашшоқлик даражаси бир-бирига бевосита боғлиқ.

Ўзбекистонлик иқтисодчи олимлар А.Ўлмасов, А.В.Ваҳобов[9]лар томонидан аҳоли фаровонлиги, уларнинг ижтимоий ҳимоясини кучайтириш тажрибасини таҳлил этиш йўли билан янгиланаётган Ўзбекистон иқтисодиётида камбағалликни бартараф этишнинг зарурлиги, унинг назарий, илмий-услубий асослари, ҳаракатлантирувчи кучлари, камбағалликни бартараф этишда хотин-қизлар тадбиркорлигини иқтисодий ривожлантириш, миллий иқтисодиётнинг турли соҳа, тармоқ, муассасалари билан ҳамкорлигини чуқурлаштириш жараёнидаги давлат шериклигининг ўрни таҳлил этилган.

Ҳар қандай мамлакатда ҳукумат камбағалларни аниқлаш учун махсус мезонларни белгилаган бўлса-да, аслида ушбу мезонларга жавоб берганларнинг ҳаммаси ҳам ёрдам ва имтиёзлардан фойдаланиш ҳуқуқига эга эмас. Давлатнинг бу позицияси барча муҳтожларни таъминлаш учун ресурсларнинг етишмаслиги билан изоҳланади. Ижтимоий ёрдам доирасини чеклаш учун иккита қатъий мезон талаб қилинади. Биринчиси, ёрдам олиш ҳуқуқига эга бўлган камбағал одамларнинг айрим тоифаларини аниқлаш орқали одамлар сонини чеклайди. Масалан, ишсиз ёрдамнинг кўп турларини олиши мумкин, аммо кам маошли бўлса ҳам, иши бўлган одам бундай моддий ёрдам турини ололмайди. Иккинчи мезон маҳрумлик муаммосини эътиборсиз қолдириб, қашшоқликка хос бўлган даромадлардан фойдаланишга асосланган.

Бугунги кунда Жаҳон банки маълумотларига кўра, 736 млн киши ўта камбағал шароитда кун кечиради. БМТ камбағаллик чегарасини асосий товар ва хизматлар (озиқ-овқат маҳсулотлари, кийим-кечак, турар жой ҳақини тўлаш, сув билан таъминлаш, электр энергияси, мактаб таълими, тиббий хизмат) учун зарур бўлган даромадлар сифатида белгилайди. Камабағаллик нисбий тушунча бўлиб, муайян мамлакатдаги умумий фаровонлик даражасига боғлиқ бўлади. Камбағаллик нисбий ва мутлоқ турларга бўлинади. Мутлоқ камбағалликда кун кечирувчи одамлар биологик тирик қолишни таъминлайдиган минимал эҳтиёжларнигина қондириши мумкин. Ҳукумат маҳаллий идоралари орқали аҳолининг кам таъминланган қатламини аниқлаш, ижтимоий ҳимоя соҳасидаги вазифаларни аниқлаш мақсадида камбағаллик чегарасини белгилайди. Бунда турли мезонлардан фойдаланилади. Иқтисодиёти ривожланган мамлакатларда қашшоқлик чегараси, ривожланаётган ва иқтисодий қолоқ давлатларга қараганда анча юқоридир.

Дунё мамлакатларидаги инсонларнинг турмуш тарзи, ҳаётидаги тавофутлар ортганлиги сабабли, Жаҳон банки глобал камбағаллик кўрсаткичини вақти-вақти билан қайта кўриб чиқиш заруратига дуч келади. 2005 йилда банк дунёнинг энг қашшоқ мамлакатларида қабул қилинган камбағаллик даражаси асосида ана шу кўрсаткични қайта ҳисоблади. Натижада глобал қашшоқлик чегараси 1,25 долларгача кўтарилди. 2015 йилда чегара қайта кўриб чиқилди ва 1,9 долларгача ортди. Жаҳон банкининг охирги – 2018 йилнинг октябрь ойида эълон қилинган ҳисоботида ҳам шу рақам келтирилган. Даромади бундан ҳам паст бўлганлар қашшоқлар тоифасига киритилади.




***Қашшоқликнинг халқаро чегараси бир киши учун кунига 1,9 долларни ташкил этади***

Киши бошига кунига 1,9 доллар даромад камбағаллик даражасининг энг қуйи чегараси ҳисобланади. Ушбу ўлчовдан келиб чиқиб шуни айтишимиз мумкинки, юртимизда бир одамга кунига энг камида 20026 сўм (1 АҚШ доллари 10540 сўмга тенг олинганда) маблағ керак бўлади. Мос равишда

бир кишига бир ойда 600780 сўм, 5 кишилик оилага 3 003 900 сўм талаб қилинади.

Бундан ташқари, 2020 йилнинг 24 сентябрида Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 75 сессиясида мамлакатимиз раҳбари ўзларининг бир қатор глобал муаммолар бўйича таклифларини билдирдилар, ушбу муаммолардан бири қашшоқликка қарши курашиш масаласи асосий ўрин эгаллади [10].

Президентимиз ўз нутқларида жаҳоннинг турли нуқталарида нотинчлик сақланиб қолаётгани, зиддият ва зўравонликлар ортиб бораётгани, экологик офатлар ва бошқа шу каби офатлар қашшоқлик ва камбағалликнинг глобал муаммоларини кучайтираётганлиги, бу муаммолар айниқса пандемия шароитида кучайиб бораётганини таъкидлаб ўтдилар [11].

Мана шу кескин иқтисодий вазиятдан келиб чиққан ҳолда, мамлакатда камбағаллик ва қашшоқликни бартараф этишда хотин-қизлар тадбиркорлигини ривожлантириш орқали аҳолининг иш билан банд бўлмаган маълум бир қисмини меҳнатда банд этиш мумкин. Бу эса мамлакатнинг барқарор иқтисодий тараққиётига ўз хиссасини қўшади.

**ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР**

Аёллар тадбиркорлигини шакллантириш ва ривожлантириш учун қуйидаги таклифларга алоҳида эътибор қаратишимиз лозим:

**2020 йилнинг 24 сентябрида Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 75 сессиясида мамлакатимиз раҳбари ўзларининг бир қатор глобал муаммолар бўйича таклифларини билдирдилар, ушбу муаммолардан бири қашшоқликка қарши курашиш масаласи асосий ўрин эгаллади.**

- феминизмни изчиллик билан ҳаётга тадбиқ этиш, яъни сабаби, жинсига қараб эмас, балки хотин-қизларнинг фазилатлари, билим, малака, кўникмаларига асосланиб, тенг имкониятлар яратиш. Бу эса мамлакат иқтисодий ривожланишига янги туртки беради;

- меҳнатда банд бўлган хотин-қизларнинг тадбиркорлигини қўллаб-қуватлашда халқаро молия корпорацияларнинг имтиёзли ёндашувларини сўзсиз амалга ошириш йўли билан улар меҳнатини рағбатлантириш;

- меҳнат ва аҳоли бандлиги вазирлиги билан меҳнат биржаларида банд бўлмаган хотин-қизларни фаолиятга жалб этишда алоҳида илмий тадқиқотлар олиб бориш ва муаммоларини ўрганиш ҳамда шу асосда бандлик хизматини яхшилаш;

- хотин-қизлар тадбиркорлигини шакллантиришда, биологик нуқтаи назардан эркаклар ва аёллар бир биридан фарқ қилишига эътибор қаратиш лозим. Лекин тадбиркор аёлларни, айниқса ногиронлиги борларни камситишга йўл қўймаслик. Улар учун давлат ижтимоий қўллаб-кувватлаш, инфратузилма (лифтлар, пандуслар, мослаштирилган жамоат транспорти) ва муайян иш шароитлари кўринишидаги қулайликларни яратиши керак. Хотин-қизлар тадбиркорлиги ҳуқуқларини рўёбга чиқариш учун маълум шартлар ҳам даркор.

Юқоридагилардан шуни хулоса қилиб айтишимиз мумкинки, мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий ривожланишида аёл тадбиркорларнинг ўрни беқиёс. Янгиланаётган Ўзбекистонда хотин-қизлар тадбиркорлиги макро ва микро даражада корхона, ташкилотларни инновацион ривожлантиришга ўзининг муносиб хиссасини қўшади.

***Манба ва адабиётлар***

*1. https://stanradar.com/news/full/34302-zhenskoe-litso-uzbekistanskogo-biznesa.html*

*2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг "Аҳоли бандилигини таъминлаш борасидаги ишларни такомиллаштириш ва самарадаорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПП-3856 сон Қарори. 2018.*

*3. Ш.Мирзиёев. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак.Т.:Ўзбекистон,2018. 43-бет*

*4. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий мажлисга мурожаатномаси. Т.:Tasvir,2020.41-42 бет*

*5. А.Смит. Исследование о природе и причинах богатства народов(I-III). -М.:Наука,1992. -с.572;*

*Дж.М.Кейнс. Общая теория занятности и денег. М., 1978, -с.428;*

*Й.Шумпетер. История экономического анализа.: в 3тт. (пер. с англ., под ред Автаномова В.С.). -М.: Экономическая школа, 2004. -с.1666;*

*Пол Э.Самоульсон , Н.Х.Вильям. Макроэкономика, 18-е издание: пер. с анг. -М.: ООО «ИД Вильямс», 2009. -с.585;*

*6. С.Фишер., Р.Дорнбуш., Р.Шмалензи. Экономика. Москва, Дело-ЛТД, 1995. -с.864*

*7. А.А.Разумова. Бедность в системе отношений на рынке труда: методология анализа, современная ситуация, стратегия преодоления. Автореферат диссертации на соискание ученой степени доктора экономических наук. -М:2003 , -с.4*

*8. М.Ғаниев. Ўзбекистонда камбағаллик муаммоси ва уни камайтириш йўллари. - Н.:2020, 30-33 б*

*9. А.Ўлмасов, А.Ваҳобов. Иқтисодиёт назарияси. -Т.: Шарқ. 2006, 394-397 б*

*10. https://tass.ru/info/7525997*

*11. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош ассамблеясининг 75-сессиясидаги нутқи. -“Халқ сўзи”-газетасининг 2020 йил 24 сентябрдаги 202(7704)-сони, 1-бетда.*

## Хотин-қизларнинг меҳнат ва тадбиркорлик фаоллигини тўлиқ амалга оширишнинг концептуал асослари

**Шермирза Саидбоев,**
*иқтисодиёт фанлари доктори,*
*Наманган муҳандислик-технология институти профессори,*
**Дилфуза Зулфиқарова,**
*Наманган муҳандислик-технология институти мустақил тадқиқотчиси*

**Аннотация:** *бугунги кунда камбағаллик муаммоси дунёдаги барча давлатларда глобал муаммо сифатида юзага келди. Иқтисодий тараққиётдаги тавофутдан келиб чиқиб камбағаллик турли хил бўлиб, нисбий мазмунга эга бўлади. Камбағаллик, қашшоқлик муаммосининг олдини олиш ва уни камайтириш ҳамда инсонларга мос турмуш тарзини яхшилаш, аёлларнинг хотин-қизлар тадбиркорлигига оид қизиқиш ва интилишларини ошириш, уларнинг тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш учун қулай шарт-шароитлар яратиш бугунги кунда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг асосий негизини ташкил этади.*

**Калит сўзлар:** *иқтисодиёт, хотин-қизлар тадбиркорлиги, аҳоли даромадлари, ялпи ички маҳсулот, демография, ишсизлик, камбағаллик, иш билан бандлик.*

## Концептуальные основы полноценной реализации трудовой и предпринимательской деятельности женщин

**Саидбоев Шермирза Доткамирзаевич,**
*доктор экономических наук,*
*профессор Наманганского инженерно-технологического института,*
**Дилфуза Зулфикарова,**
*независимый исследователь Наманганского инженерно-технологического института*

**Аннотация:** *сегодня проблема бедности стала глобальной проблемой во всех странах мира. Из-за разницы в экономическом развитии бедность отличается и имеет относительное значение. Предотвращение и сокращение бедности и улучшение качества жизни людей, повышение интереса и стремлений женщин к женскому предпринимательству, создание благоприятных условий для развития их предпринимательства являются основными основами проводимых реформ.*

**Ключевыу слова:** *экономика, женское предпринимательство, доходы, ВВП, демография, безработица, бедность, занятость.*

## Conceptual bases of full realization of women's labor and entrepreneurial activity

**Shermirza Saidboev,**
*DSc (in Economics),*
*Professor of Namangan Institute of Engineering and Technology*
**Dilfuza Zulfikarova,**
*Independent Researcher, Namangan Institute of Engineering and Technology*

**Abstract:** *today, the problem of poverty has emerged as a global problem in all countries of the world. Due to the difference in economic development, poverty is different and has a relative meaning. Prevention and reduction of poverty and improving the quality of life of the people, increasing the interest and aspirations of women in women's entrepreneurship, creating favorable conditions for the development of their entrepreneurial activities are the main foundations of the ongoing reforms.*

**Keywords:** *Economy, women's entrepreneurship, income, GDP, demographics, unemployment, poverty, employment.*

**УЎК: 364.65**

**Гузал АЛИМОВА,**
*иқтисодиёт фанлари номзоди, доцент,*
*Прогнозлаштириш ва макроиқтисодий тадқиқотлар институти бош илмий ходими,*
**E-mail:** guzal_alimova@bk.ru

# Ўзбекистонда камбағалликнинг миллий мезонини шакллантириш: ўзига хос хусусиятлар, мавжуд тажриба

Камбағаллик даражасини аниқлаш ва уни қисқартириш бевосита Ўзбекистонда амалга оширилаётганислоҳотларнинг устувор йўналиши ҳисобланади. Ушбу мақсадга эришишда авваламбор камбағалликнинг моҳияти, унинг сабабларини чуқур ўрганиш, хорижда тўпланган бой тажрибадан унумли фойдаланиш, мамлакатнинг ўзига хос табиий-иқтисодий, миллий анъаналарини ҳисобга олган ҳолда камбағалликни аниқлашнинг миллий мезонини асослаш жуда долзарб бўлиб қолмоқда.

Камбағаллик ва уни қисқартириш муҳим аҳамиятга эга бўлган иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий масала бўлиб, у деярли барча мамлакатларда намоён бўлади. Камбағаллик мамлакатнинг иқтисодий ўсиши (ялпи ички маҳсулот (ЯИМ) ҳажми, уни тақсимлаш), табиий-иқтисодий салоҳият имкониятларидан фойдаланиш ҳамда аҳолининг турмуш тарзида акс этади. Камбағаллик мамлакат иқтисодий ривожланишига салбий таъсир кўрсатган ҳолда меҳнат бозорида турғун рақобатсизлик ҳолатини келтириб чиқаради, иқтисодий ва ижтимоий мувозанатни бузади ҳамда аҳоли харид қобилиятининг пасайишига олиб келади.

Камбағалликни қисқартириш асосий устувор йўналишлар қаторига киради. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлисга Мурожаатномасида қуйидагилар алоҳида қайд этилган: “Ҳар қандай мамлакатда бўлгани каби бизда ҳам кам таъминланган аҳоли қатламлари мавжуд. Камбағалликни камайтириш – бу алоҳида тадбиркорлик руҳини уйғотиш, инсоннинг ички куч-қуввати ва салоҳиятини тўлиқ рўёбга чиқариш, янги иш ўринлари яратиш бўйича комплекс иқтисодий, ижтимоий сиёсатни амалга ошириш демакдир. Шунинг учун Жаҳон банки, БМТнинг Тараққиёт Дастури ва бошқа халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликда камбағалликни камайтириш дастурини ишлаб чиқиш таклиф этилди. Бу борада халқаро меъёрлар асосида чуқур ўрганишлар ўтказиб, камбағаллик тушунчаси, уни аниқлаш мезонлари ва баҳолаш услубларини қамраб олган янги методологияни яратиш лозим”.

Алоҳида мамлакат миқёсида миллий мезонни шакллантириш бир қатор омилларни хисобга олишни талаб қилади. Булар камбағалликка бевосита ва билвосита таъсир кўрсатадиган минтақанинг ўзига хос ҳусусиятларидан иборат.

Табиий-иқлим шароити. Мамлакатдаги кескин континентал иқлим шароити, ёзнинг иссиқ ҳарорати ва қишнинг нисбатан совуқ бўлиши, турли фавқулодда табиий ҳодисалар дўл, сув тошқини, ер қимирлаш ва бошқалар маълум даражада аҳоли турмуш даражасига таъсир кўрсатади. Жумладан, юқори иқлим ҳароратида меҳнат қилаётганларнинг ижтимоий ҳимоясини таъминлаш, фавқулодда табиий ҳодисалар туфайли талофат кўрганларга ёрдам бериш.

Аҳолининг географик жойлашуви ҳам маълум даражада уларнинг яшаш шароитига салбий таъсир кўрсатади. Айниқса, чўл ва чўл олди, тоғ ва тоғолди худудларда яшайдиганлар учун кeракли шароитларни яратиш, узоқ жойдаги қишлоқлар аҳолисини ижтимоий қўллаб-қувватлаш мақсадга мувофиқ.

Иқлимнинг ўзгариши, чўллашув жараёни, экологик вазият (Орол денгизи фожиаси) айниқса қишлоқ жойларда аҳоли турмуш даражасига сал-

бий таъсир кўрсатишини эътиборга олган ҳолда, қўшимча чора-тадбирларни ишлаб чиқишни тақозо қилади.

Демографик салоҳиятнинг юқорилиги – Ўзбекистоннинг энг асосий ҳусусиятларидан бири ҳисобланади. Аҳоли сони, жумладан меҳнат ресурслари сонининг юқори суръатларда ўсиши (2017-2020 йилларда ўртача йилига ўсиш 1,7 фоиз, хавфсизлик даражаси 1,25 фоиз). Юқори туғилиш даражаси (ўртача йилига 750-800 минг) ўз навбатида кўп болалик оилаларнинг янада кўпайишига, камбағаллик хавфининг ошишига олиб келади. Хавф-хатарлар қаторига секин-аста аҳоли таркибида қариялар улушининг ошиши, ёш оилаларнинг тез суръатда шаклланиши, ёшларнинг юқори бўлиб қолишидан иборат. Аҳолининг бандлигини таъминлаш ва янги иш жойларини ташкил этиш энг муҳим устувор вазифалар қаторига киради.

Иқтисодий салоҳиятни янада юқори даражага кўтариш камбағалликка қарши курашишда ўта долзарб бўлиб қолмоқда. Жаҳон банкининг гуруҳлаштириш тизимига мувофиқ Ўзбекистон даромади ўртадан паст (1036-4045 доллар йилига) давлатлар қаторига киради. Ушбу ҳолат, яъни иқтисодиёт салоҳиятини барқарор ошириш сиёсати янада долзарблигини кўрсатади.

Мамлакат иқтисодиёти таркибида қишлоқ жойларнинг ўрни бугун ва яқин келажакда муҳим аҳамиятини сақлаб қолади. Ҳозирда аҳолининг деярли ярми қишлоқ жойларда яшайди. Қишлоқ аҳолиси ўз навбатида камбағалликнинг шаклланишида асосий ўринни эгаллайди. Шу билан бирга қишлоқ жойлари билан бевосита боғлиқ кичик шаҳарлар ва шаҳар посёлкаларида ҳам камбағаллик хавфи юқори даражада эканлигини бир қатор ўтказилган ижтимоий тадқиқотлар тасдиқлаган.

Қишлоқ хўжалигини ривожлантиришда интенсив усулларга ўтиш яқин келажакда урбанизация жараёнларини фаоллаштиришни, қишлоқ аҳолисининг шаҳарларга кўчиб келиши учун қулай шароитни яратишни зарурият қилиб қўяди. Ушбу ҳолатни Хитой тажрибасидан яққол кўриш мумкин.

Ўзбекистон бошқарув тизимини ташкил этишда бошқа мамлакатлардан маълум даражада ажралиб туради. Бу авваломбор маҳаллий ўз-ўзини бошқариш тизими бўлган маҳаллага тегишли. Маҳалла аҳолининг асосий яшаш жойи бўлиб, камбағалликни аниқлаш, унинг мониторингини ташкил қилиш учун энг қулай восита сифатида қараш мумкин.Ислоҳотларни амалга ошириш ва камбағалликни қисқартириш бўйича махаллабай тизими жорий қилиниши ҳам ушбу тизимдан самарали фойдаланиш зарурлигини кўрсатмоқда. Айниқса маҳалла кесимида камбағал оилаларни аниқлаш ва уларнинг рўйхатини “Темир дафтар”га киритиш миллий мезонни шакллантириш учун ўзига ҳос омил бўлиб хизмат қилишини амалга оширилаётган чора-тадбирлар кўрсатмоқда.

Истеъмолнинг ҳусусиятлари. Аҳолининг товарлар ва хизматларга бўлган эҳтиёжи маълум даражада табиий-иқлим шароити, демографик таркибнинг шаклланиши, тўлов қобилияти, миллий анъаналарга боғлиқ.

Бошқа мамлакатларга нисбатан озиқ-овқат истеъмолида нон маҳсулотлари, мева ва сабзавотлар, гуруч, ўсимлик ёғининг ўрни юқори.

Ноозиқ-овқат маҳсулотлари таркибида болалар ва ёшлар учун кийимлар ва пойабзал, гиламлар, уй-рўзғор буюмларининг аҳамиятлилигини кўрсатиш мумкин. Коммунал хизматлар ичида тоза ичимлик суви ва электроэнергия таъминоти бирламчи эҳтиёжга эга ҳисобланади.

Мамлакат аҳолисининг уй-жойга бўлган юқори эҳтиёжи, маълум даражада аҳоли ва янги ёш оилалар сонининг тез суръатлар билан ўсишига боғлиқ. Шуни таъкидлаш жоизки, статистик маълумотларга кўра, Ўзбекистонда оилалар яшаётган уй-жойларнинг 98,0 фоизи уларнинг шахсий мулки ҳисобланади. Аҳолининг ўз уйига эга бўлиши камбағалликнинг олдини олиш имконини яратади.

Яна бир ўзига хослик, асосан қишлоқ жойларидаги оилаларнинг 70,0 фоизидан ортиғи ўз томорқа хўжалигига эга. Шахсий томорқа хўжаликлари орқали етиштирилаётган озиқ-овқат маҳсулотлари, уларга бўлган истеъмолнинг деярли бешдан бир қисмини қоплайди (ун ва нон, мева ва сабзавот, гўшт ва сут маҳсулотлари) ва даромад манбаи бўлиб хизмат қилади.

Миллий анъаналар ва маънавият. Меҳмондўстлик, бир-бирини қўллаб-қувватлаш, қариндош-уруғчилик ва ўзаро ҳурмат ҳалқимизнинг асрдан-асрга ўтиб келаётган маънавий ўзига хос ҳусусиятидир.

Тўй ва тантаналарда меҳмон сифатида аҳолининг барча табақаларининг қатнашуви, меҳмондўстлик одоби муҳим қадриятлар қаторига кириб, камбағал ва ночор кишиларни қўллаб-қувватлаш имконини беради.

Халқимизнинг бир-бирига ҳурмати ва кексаларни эъзозлашини алоҳида таъкидлаш лозим. Ушбу қадрият оилалардаги кекса ёшдагиларнинг ҳурматини ўрнига қўйиш, уларга ёрдам бериш учун кенг имкониятлар очиб беради.

Айниқса қариндош-уруғчилик муносабатлари, қийин аҳволга тушиб қолганда ўз ёрдамларини аямаслик, камбағал оилаларни доимо моддий қўллаб-қувватлаш, қашшоқликка юз тутмаслигининг олдини олиш халқимизнинг муҳим фазилатларидан ҳисобланади.

Оилага бўлган муносабатнинг юқори даражада эканлиги, уни доимо мустаҳкамлашга интилиш, оғир шароитларда қўллаб-қувватлаш ва ҳимоя қилиш ҳам халқимизнинг муҳим анъаналаридан ҳисобланади. Оилани ташкил этиш ва мустаҳкамлаш, уни ҳимоя қилиш камбағаллик хавфини камайтиришга хизмат қилади.

Ҳозирда Ўзбекистонда мавжуд камбағалликнинг мезони сифатида 2000 йилдан бошлаб, Жаҳон банки таклифи асосида кунига 2100 ккал озиқ-овқат маҳсулотларини истеъмол қилиш чегараси белгиланган. Чегарадан қуйи қисми камбағал ҳисобланади.

Ушбу мезон асосида Давлат статистика қўмитаси томонидан ўтказиладиган уй-хўжаликларининг (10 минг респондент) сўровномаси орқали йиллик камбағаллик даражаси аниқланади (2020 йилда камбағаллик даражаси 8,7 фоиз). Мазкур мезон орқали камбағалликни аниқлаш нисбатан мураккаб, хатолик даражаси юқори, ноозиқ-овқат маҳсулотлари ва хизматлар эътиборга олинмайди, амалиётда қўллашнинг чекланганлиги каби камчиликлари мавжуд. Мазкур чегара орқали аниқланган камбағаллик даражаси асосан халқаро ташкилотлар ва илмий-текшириш институтлари томонидан ҳисобот-маълумотларни тайёрлашда фойдаланилади, холос. Расмий амалиётда, жумладан камбағалликни қисқартиришга қаратилган чора-тадбирлар ишлаб чиқишда ушбу мезон кўрсаткичлари ишлатилмайди.

**Камбағаллик мезони норасмий шаклда яшаш минимуми ва минимал истеъмол саватчаси қиймати асосида ҳам ҳисоб-китоб қилинган.**

Камбағаллик мезони норасмий шаклда яшаш минимуми ва минимал истеъмол саватчаси қиймати асосида ҳам ҳисоб-китоб қилинган.

Ушбу услуб юқорида қайд этилганидек, тасдиқланган минимал истеъмол меъёрларига асосланган бўлиб, реал шароитдан фарқ қилганлиги сабабли расмий амалиётда қўлланилмайди.

Ўзбекистонда яна бир социологик тадқиқот доирасида камбағаллик даражасини аниқлашда фойдаланиладиган усул – субъектив мезон, яъни уй хўжаликлари томонидан ўзларининг қайси ижтимоий тоифага кириш бўйича сўровнома натижаларидан иборат (2021 йил, февраль ойида Бўка туманида ўтказилган социологик сўровнома натижаларига кўра камбағаллик даражаси 19,3 фоиз миқдорда субъектив баҳоланган).

2020 йили Жаҳон банки экспертлари томонидан Ўзбекистонда камбағалликнинг миллий мезони сифатида минимал истеъмол харажатлари қиймати таклиф этилган. Ушбу мезонни аниқлаш уй хўжаликлари сўровномаси натижалари асосида амалга оширилади. Асосий мақсад социологик сўровнома орқали аҳолининг реал минимал истеъмол (озиқ-овқат ва ноозиқ-овқат маҳсулотлари, хизматлар) харажатлари қийматини аниқлашдан иборат. Афзалликлари — бевосита маълум даврда амалдаги (меъёрий эмас) минимал истеъмол харажатлар қийматидан паст бўлган уй-хўжаликлари сони ва камбағалликни баҳолаш.

Салбий томони — танлаб олишга асосланган социологик сўровнома натижаларининг объективлигини таъминлашнинг қийинлиги, ҳисоб-китоб қилиш услубининг мураккаблиги, мамлакат ва ҳудуд миқёсидаги камбағаллик даражасини, унинг

микро, яъни маҳаллабай аниқланадиган миқёси ўртасидаги номутаносиблик.

Хориж ва Ўзбекистон тажрибасининг афзалликлари ва камчиликлари, мамлакатнинг ўзига хос хусусиятларини эътиборга олган ҳолда камбағалликнинг миллий мезонини аниқлашнинг қуйидаги йўналишларини кўриб чиқиш мумкин.

**Биринчиси,** Жаҳон банки томонидан таклиф этилаётган минимал истеъмол харажатлари қийматини, тубдан такомиллаштирилган ва халқаро андозаларга мос келадиган танланма социологик сўровнома орқали аниқлаш.

**Иккинчиси,** 2021 йилда расмий эълон қилинган меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдори (747,3 минг) 70,0 фоизини миллий мезон сифатида эълон қилиш. Ушбу мезон қийматини уч йил ичида босқичма-босқич 100,0 фоизга етказиш ва расмий асосланган меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдорига тенглаштириш.

**Учинчиси,** мамлакатнинг ўзига ҳос хусусиятларини, хозирда камбағалликни қисқартириш бўйича амалга оширилаётган чора-тадбирларни ҳисобга олган ҳолда, барча маҳаллалар кесимида бевосита кам таъминланган оилаларни махсус тайёрланган сўровнома натижаларига кўра реал минимал истеъмол харажатлари қийматини аниқлаш.

Мавжуд миллий мезондан меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдорини мувофиқлаштиришда ва “темир дафтар”ни шакллантиришда фойдаланиш мақсадга мувофиқ. Ижтимоий ёрдам ва нафақа миқдорларини эса давлат бюджети имкониятларидан келиб чиққан ҳолда белгилаш таклиф этилади.

***Манба ва адабиётлар***

*1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг Олий Мажлисга мурожаатномаси, 29 декабр, 2020 й. Халқ сўзи газетаси.*

*2. Подход лауреатов Нобелевской премии 2019 года ученых экономистов Абхиджит Банерджи, Эстер Дюфло и Майкл Кремер. https://share.america.gov/ru*

*3. «Где они живут. Показатели уровней бедности, среднего потребления и среднего класса в Центральной Азии на районном уровне». Всемирный Банк. 2019 г.*

*4. Как рассчитать порог бедности в Узбекистане. Интервью экономиста Всемирного банка Уильяма Зейтца. centrasia.org*

*5. Камбағалликни аниқлаш миллий методологияси ва мезонлари. ИПМИ 2020.*

*6. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.*

### Ўзбекистонда камбағалликнинг миллий мезонини шакллантириш: ўзига хос хусусиятлар, мавжуд тажриба

**Гузал Алимова,**
*иқтисодиёт фанлари номзоди, доцент,*
*Прогнозлаштириш ва макроиқтисодий тадқиқотлар институти бош илмий ходими*

**Аннотация:** *мақолада мамлакат миқёсида миллий мезонни шакллантиришда бир қатор омилларнинг ҳисобга олиниши ёритиб берилган. Булар камбағаллика бевосита ва билвосита таъсир кўрсатадиган минтақанинг ўзига хос хусусиятларидан иборат.*

**Калит сўзлар:** *камбағаллик; камбағаллик миллий мезони; меҳнат ресурслари; аҳоли бандлиги; иқтисодий салоҳият; меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдори; ижтимоий ҳимоя.*

### Формирование национального критерия бедности в Узбекистане: особенности, существующий опыт

**Гузал Алимова,**
*кандидат экономических наук, доцент,*
*старший научный сотрудник Института прогнозирования и макроэкономических исследований*

**Аннотация:** *в статье выделены ряд факторов, учитывающих формирование национальных критериев в стране. Это особенности региона, которые прямо или косвенно влияют на бедность.*

**Ключевые слова:** *бедность; национальный критерий бедности; трудовые ресурсы; занятость населения; экономический потенциал; минимальный размер оплаты труда; социальная защита.*

### Formation of a national poverty criterion in Uzbekistan: specific features, existing experience

**Guzal Alimova,**
*PhD (in Enomics),*
*Institute for Forecasting and Macroeconomic Research*

**Abstract:** *the article highlights the formation of a national criterion at the national level, taking into account a number of factors. These are specific features of the region that directly and indirectly affect poverty.*

**Keywords:** *poverty; national poverty criterion; labor resources; employment; economic potential; minimal salary; social protection.*

УЎК: 336.143.2

**Акбар МАХМУДОВ,**
*PhD (иқтисодиёт фанлари бўйича),*
*Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги*
*Давлат бошқаруви академияси бўлим бошлиғи,*
**E-mail:** a.maxmudov79@mail.ru

# Олий таълим муассасаларида молиявий ресурсларни бошқаришга оид айрим назарий ёндашувлар

## КИРИШ

Республика тараққиётининг янги босқичида барча соҳаларда бўлгани каби олий таълим тизимида ҳам кенг кўламли ислоҳотлар, олий таълимни молиялаштиришга бўлган муносабатда туб ўзгаришлар кузатилмоқда. Ўзбекистон Республикасини 2017-2021 йилларда ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида таълим ва фан соҳасини ривожлантиришнинг энг муҳим йўналишларидан бири сифатида алоҳида эътибор қаратилди. Шундан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ-2909-сон «Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори олий таълим тизимини тубдан такомиллаштириш, мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш борасидаги устувор вазифаларга мос ҳолда, кадрлар тайёрлашнинг маъно-мазмунини тубдан қайта кўриб чиқиш, халқаро стандартлар даражасида олий малакали мутахассислар тайёрлаш учун зарур шароитлар яратиш мақсадида қабул қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев таълим соҳасидаги фикр юритган ҳолда шундай дейди: «... қабул параметрлари 2016 йилга нисбатан 2,5 бароборга ўсди, ёшларимизни олий таълим билан қамраб олиш даражаси 9 фоиздан 25 фоизга етди..... 2021 йилда олий таълимнинг қамрови ва сифатини оширишга алоҳида эътибор қаратилади. Кейинги йилдан бошлаб олий таълимга ажратиладиган давлат грантлари сони камида 25 фоизга оширилади»[1].

Олий таълим соҳасини юқорида эътироф этилган йўналишлар бўйича ривожлантириш, муайян жиҳатдан, молиявий ресурслар билан таъминланиш даражасини оширишни талаб этади, шунингдек, уни бошқариш тизимини янада такомиллаштириш муаммоларини муваффақиятли ҳал этишга боғлиқ бўлади. Шу боис, олий таълим муассасаларида шаклланадиган ва ишлатиладиган молиявий ресурсларни бошқаришда молиявий механизмлардан тўғри ва оқилона фойдаланиш муҳим аҳамият касб этади.

Олий таълим муассасалари фаолиятини бошқаришда молиявий механизмлар муҳим роль ўйнайди. Олий таълим муассасаси томонидан қабул қилинаётган исталган стратегик, тактик ва оператив қарорларни амалга ошириш жараёни молиявий механизмлар билан узвий алоқадорликда бўлиши лозим, молиявий ресурслар билан таъминланмаган иқтисодий фаолиятнинг исталган йўналиши муқаррар равишда таназзулга юз тутади.

## АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ

Хорижий олимлар томонидан олиб борилган тадқиқотлар натижалари шуни кўрсатмоқдаки, инсон капиталининг рентабеллик даражаси жисмоний капиталга нисбатан анча юқори. Масалан, АҚШда бошланғич таълимда таъсир даражаси (меъёри) 50-100%га етади, ўрта таълимда – 15-20%, олий таълимники – 10-15%ни ташкил этади. Ушбу самаранинг асосий қисмини уй хўжаликлари олади. Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, таълим даражаси билан боғлиқ даромадлар дифференциацияси қанчалик юқори бўлса, шунчалик хусусий

сармояларнинг таълим соҳасига йўналтириш даражаси юқори бўлади. Бунда ўз навбатида уй хўжаликларининг самара даражаси ҳам юқори бўлади ва шу билан бирга аҳолининг катта қисми олий таълимга кўпроқ молиявий ресурслар йўналтира бошлайди [2]. Олий таълимга йўналтириладиган сармояларнинг қайта тақсимланиши натижасида хусусий секторнинг улуши ортиши кўп жиҳатдан ҳукуматлардаги инқироз ҳолатлари сабаб бўлди [3].

Хусусан, рус олимлари Захаров Ю.А, Курбатова М.В., Долганов В.С. ва бошқалар томонидан тайёрланган монографияда: "...олий таълимни молиялаштиришда давлат улушини шакллантириш тамойилини аниқлаштириш ва молиявий ресурсларни ҳар бир ўқув юртига тақсимлаш таълим тизимининг ички ва ташқи самарадорлигига хизмат қилади. Олий таълимни молиялаштиришнинг ўзига хос мезонларига самарадорлик, адолатлилик, таълим олувчилар танлаш имкониятининг кенглиги, ОТМ ўртасидаги рақобат, молиялаштириш манбалари ишончлилиги, ресурслар ва бошқарув харажатларининг кенгайиш салоҳиятини киритиш мумкин" деб таъкидланади [4].

Г.В. Груздев, Ю.А. Платоноваларнинг ҳаммуаллифликдаги "ОТМ инновацион ривожлантириш шароитида олий таълимни молиялаштириш муаммолари" номли илмий тадқиқотида: "бугунги кунда пуллик таълимни жорий қилиш таълим тизимининг асосий иштирокчилари фаолитини ўзаро мувофиқлигини таъминлаш учун имконият яратмади" деб таъкидлаган [5].

Сўнгги йиллар давомида АҚШнинг Washington University Journal of Law & Policy, The University of Chicago Law Review ва бошқа илмий нашрларида олий таълим муассаларини молиялаштириш тизимида мавжуд бўлган муаммолар ва уларни бартараф этиш юзасидан бир қатор юқори савияли илмий ишлар чоп этилган. Хусусан, Вашингтон университети ҳуқуқ мактаби (Washington University School of Law) профессори Аарон Моҳр ўз тадқиқотида "Америкалик талабалар ўқиш учун борган сари кўпроқ кредит олишмоқда. Ушбу жараён тез суръатлар билан ривожланмоқда. Бугунги кунга келиб талабаларнинг умумий кредит қарзи 1,2 трлн. доллардан ошди. Ушбу кредит қарзлари талабалар ва уларнинг оилалари учун ипотека кредитидан кейинги ўринни эгалламоқда. Талаба кредитига бўлган талабнинг кескин ошиши ҳисобига фоиз ставкаларининг ҳам ўсишига олиб келди. Натижада, кредит қарздорлиги ва муддати ўтган кредит ҳажми ошиб бормоқда. Бу эса, талабалар тўлов қобилиятининг кескин тушиб кетишига сабаб бўлмоқда" деб эътироф этган [6].

Юқоридаги ва бошқа илмий-амалий манбалар таҳлили замонавий шароитда олий таълим муассасаларида молиявий ресурсларни бошқариш кўплаб омилларга боғлиқ эканлигини кўрсатмоқда. Бир тадқиқот доирасида уларнинг барчасини кўриб чиқиш имконсиз эканлигини эътиборга олган ҳолда мазкур мақолада олий таълим муассасалари молиявий ресурсларини бошқариш тизимига оид ёндашувлар таҳлилини тадқиқ этамиз.

## АСОСИЙ ҚИСМ

Олий таълим муассасалари маблағларини бошқаришда молиявий бошқарув механизмларини шакллантириш тамойил ва хусусиятларини таҳлил этишдан олдин, фикримизча, «молиявий механизм» тушунчасига ойдинлик киритиш зарур.

Иқтисодий нуқтаи-назардан молиявий механизм жамият ҳаётининг ижтимоий ва иқтисодий соҳаларига таъсир ўтказиш учун қўлланилади. У, бир томондан, молиявий механизмнинг таркибий тузилмаси, иккинчи томондан, жамият талабларини қаноатлантириш учун давлат ва хўжалик субъектларида шакллантирилаётган молиявий ресурслар ҳажми орқали амалга оширилади

Фикримизча, иқтисодий тизим фаолияти самарадорлиги фақат молиявий ресурслар ҳажми даражаси билан эмас, кўпроқ қўлланилаётган молиявий механизм модели орқали таъминланади. Мазкур мулоҳазага мос тарзда эътироф этиш мумкинки, ижтимоий ва иқтисодий соҳага молия механизмлари икки кўринишда: миқдорий ва сифат кўринишида таъсир ўтказади.

Миқдорий таъсир давлат органлари ва иқтисодиёт субъектлари томонидан шакллантирилган молиявий ресурслар ҳажми ва уларнинг мамлакат молия тизими соҳалари ўртасида тақсимланиши нисбатлари орқали ифодаланади. Молиявий механизмнинг сифат кўринишидаги таъсири алоҳида олинган иқтисодиёт субъекти фаолияти ёки умумиқтисодий ривожланишни рағбатлантиришга йўналтирилган молиявий ресурсларни шакллантириш усуллари билан боғлиқ. Бундай усуллар жумласига солиқ ставкаларини пасайтириш, бюджет дефицитининг максимал миқдорини аниқлаш, рағбатлантириш хусусиятига эга бўлган молиявий муносабатлар тизимини ишлаб чиқиш ва бошқаларни киритиш мумкин.

Кўриниб турибдики, улар моҳиятан олганда бир-биридан фарқланса-да, алоҳида жиҳатлари бўйича умумий хусусиятларга эга. Хусусан, молиявий механизм хўжалик механизмининг таркибий қисми эканлиги; молиявий механизм молиявий муносабатлар шакллари, турлари ва усулларининг жамланмаси эканлиги; молиявий механизм молиявий ресурсларни шакллантириш ва ишлатиш услублари жамланмаси эканлигини қайд этиш мумкин. Бизнингча, энг муҳим жиҳат, молиявий механизм белгиланган мақсадга эришиш учун молиявий ресурсларни ҳаракатга келтиришга хизмат қилишининг эътироф этилишидир.

Фикримизча, олий таълим муассасалари молиявий ресурсларини бошқариш механизми – давлат ва жамият томонидан қўйилган вазифаларни амалга ошириш борасидаги фаолиятни ташкил этиш ва олиб бориш механизмининг таркибий қисми бўлиб, стратегик ва тактик мақсадларни амалга ошириш мақсадида молиявий ресурсларни шакллантириш ва ишлатишга доир молиявий муносабатларни ташкил этиш шакллари, турлари ва усуллари жамланмасидир.

Бир қатор иқтисодчи олимлар молиявий бошқарув механизмининг икки, яъни директив ва тартибга солиш тури мавжуд, деб ҳисоблайдилар. Уларнинг фикрича, биринчи турдаги молиявий бошқарув механизми давлат иштирок этаётган муноасабатларга нисбатан ишлаб чиқилиб, солиққа тортиш, бюджет харажатлари, бюджет тизимини ташкил этиш, молиявий режалаштиришга тегишлидир. Тартибга солиш туридаги молиявий бошқарув механизми давлат манфаатларига алоқадор бўлмаган ва ички молиявий муносабатларни ишлаб чиқишда қўлланилади. Бунда молиявий ресурсларни ишлатишнинг умумий қоидалари белгилаб берилади.

Иккинчи гуруҳ олимлари молиявий бошқарув механизмини давлат органларининг таркибий тузилиши, яъни умумдавлат, маҳаллий ҳокимият органлари ва маҳаллий бошқарув органлари молиявий механизмлари орқали ифодаланишини таклиф этишган. Улар жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий ҳаётига таъсир этиш нуқтаи-назаридан молиявий бошқарув механизми таркибига молиявий ресурсларни шакллантириш ва ишлатиш механизмлари, тартибга солиш механизмлари ва молиявий рағбатлантириш механизмларини киритишни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблашади.

Молиявий механизм бошқарув даражасига қараб ҳам таснифланиши мумкин. Улар жумласига давлат молияси (умумдавлат ва маҳаллий бошқарув органлари молияси) ва иқтисодиёт субъектлари молиясини киритиш мумкин.

Фикримизча, “молиявий бошқарув механизми” тушунчасини янада тўлиқ ифодалаш учун унинг таркибий тузилмасини таҳлил этиш лозим. Эътироф этиш зарурки, “молия механизми” тушунчасига ёндашувлар каби, молиявий бошқарув механизми таркибий тузилмасини аниқлаш юзасидан илмий манбаларда бир-биридан фарқланувчи ёндашувлар мавжуд.

Хусусан, иқтисодчи олимларнинг бир гуруҳи молиявий бошқарув механизми таркиби функционал элементлар (молиявий ресурсларни шакллантириш, молиялаштириш, рағбатлантириш ва ҳ.к.) ва ташкилий-бошқарув элементлари (молиявий режалаштириш ва прогнозлаш, оператив бошқариш, молиявий назорат)дан иборат, деб ҳисоблашади.

**Иккинчи гуруҳ олимларнинг илмий ишларида молиявий бошқарув механизми молиявий менежмент билан бир маъноли атама сифатида кўриб чиқилган ва бунга мос тузилма эътироф этилган. Хусусан, молиявий механизм элементлари сифатида кўриб чиқилиши мумкин бўлган молиявий ресурсларни бошқариш йўналишлари қайд этилади:**

- молиявий стратегия мақсадларини амалга ошириш;
- молиявий муносабатлар, пул маблағлари фондлари ва оқимларини бошқариш;
- молиявий маблағлар манбаларини бошқариш.

Учинчи гуруҳ олимларининг фикрича, молиявий бошқарув механизми икки асосий элемент – бошқарув объекти ва субъектидан иборат. Бошқарув субъекти объектга иқтисодиёт субъектлари олдида турган мақсадлар тизимидан келиб чиқиб, бошқарувнинг умумий функциялари (таҳлил, режалаштириш, ташкиллаштириш, ҳисоб, назорат, тартибга солиш) ёрдамида таъсир ўтказади. Бунда бошқарув тизими молиявий ресурсларни бошқариш ва молия бўлимининг таркибий тузилмаси, молиявий усуллар ва инструментлари, молиявий хусусиятдаги маълумотлар ва молиявий ресурсларни бошқаришнинг техник воситалари сифатида кўриб чиқилади.

**Тўртинчи гуруҳ олимлари молиявий бошқарув механизмининг қуйидаги таркибий элементларини қайд этишади:**

молиявий усуллар – молиявий ресурсларни шакллантириш ва ишлатиш жараёнига таъсир этиш

усуллари (молиявий режалаштириш, таҳлил, ҳисоб, молиявий тартибга солиш ва назорат);

- молиявий ричаглар – молиявий усулларни амалга оширишда қўлланиладиган воситалар (даромад, ижара тўлови, мақсадли фондлар ва ҳ.клар.);

- ҳуқуқий таъминот – молиявий ресурсларни шакллантириш ва ишлатиш юзасидан қонун ҳужжатлари, қарорлар, буйруқлар ва ҳ.к.лар.

- меъёрий таъминот – меъёр ва мезонлар, амортизация ажратмалари меъёрлари ва ҳ.к.лар.

- ахборот таъминоти – иқтисодий, молиявий, тижорат ва ҳ.к.лар.




**1-расм. Олий таълим муассасалари молиявий ресурсларини бошқариш механизмининг таркибий тузилмаси**

1-расмда келтирилган тузилма олий таълим муассасалари молиявий бошқарув механизмининг таркибий тузилмаси сифатида қабул қилиниши мумкин. Унда ҳуқуқий, меъёрий ва ахборот таъминот тизимлари, шунингдек, ички молия механизмларини бошқариш элементлари (молиявий усуллар ва молиявий таъсир воситалари) акс эттирилган. Бунда молиявий таъсир усуллари деганда молиявий ресурсларни шакллантириш ва ишлатиш жараёнига таъсир этиш воситалари назарда тутилади. Улар жумласига молиявий режалаштириш, молиявий ҳисоб, молиявий таҳлил, молиявий тартибга солиш ва назоратни киритиш мумкин.

Мазкур тузилмада молия механизмининг олинган натижаларни ифодаловчи элементлари мавжуд эмаслигини эътироф этиш зарур. Бундай элементлар жумласига молиявий муносабатлар (кредитлаш, солиққа тортиш, лизинг, инвестициялар ва ҳ.к.) ва молиявий кўрсаткичларни киритиш мумкин. Бундан ташқари, бошқарув элементлари таркибида молиявий инструментлар, яъни бир пайтнинг ўзида молиявий активлар мажбуриятлар суммасининг ошишига олиб келувчи молиявий операциялар ҳисобга олиниши мақсадга мувофиқ. Моливий инструментлар бирламчи (кредитлар, қарзлар, кредиторлик ва дебиторлик қарзлари ва ҳ.к.) ва иккиламчи (молиявий опционлар, фьючерслар, форвард шартномалари, фоиз ва валютавий опционлар) сифатида таснифланиши мумкин.

Республикада олий таълимга бўлган талабнинг ошиши ушбу масалаларни молиялаштириш манбаларини белгилашни тақозо этди ва олий таълимни молиялаштириш борасида турли хил ёндашув ҳамда қарашлар вужудга кела бошлади.

Замонавий билимлар ва кўникмаларга эга бўлган юқори малакали мутахассисларни тайёрлаш мақсадида олий таълим муассасаларига ўрнатилган қабул режаси давлат гранти, тўлов-контракт асосида ташкил этилди. Кадрлар тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш, иқтисодиёт ва ижтимоий соҳа тармоқларини юқори малакали мутахассислар билан таъминлаш, бакалавр ва магистрларни тайёрлашда иш берувчиларнинг жорий ва истиқболдаги эҳтиёжларини инобатга олган ҳолда сон ва таълим йўналишлари уйғунлигига эришиш муҳим саналади.

Олий таълимни молиялаштириш тизимида рўй бераётган яна бир ўзгариш, бу кадрлар тайёрлаш миллий дастурида белгиланган вазифаларни амалга ошириш, ёшлар таълим олиши учун янада кенг имкониятлар яратиш, олий маълумот олаётган фуқароларни ижтимоий муҳофаза қилишни кучайтириш мақсадида таълим кредитларининг жорий этилишидир. Таълим кредитлари тўлов-контракт асосида ўқиш учун олий ўқув юртларига қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси фуқароларига, уларнинг ота-оналари ёки васийларига берилади. Таълим кредитлари бугунги кунда оммалашиб бормоқда. Ушбу турдаги кредитларнинг ташкил этилиши олий таълимни молиялаштиришнинг бир қисмини истеъмолчиларга юклаш ҳисобланиб, бунда мутаносиб равишда давлат молиялаштириши улуши қисқариб боради.

Олий таълим муассасаларини давлат томонидан молиялаштириш асосий манба сифатида сақлаб қолиниши билан бирга ўқиш учун тўловларни жорий

этиш, стипендиялар тартибини ўзгартириш, таълим кредитлари ва бошқаларни жорий этиш бугунги кун талабларидан бирига айланмоқда. Олий таълим муассасаларини молиялаштиришга хусусий фирма ва бошқа ташкилотларни жалб этиш, уларга малакали мутахассислар тайёрлаб бериш бўйича шартномалар имзоланиши лозим. Олий таълим муассасалари ўзларининг мавжуд ва қўшимча маблағларидан самарали фойдаланишга ҳаракат қилишлари, бунда илғор хориж тажрибасидан кенгроқ фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

Шу ўринда, давлат ҳисобидан молиялаштиришнинг қисқариши ва харажатларнинг юқори суръатларда ўсиши олий таълим муассасалари асбоб-ускуналари ва биноларининг ҳамда ўқув библиотека фондининг тез эскиришига, педагогик кадрлар малакасига бўлган талабларнинг пасайишига, илғор илмий асбоб-ускуналар ва ўқув-методик материаллар ва бошқаларнинг етишмаслигига олиб келди. Бундай шароитда дунёнинг кўплаб мамлакатлари АҚШдан ўрнак олишга ва унинг талабалар ёки манфаатдор шахслар, ташкилотлар ва фирмалар ҳисобидан олий таълим муассасаларини молиялаштиришни кенгайтиришга қаратилган тажрибасидан фойдаланишга ҳаракат қилдилар.

АҚШда ўтган асрнинг 80-йилларидан бошлаб ҳозиргача алоҳида штатлар ҳукуматлари ва олий таълим муассасалалари ўртасидаги ўзаро муносабатларда муҳим ўзгаришлар содир бўлмоқда. Чунки анъанавий равишда федерал маъмуриятнинг олий таълим муассасаларига таъсири фақат тўғридан-тўғри талабаларга молиявий ёрдам кўрсатиш, илмий тадқиқотларни молиялаштириш ва бошқа бир неча йўналишлар бўйича чекланган бўлиб, бу ерда олий таълимни ислоҳ қилишда асосий ролни штатларнинг ҳукуматлари ўйнамоқда.




**4-расм. Америка Қўшма Штатларида олий таълим муассасаларини молиялаштириш манбалари**
***Манба:*** *муаллиф томонидан ишланган.*

Айрим штатлардаги вазият бир-биридан фарқ қилишига қарамасдан, штатларнинг ҳукумати давлат олий таълим муассасалари жорий харажатларининг 35 фоиздан ортиқ бўлган қисмини молиялаштирмоқда.

Дания, Финландия ва Норвегияда олий таълимни хусусий молиялаштириш улуши 5 фоиздан кам, Австралия, Канада, Япония, Англия, Америка Қўшма Штатлари, Исроил ва Россияда 40 фоиздан ортиқ, Чили ва Жанубий Кореяда эса 75 фоиздан ортиқни ташкил этади. Жанубий Кореяда олий таълим муассасалари талабаларининг қарийб 80 фоизи хусусий олий ўқув юртларида ўқийди, лекин, Австралия ва Янги Зеландияда талабаларнинг катта қисмини ташкил этувчи хорижий талабалар таълим муассасаларининг хусусий молиялаштириш улушини ошириб юбормоқда [5].

**ХУЛОСА**

Юқоридаги фикрларни умумлаштирган ҳолда хулоса сифатида шуни айтиш мумкинки, олий таълим муассасаларини молиялаштиришда бюджет маблағлари асосий ўринни эгаллайди, молиялаштириш маблағларининг ҳажмини мамлакатнинг ижтимоий ривожланиш даражаси, аҳолининг даромади, ялпи ишлаб чиқариш маҳсулотлари, стратегик йўналишларини ишлаб чиқиш ва мувофиқлаштириш, моддий базани мустаҳкамлаш ва қўшимча молиялаштириш манбаларини топиш,

халқ хўжалиги тармоқларининг олий даражадаги мутахассис кадрларга бўлган эҳтиёжи ва талабларига қараб белгиланади.

Таълим ва ижтимоий-маданий функцияни амалга ошириш учун тузилади ва тўлиқ ёки қисман давлат бюджетидан, шунингдек, бюджетдан ташқари, яъни тўлов-контрактдан тушган маблағлар ҳисобидан молиялаштирилади.

Хулоса сифатида шуни таъкидлаш жоизки, олий таълим муассасалари молиявий ресурсларини бошқариш тизимининг такомиллаштиришда қуйидагиларга эътибор қаратиш зарур:

Биринчидан, бюджет ва бюджетдан ташқари манбалардан жалб этилган молиявий ресурсларни бошқариш масалаларини алоҳида кўриб чиқиш мақсадга мувофиқ;

Иккинчидан, бюджет маблағлари ҳисобига шакллантирилган молиявий ресурслардан фойдаланиш жараёнини ташкил этиш хусусиятлари бюджетдан ташқари манбалардан жалб этилган маблағларни бошқариш хусусиятларидан фарқланишини ҳисобга олишни йўлга қўйиш.

***Манба ва адабиётлар***

*1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. 2020 йил 29 декабрь. https://president.uz/uz/lists/view/4057*

*2. Курбатова М.В. Проблемы становления системы частного инвестирования в высшее профессиональное образование // Университетское управление: практика и анализ. 2003. №3. 61-68б.*

*3. Морган Э.В. Диверсификация источников финансирования в системе высшего образования: сравнительный обзор // Университетское управление: практика и анализ. 2004. №2 81-90б.*

*4. Захаров Ю.А, Курбатова М.В., Долганов В.С., Дудченко Н.П., Кабенюк М.И., Морозова Е.А. и др. Образовательное страхование и вексель в системе профессионального образования: Монография. - Кемерово: ИНТ, 2003.*

*5. Груздев Г.В., Платонова Ю.А. Проблемы финансирования высшего образования в контексте задач инновационного развития вузов. Вестник Нижегородского университета им. Н.М. Лобачевского, 2021, №2 (2), с. 75-80*

*6. Aaron Mohr, The Policy of Federal Student Loans: Looking Backward and Looking Forward, 53 WASH. U. J. L. & POL'Y 341 (2017); https://openscholarship.wustl.edu/law_journal_law_policy/vol53/iss1/26.*

*7. https://lawreview.uchicago.edu – сайти маълумотлари.*

*8. https://iro.hse.ru/data/2013/03/27/1295904300/ – сайти маълумотлари.*

**Олий таълим муассасаларида молиявий ресурсларни бошқаришга оид айрим назарий ёндашувлар**

**Акбар Махмудов,**
*PhD (иқтисодиёт фанлари бўйича),*
*Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси бўлим бошлиғи*

**Аннотация:** *ушбу мақолада олий таълим муассасалари молиявий ресурсларини бошқаришга оид айрим назарий қарашлар ўрганилиб чиқилган. Замонавий шароитда Ўзбекистондаги иқтисодий тараққиётига мос равишда олий таълимни молиялаштиришни такомиллаштиришга қаратилган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.*

**Таянч сўзлар:** *молия, молиявий механизм, олий таълим тизими, олий таълимни молиялаштириш, бюджет маблағлари, бюджетдан ташқари маблағлар.*

**Некоторые теоретические подходы к управлению финансовыми ресурсами в вузах**

**Акбар Махмудов**
*PhD (по экономическим наукам),*
*начальник отдела Академии государственного управления при Призиденте Республики Узбекистан*

**Аннотация:** *в статье исследуются некоторые теоретические взгляды на управление финансовыми ресурсами высших учебных заведений. В соответствии с экономическим развитием Узбекистана в современных условиях разработаны предложения и рекомендации по совершенствованию финансирования высшего образования.*

**Ключевые слова:** *финансы, финансовый механизм, система высшего образования, финансирование высшего образования, бюджетные средства, внебюджетные фонды.*

**Some theoretical approaches to financial resource management in higher education institutions**

**Akbar Mahmudov,**
*PhD (in Economics),*
*Head of Department the Academy of Public Administration under the President of the Republic of Uzbekistan*

**Abstract:** *the article examines some theoretical views on the management of financial resources of higher education institutions. In accordance with the economic development of Uzbekistan in modern conditions, proposals and recommendations have been developed to improve the financing of higher education.*

**Keywords:** *finance, financial mechanism, higher education system, financing of higher education, budgetary funds, off-budget funds.*

**УЎК: 336.143.2**

**Шоирахон НУРДИНОВА,**
*PhD (иқтисодиёт фанлари бўйича),*
*Наманган Давлат университети, доцент в.б.,*
**E-mail:** sh.nurdinova@gmail.com

# Миграциянинг феминизациялашуви: Туркиядаги ўзбек мигрантлар

**КИРИШ**

Юқори даромадли мамлакатлардаги иқтисодий-ижтимоий тенденциялар, хусусан, саноатнинг ривожланиши билан бирга хотин-қизлар бандлик суръатларининг ортиши натижасида туғилишнинг пасайиши, қариялар сонининг кўпайиши “анъанавий аёл” вазифаларида баъзи ўзгаришларга сабаб бўлди. Бу ўзгаришлар натижасида бола ва қарияларни парвариш қилиш, тозалик ва уй ишларини бажарувчиларга бўлган талаб вужудга келди. Бу талаб кам даромадли мамлакатлардаги арзон ишчи кучи оқимига таъсир қилиб, халқаро миграциянинг асосий омилига айланди. Миграция трендлари таҳлил қилинса, мигрантлар орасида хотин-қизлар сонининг ортиши, мигрант қабул қилувчи мамлакатларда хотин-қизлар учун мўлжалланган иш жойларига бўлган талабнинг ошиши ҳамда хотин-қизларнинг индивидуал миграциясини кўриш мумкин.

Халқаро ташкилотларнинг мигрант хотин-қизлар билан боғлиқ маълумотларига таянилса, улар мигрант қабул қилувчи мамлакатларда, асосан, уй хизматлари ва бола/қариялар парвариши соҳасида банд бўлганларнинг асосий улушини ташкил этади. Халқаро Меҳнат Ташкилотининг 2015 йилги маълумотларига кўра, дунёда уй хизматларида банд бўлганлар сони тахминан 67 миллион кишига тенг. Хорижий мамлакатда уй хизматлари билан бандлар сони эса 11.5 миллионни ташкил этади. Жами мигрант-уй хизматчиларининг 73 фоизини хотин-қизлар ташкил қилади (International Labour Office, 2015).

Ўзбекистон билан боғлиқ вазият таҳлил қилинганда, Ўзбекистон Республикаси статистика қўмитаси маълумотларига кўра, 2019 йилда тахминан 12.9 миллион нафар фуқаролар чет элга саёҳат қилишган. Ўзбекистонликларнинг асосий саёҳат йўналишлари 1-расмда келтирилган.




**1-расм. Йўналишига кўра Ўзбекистондан чиқиб кетувчилар сони (минг киши)**

***Манба:*** *Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган.*

2019 йилда Ўзбекистондан, асосан, қўшни мамлакатлар - Қозоғистон, Қирғистон ва Тожикистонга саёҳат қайд этилган. Шунингдек, Россия, Туркия ва Жанубий Корея ўзбекистонликларнинг асосий йўналишлари эканлиги кузатилган. Саёҳатчиларнинг 42.1 фоизи хотин-қизлар ҳисобига тўғри келади.

Туркия Ўзбекистонлик мигрантлар, хусусан хотин-қизларнинг асосий миграция йўналиши ҳисоблансада, Туркиядаги ўзбек меҳнат мигрантлари билан боғлиқ тадқиқотлар сони кам эканлиги кузатилади. Асосан уй хизматлари ва боқувчилик билан шуғулланувчи Ўзбекистонлик мигрант-хотин-қизлар масаласи долзарб ҳисобланади. Юқоридагиларни инобатга олган ҳолда, мазкур мақолада миграциянинг феминизациялашуви билан боғлиқ адабиётлар шарҳланади. Шунингдек, Ўзбекистондан миграциянинг ҳолати, йўналишлари, хотин-қизларнинг миграция жараёнидаги иштироки ва унга таъсир қилувчи омиллар таҳлил қилинади. Мақолада миграциянинг феминизациялашуви бўйича илмий адабиётлар таҳлили, статистик таҳлил усулларидан фойдаланилади.

**МИГРАЦИЯНИНГ ФЕМИНИЗАЦИЯЛАШУВИ**

Илмий адабиётда, асосан, хотин-қизлар миграция жараёнининг бош иштирокчиси сифатида эмас, балки мигрант турмуш ўртоғи билан бирга бирга бошқа мамлакатга кўчиб ўтганлиги кузатилади. Лекин сўнгги ўттиз йил давомида халқаро миграция бўйича тадқиқотлар миграциянинг гендер хусусиятида сезиларли ўзгаришлар ҳақида муҳим маълумотлар беради. Хусусан, миграциянинг феминизациялашуви масаласи тобора кенг муҳокама қилинмоқда. Бу тушунчанинг пайдо бўлишига бир неча сабаблар таъсир кўрсатган. Ғарбда хотин-қизларнинг иш билан бандлик суръатларининг ошиши натижасида жамиятдаги хотин-қизларнинг роли ҳам ўзгарди. Хотин-қизларнинг иқтисодий роли ўзгариши ва миграциянинг янги иқтисодий назариялари "иқтисодий дуализм" пайдо бўлганини илгари сурди. Малакали ишларда фаолият олиб бораётган хотин-қизлар уйдаги "вазифа"ларини малака талаб қилмаган, кўпроқ инсон меҳнатига таянган ва оз маош учун ишлашга рози бошқа қатламга топширмоқда. Яъни, киши бошига тўғри келадиган миллий даромади юқори бўлган мамлакатларда уй ишлари ва фарзанд тарбияси учун ёлланма хизматчиларга бўлган талабнинг ортиши "учинчи дунё" мамлакатларидан хотин-қизларнинг индивидуал равишда ишлаш мақсадида кетишига сабаб бўлмоқда. Massey et al. (1993)га кўра, неоклассик иқтисодиётга асосланган миграция назариялари маошлар ўртасидаги тафовут миграцияни вужудга келтирувчи асосий омил ҳисобланади. Буни даромад даражаси нисбатан паст бўлган мамлакатлардан миллионлаб аёллар юқори даромадли мамлакатларда қария/бола парвариши ва уй хизматларида ишлаш учун кўчиб ўтишида ҳам кўриш мумкин. Шунингдек, гендер муносабатларидаги ўзгаришлар натижасида "анъанавий" жамиятларда хотин-қизларнинг миграция қарорини эркин қабул қилиб, мустақил равишда бошқа мамлакатга кетишида ўсиш қайд этилган. Уй ишлари ва парваришлаш каби ишлар учун кетаётган мигрант хотин-қизлар билан бир қаторда "хорижлик келин" ва одам савдосида ҳам ўсиш кузатилади.

Илмий адабиётда миграциянинг феминизациялашуви турлича талқин қилинади. Баъзи адабиётларда маълум бир вақт оралиғида мигрант хотин-қизларнинг сони ортиб бориши маъносида ишлатилса, бошқа адабиётларда хотин-қизларнинг жамиятдаги роли ўзгариши натижасида ривожланган мамлакатларда мигрантлар орасида хотин-қизларнинг улушининг ортиши деб таснифланади. Мигрант қабул қилувчи мамлакатларда хотин-қизлар учун меҳнат бозори сегментацияси пайдо бўлди. Миграциянинг барча турлари, меҳнат миграциясидан тортиб, одам савдоси ва сиёсий бошпанагача бўлган барча ҳолатларда хотин-қизларнинг иштироки кузатилади. Park (2008) миграциянинг феми-



низациялашувини қашшоқлик, даромадларнинг номувофиқлиги, миграция учун оилавий қарор қабул қилиш, хотин-қизлар меҳнатига талабнинг мавжудлиги натижасида вужудга келганини таъкидлаган.

Le Goff (2016) 1980-2010 йиллар орасидаги миграциянинг феминизациялашуви ва пул жўнатмаларини таҳлил қилган. Мигрант хотин-қизлар томонидан жўнатилган пул миқдорининг эркак мигрантларникидан нисбатан паст эканлигини хотин-қизларнинг мигрант қабул қилувчи мамлакатлардаги меҳнат бозоридаги дуч келадиган қийинчиликлар билан боғлаган. Шунингдек, мигрант хотин-қизлар эркакларга нисбатан кам маош олганлиги пул жўнатмалари миқдорига тўғридан-тўғри таъсир кўрсатиши қайд этилган.

## ХАЛҚАРО МИГРАЦИЯ ВА ХОТИН-ҚИЗЛАР

Халқаро миграцияда хотин-қизларнинг иштироки иқтисодчилар, тарихчилар, социологлар томонидан кенг ёритиб борилмоқда. Gabaccia (2016) АҚШ 1930-1970 йиллар орасида эркакларга нисбатан аёл мигрантларни кўпроқ қабул қилганини, мигрантлар орасида оила бирлашуви, хорижлик келин категориясидаги аёллар бўлганини илгари суради.

Халқаро миграция ташкилоти маълумотларига кўра, 2019 йилда 272 миллион киши ёки дунё аҳолисининг 3.5 фоизи ўз мамлакатидан бошқа мамлакатда яшайди. Халқаро мигрантларнинг 74 фоизи меҳнат мигрантлари бўлиб, хотин-қизлар барча мигрантларнинг 48 фоизини ташкил этади. 2017 йилги маълумотларга кўра, меҳнат мигрантлари орасида эркаклар сони аёллар сонидан 28 миллионга кўп бўлиб, умумий мигрантларнинг 58 фоизини ташкил этади. Меҳнат мигрантлари орасида юқори малакали аёл-мутахассислар бўлишига қарамай, уй хизматлари ва бола парвариши учун кўчиб ўтган хотин-қизлар кўпчиликни ташкил этади. Шунингдек, уй ишларида меҳнат қилаётган мигрантларнинг малака даражаси юқори бўлишига қарамай, бажараётган иши ва маълумоти орасида номувофиқлик тадқиқотларда кенг ёритилган. Географик жиҳатдан таҳлил қилинганда, уй хизматларида ишлаётган мигрант аёлларнинг 24 фоизи Жануби-Шарқий Осиё ва Тинч океани мамлакатларида, 22.1 фоизи Европа қитъасида ва 19 фоизи Араб мамлакатларида фаолият олиб бериши қайд этилган (IOM report, 2020).

## ЎЗБЕКИСТОНДАН МИГРАЦИЯ ОҚИМЛАРИ

Иттифоқнинг парчаланиши натижасида Ўзбекистондан, асосан, миграция маҳаллий бўлмаган аҳолининг ўз тарихий ватанларига кўчишида кузатилади. 2000-йиллардан бошлаб, яқин қўшни мамлакатларга Ўзбекистондан меҳнат миграцияси ортиб борган. Меҳнат мигрантлари, асосан, Россия ва Қозоғистонни танлашлари ижтимоий ўзаро боғлиқлик ва бошқа мамлакатга киришдаги тўсиқлар (виза)нинг мавжуд эмаслиги билан характерланади. Миграция назариясига кўра, бу миграция харажатларини пасайтирганлиги боис миграцияга қарор қабул қилишда муҳим омил саналади.

Ўзбекистонликлар турли сабаблар билан Туркияга ташриф буюришади.




**2-расм. Ўзбекистондан Туркияга ташриф буюрувчилар сони**

***Манба:*** *Туркия Республикаси Маданият ва туризм вазирлиги маълумотлари асосида тузилган.*

2-расмда 2003-2018 йиллар орасида Туркияга ташриф буюрган ўзбекистонликлар сони кўрсатилган. Мазкур давр орасида Туркияга ташриф буюрувчи ўзбекистонликлар сонида ўсиш кузатилади. Визасиз режимдан фойдаланган ҳолда, баъзи ташриф буюрувчилар Туркияга сайёҳ сифатида келиб, Туркияда визасиз қолиш муддати ўтса ҳам иш топиб, қолиб кетадилар.

**Миграция бўйича тадқиқот натижалари ўзбекистонликларнинг Туркияни танлашларида қуйидаги асосий ижтимоий-иқтисодий омилларни кўрсатади:**

• визасиз режим;

• иш ҳақининг нисбатан юқори эканлиги;

• турк халқи билан маданий яқинлик (Nurdinova, 2018).

**ТУРКИЯДАГИ ЎЗБЕК МИГРАНТЛАР**

1990-йиллардан бошлаб, МДҲ мамлакатларидан Туркияга саёҳат қилувчилар сони ортди. МДҲ мамлакатлари ва Туркия орасидаги виза(сиз) режим(и), яшаш стандартлари, географик жойлашув меҳнат миграциясига таъсир қилувчи омиллар сифатида кўрилади. Lordoğlu (2007) Туркияга йўналган миграциянинг ғарбга йўналган миграциядан, нафақат, миқдор жиҳатдан, балки сифат жиҳатдан ҳам фарқланишини ёритган. Буни Туркиянинг яқин қўшни мамлакатлар билан тарихий ва маданий алоқалар билан изоҳлаб, Озарбайжон, Грузия, Молдова каби мамлакатлардан меҳнат мигрантларининг оқими орқали кўрсатиб берган. Шунингдек, туркий тилда сўзлашувчи мамлакатлардан келган мигрантлар учун тил ва маданий яқинлик иш топишда асосий унсур ҳисобланиши қайд этилган. Туркияда норасмий ишлаш имконининг мавжудлиги ва меҳнат бозоридаги талаб хорижлик ишчи кучини жалб этиши кузатилади.

Туркия Республикаси Миграция Бошқармаси маълумотларига кўра, 2016 йилда 18270, 2017 йилда 30657, 2018 йилда 34090 нафар ўзбекистонлик расмий рухсатнома асосида Туркияда фаолият олиб борган. 2016-2018 йилларда тўққиз нафар ўзбекистонлик одам савдоси қурбони бўлгани қайд этилган.

**1-жадвал**

**Туркияда расман истиқомат қилаётган ўзбекистонликларнинг жинси ва вилоятига кўра тақсимоти, киши**

| Вилоят | Умумий сони (нафар) | Эркаклар | Аёллар |
|---|---|---|---|
| **Истанбул** | 24 168 | 6 701 | 17 467 |
| **Бурса** | 2 068 | 1 038 | 1 030 |
| **Анталья** | 1 842 | 569 | 1 273 |
| **Анкара** | 1 646 | 362 | 1 284 |
| **Измир** | 621 | 111 | 510 |
| **Муғла** | 376 | 90 | 286 |
| **Кожаэли** | 302 | 64 | 238 |
| **Текирдағ** | 203 | 44 | 159 |
| **Чанаккалъа** | 208 | 83 | 125 |
| **Бошқа** | 2 656 | 642 | 2 014 |
| **Жами** | **34 090** | **9 704** | **24 386** |

***Манба:*** *Туркия Республикаси Статистика қўмитаси маълумотлари асосида тузилган.*

1-жадвалда 2018 йилда Туркияда расман истиқомат қилаётган ўзбекистонликларнинг жинси ва вилоятига кўра тақсимоти берилган. Кўриниб турибдики, Истанбул ўзбекистонлик мигрантлар учун энг маъкул кўрилган вилоятдир. Шунингдек, Бурса ва Анталья каби туристик ва ишлаб чиқариш ривожланган шаҳарлар ҳам ўзбекистонликлар энг кўп фаолият олиб борадиган вилоятлар рўйхатидан жой олган. Анкара шаҳри пойтахт сифатида 4-ўринда ўзбекистонликлар томонидан энг кўп танланган шаҳар эканлиги кузатилади. Жадвал жинсият жиҳатидан таҳлил қилинса, мигрантлар орасида хотин-қизлар сонининг юқори эканлиги кузатилади. Жами ўзбекистонлик мигрантларнинг 71 фои-

зи хотин-қизлардан иборат. Юқоридаги статистик маълумотлар Туркияда фаолият олиб борувчи барча ўзбекистонликларни, шу жумладан, талаба, оила рухсатномасига эга бўлганлар, қисқа муддатли яшаш рухсатномасига эга бўлганлар ва меҳнат мигрантларини қамраб олади.

Туркия Республикаси Оила, Меҳнат ва Ижтимоий Хизматлар Вазирлиги меҳнат мигрантлари ва расмий ишлаётган ўзбекистонликлар ҳақида маълумот беради. 3-расмда 2011-2019 йиллар орасида Туркияда расмий ишлаш учун ўзбекистонлик мигрантларга берилган рухсатномалар миқдори кўрсатилган. 2011 йилда ўзбекистонлик мигрантларга жами 229 дона рухсатнома берилган бўлса, 2019 йилда бу рақам 4251 га ортиб, 4480 тага етганлигини кўриш мумкин.




**3-расм. Ўзбекистон фуқароларига Туркия томонидан расмий ишлаш рухсатномалари сони**

*Манба: Туркия Республикаси Оила, меҳнат ва ижтимоий хизматлар вазирлиги маълумотлари.*

Баъзи мигрантлар норасмий ишлагани сабабли, мигрантларнинг умумий сони расмий маълумотларга қараганда кўпроқ эканлиги тахмин этилади.

## ТУРКИЯДА МЕҲНАТ БОЗОРИ ВА МИГРАЦИЯНИНГ ФЕМИНИЗАЦИЯЛАШУВИ

Туркча илмий адабиётда МДҲ мамлакатларидан Туркияга миграция собиқ иттифоқнинг парчаланиши натижасида юзага келган иқтисодий инқироз, Туркиянинг виза режими билан боғланади. Demirdizen (2013) иттифоқнинг парчаланиши натижасида офис-менежер лавозимида ҳамда қишлоқ хўжалиги, енгил саноат ва ижтимоий хизматларда фаолият юритган хотин-қизларни инқироздан энг кўп зарар кўрган қатлам сифатида кўрсатган. Бу соҳада ишлаган хотин-қизларнинг ишсизлик туфайли бошқа йўналишларни қидириши ва Туркияга миграцияси Туркиянинг Европага нисбатан қулай виза режими билан изоҳланади. Собиқ иттифоқ мамлакатларидан келган меҳнат мигрантлари, асосан, оддий ишчи, туризм соҳасида хизматчи, энага ва қарияларга боқувчи сифатида ишлайдилар. Мазкур ишларда фаолият туридан келиб чиққан ҳолда, асосан, хотин-қизлар ишлаши кузатилади. Бу соҳалар турк жамиятида “паст” даражадаги ишлар сифатида категориялаштирилганлиги сабабли маҳаллий аҳоли томонидан танланмайди. Yildirimalp (2014) мазкур ишларнинг нуфузи паст бўлиши билан бирга маоши ҳам нисбатан паст эканлигини таъкидлаб, асосан, норасмий мигрантлар томонидан танланишини ёритиб берган. Иш берувчига мигрантларни ёллашнинг афзаллиги шундаки, бу ишларда фаолият юритувчи хотин-қизларнинг иш жойида тунаши исталган вақтга уларга эришиш имконини беради. Кўпинча, бола парвариши учун ёлланган мигрантлар уй ишларини ҳам бажариши кузатилади. Akalın (2014) уй ишларида ишловчи ўзбекистонлик 48 мигрант хотин-қиз билан тадқиқот олиб борган. Тадқиқотда мигрант хотин-қизларнинг олий ёки ўрта-махсус маълумоти, одатда ҳамширалик малакаси Туркияда қария ва хасталарни парваришлашда қўл келгани, ишчи кучи таклифини пайдо қиладиган маҳаллий хотин-қизлардан маълумот ва малака даражаси бўйича устун эканликларига урғу берилган. Иш берувчи ва норасмий ишчи-мигрант орасида иш вақти, соати, вазифалари ва маошини кўрсатувчи ҳуқуқий ҳужжат мавжуд бўлмасада, “оиланинг аъзоси” сифатида ўзаро ишонч асосида келишувга эришилган.

Çakmak & Yaman (2018) томонидан ёзилган мақолада Туркияда текстиль соҳасида ишлаётган собиқ иттифоқ мамлакатларидан келган меҳнат мигрант-аёлларнинг миграцияга қарор қилиши ва

иқтисодий-ижтимоий омиллар таҳлил қилинган. Тадқиқотда иштирок этган ўзбекистонлик иштирокчининг Туркияни танлашида маданий яқинлик ва дин асосий омил эканлиги кузатилади. Akbiyik (2013)тадқиқотида уй ишларида ишловчи мигрант хотин-қизларнинг ўрта ёшли, бева/ажрашган эканлиги ва иш жойида ётиб ишлашларини кўрсатган. Иш жойидаги муаммо сифатида асосан, паспортининг олиб қўйилиши ёки норасмий ишлаганлиги сабабли Туркиядан депортация қилиниши қўрқуви кўрсатилган.

Erdem & Şahin (2009)нинг мақоласида Туркияда уй хизматчилари-мигрантларнинг ўртача маоши 250-500 АҚШ доллари эканлиги кўрсатилади. Норасмий ишлаганлиги сабабли иш жойидан суғурта ёки ижтимоий ҳимоясининг мавжуд эмаслиги мигрантларнинг муаммоси сифатида тилга олинган. Gökmen (2011) ишлаш учун рухсатнома олиш ва норасмий ишламаслик учун турк фуқаролари билан турмуш қурган мигрант хотин-қизларнинг иш фаолиятини тадқиқ қилган. Турк фуқаролари билан турмуш қурган мигрантларнинг меҳнат бозорида юқори афзалликларга эга эканлиги қайд этилган.

Юқоридаги тадқиқотлар асосан, МДҲ мамлакатларидан келган мигрант хотин-қизларга тааллуқли. Бунга сабаб, Туркияда мигрантлар орасида умумий муаммоларнинг мавжудлигидир. Адабиётлар таҳлилидан, Туркиядаги ўзбекистонлик меҳнат мигрантларини кенг кўламда тадқиқ қилган илмий ишлар сони оз эканлиги кўринади.

Туркия Республикаси Оила, Меҳнат ва Ижтимоий хизматлар вазирлиги маълумотларига кўра, 2011 йилда ўзбекистонлик эркаклар 52 та, хотин-қизлар эса 177 та ишлаш рухсатномаси олган. 2011-2019 йилларда бу рақам ортгани кузатилади ва 2019 йилда бу кўрсаткич мос равишда 1455 ва 3025 нафар кишига етган.

**2-жадвал.**

**Туркияда расмий ишлаётган Ўзбекистон фуқароларининг жинси бўйича тақсимланиши, киши**

| | 2011 | 2012 | 2013 | 2014 | 2015 | 2016 | 2017 | 2018 | 2019 |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| эркак | 52 | 113 | 207 | 234 | 277 | 348 | 433 | 1005 | 1455 |
| аёл | 177 | 716 | 1501 | 1759 | 2042 | 2088 | 2032 | 2964 | 3025 |

*Манба: Туркия Республикаси Оила, меҳнат ва ижтимоий хизматлар вазирлиги маълумотлари.*

2-жадвалдан кўриш мумкинки, ўзбекистонлик меҳнат мигрантлари орасида ишлаш учун рухсатнома олганларнинг аксарияти хотин-қизлардир. Хусусан, 2019 йилда Туркияда расман меҳнат қилаётганларнинг қарийб 70 фоизи хотин-қизлар ҳиссасига тўғри келади. Шунингдек, сўнгги йилларда Ўзбекистондан индивудиал (якка тартибда) тарзда кетиб, мустақил равишда ишлайдиган мигрант хотин-қизларнинг сони кўпаймоқда.

**ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР**

Меҳнат мигрантлари орасидаги хотин-қизларнинг иштироки бўйича етарлича хорижий адабиёт мавжуд бўлишига қарамай, Ўзбекистон мисолида илмий тадқиқотлар сони нисбатан паст эканлиги кузатилади. Мазкур мақола Туркиядаги ўзбекистонлик меҳнат мигрантлари масаласи, хусусан ишлаш учун келган хотин-қизларни тадқиқ қилишга қаратилган. Таҳлил натижалари Ўзбекистондан Туркияга “миграциянинг феминизациялашуви”ни кўрсатади. Сўнгги ўн йилликда, мустақил равишда, Туркияга ишлаш учун кетган хотин-қизларнинг сони ортгани кузатилди. Туркия меҳнат бозори сегментацияси таҳлил қилинганда, мигрант хотин-қизлар меҳнатига бўлган талабнинг юқорилиги кузатилди. Адабиётларда айнан ўзбекистонлик мигрантларни қамраб олган тадқиқотлар кам эканлиги, кўпроқ МДҲ мамлакатларидан келган мигрант хотин-қизларнинг умумий масаласи ёритилгани кузатилди. Уй ишларида ишлайдиган мигрантларнинг норасмий ишлаши учун шароитнинг мавжудлиги расмий рақамларда кўрсатилмаган мигрантларга ишора этади. Норасмий ишлаганлиги сабабли,  меҳнат мигрантларида Туркиядан депортация қилиниши билан боғлиқ қўрқув мавжуд. Мигрантлар иш берувчи билан ҳуқуқий асосдаги келишувга эмас, ўзаро ишонч асосида уй ишлари ва қария/хасталарни парваришлагани кузатилади. Шунингдек, мигрант хотин-қизларнинг Туркиядаги лавозими ва Ўзбекистонда олган маълумоти орасида ному-



вофиқлик мавжуд. Шу каби муаммоларни инобатга олган ҳолда, қуйидаги тавсиялар ишлаб чиқилди:

• Ўзбекистондан Туркияга меҳнат миграцияси бўйича дала тадқиқотларини ташкил этиш ва миграция феминизациялашувининг мигрантнинг Ўзбекистонда қолган оила аъзолари, хусусан, фарзандларига ижтимоий-иқтисодий таъсирини ўрганиш ва таҳлил қилиш лозим.

• Меҳнат миграцияси билан боғлиқ қарорларнинг самарадорлигини ошириш мақсадида Туркиядаги ўзбекистонлик меҳнат мигрантлари бўйича маълумотлар йиғиш ва уларни таҳлил қилиш тизимини йўлга қўйиш лозим.

• Миграция жараёнини тўғри ташкил этиш ва бошқариш, хусусан, мигрант қабул қилувчи мамлакатлардаги, шу жумладан, Туркияда ўзбекистонлик мигрант хотин-қизлар дуч келаётган муаммолари тизимли ўрганилиши лозим.

• Мигрант қабул қилувчи мамлакатларда хотин-қизларни хавфсиз ва манзилли иш билан таъминлаш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқиш зарур.

• Муаммога дуч келган хотин-қизларга психологик, моддий ва маънавий ёрдам беришни йўлга қўйиш ҳамда шу мақсадда консультация марказлари ташкил этиш лозим.

• Меҳнат мигрантларини хорижий мамлакат меҳнат қонунчилиги билан таништиришнинг содда ва оммабоп дастури ишлаб чиқилиши лозим.

Шунингдек, Туркия қонунчилигида фақат Туркия фуқаролари фаолият юритиши мумкин бўлган касб-ҳунарлар рўйхати мавжуд. Истисно тариқасида, 2527-сонли қонун асосида хорижлик туркий халқларга бу фаолият турларида ишлаш ҳуқуқи берилган. Шуни инобатга олган ҳолда, мазкур ҳуқуқий ҳужжатни ўзбекистонликларга қўллаш амалиёти меҳнат мигрантларига адвокатлик, нотариус ва бошқа қонунда назарда тутилган касбларда ишлаш имконини беради. Бу ўз навбатида, лавозим ва маълумот орасидаги номувофиқликнинг олдини олади, мигрантларнинг даромад даражасига сезиларли таъсир кўрсатади.

***Манба ва адабиётлар***

*1. Akalın, A. E. (2014). Türkiye'de Ev Hizmetlerinde Çalışan Göçmen Kadınların Toplumsal ve İktisadi Varoluş Stratejileri Üzerine Sosyolojik Bir Analiz.*

*2. Akbiyik, N. (2013). Ev Hizmetlerinde Çalişma: Malatya'da Bir Alan Araştirmasi. Yönetim ve Ekonomi Araştırmaları Dergisi, 11(21), 207–240.*

3. Çakmak, H., & Yaman, I. (2018). Post-Sovyet Dönemde Türkiye'ye Yönelen Kadın Emek Göçü Profili: Kumkapı'da Tekstil Sektöründeki Satış Temsilcisi Kadınlar Örneği. Middle East Journal of Refugee Studies, 3(2), 197–228.

4. Demirdizen, D. (2013). Türkiye'de Ev Hizmetlerinde Çalışan Göçmen Kadınlar: Yeni Düzenlemelerle Yarı Köle Emeğine Doğru mu? Calisma ve Toplum, 38(3).

5. Erdem, Z., & Şahin, L. (2009). Ülkemizde Ev Hizmetlerinde İstihdam Edilen Yabanci Uyruklu İşgücünün Çalişma Koşullari: İstanbul İli Üzerine Bir Alan Araştirmasi. Sosyal Siyaset Konferansları Dergisi, 57, 281–325.

6. Gabaccia, D. R. (2016). Feminization of migration. The Wiley Blackwell Encyclopedia of Gender and Sexuality Studies, 1–3.

7. Gökmen, Ç. E. (2011). Türk turizminin yabancı gelinleri: Marmaris yöresinde turizm sektöründe çalışan göçmen kadınlar. Çalışma ve Toplum, 1(28), 201–231.

8. International Labour Office, Labour Migration Branch, International Labour Office, Conditions of Work and Equality Department, International Labour Office, & Department of Statistics. (2015). ILO Global estimates of migrant workers and migrant domestic workers: Results and methodology: special focus on migrant domestic workers. ILO.

9. Le Goff, M. (2016). Feminization of migration and trends in remittances. IZA World of Labor.

10. Lordoğlu, K. (2007). Türkiye'deki çalişma hayatinin bir parçasi olarak yabanci çalişanlar. Çalışma ve Toplum, 3, 11–31.

11. Massey, D. S., Arango, J., Hugo, G., Kouaouci, A., Pellegrino, A., & Taylor, J. E. (1993). Theories of international migration: A review and appraisal. Population and Development Review, 431–466.

12. World Migration Report 2020. Geneva: International Organization for Migration

13. Nurdinova, S. (2018). Socio-economic Factors Affecting Uzbek Labor Migrants in Turkey. In Eurasia on the Move: Interdisciplinary Approaches to a Dynamic Migration Region eds. Marlene Laruelle and Caress Schenk. Washington D.C.: George Washington University Central Asia Program.

14. Park, C.-B. (2008). Women and International Migration: Background of the Feminization of Migration and its Implications. Asian Women, 24(2), 1–16.

15. Yildirimalp, S. (2014). Türkiye'de Ev Hizmetinde Çalışanların Sorunları. Karabük Üniversitesi Sosyal Bilimler Enstitüsü Dergisi, 4(1), 45–59.

16. Туркия Республикаси Оила, Меҳнат ва Ижтимоий Хизматлар Вазирлиги: https://ailevecalisma.gov.tr/istatistikler/calisma-hayati-istatistikleri/resmi-istatistik-programi/yabancilarin-calisma-izinleri/

17. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси https://stat.uz/en/press-center/news-of-committee/news-of-committee-2020/2928-8327-persons-who-entered-and-left-the-republic-of-uzbekistan-in-2019

18. Туркия Республикаси Маданият ва Туризм Вазирлиги: https://yigm.ktb.gov.tr/TR-249709/yillik-bultenler.html

**Миграциянинг феминизациялашуви: Туркиядаги ўзбек мигрантлар**

**Шоирахон Нурдинова,**
*PhD (иқтисодиёт фанлари бўйича),*
*Наманган Давлат Университети, доцент в.б.*

**Аннотация:** *мазкур мақолада Ўзбекистондан меҳнат миграцияси, хусусан, Туркияга миграция масаласи ўрганилган. Миграциянинг феминизациялашуви ва Туркия меҳнат бозорининг хусусиятлари ёритилиб, Туркиядаги ўзбек хотин-қизлари юзасидан таклифлар берилган.*

**Калит сўзлар:** *мигрант, миграциянинг феминизациялашуви, Туркия, Ўзбекистон.*

**Феминизация миграции: узбекские мигранты в Турции**

**Шоирахон Нурдинова,**
*PhD (по экономическим наукам),*
*Наманганский государственный университет,*
*и.о. доцент*

**Аннотация:** *в данной статье исследуется трудовая миграция из Узбекистана, в частности в Турцию. Освещена феминизация миграции и особенности турецкого рынка труда, а так же были высказаны предложения относительно узбекских женщин в Турции.*

**Ключевые слова:** *мигрант, феминизация миграции, Турция, Узбекистан.*

**Feminization Of Migration: Uzbek Migrants In Turkey**

**Shoirakhon Nurdinova,**
*PhD (in Economics),*
*Namangan State University, Associate professor*

**Abstract:** *in this article, the author investigates labour migration from Uzbekistan, in particular to Turkey. Shedding a light on the feminization of migration and the characteristics of the Turkish labor market, the author suggests recommendations related to Uzbek women in Turkey.*

**Keywords:** *migrant, feminization of migration, Turkey, Uzbekistan.*

Аждодларимиз иқтисодий тафаккури / Экономическое мышление наших предков / The economic thinking of our ancestors

**УЎК: 336.143.2**

**Одил ОЛИМЖОНОВ,**
*иқтисод фанлари доктори, профессор,*
*Прогнозлаштириш ва макроиқтисодий тадқиқотлар институти бўлим бошлиғи,*
**E-mail:** a.maxmudov79@mail.ru

# Бобурийлар солиқ сиёсатининг мазмуни ва аҳамияти

## КИРИШ

Кичик сонли қўшин билан аҳолиси сони жуда катта юртни босиб олиб, унда бир неча аср давомида ҳукмронлик қилиш ҳолатлари инсоният тарихида кам учрайди. Тарихдан маълумки, маҳаллий халқ киндик қони томган заминни ўзгалар босиб олганлигига узоқ чидай олмайди ва аксарият ҳолларда келгиндиларни ўз юртидан тезда ҳайдаб чиқаради. Лекин четдан келган подшолар маҳаллий ҳокимларга нисбатан барча жабҳаларда адолатли бўлганликлари туфайли тарихда ўз ҳукмрон табақаларидан босқинчиларни афзал кўришган ҳолатлар ҳам бор. Бунга ёрқин мисоллардан бири Ҳиндистонда ҳукмронлик қилган Буюк Бобур ва бобурийлар салтанати ҳисобланади. Мазкур сулола Ҳиндистон заминида ўта узоқ муддат (1526-1858 йиллар), яъни 332 йил ҳукмронлик қилди. Ҳиндлар боболаримиздан ҳокимиятни қайтариб олишолмади. Бунинг сабаблари кўп ва улар олимлар томонидан етарли даражада ўрганилган. Лекин бобурийлар сулоласининг Ҳиндистондай катта салтанатдаги ҳукмронлиги узоқ ва муваффақиятли давом этганлигида улар ҳинд халқи учун яратган адолатли солиқ сиёсатининг аҳамияти ҳам катта бўлганлигини кўпчилик билмайди. Мазкур мақола фандаги ана шу бўшлиқни тўлдириш мақсадида ёзилган, яъни унда Буюк Бобурийлар салтанати солиқ сиёсатининг мазмуни ва унинг мамлакат ижтимоий – иқтисодий ривожланишидаги аҳамияти ҳақида фикр юритилади.

## АСОСИЙ ҚИСМ

Ҳиндистонни бобурийлар сулоласидан бошқа бир давлат, яъни Буюк Британия тортиб олди. Лекин ўзбеклардан фарқли ўлароқ, инглизларнинг бу заминдаги ҳукмронлиги бир асрга ҳам етмади, ҳиндлар уларнинг зулмига чидай олмай, босқинчиларни ўз юртларидан ҳайдаб чиқаришди. Чунки инглизлар ҳинд халқига бобурийлар яратган адолатни бера олишмади, кўп бойликларини эса ўз юртларига ташиб кетишди...

Тан олиш керакки, Заҳириддин Муҳаммад Бобур ва унинг авлодларига нисбатан ҳам маҳаллий халқлар кўп қаршилик қилишган, қўзғолонлар, исёнлар уюштиришган. Урушларда ҳиндистонликлар устун келган ва ҳокимиятни қўлга киритган вақтлар ҳам бўлган. Лекин булар ҳаммаси вақтинча бўлиб, охир-оқибат давлат яна бобурийлар қўлига ўтаверган. Юқорида қайд этдимки, бундай бўлишининг сабаблари кўп. Бобурийлар томонидан ерли халқнинг динини, тилини, қадриятларини, маданиятини, урф-одатларини ҳурмат қилиш, уларга ўзлари асрлар давомида шаклланган удумларга мувофиқ яшашга имкон бериш, мамлакат ҳудудида истиқомат қилувчи барча халқларнинг миллати, эътиқодидан қатъий назар тенг мақомга эга бўлишини таъминлаш, халқ учун ўз рожаларига қараганда адолатлироқ иқтисодий шароит яратиб бериш ерли халқнинг манфаатларига мос келган.

Бобур ва унинг авлодлари ерли халқлар учун жуда кўп ишлар қилишган. Улар бу юртдан бошқа жойга ҳеч нарса ташиб кетишмаган. Бир мисол. Бобур Ҳиндистон подшоҳларининг хазинасини қўлга киритганда ундан ўзи учун ҳеч нарса олмасдан бутун бойликни шу ерда яшайдиган барча аҳолига тақсимлаб берган. Бу тадбир барча томонидан жаҳон

давлатлари тарихида мисли кўрилмаган ҳодиса, ижтимоий ҳимоянинг олий даражаси сифатида баҳоланган [1].

Бобурийлар адолатли бўлганликлари учун ҳиндистонликлар бу сулоладан ҳокимиятни қайтиб олишга кўп ҳаракатлар қилишган бўлса-да, лекин, менинг назаримда, бунинг учун жонларини фидо қилишни унчалик исташмаган. Агар ҳиндлар ҳақиқатдан ҳам шуни хоҳлашганда, уларга сони ўзларидан бир неча юз баравар кам бўлган ўзбекларни юртларидан ҳайдаб чиқариш унчалик қийинчилик туғдирмаган бўларди, деб ўйлайман.

Кўпчилик учун маълум бир ҳақиқат бор, яъни ҳамма замонларда, айниқса, ўрта асрларда давлат ва инсон ҳаётида солиқларнинг аҳамияти жуда катта бўлган. Иқтисодиётнинг ўта муҳим бўлаги ҳисобланмиш солиқлар ҳамманинг, ҳукмдорнинг ҳам, солиқ тўловчи бою-камбағалнинг ҳам ҳамиша бошини қотирган. Аҳоли учун солиқ “Ё - ҳаёт! “Ё – мамот!” масаласи ҳисобланган. Негаки, у замонларда солиқ миқдори баланд бўлса, солиқчилар аҳоли йил давомида ишлаб топган даромадини солиққа тортиб олиши ва яшашга моддий имконияти қолмаган бечоралар оч қолиб ўлиши оддий ҳол бўлган.

Шу боис Бобур ва унинг авлодлари Ҳиндистонда адолатли солиқ сиёсати олиб бориш зарурлигини тўғри тушунишган ва бунга эришиш учун жуда каттаислоҳотлар ўтказишган. Бунинг учун, Бобур, энг аввало, солиқ сиёсатининг назарий масалаларини ишлаб чиққан. Чунки Бобур Ҳиндистонни қўлга кирита бошлаган пайтдаёқ тушунганки, бу юртда солиқ сиёсатини бошқарадиган аниқ бир тартибнинг ўзи бўлмаган. Бу ҳар бир рожанинг ўз иши бўлган. Ана шундай шароитда Бобур солиқ сиёсати ва солиқни йиғиб олишнинг исломий қоидаларга мувофиқ бўлган адолатли тартиботини яратган.

Бобур ўз иқтисодий ва солиқ сиёсатини ишлаб чиқиш учун бобоси Буюк Темур ва замонасидаги бошқа ҳукмдорларнинг давлатчилик фаолиятидан ҳам ижобий фойдаланган. Жумладан, Хуросон подшоси Ҳусайн Бойқаронинг давлат бошқаруви усуллари ва саройдаги аъёнларнинг молиявий таъминоти, сарфу-харажатларни белгилаш тартибини жиддий ўрганган [2].

Буюк бобомизнинг солиқ соҳасидаги фикрлари унинг “Бобурнома” [3] ва “Мубайян” [4] асарларида баён этилган. У солиқларнинг моҳиятини, уларнинг давлат ва жамият ҳаётига ўта кучли таъсир ўтказишини яхши билган. Шунинг учун ҳам унинг солиқ сиёсати адолатли ва кенг халқ оммаси учун мўътадил бўлган.

Жаҳон сиёсий, ижтимоий, иқтисодий, маданий ва маънавий тафаккурининг нодир дурдоналаридан бири бўлмиш “Бобурнома” қомусий характерга эга кенг қамровли асар ҳисобланади. Мазкур китобда муаллиф давлатни бошқариш, давлат хазинасини ташкил этиш, солиқлар, олинаётган солиқларни даромадлар миқдорига боғлаш, халқаро иқтисодий муносабатларни ривожлантиришда хорижий савдогарларга солиқлар соҳасида имтиёзлар бериш каби масалаларга ҳам алоҳида эътибор берган.

Бобурнинг “Мубайян” асари “Иймон-эътиқод”, “Намоз”, “Закот” (Бобурда у “Китоб уз-закот” деб номланган), “Рўза” ва “Ҳаж” деб номланган 5 та китобдан иборат. “Закот китоби”да закот шартлари, закот бериладиган моллар, нақдина, чорва ва тижорат молларининг закоти, закот фарзлари, закот бериладиган шахслар, закот бериш дуруст бўлмаган кишилар, ушр ва хирожга доир барча масалалар бўйича аниқ тавсиялар берилган [5].

Бобурнинг нақадар буюклигидан гувоҳлик берувчи яна бир масалага эътибор қаратмоқчиман. Яъни “Мубайян” асарини Ҳазрат Бобур шеърий усулда ёзган. Солиқлардек ўта мураккаб соҳа бўйича фикрларини шеър билан баён этиш учун шахс қанчалик талантли ва юксак салоҳиятли бўлишини тасаввур қилиш ҳам қийин. Унинг насрий баёнини таниқли шоир ва аллома Мирзо Кенжабек тайёрлаган.

**Юқорида билдирилган фикрларимизга намуна сифатида “Закот китоби”га мурожаат қилайлик:**

*“Яна бир шарт, мулки том дурур,*
*Бил, нечук молға бу номдурур.*
*Мен санга дей, эшиткил, эй ҳамдам,*
*Бўлғай ул мулк-у, бўлғай илгида ҳам”.*

**Бу тўртликнинг насрий баёни қуйидагича:**

*“Яна бир шарт, тўлиқ мол бўлишидир. Билиб ол, қандай мол бу ном билан (тўлиқ мулк деб) аталади? Мен сенга айтайин, эй ҳамдам, эшит: у мулк мавжуд бўлиши билан бирга, эгасининг қўлида бўлиши шартдир” [6].*

Мана шу тўртликда баён этилган фикр ҳам Бобуршоҳнинг қанчалик буюк иқтисодчи эканлигидан далолат беряпти. Фараз қилинг, мулкинг бор, лекин турли сабабларга кўра, у сенинг ихтиёрингда эмас. Масалан, мулкинг бировга қарзга берилган, лекин қарздоринг бунга иқрор эмас, уни қайтиб

олишинг учун гувоҳинг ҳам йўқ. Демак, бундай мулкдан закот берилмайди. Бобурга қадар Ҳиндистон рожалари кишининг ўз ихтиёрида бўлмаган мулклардан солиқ олиш нотўғри эканлигини ҳатто билишмаган ҳам.

*Бу хирожингниким олурсен, бил,*
*Рафъи маҳсулдин кейин олғил.*

**Унинг насрий баёни:**

*(Эй хирож олувчи!) Бу оладиган хирожингни маҳсул (йиғиб) кўтарилгандан кейин олгил [7].*

Ўрта асрларда аксарият давлатларда қишлоқ хўжалиги экинларидан олинадиган хирож ҳосилнинг бўлган ёки бўлмаганлиги, у йиғиб олинганми ёки йўқми, бу ҳолатлардан қатъий назар, солиқ йиғувчилар томонидан йиғиб олинаверар эди. Бобур ўз давлатида аҳолини қийин аҳволга солиб қўядиган бундай ҳолатларга чек қўйган. Табиий офат ёки шу каби сабабларга кўра ҳосил нобуд бўлса, Бобур хирож олишни таъқиқлаган:

*Бу зироатга ё экин ерига,*
*Офате гар етушса ҳар бирига,*
*Ерда экин бу навъ бўлғонда,*
*Соқит ўлғай хирож ул онда.*

**Бу тўртликнинг насрий баёни:**

*“Бу зироатга ёки экин ерига – уларнинг ҳар бирига агар бир офат етса, ерда экин бу ҳолга учраганида у вақт хирож соқит бўлади” [8].*

Бобурнинг молия ва солиқ соҳасидаги хизматлари бу борадаги назарий масалаларни тадқиқ этиш билан чекланиб қолмаган. Тасаввур қилинг: Бобур Ҳиндистон учун ўзи яратган молия ва солиқ тизимларининг назарий асосларини ўзи амалиётга жорий этган! Бу Бобурнинг қанчалик буюк ва кенг қамровли шахс эканлигини кўрсатувчи ёрқин мисоллардан бири ҳисобланади.

Бобур давлати барпо этилгунга қадар Ҳиндистон ҳудудида ҳукм сурган ўнлаб катта-кичик давлатларнинг хазинани ташкил этиш, унинг даромадларидан фойдаланиш, солиқ сиёсати, солиқ тизими, солиқлар турлари ва уларни аҳолидан йиғиб олиш тартиботи бир - биридан кескин фарқ қилган. Ҳар бир рожаликнинг ўз солиқ сиёсати бўлган. Солиқларнинг турлари кўплиги, уларни йиғиб олишнинг тартиби қатъий эмаслиги ва солиқ миқдори жуда катта эканлигидан аҳоли қаттиқ қийналган [9].

Бобур Ҳиндистонда давлат хазинасини адолат тамойиллари асосида ташкил этиш бўйича кенг қамровли солиқ ислоҳоти ўтказган, бутун давлат миқёсида ягона солиқ тизимини яратиб, солиқлар миқдорини сезиларли даражада камайтирган. Авваллар ҳар бир рожанинг ўз қоидалари бўйича йиғиладиган солиқ ва йиғимлар Бобур даврида ягона исломий қоида ва тартибот асосида олинадиган бўлган.

Яъни Бобур ўз давлати ҳудудида ягона солиқ тизими ва бир хил солиққа тортиш тартибини жорий этган, солиққа тортишнинг муҳим манбаи бўлган экин ери майдонини ўлчаш тизимини такомиллаштирган ва аниқлаштирган.

Бобур солиқ сиёсати асосига адолат тамойиллари қўйилган. Чунки у табиатан ўта адолатли шахс бўлган. Масалан, у Афғонистонни босиб олганда барча тартиб-қоидалар бўйича аслида амакиси Абулқосим Бобурнинг мулки бўлган, лекин замонанинг зайли билан бошқалар тасарруфига ўтиб қолган боғни ўша пайтдаги боғ эгаларига пулини тўлаб сотиб олади. Афғонистонда юз берган бунга ўхшаган ҳодисалар Бобур ва Бобурийларнинг Ҳиндистондаги давлатчилик фаолиятида жуда кўп марта намоён бўлган.

Бобур салтанатида қуйидаги солиқ ва йиғимлар мавжуд бўлган - ер солиғи, савдо(тамға) солиғи, закот (мусулмонлар учун), жизья (мусулмон бўлмаган аҳоли учун), ўлпон тўловлари, туз солиғи, урушлардан олинадиган ўлжаларнинг бешдан бир қисми, танга зарб қилиш, мусодара қилинган эгасиз мол-мулк ва совғалар [10].

Булардан ташқари маҳаллий эҳтиёжлар учун ишлатиладиган солиқлар ҳам мавжуд бўлиб, уларни маҳаллий ҳокимият йиғиб олган (мазкур солиқлар “аҳбоб” деб аталган) [11].

Бобур камбағал аҳолига солиқлар бўйича катта имтиёзлар берган. Бунинг учун солиқлар миқдори енгиллаштирилган ҳамда солиқларнинг маълум қисмини бой-бадавлатлар давлатга эмас, бева-бечораларга беришган. Масалан, исломий қоидага кўра, “закот” солиғи муҳтож оилаларга тарқатилган. Бобур мусулмонлардан олинадиган “тамға” солиғини бекор қилган.

Бобурнинг давлатни бошқариш ва иқтисодиёт соҳасидаги фармон ва ҳукмлари Ҳиндистон иқтисодиётини ривожлантириш ва молиявий ҳамда ҳарбий аҳволини яхшилашга улкан ҳисса қўшган. Бобур халқаро иқтисодий алоқаларни ривожлантириш давлатнинг иқтисодий қудратини оширишнинг муҳим омили эканлигини яхши тушунган. Унинг бу хусусдаги қарашлари ҳам “Бобурнома”да атрофлича баён этилган.

Шу боис савдогарларга катта енгиллик ва имтиёзлар берилган. Савдо аҳлидан олинадиган солиқ ва йиғимлар миқдори мўътадил, адолатли ва ошкора бўлган. Сотиладиган маҳсулотлар миқдорининг ошиши солиқлар ҳиссасининг камайишига олиб келган ва савдо ривожига катта ижобий таъсир кўрсатган.

Хорижий савдогарларга бир қатор енгилликлар берилган. Агар савдогарлар ислом давлатларидан келган бўлсалар, даромадларининг 5 фоизи миқдорида солиқ тўлашган. Номусулмон давлатлардан келган савдогарлар эса ўз юртларида мусулмон савдогарлардан олинадиган миқдорда солиқ тўлашган.

Бобурнинг солиқ соҳасида бошлаганислоҳотларини унинг невараси Буюк Акбар (1556- 1605 йиллар) охирига етказган. У салтанатнинг барча халқларига нисбатан бир хил ва адолатли солиқ сиёсатини яратган. Акбар амалга оширган солиқ ислоҳоти натижасида ягона солиқ идоралари тизими ҳамда солиқларни тўғри ҳисоблаш мақсадида бир хил оғирлик ва миқдор ўлчов тартиби жорий этилган. У мусулмон бўлмаган аҳоли тўлайдиган “жизья” солиғи ва “жон солиғи”ни бекор қилган. Аввал натура шаклида олинган ва миқдори ҳосилнинг учдан бир қисмига тенг бўлган ер солиғини пул шаклида йиғиш тизимига ўтказган. Бу тадбирнинг аҳамияти жуда катта бўлган. Негаки, эндиликда солиқ тўлаш учун деҳқон маҳсулотини бозорда сотиши шарт бўлган. Бу эса ўз навбатида Ҳиндистонда товар-пул муносабатлари кескин ривожланишига ва иқтисодий ўсиш суръатларининг ошишига иқтисодий замин яратган.

Вазифалари аниқ белгилаб қўйилган ягона солиқ идоралари тизимининг яратилиши, солиқларни пул шаклида йиғишнинг жорий этилиши, солиқ йиғимлари миқдорининг аниқлиги, ҳисоб-китобларнинг пухталиги солиқчиларнинг бошбошдоқлигига чек қўйган. Бу тадбирлар солиқ йиғувчилар солиқларни ўғирлашига монелик қиладиган тизим яратишга асос бўлиб хизмат қилган. Аҳоли учун бу тадбирларнинг аҳамияти беқиёс бўлган. Негаки, аввалари, яъни юртларида ўз рожалари ҳукмронлик қилган даврларда, солиқ йиғувчиларнинг тартибсизликлари, солиқни белгиланган миқдордан кўп олиш, бир қисмини ўғирлаб қолиш ҳолатлари кўп юз берар ва бундан халқ қаттиқ азият чекарди.

У даврларда дунёнинг аксарият давлатлари иқтисодиётида деҳқончиликнинг ўрни жуда катта бўлган. Ҳиндистонда ҳам зироатчилик аҳолини боқадиган асосий манба бўлган. Лекин деҳқончилик жуда нозик ва олинажак ҳосил миқдори об-ҳавога боғлиқ бўлганлиги учун ҳосил баъзан етарли, айрим ҳолларда эса эҳтиёждан анча кам бўлиши оддий ҳол эди. Шу боис Буюк Акбар ҳосил яхши бўлмаган ва очарчилик даврида солиқ олмаслик имтиёзини жорий этган, муҳтож аҳолига зарур ҳолларда пул ва ғалла билан қарз бериш тартибини амалиётга киритган.

**ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР**

Ҳиндистон иқтисодиётини юксалтириш соҳасидаги кенг қамровли тадбирлар ва, айниқса, адолатли солиқ сиёсатини яратиш туфайли бобурийлар Ҳиндистон тарихида энг қудратли ва энг буюк салтанатни барпо этишган. Йирик ва обод шаҳарлар қуришган. Уларнинг аксарияти шу кунга қадар Ҳиндистонга кўрк бағишлаб турибди. Буюк сулола вакиллари барпо этган гўзалликда тенги йўқ саройлар, масжидлар, турли иншоот ва бинолар жаҳондан миллионлаб туристларни Ҳиндистонга жалб этиб келмоқда, боболаримиз барпо этган “Тож Маҳал” эса дунёнинг етти мўъжизасидан бири ҳисобланади. Улар маданият, фан ва санъатни шу даражада ривожлантиришганки, натижада Ҳиндистон бобурийлар даврида жаҳон цивилизациясининг энг йирик марказларидан бири мақомини янада юксалтирган.

Ҳинд халқининг буюк вакилларидан бири бўлмиш Жавоҳарлаъл Неру таъбири билан айтганда, “Бобур Ҳиндистонга келгандан кейин катта силжишлар юз берди ва янги рағбатлантиришлар ҳаётга, санъатга, архитектурага тоза ҳаво бахш этди, маданиятнинг бошқа соҳалари эса бир-бирларига туташиб кетди. ...Бобурнинг ҳинд халқига қилган энг катта хизмати шуки – у халқимизнинг руҳий-маънавий оламини кенгайтириб, уларни ўз кулбаларидан ташқарига қарашга, дунёнинг нақадар катта эканини англашга мажбур қилди” [12].

Ўз даврининг энг ривожланган ва қудратли иқтисодиётларидан бирини яратиш, буюклиги жиҳатдан жаҳон тамаддунининг фахрига айланган гўзал шаҳар ва иншоотларни барпо этиш, фан, санъат, адабиёт ва маданиятни ўз даврининг энг илғор даражасига олиб чиқиш жуда катта миқдорда пул маблағлари бўлишини тақозо этарди. Талаб этилган ҳажмдаги молиявий ресурсларни йиға олишда бобурийлар яратган адолатли солиқ сиёсати жуда катта рол ўйнаган. Улар ҳиндлардан йиққан солиқларни бошқа жойга ташиб кетишмаган, шу юрт ободончилиги учун сарфлашган. Буюк сулола тарқоқ, катта-кичик ўнлаб рожаликларни марказлашган ягона салтанатга бир-

лаштириб, мамлакат учун яхлит ва адолатли солиқ тизимини яратганликларининг яна битта ўта муҳим аҳамияти бўлган. Яъни бундай солиқ тизими бобурийлар сулоласининг Ҳиндистондай катта давлатни 332 йил мобайнида бошқаришларида иқтисодий таянч бўлиб хизмат қилган.

Буюк сулола яратган адолатли солиқ сиёсатининг моҳияти ва мазмуни айни кунда ҳам ўз аҳамиятини йўқотмаган. Бобурийлар давлатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши ва халқнинг турмуш даражасини ошириш учун солиқ сиёсати адолатли ва мўътадил бўлиши шарт эканлигини Буюк салтанатларида яна бир бор исботлаб беришди. Шу боис улар яратган солиқ сиёсатининг назарий ва амалий асосларидан, хулоса ва тавсияларидан бугун ҳам фойдаланиш мумкин, деб ҳисоблайман.

***Манба ва адабиётлар***

*1. Ҳасан Қудратуллаев. "Бобур салтанатида ижтимоий ҳимоя". "Ҳуқуқ ва бурч" журнали. 2015 йил 2-сон. 37-бет.*

*2. Ҳасан Қудратуллаев. "Бобурнинг мамлакат бошқаруви ва иқтисодиётига оид қарашлари". "Ўзбекистон овози" газетаси. 2011-йил 15-февраль.*

*3. З.М. Бобур. "Бобурнома".- Т.: Юлдузча, 1989.- 368 б.*

*4. "Мубайян" ва насрий баёни. "Рисолаи Волидиййа" асари назмий таржимаси ва шарҳи. Насрий баён ва шарҳлар муаллифи М.Кенжабек; масъул муҳаррир А.Мансур; - Т.: "SHARQ", 2014 . 448 бет.*

*5. Ўша ерда. 213 – 238-бетлар.*

*6. "Мубайян" ва насрий баёни, "Рисолаи Волидиййа" асари назмий таржимаси ва шарҳи. Насрий баён ва шарҳлар муаллифи М.Кенжабек; масъул муҳаррир А. Мансур; - Т.: "SHARQ", 2014 . 214 - 215-бетлар.*

*7. Ўша ерда. 236 – 237-бетлар.*

*8. З.М. Бобур. "Бобурнома".- Т.: Юлдузча, 1989.- 368 б. "Мубайян" ва насрий баёни, "Рисолаи Волидиййа" асари назмий таржимаси ва шарҳи. Насрий баён ва шарҳлар муаллифи М.Кенжабек; масъул муҳаррир А. Мансур; - Т.: "SHARQ", 2014 . 236- 237-бетлар.*

*9. А. Раззоқов. Иқтисодий тафаккур сарчашмалари. –Т.: Ўзбекистон, 2011. 164-171-бетлар.*

*10. Заҳириддин Муҳаммад Бобур энциклопедияси (қайта ишланган иккинчи нашр). /Таҳрир ҳайъати: А.Қаюмов ва бошқ. Бош муҳаррир: А.Аъзамов. – Т.: "Sharq" НМАК Бош таҳририяти, 2017. О.Олимжонов. 120–бет.*

*11. Ўша жойда. О.Олимжонов. 120-бет.*

*12. Жавоҳарлаъл Неру. "Дунё тарихига назар" асаридан. Рус тилидан Исажон Султон таржимаси. "Шарқ юлдузи" журнали, 1990 йил, 10-сон.*

**Бобурийлар солиқ сиёсатининг мазмуни ва аҳамияти**

**Одил Олимжонов,**
*иқтисод фанлари доктори, профессор,*
*Прогнозлаштириш ва макроиқтисодий тадқиқотлар институти бўлим бошлиғи*

**Аннотация:** *мақолада Бобурийлар сулоласининг Ҳиндистонда 332 йил ҳукмронлик қилишида улар бу юртда яратган адолатли солиқ сиёсатининг аҳамияти, мамлакатда янги солиқ тизимининг яратилиши, солиқларнинг турлари, уларни ҳисоблаш ва йиғиш, аҳолига берилган солиқ имтиёзлари ҳақида фикр юритилади.*

**Калит сўзлар:** *Бобур, Бобурийлар, Ҳиндистон, солиқ, солиқ сиёсати, адолатли солиқлар, солиқ турлари, солиқларни ҳисоблаш ва йиғиш, имтиёзлар, салтанат ривожида солиқларнинг аҳамияти.*

**Содержание и значение налоговой политики Бабуридов**

**Одил Олимжонов,**
*доктор экономических наук, профессор,*
*начальник отдела Института Прогнозирования и макроэкономических исследований*

**Аннотация**: *в статье рассматривается значение созданной династией Бабуридов справедливой налоговой политики вовремя их 332-летнего правления в Индии, формирование в стране новой налоговой системы, виды налогов, их исчисление и сбор, предоставление налоговых льгот для населения.*

**Ключевые слова:** *Бабур, Бабуриды, Индия, налоги, налоговая политика, справедливые налоги, виды налогов, расчет и сбор налогов, льготы, роль налогов в развитии империи.*

**Content and significance of the tax policy of the Baburids**

**Odil Olimjonov,**
*DSc (in Economics), Professor,*
*Head of Department, Institute for Forecasting and Macroeconomic Research*

**Abstract:** *the article discusses the importance of a fair tax policy created by the Baburid dynasty during their a 332-year rule in India, the formation of a new tax system in the country, types of taxes, their calculation and collection, and the provision of tax benefits for the population.*

**Keywords:** *Babur, Baburids, India, taxes, tax policy, fair taxes, types of taxes, calculation and collection of taxes, benefits, the role of taxes in the development of the empire.*

# 2019 год

**Лауреаты Нобелевской премии по экономике:**
**Награду получили трое ученых – Майкл Кремер,**
**Эстер Дюфло и Абхиджит Банерджи**



Майкл Кремер



Эстер Дюфло



Абхиджит Банерджи

**Нобелевскую премию по экономике получили экономисты Майкл Кремер, Эстер Дюфло и Абхиджит Банерджи за «экспериментальный подход в облегчении бедности». «Лауреаты этого года представили новый подход в поиске надежных ответов и лучших способов борьбы бедностью в мире. Подход предполагает, что эту проблему делят на более мелкие, более управляемые вопросы», – говорится в сообщении Шведской королевской академии наук, вручающей премию.**

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 26 мартдаги “Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги ҳамда унинг тизим ташкилотлари фаолиятини ташкил этиш тўғрисида"ги ПҚ-4653-сон қарорига биноан Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги ҳузуридаги Прогнозлаштириш ва макроиқтисодий тадқиқотлар институти тузилмасига ўзгартириш киритилди**

## ИНСТИТУТИНИНГ АСОСИЙ ВАЗИФАЛАРИ ВА ФАОЛИЯТ ЙЎНАЛИШЛАРИ ЭТИБ ҚУЙИДАГИЛАР БЕЛГИЛАНГАН:

- стратегик режалаштириш, макроиқтисодий ва ташқи иқтисодий фаолият индикаторларни яқин, ўрта ва узоқ муддатда прогнозлаштиришнинг илмий-амалий асосларини ишлаб чиқиш;
- иқтисодиётнинг барқарор ўсишини таъминлаш, унинг рақобатбардошлигини оширишга қаратилган фаол инвестиция сиёсатини амалга ошириш, унинг самарадорлигини баҳолаш, ўрта ва узоқ муддатли стратегияни ишлаб чиқиш услублари бўйича илмий таклифлар тайёрлаш;
- иқтисодиётнинг реал (саноат тармоқлари, агросаноат комплекси, инфратузилма ва логистика) секторидаги холатни ва таркибий ўзгаришларни баҳолашнинг замонавий индикаторларини ишлаб чиқиш ва прогнозлаштириш;
- асосий ижтимоий соҳаларни ислоҳ қилиш ва барқарор ривожлантириш, инсон капиталини яхшилашга қаратилган илмий асосланган чора-тадбирлар ишлаб чиқишда қатнашиш;
- камбағалликни қисқартириш ва уни мониторинг қилиш борасида аҳоли турмуш даражасини таҳлил қилиш ва прогнозлаштиришнинг замонавий услубларини амалиётга тадбиқ қилишда иштирок этиш;
- худудларнинг табиий-иқтисодий салоҳиятидан келиб чиққан ҳолда уларнинг нисбий устунликларини аниқлаш, ишлаб чиқариш кучларини жойлаштириш, худудлараро табақалашувни камайтириш, урбанизацияни фаоллаштириш бўйича илмий таклифлар ишлаб чиқиш.

## ИНСТИТУТГА ҚУЙИДАГИ ҲУҚУҚЛАР БЕРИЛГАН:

- давлат ва бошқарув органлари мутахассисларини илмий-тадқиқот муассасалари ходимларини, олий ўқув юртлари, шу жумладан ҳалқаро ва хориж ўқув юртлари олимлари ва ўқитувчиларини шартнома асосида, эксперт сифатида тадқиқотларга жалб этиш;
- халқаро ва амалий ҳамкорликни амалга ошириш, олим ва мутахассисларни хорижий мамлакатларга хизмат сафарига юбориш, хорижлик олимлар, халқаро жамоат, молия ва иқтисодиёт ташкилотлари вакилларини, хорижий фирмалар, банклар ва компанияларни таклиф қилиш ва қабул уюштириш;
- иқтисодий йўналишлар бўйича фалсафа доктори (PhD) ва фан доктори (DSc) илмий даражасини берувчи илмий кенгаш фаолиятини юритиш;
- белгиланган тартибда ноширлик ва полиграфия фаолиятини амалга ошириш, даврий нашрлар таъсис этиш;

## ИНСТИТУТДА ФАОЛИЯТ ЮРИТАДИ:

- макроиқтисодиёт, минтақавий иқтисодиёт ва саноат иқтисодиёти ихтисосликлари бўйича фан доктори (DSc) ва фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини берувчи илмий кенгаш;
- Олий аттестация комиссияси докторлик диссертацияларининг асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрлар рўйхатига киритилган «Иқтисодиёт: таҳлиллар ва прогнозлар» журнали;
- Камбағалликни қисқартириш ва аҳоли фаровонлигини ўрганиш илмий маркази.

**IQTISODIYOT: TAHLILLAR VA PROGNOZLAR**

100000, Тошкент ш., Навоий кўчаси, 30.
Тел.: (+998 71) 244-01-77. E-mail: info@ifmr.uz